

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2020 йил, 2 (45)-сон

Бош муҳаррир

Матлюбов Баходир Аҳмедович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи.

Масъул муҳаррир

Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович, ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Масъул котиб

Раззоқов Сардор Абдижабборович, ИИВ Академияси таҳририят-ноширлик бўлими бошлиғи.

Таҳрир хайъат аъзолари

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори;

Абдурасулова Қумриниса Раимқулловна, криминология кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Қабулов Рустам, жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;

Азизов Нигмон Пардаевич, давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент;

Сантбаев Тимур Ренатович, тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори;

Турсунов Ахтам Саломович, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Пулатов Бахтиёр Халилович, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг профессори, юридик фанлар доктори;

Джоробекова Арзигул Мамаюновна, Қирғизистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Ушбу сон муҳаррирлари

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина, В.Г. Кан,
И. И. Хувайтов, А. М. Курганов

Дизайнер ва саҳифаловчи М. Р. Ўринов

Таъсисчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-59.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлик ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга такриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Босишга рухсат этилди 26.06.2020.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2020.

ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Издается с 2010 года

Выходит четыре раза в год

2020 год, №2(45)

Главный редактор

Матлюбов Баходир Ахмедович, начальник Академии МВД Республики Узбекистан

Ответственный редактор

Мухамедов Уткирбек Хазраткулович, заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Ответственный секретарь

Раззаков Сардор Абдижабборович, начальник редакционно-издательского отдела Академии МВД

Редакционная коллегия

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, первый заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент;

Абдурашулова Кумриниса Раимкуловна, начальник кафедры криминологии, доктор юридических наук, профессор;

Кабулов Рустам, профессор кафедры уголовного и уголовно-исполнительного права, доктор юридических наук, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, начальник факультета послевузовского образования, доктор юридических наук, профессор;

Азизов Нигмон Пардаевич, начальник кафедры государственно-правовых дисциплин, доктор юридических наук, доцент;

Саитбаев Тимур Ренатович, профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности, доктор юридических наук;

Турсунов Ахтам Саломович, начальник кафедры профилактики правонарушений, доктор юридических наук, профессор;

Пулатов Бахтиёр Халилович, профессор Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук;

Джоробекова Арзигул Мамаюновна, заместитель начальника Академии МВД Кыргызской Республики, доктор юридических наук, профессор.

Редакторы номера

С. А. Раззаков, И. В. Солохина, В. Г. Кан,
И. И. Хувайтов, А. М. Курганов.

Дизайн и верстка М. Р. Уринов

Учредитель

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-59.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print», г. Ташкент, ул. Уста Ширин, проезд 1, д. 254.

Цена договорная.
Подписано в печать 26.06.2020.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2020.

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ДЕМОКРАТИЧЕСКОЕ ГОСУДАРСТВО И ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО

<i>Матчанов А. А.</i> Об особенностях уголовной и административной ответственности за нарушение избирательного законодательства в зарубежных странах и в Республике Узбекистан.....	5
<i>Расулова Н. С.</i> Сиёсий партиялар — сайлов жараёнининг муҳим субъекти.....	12
<i>Таджибаева Д. А., Кучкаров Т. Р.</i> Гарантии прав избирателей-осужденных: проблемы и решения.....	18
<i>Саидов С. Ш.</i> Ижтимоий-сиёсий фанларда инсон капитали масаласи.....	23

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

РЕФОРМЫ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

<i>Зиёдуллаев М. З.</i> Ички ишлар органлари тизимида бошқарув қарорлари: моҳияти, аҳамияти ва истиқболлари.....	27
<i>Азизов Э. У.</i> Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг ҳозирги аҳволи ва долзарб масалалари.....	31
<i>Боймуродов Б. С.</i> Ички ишлар органлари қидирув фаолияти самарадорлигини оширишнинг айрим муаммоли жиҳатлари.....	37
<i>Омонов У. Қ.</i> Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш.....	41

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ

ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

<i>Алиев Ш. Х.</i> Жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасида «шахсий қидирув»ни қўллаш хусусиятлари.....	46
<i>Рахимхўжаев Р. Н.</i> Тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаси ва моҳияти.....	51

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

УГОЛОВНОЕ ПРАВО

<i>Пайзиев Д. Ю.</i> Современные тенденции развития уголовной политики Республики Узбекистан.....	57
<i>Матёзов Ш. Ў.</i> Етиштирилиши тақиқланган экинларни ўстириш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифи.....	63

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССИ ВА КРИМИНАЛИСТИКА

УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС И КРИМИНАЛИСТИКА

<i>Рашидов Б. Н.</i> Айрим Осиё мамлакатлари қонунчилигида хусусий айблов институтининг белгиланиши.....	69
<i>Алланазаров О. Д.</i> Вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишни такомиллаштириш масалалари.....	76
<i>Югай Л. Ю.</i> Генезис дактилоскопии в системе криминалистической регистрации.....	83
<i>Умматов М. Т.</i> Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби, тактикаси ва унинг натижаларини расмийлаштириш масалалари.....	89

♦

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

<i>Умаралиев В. Э., Жамолдинов Х. Б.</i> Конституция — жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий асоси.....	97
<i>Турсоатов С. Х.</i> Одам савдосига қарши қурашиш соҳасидаги ислохотлар — инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишининг кафолати.....	103
<i>Джолдасова С. Дж.</i> Миллий ҳуқуқий тизимда миграция ҳуқуқининг шаклланиши: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.....	110
<i>Давлетов Ў. М.</i> Одил судловда шаффофлик ва ошқоралиқни таъминлаш.....	116

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЙ

<i>Вахидов А. С.</i> Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг барвақт профилактикаси (Қашқадарё вилояти мисолида).....	120
<i>Ахмедов Х. Э.</i> Ўғирлик жиноятлари профилактикасини такомиллаштиришда ички ишлар органларнинг тутган ўрни.....	128

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

<i>Умарханова Д. Ш.</i> Араб мамлакатларида экстрадиция масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби.....	133
<i>Юлдашев Дж. Х.</i> МДҲ давлатлари фуқаролик тўғрисидаги қонунлари айрим нормаларининг қиёсий таҳлили.....	141
<i>Қулматов Ш. А.</i> Хорижий давлатлар қонунчилигида жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик хусусиятлари.....	147

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ
ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО

<i>Селиманова С. М., Гоипов Ж. Ч.</i> Функции и полномочия органов государственной власти Республики Узбекистан, осуществляющих миграционное регулирование.....	153
---	-----

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ
АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО

<i>Махмудов Д. Д.</i> Мамлакатимизда суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни кўллаш ва суд амалиёти.....	157
---	-----

ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПСИХОЛОГИЯ СЛУЖЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

<i>Махмудова Ҳ. Т.</i> Юридик психолог касбий ваколатининг когнитив тузилмаси.....	162
--	-----

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ
ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ

<i>Курбанов Ш. О.</i> Проблемы совершенствования профессионально-прикладной физической подготовки курсантов Академии МВД Республики Узбекистан.....	171
<i>Джумабаев Ж. З.</i> Мудофаа қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари.....	176

*А. А. Матчанов**

ОБ ОСОБЕННОСТЯХ УГОЛОВНОЙ И АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НАРУШЕНИЕ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ И В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы уголовной и административной ответственности за нарушения избирательного законодательства в зарубежных странах и в Республике Узбекистан, проведен нормативно-правовой анализ некоторых аспектов применения уголовной и административной ответственности за нарушение избирательного права граждан.

Ключевые слова: выборы, право избирать, право быть избранным, избирательный кодекс, уголовная ответственность, административная ответственность, зарубежные страны.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Аннотация. Мақолада хорижий давлатларда ва Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик масалалари кўрилган, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик кўллашнинг айрим жиҳатлари норматив-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: сайлов, сайлаш ҳуқуқи, сайланиш ҳуқуқи, сайлов кодекси, жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, хорижий мамлакатлар.

ABOUT FEATURES OF CRIMINAL AND ADMINISTRATIVE LIABILITY OF INFRINGEMENT OF THE SELECTIVE LEGISLATION IN FOREIGN COUNTRIES AND IN REPUBLIC UZBEKISTAN

Annotation. In article questions of criminal and administrative responsibility for infringements of the selective legislation in world and Republic Uzbekistan foreign countries are considered, the is standard-legal analysis of some aspects of application of criminal and administrative liability of infringement of the suffrage of citizens is carried out.

Keywords: elections, the right to select, the right to be the selected works, the selective code, a criminal liability, administrative responsibility, foreign countries.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем выступлении на первом заседании Законодательной палаты Олий Мажлиса отметил: «Состоявшиеся выборы в Парламент и местные Кенгаши стали важным политическим экзаменом для Узбекистана, и наш народ достойно проявил себя в этом процессе.

В чем заключаются главные особенности прошедших выборов?

Прежде всего, выборы наглядно продемонстрировали растущие правосознание и политическую культуру нашего народа, все более утверждающиеся в обществе

**Матчанов Алимжан Атабаевич, профессор кафедры политико-правовых учений Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент.*

демократические принципы. Особую роль в этом сыграло их проведение на основе полностью отвечающего международным стандартам нового Избирательного кодекса под девизом «Новый Узбекистан — новые выборы»»[1].

Действительно, выборы показали перед всем мировым сообществом истинное состояние и уровень обеспечения и защиты политических прав и свобод человека в Узбекистане. Для того чтобы эти права были реализованы существует правовой механизм гарантии избирательного права посредством уголовной и административной ответственности. В этом отношении вызывает интерес анализ некоторых аспектов применения уголовной и административной ответственности за нарушение избирательного права граждан в зарубежных странах и в Республике Узбекистан.

Избирательное право зарубежных стран традиционно закрепляет ряд принципов, которые составляют основу международных стандартов избирательного права. За большой исторический срок проведения выборов в различных зарубежных странах принципы избирательного права претерпели значительные изменения и на современном этапе носят практически универсальный характер. Это — принципы всеобщности, равенства, прямого и тайного голосования [2, с. 9]. Они являются незыблемыми, и всякое их нарушения является основанием для административной и уголовной ответственности.

Нарушения избирательного права в той или иной форме происходят практически во всех странах мира. Соответственно наличию нарушений, в каждом отдельно взятом государстве создаётся собственная система административно и уголовной ответственности за нарушения на выборах. Однако во многом уголовное и административное законодательство, регулирующее сферу избирательных прав, едино для всех стран.

Зарубежное избирательное право включает в себя порядок организации и проведения выборов в конкретных государствах, порядок подсчета голосов и обнародования результатов выборов, осуществление контроля за ходом голосования при выборах представительных органов власти, некоторых органов государственной власти и должностных лиц, органов местного самоуправления и др. [3, с. 6].

В зависимости от правовой системы в различных странах имеются свои особенности форм ответственности за нарушения избирательного законодательства. Так в странах входящих в романо-германскую правовую семью, по классической схеме юридическая ответственность делится на административную и уголовную. Эти государства составляют большинство, куда входят страны СНГ, континентальной Европы, Азии, Африки и Латинской Америки. Формальным признаком для разграничения данных видов ответственности выступает уголовная или административная законодательная норма. При этом наиболее часто применяемым видом наказания за нарушения избирательного законодательства выступает штраф, как мера материальной ответственности.

Следует отметить, что современное избирательное законодательство зарубежных стран постоянно совершенствуется и модернизируется. Одна из основных его особенностей — усложнение норм избирательного права, более широкий диапазон их применения, более четкая и систематизированная система их государственной защиты и ужесточение санкций за их нарушение или неисполнение [2, с. 13].

В качестве примера можно привести Федеративную Республику Германия, где ответственность за нарушения избирательного права проявляется в четком делении на административную и уголовную ответственность. Уголовный кодекс ФРГ предусматривает несколько составов за нарушения в сфере избирательного

законодательства: воспрепятствование осуществлению избирательного права, фальсификация результатов выборов, фальсификация документов, относящихся к выборам, нарушение тайны выборов, насильственное воспрепятствование осуществлению избирательного права, обман и подкуп избирателей [4, с. 69].

Меры уголовно-правового и административного характера предусмотрены в Избирательном кодексе Франции для тех, кто попытается нарушить ход голосования. Это может выражаться как в распространении дезинформации и клеветнических слухов в целях искажения волеизъявления избирателей, так и в насильственном проникновении на избирательные участки. Так, согласно ст. L.97, лицо, которое путем дезинформации, распространения клеветнических слухов или с помощью других мошеннических средств попытается воздействовать на голосование избирателей, исказить его, побудить одного или нескольких избирателей воздержаться от голосования, будет наказано лишением свободы на срок от одного месяца до одного года и штрафом от 360 до 20 тыс. франков [4, с. 87].

Скандинавские страны, также входящие в романо-германскую правовую семью, предусматривают несколько составов, связанных с совершением преступления во время проведения выборов. Уголовное законодательство за преступления, связанные с воспрепятствованием проведения выборов, искажением результатов выборов, предусматривает лишение свободы. Других альтернативных видов наказания за подобные преступления нет.

Государства, входящие в англосаксонскую правовую семью, имеют особенность, связанную с определяющей ролью судебного прецедента, практика применения которого имеет значение, как источник права. Это обстоятельство оказывает существенное влияние на избирательное законодательство, которое получило высокую степень процессуальной регламентации. Избирательное право стран англосаксонской правовой семьи имеет сложную структуру и основывается на прецеденты (казусы).

Англия, Шотландия, Уэльс и Северная Ирландия, входящие в состав Великобритании, а также Ирландия и отчасти США, Канада, Австралия, ЮАР и Новая Зеландия (Британское содружество) являются представителем данной правовой семьи. В этих странах трудно разделить избирательные нарушения на преступления и правонарушения, имеющие административный или уголовный характер, ввиду отсутствия отраслевого деления. Поэтому любое противоправное действие по их законодательству следует рассматривать в контексте нарушения, за которое следует юридическая ответственность, не выделяя при этом теоретический характер ответственности. Учитывая, что постоянных органов, организующих выборы и способных рассмотреть избирательные споры, в этих странах нет, единственной возможной инстанцией для рассмотрения жалоб являются суды общей юрисдикции [4, с. 47–48].

Правонарушения, имеющие административный и уголовный характер, совершение которых возможно в ходе избирательной кампании, содержатся в нормативно-правовых актах, регулирующих выборы. Наряду с большим количеством составов правонарушений, избирательное законодательство предусматривает высокий размер компенсации за ложное, неправомерное обвинение лица в совершении избирательного правонарушения, если оно не смогло при этом реализовать свое конституционное право на участие в выборах. Предусматривается ответственность за следующие нарушения: незаконное установление номера на бюллетене, сообщение незаконной информации на участке, препятствия избирателю в момент проставления отметок, получение информации о факте голосования определенными избирателями, получение

информации о выборе того или иного избирателя, нарушение тайны почтового голосования, демонстрация своего бюллетеня.

Под нормы об ответственности попадает то лицо, которое склоняет избирателя к демонстрации бюллетеня или сообщению о своем выборе. В ряде случаев ответственность может применяться к избирателю непосредственно, который явно и провокационно постарается раскрыть тайну своего голосования умышленно с целью получения общественного резонанса.

В сущности, юридическая ответственность в странах англосаксонской правовой семьи заключается в основной, решающей роли суда, который разрешает все споры, независимо от подразделения ответственности на определенные виды. Следует отметить, что даже организационные проблемы разрешаются в судебном порядке, которые в странах романо-германской правовой семьи рассматриваются организаторами выборов.

В законодательстве ряда стран появились нормы ответственности за новые составы правонарушений, в частности, за т.н. «угодничество», которое включает в себя организацию за счет кандидата обедов и развлекательных мероприятий для избирателей с целью получить их голоса на выборах. Кроме того, законодательные нормы расширили понятие «давление на избирателей», включив сюда не только применение или угрозу применения силы в отношении избирателя, но и другие формы воздействия. Нарушением избирательного законодательства признается и организация перевозки избирателей к месту голосования и обратно.

Так, согласно Закону «Об осуществлении политических прав», действующего в настоящее время в Египте, наказанию в виде тюремного заключения или штрафа в размере 500 египетских фунтов будет подвергнут тот, кто «предоставляет, предлагает или способствует получению выгод какому либо лицу для него лично или для третьих лиц, чтобы принудить кого-либо проголосовать определенным образом или воспрепятствовать ему проголосовать определенным образом, а также тот, кто получает или требует выгод любого рода для себя или для третьих лиц» [2, с. 17–18].

Тенденции развития избирательного законодательства в зарубежных странах показывает, что нормы определяющие уголовную и административную ответственность за нарушения избирательного права в будущем должны формировать сознание граждан о неотвратимости наказания, который воспринимается как правовой принцип. При этом следует отметить, что юридическая ответственность за нарушение избирательного законодательства является публично-правовым средством обеспечения интереса в правопорядке при реализации гражданами избирательных прав. Под юридической ответственностью в публично-правовой сфере понимается установленная законом обязанность правонарушителя ответить за совершенное им правонарушение перед государством и претерпеть действие санкций в виде определенных правоограничительных мер, которые применяются к нему соответствующими юрисдикционными органами.

Проанализировав зарубежный опыт, логично рассмотреть особенности уголовной и административной ответственности в Республике Узбекистан. Эти нормы определяют данные виды ответственности за нарушение избирательного законодательства страны и основываются на общепризнанных нормах международного права и схожи с положениями законодательства развитых демократических государств.

За нарушения избирательного права определена уголовная ответственность в статьях 146 и 147 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. В соответствии с ними совершение таких действий, как нарушение законов об организации и проведении

выборов или референдума, воспрепятствование реализации избирательных прав или полномочий доверенных лиц, влечет за собой уголовно-правовую ответственность. Наряду с этим уголовная ответственность возникает и при совершении таких действий, как воспрепятствование путем насилия, угроз, обмана или подкупа свободному осуществлению гражданами права избирать или быть избранными, осуществлению доверенными лицами кандидатов в депутаты или кандидатов в Президенты Республики Узбекистан их полномочий.

Лица, виновные в нарушении законодательства о выборах, несут ответственность в установленном порядке. В день выборов и за день до начала голосования запрещается опубликование (обнародование) результатов опросов общественного мнения, прогнозов результатов выборов, иных исследований, связанных с проводимыми выборами, в том числе их размещение в информационные сети, а также всемирную информационную сеть Интернет [5].

В годы независимости в нашей стране в рамках либерализации и модернизации всех сфер жизни государства и общества создана современная избирательная система, отвечающая демократическим требованиям. Сформирована правовая база, которая обеспечивает гарантии свободного волеизъявления граждан в соответствии с общепризнанными международными нормами и принципами, право каждого гражданина избирать и быть избранным в представительные органы государственной власти. Созданы правовые механизмы обеспечения открытости и гласности в избирательном процессе. Характерно при этом, что национальное избирательное законодательство постоянно совершенствуется.

Из поправок, внесенных в Конституцию, Парламент страны внес изменения и дополнения и в ряд законов с целью их совершенствования.

В частности, Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности дополнен новой главой VI «Административная ответственность за правонарушения в области организации и проведения выборов и референдума». Четкое определение ответственности за правонарушения, связанные с несоблюдением избирательного законодательства, способствует более полной реализации принципа свободы выбора, дальнейшей демократизации национальной избирательной системы, укреплению принципов открытости и гласности. В охране прав граждан, в том числе и избирательного права важную роль играют органы внутренних дел, которые отвечают за общественный порядок во время проведения выборов [4].

Согласно Кодексу об административной ответственности основаниями для привлечения к ответственности являются такие действия, как нарушение прав кандидата в депутаты или Президенты Республики Узбекистан, доверенного лица, наблюдателя или уполномоченного представителя политической партии, нарушение условий и порядка проведения предвыборной агитации, агитации по вопросам, вынесенным на референдум. Действия, связанные с обнародованием заведомо ложных сведений о кандидате или политической партии с целью воздействия на результаты выборов, также влекут за собой применение мер административной ответственности.

Как известно, в соответствии с законодательством о выборах избирательные комиссии в рамках своих полномочий независимы от органов государственной власти, общественных объединений, политических партий и должностных лиц. Самостоятельность в деятельности избирательных комиссий имеет очень важное значение для организации выборов на основе принципов законности, справедливости и предоставления всем участникам равных условий. Несоблюдение этих принципов на практике может нанести серьезный урон демократической сути выборов.

Вмешательство в деятельность избирательных комиссий влечет за собой

меры административной ответственности в отношении должностных лиц. Такое правонарушение выражается в совершении действий, когда должностное лицо, пользуясь своим служебным положением, пытается побуждать избирательную комиссию к принятию и непринятию какого-либо определенного решения.

Известно, что решения, принимаемые Центральной избирательной комиссией в пределах ее полномочий, являются обязательными для окружных и участковых избирательных комиссий, для государственных органов, политических партий и других негосударственных некоммерческих организаций, предприятий, учреждений и организаций. Точно так же решения областных, районных и городских избирательных комиссий, принятые в пределах их полномочий, обязательны для исполнения нижестоящими избирательными комиссиями, а также всеми государственными органами, политическими партиями и другими общественными объединениями, трудовыми коллективами и воинскими частями, руководителями предприятий, учреждений и организаций.

Неисполнение должностными лицами решений избирательных комиссий, принятых в пределах их полномочий, влечет по отношению к ним административную ответственность. Здесь необходимо обратить внимание на то, что административная ответственность возникает в результате неисполнения именно решений избирательных комиссий, принятых ими в пределах своих полномочий, и решений, связанных с организацией выборов.

В соответствии со статьей 513 Кодекса об административной ответственности неправомерный отказ в рассмотрении обращений избирательных комиссий и нарушение без уважительных причин сроков их рассмотрения также станут причинами привлечения должностных лиц к ответственности.

Нарушение прав кандидата в депутаты или в Президенты Республики Узбекистан, доверенного лица, наблюдателя или уполномоченного представителя политической партии, являющихся специальными участниками выборного процесса, в национальном законодательстве отнесено к разряду правонарушений, влекущих за собой административную ответственность.

Необеспечение создания равных условий при предоставлении помещений для проведения встреч с избирателями также рассматривается как нарушение прав зарегистрированного кандидата, доверенного лица, наблюдателя или уполномоченного представителя политической партии. Это становится основанием для применения вышеуказанных мер административной ответственности.

Запрещается также опубликование или распространение иными способами заведомо ложных сведений о кандидате в депутаты, в Президенты Республики Узбекистан или о политической партии с целью воздействия на результаты выборов. Такие случаи отвлекают избирателей, препятствуют их полному волеизъявлению за счет лишения права на получение достоверной информации.

Умышленное уничтожение или повреждение информационных и агитационных материалов считается формой нездоровой конкуренции. Эти действия не только направлены против конкретного кандидата в депутаты, кандидата в Президенты Республики Узбекистан или политической партии, но и препятствуют свободному осуществлению гражданами своих избирательных прав. А значит, уничтожение материалов предвыборной агитации или их повреждение путем записи и рисования на них, покраски, внесения отвлекающих неверных исправлений в тексты этих материалов приводит к административной ответственности.

В случае выявления административных правонарушений, протокол могут

составлять члены Центральной избирательной комиссии и члены соответствующих окружных избирательных комиссий. Основанием для составления протокола служат заявления наблюдателей от участвующих в выборах политических партий, уполномоченных представителей и доверенных лиц кандидатов, обращения участковых избирательных комиссий, заявления граждан, сообщения предприятий, учреждений, организаций, общественных объединений и должностных лиц, а также средств массовой информации. А в случае совершения правонарушения членами избирательной комиссии протокол составляется членами вышестоящей избирательной комиссии. Установлено, что протокол вместе с другими документами и вещественными доказательствами по делу должен быть направлен составившим его лицом в соответствующий районный (городской) суд по уголовным делам в течение суток с момента совершения или выявления правонарушения.

Таким образом, правовой анализ международных стандартов по избирательному праву относительно правовой регламентации уголовной и административной ответственности за нарушение избирательного законодательства в зарубежных странах и в Республике Узбекистан способствует реализации избирательного права, полной реализации принципа свободы выбора, дальнейшей демократизации избирательной системы, укреплению принципов открытости, гласности выборов.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. URL: <http://parliament.gov.uz/ru/events/other/29870/>
2. Современное зарубежное избирательное право: Монография / А. Г. Орлов, Ю. И. Лейбо, Е. Я. Павлов и др.; под ред. А.Г. Орлова, Е.А. Кремянской. — М.: МГИМО, 2013. — 336 с.
3. Зарубежное избирательное право: Учебное пособие / А. С. Автономов, Ю. А. Веденеев, В. И. Лысенко и др.; науч. ред. д.ю.н. В. В. Маклаков. — М.: Норма, 2003. — 288 с.
4. Ответственность за нарушение избирательных прав граждан в законодательстве зарубежных стран / И. С. Власов, Н. А. Голованова, С. П. Кубанцев и др.; отв. ред. Ю. А. Веденеев. — М.: Норма, 2005.
5. Национальная база данных законодательства, 26.06.2019 г., № 03/19/544/3337

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР — САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ СУБЪЕКТИ

Аннотация. Мақолада сайлов ва овоз бериш тарихи, Ўзбекистонда сайлов тизимининг шаклланиши, сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилиши тадқиқ этилган, партияларнинг сайлов жараёнларидаги фаолияти ва мақсади ёритилган. Янги қабул қилинган Сайлов кодекси ва ундаги янгиликлар, Ўзбекистон сиёсий партияларининг электорати, 2019 йилда ўтган сайлов жараёнидаги ижобий ўзгаришлар батафсил таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: сиёсий партиялар, сайловлар, давлат ҳокимияти, овоз бериш, сайлов тизими, депутат, электорат, сайлов кампанияси, тарғибот-ташвиқот.

ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПАРТИИ — ВАЖНЫЙ СУБЪЕКТ ПРОЦЕССА ВЫБОРОВ

Аннотация. В статье исследуется история выборов и голосования, формирования системы выборов в Узбекистане и проведения выборов на многопартийной основе, раскрываются деятельность и цели партий в процессе выборов. Подробно анализируются новый Кодекс о выборах и его новеллы, электорат политических партий Узбекистана, положительные изменения в процессе выборов 2019 г.

Ключевые слова: политические партии, выборы, государственная власть, голосование, избирательная система, депутат, электорат, избирательная кампания, пропаганда.

POLITICAL PARTIES ARE AN IMPORTANT SUBJECT OF THE ELECTION PROCESS

Annotation. The article examines the history of elections and voting, the formation of the election system in Uzbekistan and the conduct of elections on a multi-party basis, reveals the activities and goals of parties in the election process. The new Election Code and its novelties, the electorate of political parties in Uzbekistan, positive changes in the 2019 election process are analyzed in detail.

Keywords: political parties, elections, state power, voting, electoral system, deputy, electorate, election campaign, propaganda.

Умумхалқ сайловлари орқали давлат ҳокимияти органларини шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Сайлов — халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг негизи ҳисобланувчи улкан ижтимоий-сиёсий тадбир.

Маълумки, сайлов — кишилиқ жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиши маҳсули, давлат ва жамиятнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадида жорий этилган институтдир. Бугунга келиб, жаҳондаги деярли барча мамлакатларда (мутлақ монархия бошқарувига эга бўлган мамлакатлар бундан мустасно) давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш билан боғлиқ демократик сайловлар сиёсий тизимнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди.

**Расулова Нодира Сардаровна, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти доценти, тарих фанлари номзоди.*

Демократик давлатларда давлат ҳокимиятининг халқ томонидан бевосита (умумхалқ сайлови орқали) шакллантирилиши; халқнинг давлат ҳокимияти бошқарувида бевосита (сайлов, референдум орқали) ёки билвосита (Президент, парламент, маҳаллий кенгашлар орқали) иштирок этиши; давлат ҳокимиятининг халқ томонидан назорат қилиниши жараёнлари давлат ҳокимиятининг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

В. П. Пугачев ва А. И. Соловьёвнинг фикрича, сайлов — муайян қоидалар ёрдамида фуқаролар сиёсий иродасини баён этиш орқали ҳокимият ва бошқарув органларини шакллантириш усули [1, 404-б.].

Сайлов овоз бериш орқали давлат ҳокимияти ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш воситасидир. Миллат ва элатлар, уларнинг тили ва маданияти сингари, сайловлар ҳам тарихий тараққиётнинг объектив қонуниятлари асосида вужудга келган. Миллоддан аввалги VI–IV асрларда Афина, Рим ва Юнонистонда, Марказий Осиёда эса Довон давлатида сайловлар бўлиб турган. Албатта, бу даврдаги сайловлар содда шаклда бўлиб, муайян гуруҳлар ўртасида ўтказилган. Айтайлик, жамиятнинг обрўли кишилари, худди қабила ўз оқсоқолини сайлаганидек, ўзига раҳбарларни танлаш ҳуқуқига эга бўлганлар [2, 127-б.].

Масалан, Қадимги Юнонистонда овоз беришнинг очиқ ҳамда яширин шакллари қўлланилган. Овоз бериш жараёнида хайрихоҳликни билдириш учун — оқ, қаршиликни англатиш учун қора ловиялардан фойдаланилган. Қадимги Римда сайловолди жараёнлари сайлов кунидан анча аввал бошланган. Номзод ҳокимият идорасига сайланиш истагини билдиргач, сайлов кампанияси бошланган. Бу куйидаги кўринишда бўлган: номзод тоза виждон рамзи бўлган оппоқ кийим кийган, сўнгра майдон ва бозорларга бориб, сайловчилардан қўллаб-қувватлашларини сўраган. Сайлов куни ҳар бир сайловчига кичкина тахтача берилган. Сайловчи унга номзоднинг исмини ёзиб, кутига ташлаган.

Аммо бу даврларда ҳали ҳозиргига ўхшаш сайлов тизими шаклланмаган. Мажлисида овоз бериш орқали билдирилган халқ иродаси қонун кучига эга бўлган [3].

Сайловнинг мазкур содда шакллари асрлар ўтиб бугунги демократик сайлов тизимининг негизини ташкил этган. Сайлов тизимининг янги демократик принциплари, ҳуқуқий асослари шаклланди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам сиёсий ислохотлар натижасида миллий сайлов тизимига оид миллий сайлов қонунчилиги, сайлов принциплари, кўппартиявийлик тизими, марказий, ҳудудий, округ ва участка сайлов комиссиялари тизими, сайлов ҳуқуқи маданияти, кузатувчилар институти каби асосий институтлар шаклланди.

Ўзбекистонда сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Маълумки, сайлов даврида сиёсий партияларнинг ҳар бир номзоди ғалаба қозонишга ҳаракат қилади, ҳаётга кучлироқ таъсир кўрсатишга, ўз дастурининг мақсад ва вазифаларини халққа етказишга интилади. Номзодлар ўртасида рақобат юзага келади. Сайловчи танлов орқали нафақат ўз номзодига, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз беради, унинг ғояларига ишонч билдиради. Шу боис сайлов сиёсий партиялар учун жуда муҳим сиёсий имтиҳон вазифасини ўтайди.

Сайлов натижасида қайси партиянинг мақсади, дастури ва вазифалари халқчил эканлиги, Ўзбекистон халқи қайси партияни кўпроқ қўллаб-қувватлаши аён бўлади. Сайловда иштирок этиб, етарли овоз йиға олмаган партиялар учун эса келгуси фаолиятининг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиб, ўзлари учун хулосалар чиқариш имкони берилади.

Демократик мамлакатларда партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва сиёсий қарорлар қабул қилинишида тобора муҳим омилга айланди.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига кўра, «сиёсий партиялар сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш» каби ҳуқуқларга эга. Партияларнинг энг муҳим мақсади — ижтимоий қатламлар манфаатларини сиёсий тизимда ифода этишдир. Партиялар турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг манфаатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш орқали давлат билан жамият ўртасида боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажаради, шу билан бир вақтда жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди [4, 98-б.].

Ҳозирги вақтда миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини ва умум эътироф этган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базаси шаклланди. Хусусан, 2019 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекс орқали жамиятдаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланган — сайловларнинг ҳуқуқий асослари кодификацияланди.

Сайлов кодексига кўра, 2019 йилда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган 15 депутатлик квотаси бекор қилинган, 150 та ўрин учун барча партиялар тенг кураш олиб бордилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, «миллий қонунчилигимизда бўлажак сайловларда депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан илгари сурилиши қатъий белгилаб қўйилгани ҳар бир партиёга қатга ҳуқуқ ва имконият бериши билан бирга юксак масъулият ҳам юклайди» [5].

Парламент учун курашиш, унда кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаш сиёсий партияларнинг асосий мақсадларидандир. Чунки умумхалқ сайловларида шаклланган парламентда сиёсий партияларнинг вакиллари (депутатлар) кўпчиликни ташкил этса, қонунчилик фаолиятида иштирок этиш орқали ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, Бош вазир лавозимига номзод тақдим этиш имкониятига эга бўладилар.

Сиёсий партиялар жамиятнинг энг фаол, мақсади, фикрлари муштарак бўлган мамлакат фуқароларининг муайян қисмини ўз сафида бирлаштирган ва сиёсий ҳокимият учун курашадиган сиёсий ташкилот эканлиги билан фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ажралиб туради.

Бугунги кунда республикамизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси (1991 йил), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (1995 йил), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (1995 йил), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (2003 йил), Ўзбекистон экологик партияси (2019 йил) фаолият юритмоқда. Ҳар бир сиёсий партия жамиятнинг маълум бир табақаси манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Ҳокимият учун кураш, сайловолди дастурини бажариш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда бевосита ёки билвосита иштирок этиш сиёсий партияларнинг асосий вазифаларидан саналади.

Ҳар бир сиёсий партия электоратнинг ишончи ва ҳурматини қозониш учун курашишга, сайловчилар хоҳиш-иродасини ифодаловчи дастурий мақсадларни

илгари суришга, парламентда кўпчилик ўринни эгаллашга, жамиятнинг юксалиши ва янгилиниши йўлида янги таклиф ва ечимларни тақдим этишга интилади.

Сиёсий партиялар асосан сайлов жараёнининг икки босқичида, яъни номзодларни кўрсатиш ва сайловолди тарғибот-ташвиқот босқичларида фаол иштирок этадилар. С.А.Авакьян ва М.В.Прохоровнинг фикрича, айнан шу босқичларда сайлов институти ва сиёсий партияларнинг сайлов функциялари тўлалигача ўз аксини топади [6, 23-б.].

Партиялар ўз сафларига имкон қадар фаол, билимли, фидойи кадрларни жалб қилсалар, ўз дастурларида белгилаган мақсадларига эришиш имкониятлари янада ошиб боради. Шу сабабли ҳам сайлов даврида депутатликка номзодларни кўрсатиш жараёнида сиёсий партиялар номзодларни танлаш ва кўрсатиш жараёнида ҳар бир номзодга алоҳида масъулият билан ёндашишлари талаб этилади. В.Н.Даниленко ҳам «бу жараёнда «давлат машинасининг асосий ричагини» қайси шахслар эгаллаши белгиланади», деб тўғри фикр билдирган [7, 157-б.].

Сиёсий партиялар янада фаоллашуви учун, авваламбор, улар халқ ишончини қозонишлари, ўзлари ҳақида ижобий ижтимоий фикр шакллантиришлари зарур. Партия электоратсиз, электорат ортида турувчи халқнинг кўмагисиз, фақат ўз аъзоларига суянган ҳолда ҳеч нима қила олмайди.

Ҳозирги вақтда республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг электорати қуйидагича:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати — давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари (пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори турмуш кечирishi учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, кўп болали аёллар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари, меҳнат билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган инсонлар, жумладан, меҳнат бозорига энди киритиб келаётган таълим муассасалари битирувчилари, доимий иш жойи ва барқарор даромадга эга бўлмаган кишилар, ички ва ташқи меҳнат мигрантлари);

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси электорати — малакали мутахассислар, бюджет соҳалари ходимлари, педагоглар, шифокорлар, инженер-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳаси меҳнаткашлари;

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси электорати — зиёлилар, шу жумладан, илм-фан ва таълим, маданият, санъат ва ахборот соҳаси ходимлари, келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар, олимлар, тарбиячи ва ўқитувчилар, ижодкор ва санъаткорлар, спортчилар, туризм, хунармандчилик ва халқ таъбири соҳаси вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, шунингдек «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари», деган устувор ғояни қўллаб-қувватловчи ватанпарвар ва бунёдкор халқимиз вакиллари;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати — мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар ҳамда ўз тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш эвазига халқ фаровонлигига эришишга ҳаракат қилаётган ижодкор ва олимлар;

Ўзбекистон экологик партияси электорати — экологлар, биологлар, химиклар, геологлар, ирригаторлар, аграр соҳа вакиллари, тиббиёт ходимлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, экологик барқарорликни таъминлашга бефарқ бўлмаган барча фуқаролар [8].

Сайловда сиёсий партияларнинг ўз сайловолди платформалари асосида иштирок этиши мамлакат тараққиётининг бош мезони саналади. Партия сайловолди дастурида илгари

сурилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувлар давомида аҳолини ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиш ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар тақдим этиб бориш унинг халқ орасидаги нуфузини янада оширади.

Партиялар ўз функцияларини амалиётда бажаришларининг асосий усули — сайлов кампанияси даврида партия вакиллари давлатнинг қонун чиқарувчи органларига сайланишлари учун ўз номзодларини кўрсатиш. Ўз номзодлари сайланишига эришиш учун партия фаоллари аҳолининг кўпчилик қисмини ўз томонига оғдириши, сайловчилар ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориши лозим. Айниқса, бу даврда жамоатчилик фикрига таъсир қилиш қобилятига эга бўлиш партиянинг энг асосий мақсадидир. Аввалги сайловларда депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан бошланадиган сайловолди ташвиқоти сиёсий партиялар томонидан асосан анъанавий тарғибот воситалари — телевидениедаги ахборот дастурлари, сиёсий партияларнинг матбуот нашрлари орқали олиб борилган бўлса, бу йилги сайловолди тарғиботида омма олдида очик мунозаралар, матбуот анжуманлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш, интернет (асосан ижтимоий тармоқлар) орқали ҳам амалга оширилди.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, сиёсий партиялар ўзининг келажакка қаратилган сиёсати, дастури, мафкураси, фаолият йўналишларини тушунарли ва аниқ тарзда аҳолига етказа олиши — партиянинг сайловда ғалабага эришишининг қафолатларидан биридир.

Бу йилги сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартибининг бекор қилинганлиги жамиятда сиёсий партияларнинг ролини янада оширди. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, «ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади» [5].

2019 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар қатор ўзига хосликлари билан ажралиб турди. Жумладан:

— Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилди;

— депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялардан кўрсатилди;

— Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди;

— сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби жорий этилди;

— ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланди;

— овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир нечта белгилардан (+, √, X) бирини кўйиш имкони берилди.

Шунингдек, сайлов кампанияси доирасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта сайловларга қабул қилинган сиёсий партиялар мамлакатнинг кўп жойларида ўз тарафдорлари билан тинч митинглар ва юришлар ўтказишни бошладилар. Митинглар сайловолди ташвиқотига ва улар учун овоз беришга бағишланди, баъзи партиялар коррупция, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва бошқаларга қарши митинглар ўтказдилар.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта, сайловолди ташвиқоти пайтида, иштирок этаётган партиялар раҳбарлари ва фаоллари, шунингдек бошқа номзодлар орасида оммавий баҳс-мунозаралар — дебатлар бошланди. Улар Ўзбекистондаги қатор телеканалларда жонли эфирда кўрсатилди. Жамоатчилик муҳокамаси аҳоли ва сиёсатшунослар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган ушбу сиёсий дебатлар сайловларни демократлаштириш ва номзодларнинг ўз фикрларини эркин ифода этиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири сифатида баҳоланди.

Шунингдек, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Сайловни кузатувчилар миссияси сайлов ва сайловолди жараёнидаги гендер тенглиги масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Парламентнинг сўнгги чақириғида (2014 йилдаги сайлов натижаларига кўра) аёллар Қонунчилик палатасининг 24 нафар (16 %) аъзосини ташкил этган бўлса, 2019 йилги сайловда сиёсий партиялар номзод қилиб кўрсатган жами 310 нафар (41 %) аёлнинг 48 нафари (32 %) депутат этиб сайланди. Бу натижалар, яъни икки баробар ўсиш суръатлари ушбу комиссиянинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди, аммо аёл номзодларнинг сайловолди ташвиқотига алоҳида эътибор бериш ва имкониятлар яратиш кераклиги ҳам таъкидлаб ўтилди [9].

Хулоса қилиб айтганда, эркин ва адолатли сайловлар мамлакатни демократлаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Фуқаролик жамиятини жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демократик давлат эса партияларнинг сайловдаги кураши орқали барпо этилади. Аҳолининг аксарияти манфаатларини кўзлайдиган ва ушбу манфаатларнинг амалга ошиши учун тўғри йўлни кўрсата оладиган сиёсий куч давлат тепасига келганида демократик давлат қарор топади.

Жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ўсиши уларнинг давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларини таъминлашдаги аҳамияти, шунингдек давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги иштироки қамровининг ортишида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Пугачев В.П., Соловьёв А.И.* Сиёсатшуносликка кириш. — Т.: Янги аср авлоди, 2004.
2. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти / Ш.О. Мамадалиев, М.Т. Тожибоев, С.Н. Бердикулов ва бошқ. — Т., 2011.
3. Из истории выборов. — URL: <http://krkrub.kubannet.ru/navig/page/59/message/423>
4. *Қудратхўжаев Ш.* Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истикболлари. — Т., 2007.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак (22.08.2019) // www.president.uz/uz/lists/view/2819
6. *Авакьян С.А.* Избирательный процесс и общественные объединения: к выборам депутатов Государственной Думы / С.А.Авакьян, М.В.Прохоров. — М., 1999.
7. *Даниленко В.Н.* Политические партии и буржуазное государство. — М., 1984.
8. Ўзбекистон сиёсий партиялари жорий архиви материаллари.
9. Ўзбекистон Республикаси парламент сайловлари (2019 йил 22 декабрь) ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботи. — Варшава, 2020. — Б.2. — URL: <https://www.osce.org/files/f/documents/a/c/452791.pdf>

ГАРАНТИИ ПРАВ ИЗБИРАТЕЛЕЙ-ОСУЖДЕННЫХ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация. В статье анализируются избирательные права осужденных и механизмы их реализации. В связи с принятием в нашей стране Избирательного кодекса и введением ряда изменений, касающихся избирательных прав осужденных, даются конкретные предложения и рекомендации по реализации избирательных прав заключенных в разрабатываемом уголовно-исполнительном законодательстве.

Ключевые слова: уголовно-исполнительное законодательство, права заключенных, избирательные права заключенных, право быть избранным, участие в выборах, ограничения в избирательном праве, правовой механизм.

МАҲКУМЛАРНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мақолада маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқи ва уларни амалга ошириш механизмлари таҳлил этилган. Мамлакатимизда Сайлов кодекси қабул қилинганлиги ва унда маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқларига доир қатор янгиликлар жорий этилганлиги сабабли янги ишлаб чиқиладиган жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: жиноят-ижроия қонунчилиги, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқлари, сайланиш, сайловда иштирок этиш, сайлов ҳуқуқидаги чекловлар, ҳуқуқий механизм.

GUARANTEES OF THE RIGHTS OF ELECTORS-CONVICTS: CHALLENGES AND SOLUTIONS

Annotation. The article analyzes the electoral rights of prisoners and the mechanisms for their implementation. Due to the adoption of the Electoral Code in our country and introduction of a number of innovations regarding electoral rights of prisoners; some suggestions and recommendations are made on the implementation of the electoral rights of prisoners in the developing penal legislation.

Keywords: penal legislation, the rights of prisoners, the electoral rights of prisoners, to elect, the right to be elected, participation in elections, restrictions on electoral right, the legal mechanism.

На основании проводимой реформы уголовно-исполнительного законодательства в Узбекистане реализуется комплекс мер по совершенствованию системы исполнения наказания, и в частности по обеспечению и защите прав, свобод и законных интересов лиц, содержащихся под стражей. Осуществляется деятельность по повышению прозрачности и эффективности правовых механизмов обеспечения прав осужденных, уважения их чести и достоинства. В частности, принято Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 г. № ПК-4006 «О мерах по коренному совершенствованию уголовно-исполнительного законодательства» [1], где определены семь приоритетных направлений дальнейшего совершенствования нормативно-правового законодательства в сфере исполнения уголовных наказаний и намечена разработка нового проекта Уголовно-исполнительного кодекса Республики

*Таджибаева Дилдора Абдурахимовна, Кучкаров Тургун Раҳимбаевич, докторанты факультета послевузовского образования Академии МВД Республики Узбекистан.

Узбекистан, основанного на изучении международного опыта. Приоритетными задачами являются: внедрение качественно новых механизмов, обеспечивающих безоговорочное соблюдение прав осужденных, уважение их чести и достоинства, а также дальнейшее расширение сферы прав осужденных в соответствии с общепризнанными международными стандартами, которые приобретают важное значение в современном мире.

Следует отметить, что уголовно-исполнительное законодательство прямо устанавливает механизм реализации прав и свобод осужденных, закрепленных в общепризнанных нормах международного права и указанных в Конституции нашей страны. В частности, зарубежный эксперт Максим Гета, проанализировав содержание Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан, в отношении правил, касающихся прав осужденных и положения о надзоре за деятельностью пенитенциарной системы, приходит к выводу, что они носят декларативный характер и что отсутствие исполнительных механизмов существенно снижает практическую их значимость [2].

Изменения, внесенные Законом Республики Узбекистан от 4 сентября 2019 года (№ 563 ЗРУз) в статью 117 Конституции Республики Узбекистан и статью 9 Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан, а также принятие Избирательного кодекса Республики Узбекистан от 25 июня 2019 года, явились важным шагом в этой сфере. Ранее было невозможно, чтобы лица, приговоренные к лишению свободы, участвовали в избирательной кампании. Теперь же, согласно ст. 117 Конституции и ст. 5 Избирательного кодекса, в выборах не могут принимать участие только лица, совершившие тяжкие и особо тяжкие преступления [3]. Хотя это положение предусматривает ограничение прав некоторых категорий лиц, находящихся под стражей, можно понять, что именно отсюда вытекает гарантированное обеспечение большинству осужденных избирательного права.

В частности, академик А. Саидов, выражая свое отношение к принятому Избирательному кодексу Республики Узбекистан, отметил, что в него вошли рекомендации Управления ОБСЕ по Демократическим институтам и правам человека, а также Венецианской комиссии об исключении норм, ограничивающих участие в выборах лиц (2,3 тысяч чел.), совершивших преступления, не представляющие большой общественной опасности и менее тяжкие [4].

Считаем также важным отметить, что статья 5 Международного пакта о гражданских и политических правах обозначает [5, с.63–64] право каждого гражданина на участие в подлинных периодических выборах, основанных на всеобщих, равных, прямых избирательных правах при тайном голосовании, обеспечивающих свободное волеизъявление, без какой-либо дискриминации и необоснованных ограничений. Хотя это положение предоставляет гарантии для активных (избирать) и пассивных (быть избранным) избирательных прав граждан, фраза «необоснованных ограничений», используемая в правиле, требует дополнительных комментариев и является справочной. Именно в основе ограничений права граждан на осуществление своих избирательных прав лежат различные подходы, основанные на практике иностранных государств и взглядах ученых-правоведов.

Анализируя законодательство зарубежных стран о реализации избирательных прав лиц, находящихся под арестом, мы можем наблюдать различные подходы к этому вопросу. В частности, стоит отметить, что в 13 государствах-членах ЕС нет никаких ограничений в отношении права голоса лиц, содержащихся под стражей, в 24 существует дифференцированный подход, а в 10 — вышеупомянутые лица не имеют права голоса. Так, во Франции, Германии, Нидерландах избирательные права лиц,

содержащихся под стражей, могут быть ограничены специальным постановлением суда [6, с. 45–46]. Согласно британскому избирательному законодательству, заключенный будет лишен пассивного избирательного права при всех видах выборов, если это преступления: коррупционные или другие правонарушения избирательных прав, растрата государственных средств на сумму свыше 2000 фунтов стерлингов или приговоренные к тюремному заключению вместо лишения права на замену штрафа на срок более трех месяцев за последние пять лет или банкротство [7, с. 124]. Германский закон также гласит, что те, кто осужден за мошенничество в избирательном процессе, а также те, кто совершил правонарушение против общественного строя, такое, как государственная измена, не могут голосовать на выборах [8]. Статья 67 Конституции Турецкой Республики также предусматривает, что рядовым, служащим в Вооруженных силах, слушателям высших военных учебных заведений, а также преступникам, находящимся в заключении, отказывают в праве голоса [9].

Из вышеуказанного следует, что избирательные права лиц, содержащихся под стражей, в нашей стране более либеральны, чем в других странах.

В то же время ученые, проводившие исследование избирательного права осужденных, такие, как: П.А. Дуксин [10, с. 11], Е. И. Колюшин [11] и Л.А. Нудненко [12, с. 41–44], считают, что либерализация избирательного законодательства является велением времени и что лишение избирательного права должно основываться на решении суда.

Другие ученые-правоведы: В.В. Красинский [13], Н.Е. Таева [14] и А.Р. Акчурин [15] поддерживают ограничения избирательных прав лиц, содержащихся под стражей. Например, В.В. Красинский пытается обосновать введение таких ограничений постоянным присутствием представителей криминальных структур в избирательном процессе и растущей активностью политического участия таких лиц. В то же время учёный А.Р. Акчурин утверждает, что совершение административного правонарушения также должно служить основанием для лишения правонарушителя избирательного права [16].

Невозможно игнорировать озабоченность ученых по поводу вмешательства представителей преступного мира в избирательный процесс или передачи управления власти в руки таких лиц. Нетрудно представить себе, к каким негативным последствиям это может привести. Однако, на наш взгляд, с юридической точки зрения, такие подходы не являются достаточным основанием для лишения осужденных избирательного права. Хотя лицо, совершившее преступление, лишается определенных прав, оговариваемых в приговоре, но при отбытии срока наказания лишение лица установленных в конституции его прав, а также лишение других прав, не связанных с преступлением, может повлечь за собой множественную ответственность за одно и то же преступление. Кроме того, мы не можем отрицать, что такие ограничения ослабили бы чувство принадлежности граждан к будущему страны и их гражданской позиции. Возникновение подобной ситуации может оказать негативное влияние и создать трудности в достижении целей наказания во время отбытия осужденным наказания, социальной адаптации и реабилитации после освобождения.

Исходя из вышеизложенного, есть основания признать наиболее оптимальным подходом указанные в содержании ст. 5 Избирательного кодекса Узбекистана положения: «...осужденные, содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда, не могут быть избраны, а также содержащиеся в местах лишения свободы за совершенные тяжкие и особо тяжкие преступления не могут участвовать в выборах».

Однако следует признать, что в действующем уголовно-исполнительном законодательстве, хотя и предусмотрено право голоса осужденных на выборах, необозначенность четких механизмов их реализации приводит к тому, что в новом разрабатываемом уголовно-исполнительном кодексе должны быть конкретно определены избирательные права осужденных в рамках их основных прав, порядок и механизм реализации избирательных прав лиц, отбывающих наказания, не связанные с лишением свободы, укрепив тем самым гарантии избирательного права. Например, необходимо создать условия для осужденного в день выборов, который подвергается обязательным общественным или исправительным работам; не рассматривать его отсутствие или опоздание в качестве нарушения порядка отбывания наказания по этим причинам; устранить правовые барьеры или препятствия, установленные решением суда, которые могут возникнуть при осуществлении избирательного права теми отдельными лицами, на которых наложены обязательства, например, не покидать место жительства или не входить на определенную административную территорию; устранить пробелы. И в этом случае целесообразно установить в самом законодательстве конкретные правила въезда осужденного или выезда с территории определенного административного района с разрешения органа пробации.

Необходимо также учреждением исполнения наказания обеспечить участие в выборах осужденных, отбывающих наказание в местах лишения свободы, чтобы в пенитенциарном учреждении были созданы необходимые условия для осуществления этих прав.

По нашему мнению, эти положения, как предмет регулирования, имеют непосредственное отношение к уголовно-исполнительному законодательству, а не избирательному. Поэтому необходимо вышеуказанное положение, закрепленное в Конституции, обозначить прямо в уголовно-исполнительном кодексе.

Кроме этого, считаем целесообразным в ст. 117 Конституции Республики Узбекистан и в ст. 5 Избирательного кодекса внести соответствующие изменения следующего содержания: «...не могут быть избранными граждане, признанные судом недееспособными, а также лица, содержащиеся **в местах лишения свободы** по приговору суда. В выборах не участвуют граждане, признанные судом недееспособными, а также лица, содержащиеся **в местах лишения свободы** по приговору суда за совершенные тяжкие и особо тяжкие преступления».

Под местами лишения свободы подразумевают и понимают обычно колонии исполнения наказания (*зоны*) и тюрьмы, а лицами, там содержащимися, — обычно осужденных (после приговора суда), тогда как лица, находящиеся под следствием (*согласно* уголовно-процессуальному законодательству), имеют статус задержанных, подозреваемых, обвиняемых, либо подсудимых и им ещё не вынесен приговор суда. Они сохраняют за собой конституционное избирательное право. Для исключения разных толкований мы предлагаем внести аналогичные изменения в ст. 117 Конституции Республики Узбекистан и в статью 5 Избирательного кодекса относительно **лиц, содержащихся под стражей по санкции суда или находящихся под следствием, вместо лица, содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда.**

Таким образом, мы считаем, что закрепление избирательных прав и механизмов их реализации во вновь разработанном уголовно-исполнительном законодательстве сыграет важную роль в расширении прав осужденных, их чувства общности и морального исправления и, самое главное, — в укреплении демократических процессов в нашей стране.

Происходящие в системе выборов подобные изменения требуют от избирателей глубокого знания сущности проводимых реформ и нововведений в данной сфере. Ибо прибытие 22 декабря 2019 года в избирательные участки на голосование за достойного кандидата — долг перед историей и перед будущим для каждого избирателя, не равнодушного к будущему Узбекистана [17, с. 4].

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. URL: <http://www.lex.uz/docs/4045443>. (16.09.2019)
2. Анализ Уголовно-исполнительного кодекса Республики Узбекистан: предложения и рекомендации / URL: <https://www.unodc.org/documents/centralasia/2018/UIK.pdf>. (16.09.2019). (Analysis of the Penal Code of the Republic of Uzbekistan: suggestions and recommendations /URL: <https://www.unodc.org/documents/centralasia/2018/UIK.pdf>.)
3. Конституция Республики Узбекистан. — URL: <http://lex.uz/docs/20596> (Constitution of the Republic of Uzbekistan. URL: <http://lex.uz/docs/20596>. (16.09.2019); Избирательный кодекс Республики Узбекистан. — URL: <http://lex.uz/docs/4386848>. (Electoral Code of the Republic of Uzbekistan. URL: <http://lex.uz/docs/4386848>. (16.09.2019)
4. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/sajlov-kodeksi-qandaj-bolishi-kerak>. (16.09.2019).
5. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов, юридик фанлар доктори, профессор. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. — Т., 2002.
6. Зарубежное избирательное право: сборник. — Астана: ГУ «Институт законодательства Республики Казахстан», 2018. — 82 с.; Серия: «Сравнительное правоведение» (2017 год). — 82 с.
7. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: В 4-х т. — М., 2002. — 784 с.
8. Закон о федеральных выборах Германии 1956 года. Архив германского законодательства URL: <http://germanlawarchive.iuscomp.org/?p=228> (16.09.2019).
9. URL: <https://legalns.com/download/books/cons/turkey.pdf> (16.09.2019).
10. Дуксин П.А. Конституционные ограничения избирательных прав граждан Российской Федерации, находящихся в местах лишения свободы по приговору суда: Дис. канд. юрид. наук. — Саратов, 2010. — 217 с.
11. Колюшин Е.И. Выборы и избирательное право в зеркале судебных решений. — М.: Норма, ИНФРА-М, 2010. — 384 с.
12. Нудненко Л.А. К вопросу об иллюстрации в законодательстве и практике ее реализации в Российской Федерации // Государственная власть и местное самоуправление. — 2015. — № 9. — С. 41–44.
13. Красинский В.В. Защита государственного суверенитета: Монография. — М.: Норма, ИНФРА-М, 2017. — 608 с.
14. Таева Н.Е. К вопросу о конституционности норм, ограничивающих пассивное избирательное право граждан, осужденных когда-либо к лишению свободы за совершение тяжких и (или) особо тяжких преступлений // Актуальные проблемы российского права. — 2013. — № 9. — С. 1080–1088.
15. Акчурун А.Р. Ограничение пассивного избирательного права осужденных как механизм противодействия коррупции в избирательном процессе // Конституционное и муниципальное право. — 2016. — № 5. — С. 62–64.
16. Красинский В.В. О правовых позициях Европейского суда по правам человека и Конституционного Суда Российской Федерации по вопросам ограничения избирательных прав в связи с наличием судимости // Современное право. — 2014. — № 2. — С. 34–41.
17. Избирательный кодекс в действии: Пособие для избирателя / Составители: Ш.О.Мамадалиев, А.А.Матчанов и др. — Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. — 24 с.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРДА ИНСОН КАПИТАЛИ МАСАЛАСИ

Аннотация. Мақолада инсон капитали феномени ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида тадқиқ этилган, айрим олимларнинг ушбу масаладаги илмий қарашлари таҳлил қилинган. Муаллиф инсон капиталининг шахс ва жамият тараққиётида, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига эришиши, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига кириши жараёнида янги ютуқларни қўлга киритиши муҳим роль ўйнашини таъкидлаган.

Таянч сўзлар: инсон капитали, демократия, фуқаролик жамияти, тараққиёт, таълим тизими, ислохот.

ВОПРОСЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУКАХ

Аннотация. В статье исследуется феномен человеческого капитала в системе социально-политических наук, анализируются научные позиции некоторых ученых по данному вопросу. Автор подчеркивает важную роль человеческого капитала в развитии личности и общества, в достижении стратегических целей нашей страны, новых рубежей в процессе вхождения Узбекистана в число развитых стран мира.

Ключевые слова: человеческий капитал, демократия, гражданское общество, развитие, система образования, реформы.

HUMAN CAPITAL ISSUES IN SOCIAL AND HUMANITIES

Annotation. The article deals with the study of the phenomenon of human capital in the socio-political sciences system and scientific attitude of some scholars on the issue is analyzed as well. The author emphasizes important role of human capital in the development of individual and society in achieving the strategic goals of our country, and new frontiers in the process of Uzbekistan joining the number of developed countries of the world.

Keywords: human capital, democracy, civil society, development, education system, reforms.

Ҳозир жаҳоннинг турли мамлакатларида глобал миқёсда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар уларнинг ривожланиш жараёнларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Маълумки, ҳар бир давлат тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари бор. Бу уларнинг нафақат халқаро муносабатлардаги фаол ҳаракати, балки ички сиёсатидаги демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлиги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясининг шаклланганлиги муаммолари билан ҳам боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат бевосита жамиятда инсон капитали масаласини долзарб қилиб қўяди. Сўнгги йилларда «инсон капитали» категорияси турли мамлакатлар сиёсий жараёнлари ва илмий тадқиқотларида кўп ишлатилаётган замонавий трендга айланиб улгурган.

*Саидов Санжар Шавкатович, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Инсон капитали (инг. human capital) — инсон ва жамиятнинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кенг миқёсли билим, кўникма ва воситалар йиғиндисидир. Мазкур илмий категорияни биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи Жейкоб Минсер муомалага киритган. Кейинчалик эса Теодор Шульц, Гэри Беккер ва бошқа олимлар унинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштирганлар.

Дастлаб, инсон капитали деганда инсонга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий инвестиция, унинг меҳнат қобилияти — таълим ва касбий маҳоратини ошириш омилларигина тушунилган. Кейинчалик унинг категориал аппарати кенгая борган. Кенг маънода, инсон капитали шахс ва жамиятнинг самарали фаолияти учун ўзида таълим ва ишлаб чиқариш ресурсларини жамлаган омиллар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳозирги кунда, айнан инсон капитали инновацион ишлаб чиқариш ва чуқур билим, кенг тафаккурга асосланган иқтисодиётни шакллантирувчи муҳим омилдир.

Адам Смит томонидан яратилган, инсоннинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини оширишга йўналтирилган сармоя ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақидаги илмий қарашлар, ўз навбатида, инсон капитали концепциясига ҳам асос бўлиб хизмат қилди. А. Смит фикрича, техника (жисмоний капитал) эмас, балки шахс (инсон капитали) ва унинг алоқалар тизими (ижтимоий капитал) иқтисодий тараққиёт асосида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўз навбатида, инсон учун, аниқроғи, унинг қобилияти ривожини учун сарфланган маблағ ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади [1, 89-б.].

Шунингдек, сиёсатшунос Жеймс Коулман оилада фарзанд тарбияси ва илм олишга таъсир қилувчи учта омилни келтиради. Фарзанд келажаги учун уч нарса муҳим: молиявий капитал, инсон капитали ва ижтимоий капитал, дея таъкидлайди [2, 133–134-б.]. Келгусида эса фарзандлар оилада олган таълим-тарбияси, билими асосида оила анъаналарини давом эттирувчи ворисларга айланади. Дарҳақиқат, оилада муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида вояга етадиган фарзанд келгусида жамиятда ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси бўлиб хизмат қилади.

Эндиликда инсон капитали феномени нафақат иқтисодий категория, балки ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маънавий оламнинг ажралмас қисмига айланди. Мазкур илмий категорияни таҳлил қилишда фанлараро изланишлар олиб бориш ва қиёсий жиҳатдан ўрганиш ижобий натижалар бермоқда. Чунки, инсон капитали ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида: меҳнат бозори, таълим ва тиббиёт, ёшлар сиёсати, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва бошқаларда намоён бўлмоқда.

Инсон капитали ривожига давлат ташкилотлари билан бир қаторда «учинчи сектор» дея номланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳам муҳим ўринга эга. ННТлар фуқароларга самарали ижтимоий хизматлар кўрсатишда энг фаол ташкилотлардан ҳисобланиб, аҳолининг муаммолари, эҳтиёжларини тез пайқайди ҳамда қисқа вақт ичида масаланинг ечимини топа олади. Унинг энг катта ютуғи ўз фаолиятига кўнгиллиларни жалб эта олишидадир. Нодавлат секторининг фаолияти натижасида таълим, соғлиқни сақлаш, спортни ривожлантириш орқали иқтисодиётга катта фойда келтириб ва ривожланган давлатларнинг ЯИМ ўсишида ўзининг муносиб улушига эга бўлиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсон капиталининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади [3, 11-б.].

Шунингдек, инсон капитали, энг аввало, мамлакатнинг таълим тизими, шу жумладан, олий таълимнинг қай даражада тараққий этгани билан ҳам боғлиқдир. Шу ўринда муҳим бир муаммо юзага келади. Олий таълим тизимида квота қатъий белгиланиши керакми-йўқми? Шартнома тўловига молиявий қудрати етган оиланинг фарзанди албатта ўқиши керак. Бунда расмий идоралар ишга жойлашиш муаммосини рўқач қилиб, қаршилиқ кўрсатишади. Ваҳоланки, олий маълумотли она билан ўрта маълумотли онанинг фарзанд тарбиясидаги фарқи катта. Билимли она фарзандининг дунёқараш ва фикрлашини кенгайтиради. Қолаверса, мутахассислиги бўйича иш тополмаган одам такси ҳайдовчиси ёки сартарош бўлиб ҳам ишлайвериши мумкин. Шунда олий маълумотли такси ҳайдовчиси билан ўрта маълумотли такси ҳайдовчиси ёки сартарошнинг фарқини сезиш қийин эмас. Демак, жамиятда юқори савияли, кенг дунёқарашли шахсларнинг роли катта.

Жамият ижтимоий тараққиётида инсон капитали муҳим ўрин тутаяди. Фуқаролар олий маълумотли, маънавий жиҳатдан етук, руҳан ва жисмонан соғлом бўлсагина, давлат ва жамият ишларида катта ақл билан иштирок этадилар. Бу эса, биринчи навбатда, таълим тизимининг самарадорлигига боғлиқ. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият юритаётган фуқароларнинг аксариятини олий маълумотли шахслар ташкил этади. Шу боис нодавлат сектори таълим соҳасини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу, биринчидан, инсон капиталининг ривожланишида, иккинчидан, келгусида ўз фаолиятига жалб қилиш бўйича юксак савияли кўнгиллиларни тайёрлашда ёрдам беради.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар миллатимиз келажаги бўлмиш ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар, миллий истиқлол ғояси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, уларни ҳар томонлама — жисмонан, маънан ва руҳан — баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Айни вақтда кўплаб мақсадли давлат дастурлари ҳам ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришдир.

Шунингдек, бу борада жамиятимизда бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни учта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Булар: 1) таълим тизимидаги муаммолар; 2) юксак малакали кадрларни қамраб олувчи маҳаллий меҳнат бозорининг ривожланмаганлиги; 3) «ақллар муҳожироти» (brain drain) омилларидир.

Энг муҳими, бу муаммолар гуруҳига олий таълим тизимида ижтимоий фанларнинг тобора қисқариб боришини ҳам киритиш мумкин. Бакалаврият ўқув режасига кўра, барча таълим йўналишларида 1-блок деб аталувчи ижтимоий фанлар, яъни фалсафа, сиёсатшунослик, диншунослик, маънавият асослари, социология ва бошқа фанларга ажратилган соатларнинг йилдан-йилга қисқариши жараёни кечмоқда. Шу ўринда табиий савол туғилади: яхши архитекторга фалсафий тафаккур зарур эмасми? Агроном ёки тиббиёт ходими мантиқий фикрлаши лозим эмасми? Мазкур саволлар очиклигича қолмоқда... Ваҳоланки, Шарқ таълим-тарбиясида энг аввало кенг фикрловчи, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида етарли маълумот ва кўникмаларга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялаш талаби устун туради. Демак, аввал инсон, кейин мутахассис бўлиш керак.

Сўнги уч йил мобайнида ҳукуратимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда сифатли кадрлар тайёрлаш мақсадида тўғридан-тўғри инвестицияни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2020 йилнинг «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номланиши мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёшларнинг муносиб таълим олишини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни мақсадли тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш керак. Илмни, тарбияни тўғри йўлга қўйсақ, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар ўзлари ривожлантиради» [4, 5-б.]

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асносида мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестицион сиёсат ҳам ўз самараларини бермоқда. Бир қанча халқаро ташкилотлар Ўзбекистоннинг бу йўлда амалга ошираётган ишларини молиялаштиришга тайёрлигини билдирмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар бир сармоянинг негизида инсон капитали ётади. Ҳар қандай инвестор маълум бир мамлакатга сармоя киритишдан аввал ушбу мамлакатда ижтимоий-иқтисодий муҳит қандай, унинг халқи интеллектуал жиҳатдан соғлом, салоҳиятли кадрларга эгами, деган саволни илгари суради.

Бу борада Жаҳон банкининг Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Инсон капитали лойиҳасидаги самарали иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрсатаётган молиявий кўмагини алоҳида айтиб ўтиш мумкин.

Умуман, мамлакатнинг стратегик мақсадларга эришиши, янги ютуқларни қўлга киритиши, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишида билимли, тажрибали ва замонавий фикрлайдиган юксак савияли кадрлар, мутахассисларнинг ўрни бекиёс. Бу эҳтиёж осонлик билан, ўз-ўзидан қондирилмайди, бунинг замирида инсон капитали ётади. Шундай экан, инсон имкониятини, салоҳиятини кашф этиш ҳамда маълум зарур ва керакли мақсадлар сари сафарбар қилиш каби вазифаларни тўлиқ бажариш мамлакатимиз тараққиётининг асосини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Social Capital: Reviewing the Concept and its Policy Implications, Research Paper. Canberra; Productivity Commission, AusInfo, 2003. — P. 89.
2. Коулман Дж. Капитал социальный и человеческий // Общественные науки и современность. — 2001. — № 3. — С. 133–134.
3. Исраелян Е.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: опыт Канады и российские реалии // Россия и Америка в XXI веке. Электронный научный журнал. — 2008. — №2. — С. 11.
4. Шавкат Мирзиёев илм-фан намояндalари билан мулоқот қилди. — URL: <https://www.pv.uz/uz/news/shavkat-mirziyev-ilm-fan-namojandalari-bilan-mulooot-ildi>

*М. З. Зиёдуллаев**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА БОШҚАРУВ
ҚАРОРЛАРИ: МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Аннотация. Мақолада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ва қарашларига асосланган ҳолда ички ишлар органлари тизимидаги бошқарув қарорларининг моҳияти ўрганилган, уларнинг хусусиятлари ва асосий белгилари очиқ берилган, шунингдек туман, шаҳар ички ишлар органларини бошқарув қарорлари билан таъминлаш соҳасидаги муаммолар ўрганилиб, уларнинг ечими хусусида муайян мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органларини бошқариш, фаолиятни ташкилий-тактик таъминлаш, бошқарув қарори, ички ишлар органлари бошқарув қарорларининг белги ва хусусиятлари.

**УПРАВЛЕНЧЕСКИЕ РЕШЕНИЯ В СИСТЕМЕ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ:
СУЩНОСТЬ, ЗНАЧЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

Аннотация. В статье на основе мнений и взглядов ученых-правоведов изучено значение управленческих решений в системе органов внутренних дел, раскрыты их основные признаки и особенности, а также изучены проблемы обеспечения управленческими решениями городских и районных органов внутренних дел, даны предложения по их решению.

Ключевые слова: управление органов внутренних дел, организационно-тактическое обеспечение деятельности, управленческое решение, признаки и особенности управленческих решений органов внутренних дел.

**MANAGEMENT DECISIONS IN THE SYSTEM OF INTERNAL AFFAIRS
BODIES: ESSENCE, SIGNIFICANCE AND PROSPECTS**

Annotation. The author of the article researches the essence and significance of managerial decisions in the system of internal affairs bodies on the bases of the analysis of the opinions of a number of legal scholars, reveals their main features and characteristics as well as raises a number of topical issues of providing administrative decisions to city and district internal affairs bodies and formulates specific proposals for their decision.

Keywords: internal affairs bodies, organizational and tactical support of activities, management decisions, signs and features.

Ички ишлар органларидаги бошқарув — ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-тактик, илмий-методик, моддий-техникавий, кадрлар билан ҳамда ҳамкорликни таъминлаш орқали амалга ошириладиган, муайян тизим ва изчилликка асосланган маъмурий

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент.

фаолиятдир. Уни ташкилий-тактик жиҳатдан таъминлаш ички ишлар органларидаги бошқарув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, бир қатор бошқарув функциялари орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органлари фаолиятини ташкилий-тактик жиҳатдан таъминлашнинг муҳим функцияларидан бири бошқарув қарори қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу бошқарув функциясининг ўзаги, негизини бошқарувнинг асосий воситаларидан бири бўлган бошқарув қарори ташкил этади.

Бошқарув қарорининг моҳияти хусусида олимлар турли фикрларни билдиришган. Хусусан, Л. И. Лукичёва ва Д. Н. Егоричев бошқарув қарорини бошқарув субъектининг бошқариладиган тизим фаолиятининг объектив қонуниятларини билиш ва унинг ҳолати тўғрисида бошқарув маълумотларини таҳлил қилишга, мақсадларга эришишга қаратилган ижодий ва ихтиёрий таъсири, дея таърифлаган [1, 17-б.]. Яна бир рус олими Э. А. Смирновнинг фикрича, бошқарув қарори – бошқарув субъектининг муайян муаммони ҳал қилиш ёки бошқарувдан кўзланган мақсадни ўзгартиришга йўналтирилган мақсад, дастур ва фаолият усулларини танлашдан иборат ижодий, ихтиёрий ҳаракати бўлиб, у бошқарилаётган тизимнинг фаолиятига доир объектив қонуниятларни билиш ҳамда ушбу фаолият тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишга асосланган бўлиши керак [2, 12-б.].

Н. И. Кабушкин бошқарув қарорини бошқарув субъектининг бошқарувга доир вазифалар амалга оширилишини таъминловчи, ўзаро боғлиқ, мақсадга йўналтирилган ва мантиқан изчил бошқарув ҳаракатлари мажмуини ўзида акс эттирувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ижодий ва иродавий ҳаракатининг натижаси сифатида таърифлаган [3, 20-б.].

Фикримизча, ички ишлар органлари тизимидаги бошқарув қарорининг моҳиятини аниқ ва тўлиқ очиб берадиган таърифни профессор И. Исмаилов берган. Унга кўра, «бошқарув қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжат ифодаланган ҳамда аниқ мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган тадбирларни, қўлланиладиган усул ва воситаларни, фойдаланиладиган моддий ресурсларни, шунингдек ижро жараёнида бошқарув субъектлари ва объектларининг ташкилий шакллари белгиловчи ҳаракат дастуридир [4, 275-б.].

Бошқарув қарорининг асосий хусусияти унинг таркибий тузилма олдида қўйилган мақсадга эришиш учун йўналганлигидир [5]. Бошқарув қарорининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, фаолиятни бошқариш уни қабул қилишда акс этса, ташкил этиш эса мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда намоён бўлади.

Ички ишлар органлари тизимидаги бошқарув қарорларининг асосий белгилари қуйидагиларда намоён бўлади: 1) субъектив табиати, яъни доимо одамлар томонидан қабул қилиниши; 2) ижрочи томонидан қарорда кўрсатилган кўрсатмаларга қатъий ва оғишмай риоя қилинишини назарда тутадиган императив табиатга эгалиги; 3) мансабдор шахс ёки ваколатли орган сифатида бошқарув субъектининг иродасини ифодалаш; 4) тартибга солишга йўналтирилганлиги; 5) ижодий хусусиятга эгалиги; 6) муайян ваколатларга асосланганлиги; 7) қарорларни қабул қилиш жараёнининг процессуал табиатга эгалиги.

Ички ишлар органлари тизимида бошқарув қарорлари турли мезонларга кўра таснифланади. Жумладан, мақсадга эришишдаги ролига кўра – стратегик ва тактик; ба-жариш мажбурийлигига кўра – директив, тавсиявий, йўналтирувчи; амал қилиш муд-датига кўра – узок, ўрта ва қисқа муддатли; функционал вазифасига кўра – ташкилий, мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи, амалга киритувчи ва назорат қилувчи[6]. Ички

ишлар органларининг бошқарув қарорлари номланишига кўра: буйруқ, йўриқнома, низом, фармойиш, қарор, қўшма қарор ва бошқача бўлиши мумкин.

Э. А. Смирнов, В. Н. Лазерев каби ҳуқуқшунос олимлар стратегик режаларни ҳам бошқарув қарорининг бир тури деб ҳисоблаш мумкин, деган фикрни билдирадилар [7, 10-б.; 8, 4-б.]. Ушбу олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ички ишлар органларидаги стратегик режалар ҳам бошқарув қарорининг бир тури бўлиб, ўзига хос жиҳати мазмунан мураккаб хусусиятга эгалигидадир. Бу хусусият режада ўзаро боғлиқ бир неча қарорлар ўзига хос шаклда баён этилиши, уни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби аниқ белгилангани ҳамда бу жараёнда турли усуллар қўлланишида намоён бўлади [9, 4-б.].

Ҳуқуқшунос олим Д. В. Васильев хорижий давлатлар ички ишлар органларининг тажрибасини ўрганган ҳолда улар фаолиятида бошқарув қарорларининг шошма-шошарлик билан, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасида аҳоли манфаатлари ва объектив ҳолатни ўрганмай туриб қабул қилиниши билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини таъкидлайди [10, 17-б.]. Бугунги амалиёт таҳлили республикамиз ички ишлар органлари тизими ҳам бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажаришда ана шундай камчиликлардан холи эмаслигини кўрсатмоқда.

Қолаверса, туман, шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг маъмурий ҳудудларга субъектларни бириктириш, ягона жойлашув дислокацияси режасини амалга киритиш, маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш бўйича кунлик қарорлар қабул қилиш кабиларда ўз аксини топган бу борадаги фаолиятини ҳам етарли деб бўлмайди. Хусусан, айрим туман, шаҳар ички ишлар органларида бошлиқнинг ўринбосарларини кичик ҳудудларга, соҳавий хизматлар раҳбарларини муайян йўналишларда ички ишлар органлари таркибий тузилмаларининг бошқа субъектлар билан ҳамкорлигини ташкил этишга масъул сифатида бириктириш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинмаслиги, фаолиятни бошқарув қарорлари билан таъминлашга доир ишлар тизимга солинмай, бетартиб амалга ошириб келиниши, ички ишлар органлари фаолиятини бошқарув қарорлари билан таъминлаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмаслиги каби камчиликларни ҳали-ҳанузгача кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам бу борада аниқ ва бир хил тартиб-тамойиллар белгиланмаганлиги бунинг асосий сабабларидан биридир [11, 258-б.].

Шундай экан, туман, шаҳар даражасида ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ёхуд ички ишлар бошқармаси ёки ички ишлар бўлими бошлиғининг ички ишлар органлари фаолиятини бошқариш бўйича комплекс бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш тизимини яратиш ҳамда уни амалга жорий этиш тартибини Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан белгилаб қўйиш лозим.

Фикримизча, календарь йилига мўлжаллаб қабул қилинадиган бундай бошқарув қарорида қуйидагилар белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир: туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг ўринбосарларини — туманнинг белгиланган маъмурий ҳудудларига, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини тегишли йўналишлар бўйича ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга; профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари ва жиноят-қидирув хизмати тезкор ходимларини — таянч

пунктларига масъул сифатида бириктириш; туман, шаҳар ички ишлар органи ягона тизгин (жойлашув) режасини тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «бошқарув тизими сифатини оширишда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур» [12].

Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир туман, шаҳар ички ишлар органида юқорида келтирилган бошқарув қарорининг ишлаб чиқилиши, унинг талаблари ижроси, натижалари, халқ манфаатларига қай даражада хизмат қилаётгани ҳар чоракда раҳбарият ҳузурида муҳокама қилиб борилиши ҳамда йил якунида ўтказиладиган ҳисобот йиғилишида йил давомида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ҳамда қўлга киритилган ютуқларни муҳокама қилган ҳолда келгуси йил учун янги буйруқ лойиҳасини тайёрлаш йўлга қўйилиши бу борадаги ишларни тизимли ва самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати / Использованная литература

1. *Лукичёва Л.И., Егорычев Д.Н.* Управленческие решения: Учебник / Под ред. Ю. П. Анискина. – М., 2009.
2. *Смирнов Э.А.* Разработка управленческих решений: Учебник для вузов. – М., 2000.
3. *Кабушкин Н.И.* Основы менеджмента. – М., 2009.
4. Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Дарслик / И. Исмаилов, Д. С. Мухамадалиев, Э. У. Азизов; масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.
5. Управленческое решение это. – URL: [http:// dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/16730](http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/16730).
6. Содержание, виды и этапы принятия управленческих решений. – URL: <http://www.monographies.ru/ru/book/section?id=6597>.
7. *Смирнов Э.А.* Разработка управленческих решений для вузов. – М., 2000.
8. *Лазарев В.Н.* Управленческие решения. – Ульяновск, 2011.
9. *Исмаилов И., Зиёдуллаев М.* Профилактика хизматларининг фаолиятини режалаштириш. – Т., 2012.
10. *Васильев В.Д.* Концепции организации деятельности полиции и возможности их использования в отечественной практике: По материалам США и некоторых стран Западной Европы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005.
11. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.258.
12. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақола ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ва долзарб масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Қонунлар ижроси учун масъул бўлган субъектларнинг бу йўналишда амалга ошираётган ишлари таҳлил қилинган, қонунлар ижросини таъминлаш механизмида мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари таклиф этилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари тизими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун ҳужжатлари, қонуности ҳужжатлар, қонунлар ижросини таъминлаш механизми, ички ишлар органларининг субъектлари, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕХАНИЗМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИСПОЛНЕНИЯ ЗАКОНОВ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. Статья посвящена исследованию современного состояния и актуальных проблем обеспечения исполнения законов в органах внутренних дел. Проведен анализ деятельности по исполнению законов субъектами, ответственными за исполнение законов, выявлены существующие проблемы в механизме обеспечения исполнения законов и предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: система органов внутренних дел, нормативно-правовые акты, законодательные акты, подзаконные акты, механизм обеспечения исполнения законов, субъекты органов внутренних дел, правовая культура и правовое сознание сотрудников органов внутренних дел.

THE CURRENT CONDITION AND TOPICAL PROBLEMS OF THE MECHANISM FOR ENFORCING LAWS IN INTERNAL AFFAIRS BODIES

Annotation. The article is devoted to the current condition and topical problems of the mechanism for enforcing laws in internal affairs bodies, the ongoing work on the enforcement of laws by entities that are responsible for enforcing laws, as well as problems arising in the field of a mechanism for enforcing laws and their solutions.

Keywords: system of internal affairs bodies, regulations, legislative acts, subsidiary legislation, mechanism for enforcing laws, subjects of internal affairs bodies, the legal culture and legal consciousness of officer of internal affairs bodies.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг бош мезонидир. Шу сабабли, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахслар томонидан қонунлар ижросини таъминлаш жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маърузасида [1] ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлади. Унда давлатимиз раҳбари томонидан жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қуйидаги вазифалар белгилаб берилди: *биринчидан*, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга,

*Азизов Элбек Усманжонович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси.

бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш; *иккинчидан*, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан самарали фойдаланиш; *учинчидан*, оммавий ахборот воситаларини жамиятда қонунийликни қарор топтиришда чинакам «жамият кўзгуси»га айлантириш; *тўртинчидан*, қабул қилинаётган қонунларнинг олиб борилаётган ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш; *бешинчидан*, қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида ташкил этиш.

Маълумки, қонунлар кишилик жамияти томонидан яратилган олий кадрият бўлиб, улар инсон, давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Қонун нормаларининг бенуқсон амал қилиши, инсонлар ўртасидаги муносабатларда тўлиқ татбиқ этилиши унинг самарадорлиги ва аҳамиятини белгилайди. Шу боис ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ва долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» [2], — деган ғояни ички ишлар органларида амалга ошириш бўйича ўтказилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида белгиланган «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган қонуннинг амалдаги ижросини таъминлайдиган янги халқчил ва замонавий механизмларни жорий этиш имконини бермоқда.

Таассуфки, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, бу соҳада кўзланган натижага эриша олмадик. Президентимиз таъкидлаганидек, «биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Бирок, очик тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ» [3].

Давлат бошқаруви органлари, жумладан ички ишлар органлари тизмида қонунларни ижро этиш масаласи ҳар доим тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келган. Жумладан, профессор А. С. Турсунов айрим қонунларни тўғридан-тўғри қўллаш механизми мавжуд эмаслигини, кўп ҳолларда қонунларни қўллаш тегишли қонуности ҳужжатларига боғлиқ бўлиб қолганлигини, қонунда заруратсиз ҳаволаларнинг кўплиги, айниқса, тегишли ҳуқуқлар ва уларнинг ҳажмини белгиловчи нормалар қонундан ҳаволаки нормалар орқали «чиқариб» юборилганлигини маълум қилади [4].

Академик Ҳ. Р. Раҳмонқулов ва Х. Т. Азизовлар ҳам ҳуқуқий муносабатлар тизимида қонуности ҳужжатлари салмоғи катта эканлигини қайд этиш билан бирга, уларнинг қуйидаги салбий жиҳатлари мавжудлигини эътироф этадилар: *биринчидан*, уларда уни ишлаб чиққан идоравий манфаатлар мустаҳкамланиши ҳоллари учрайди; *иккинчидан*, улар қонунлардаги нормаларнинг бевосита ижро механизминини яратишда тўсиқлар қўйиши мумкин; *учинчидан*, идоравий ҳужжатларнинг сифат даражаси ва бошқа норматив ҳужжатлар билан уйғунлиги ҳар доим ҳам талаб даражасида бўлавермайди [5, 48-б.].

Ички ишлар органлари тизимида қонунлар ижросини таъминлаш механизминини тадқиқ этиш натижасида мазкур механизмнинг фаолият кўрсатишида тўсиқлик қилаётган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизми соҳасидаги муаммолар қуйидагилар билан боғлиқ: *биринчидан*, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш

механизмини ўзида акс эттирган яхлит концепция мавжуд эмас; *иккинчидан*, ички ишлар органлари фаолияти кўплаб қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинган, бу уларнинг ижросига масъул бўлган субъектлар томонидан ўз вақтида амалга оширилишини қийинлаштиради; *учинчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмас, уларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш зарурати юзага келган; *тўртинчидан*, қонун ҳужжатларида такрорланишлар, коллизия нормалар мавжуд; *бешинчидан*, қонунлар бевосита амал қилиш механизмига эга эмаслиги боис, улар ижросини таъминлаш бўйича кўплаб идоравий ҳужжатлар қабул қилишга эҳтиёж бор; *олтинчидан*, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашда бюрократик тўсиқлар учрайди; *еттинчидан*, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ва ижтимоий фикрлар заиф; *саккизинчидан*, оммавий ахборот воситаларида ички ишлар органлари фаолиятини ёритишда қийинчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда ва ҳ.к.

Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижроси, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунлар, шунингдек уларнинг ижросини таъминлашга оид қонуности ҳужжатлари нормаларини бажариш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни ва **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган талаблар, шунингдек**, ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммоларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли (2017 йил 10 апрель) фармони қабул қилинди[6].

Ушбу Фармонда белгиланган қоидаларни рўёбга чиқариш, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»**ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги тизимда қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3919-сон (2018 йил 23 август) қарори қабул қилинди.

Қарорда тизим фаолияти самарадорлигини оширишнинг қуйидаги йўналишлари белгиланди: *биринчидан*, вужудга келаётган реал тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган тарзда тақсимлаш ва бошқаришнинг самарали механизмини жорий этиш; *иккинчидан*, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида таҳлилий ишларни аниқланаётган амалий муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва криминоген вазиятни прогностлашга йўналтириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш; *учинчидан*, лавозимларни юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга номзодлар билан жамлашни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларига хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатдан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш; *тўртинчидан*, шахсий таркиб билан тарбиявий ишларни олиб боришнинг самарали тизимини жорий этиш, шу

жумладан илмий-психологик услубларни мақсадли қўллаш орқали уларнинг хизмат ва оилавий-маиший муаммоларини ўрганиш; *бешинчидан*, қонунийликни сўзсиз таъминлаш, хизмат интизомига қатъий риоя қилиш ва ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлашга қаратилган вазифаларни бажариш юзасидан таъсирчан идоравий назоратни ташкил қилиш; *олтинчидан*, иш юритиш механизми ва ҳужжатлар айланиши тартибини такомиллаштириш, ички ишлар органлари тизимининг барча бўғинларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш» [7].

Қонунларни ижро этиш механизмини таҳлил этиш, ҳуқуқий қоидаларнинг ижтимоий муносабат иштирокчилари хулқ-атворида мужассамланишини ўрганиш, бу борадаги ижобий ва салбий омилларни аниқлашда социология фани ютуқларидан фойдаланиш юксак самара беради. Ривожланган давлатларда бўлгани каби, мамлакатимизда ҳам ҳуқуқ ёки қонунчилик социологиясининг куртак ёйиши шу мақсадларга хизмат қилади. Социологик тадқиқот усулларини ҳуқуқ соҳасига татбиқ этиш қонунларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида англаниши ва бартараф этилишига ёрдам беради.

Ўтказилган социологик тадқиқотларда мутахассислардан жойлардаги ички ишлар органлари ходимларининг қабул қилинган қонунлардан хабардорлик даражасини қандай баҳолашлари сўралганида, уларнинг 10,7 % — хабардор, 71,4 % — қисман хабардор, 17,8 % — хабардор эмас, деб баҳолашган. Улар ходимларнинг қабул қилинган қонунлардан хабардор эмаслиги ёки қисман хабардорлигининг асосий сабаблари сўралганида 16,2 % — ходимларнинг қонун билан бевосита ишламаслиги, 19,1 % — қонуности ҳужжатлар мавжудлиги боис, қонунга мурожаат этмасликлари, 38,2 % — амалиётда ходимлар ўз мажбуриятларини асосан бир-биридан кўриб бажаришларини, 26,4 % — бошқа фикрларни, хусусан, қонун нормалари талабларини ўз вақтида ижрочиларга етказиш ва тушунтириш, натижалари бўйича синовлар қабул қилиш, шунингдек қонунлар ижросига масъул бўлган ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти паст даражадалигини қайд этган. Кўриниб турибдики, қонунлар ижросига бевосита масъул бўлган ходимларнинг касбий билими ва малака даражасини етарли деб бўлмади.

Жойларда ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказилган сўровлар таҳлилининг кўрсатишича, «қонунлар ижросини таъминлаш» деганда, уларнинг 30,4 % — қонун нормаларининг талабларига риоя этишни, 24,8 % — қонун нормаларидаги мажбуриятларни бажаришни, 18,1 % — қонун нормаларида берилган субъектив ҳуқуқдан фойдаланишни, 21,9 % — қонун нормаларини қўллашни тушунишади, 4,8 % эса жавоб беришга қийналган.

Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмларининг ҳозирги аҳволи юзасидан сўровда қатнашган мутахассисларнинг 8,8 % — тизимда қонунлар ижросини таъминлашнинг аниқ механизмлари мавжудлигини, 14,7 % — ушбу механизм аниқ эмаслигини, 58,8 % — тизимда бундай механизмлар етарли эмаслигини; 17,6 % эса умуман мавжуд эмаслигини қайд этган.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларига оид қонунлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларнинг ижросини таъминлаш соҳасида муаммоларга дуч келиш ҳолати

ўрганилганида ички ишлар органлари ходимларининг 95,7 % қонунларда ҳаволаки нормалар кўплиги, уларнинг нормаларини ҳаётга жорий этиш бўйича механизмлар етарли эмаслиги оқибатида ўзларининг амалий фаолиятида ушбу қонунлар ижросини таъминлаш бўйича кўплаб муаммоларга дуч келганлигини маълум қилишган. Шунингдек, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги фаолияти асосан қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги, бу йўналишдаги ишларни ташкил қилишда ҳанузгача яхлит қонун қабул қилинмаганлиги туфайли соҳадаги муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизми самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар қуйидагиларда намоён бўлмоқда: а) ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги; б) ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент, депутатлар, жамоатчилик назорати; в) ички ишлар органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги (ҳамкорлиги); г) ички ишлар органларининг маҳаллий давлат вакиллик органлари, аҳоли олдида ҳисобдорлиги; д) ички ишлар органлари фаолияти бўйича тизимли мониторинг олиб бориш; е) ички ишлар органларининг фаолияти ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб бориш ва ҳ.к.

Таҳлилларга кўра, ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари етарли эмаслиги: *биринчидан*, қабул қилинаётган қонунларда мажбуриятларни ким ва қандай бажариши ҳақида аниқлик етишмаслиги; *иккинчидан*, қабул қилинаётган қонунларнинг ижро механизми (расмий шарҳлар, йўл хариталари, дастурлар ва ҳ.к.) батафсил ёритилмаслиги; *учинчидан*, қонунлар ижроси бўйича масъулларнинг қонун муҳокамасида иштироки таъминланмаслиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4505-сон (2019 йил 2 ноябрь) қарорининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги бўшлиқни бартараф этиш, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш, нотўғри ёки зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига олиб келадиган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга имкон берди. Шунингдек, қарорда: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш; ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш; ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар, коррупцияга йўл қўювчи омиллар, бир-бирини такрорловчи, коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги тушунча ва атамаларнинг ягона тизимини яратиш ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб белгиланди [8].

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади: *биринчидан*, ички ишлар органларининг вазифаларига оид қабул қилинган қонун ва қонуности норматив ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, аввало, тизим ходимлари, манфаатдор давлат органлари, қолаверса, кенг жамоатчиликка семинар, тренинг, конференция, масофали

видеоселектор тарзида етказиш ва мониторингини олиб бориш; *иккинчидан*, ички ишлар органлари фаолиятининг ҳар бир йўналишига оид ички ишлар органлари соҳавий хизматлари томонидан қонунлар ижросининг мониторингини мунтазам амалга ошириш; *учинчидан*, қонунлар ижросини таъминлаш механизмига оид Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш, шунингдек Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қонунлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини доимий мониторинг қилиш ҳамда натижаларини таҳлил қилиб бориш; *тўртинчидан*, ички ишлар органларининг вазифа ва функцияларига оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш амалиётини доимий мониторинг қилиш, ундаги қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини тақрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш.

Демак, қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг амал қилиши, унинг самарадорлиги жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий-маданий ва маънавий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Ички ишлар органлари тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ҳаракат механизмига эгаллиги, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланганлиги, қонунларни ижро этишга жалб этилган ходимларнинг юксак малака ва профессионализи, самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилганлиги тизимда қонунларнинг тўла-тўқис ижро этилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар / Исползованная литература

1. *Мирзиёев Ш.М.* Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маърузаси // Халқ сўзи. — 2019. — 8 дек.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. — URL: <https://president.uz/uz/lists/view/111>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси — URL: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

4. *Турсунов А.С.* Ички ишлар органларида хизмат интизомини мустаҳкамлашнинг айрим масалалари // Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 4 март). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. — Б. 46–59.

5. *Раҳмонқулов Ҳ.Р., Азизов Х.Т.* Тадбиркорлик субъекти хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари: Монография. — Т., 2013.

6. Халқ сўзи. — 2017. — 11 апр.

7. «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. ПҚ-3919-сон, 2018 йил 23 август. — URL: <https://lex.uz/docs/3877315>.

8. «Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. ПҚ-4505-сон, 2019 йил 2 ноябрь. — URL: <https://lex.uz/docs/4577546>.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛИ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда қидирув ишини ташкил қилишдаги айрим долзарб муаммолар кўриб чиқилган ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари таклиф этилган.

Таянч сўзлар: қидирув фаолияти, қидирув, қидирувдаги шахс, эҳтиёт чораси, жиноят иши, қидирув иши, икки фуқаролик, давлатлараро қидирув, халқаро қидирув.

НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМНЫЕ АСПЕКТЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые актуальные проблемы правовой регламентации и организации розыскной работы, негативно влияющие на эффективность деятельности органов внутренних дел в борьбе с преступностью, и предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: розыскная деятельность, розыск, разыскиваемое лицо, мера пресечения, уголовное дело, розыскное дело, двойное гражданство, межгосударственный розыск, международный розыск.

SOME PROBLEMATIC ASPECTS IN IMPROVEMENT OF THE EFFECTIVENESS OF SEARCHING ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

Annotation. The article discusses some topical problems connected with legal regulation and organization of searching activity negatively affecting to the effectiveness of the internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan in struggling against crime and given some proposals on their solution.

Keywords: search activity, search, wanted person, preventive measure, criminal case, search case, dual citizenship, intergovernmental search, international search.

Ўтган йиллар мобайнида республикамизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012 йил 25 декабрь), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 26 сентябрь) қонунлар қабул қилиниши билан ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий йўналиш ва вазифалари белгилаб олинди.

Ушбу қонунларга кўра, тезкор-қидирув фаолиятининг йўналишларидан бири қидирув фаолияти бўлиб, уни амалга оширувчи орган сифатида ички ишлар органлари белгиланган, тергов ва суддан яширинган шахсларни аниқлаш ва ушлаш, бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ҳамда таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш ички ишлар органларининг бу соҳадаги асосий вазифалари эканлиги кўрсатилган.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳам ички ишлар органларининг қидирув фаолиятини

* *Боймуродов Баҳром Санакулович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноят қидирув бош бошқармаси катта тезкор вакили.*

янада такомиллаштириш ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ички ишлар органлари тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар юзасидан 2017 йил 17 август куни ўтказилган видеоселекторда ҳам ички ишлар органларининг қидирув фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда қидирувдаги жиноятчиларнинг салмоғини кескин камайтириш асосий вазифалардан эканлиги таъкидланди.

Олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органларининг қидирув фаолиятида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 13763 (2018 й. — 18605) нафар қидирувдаги шахслардан 4084 (2018 й. — 6721) нафари ушланган, 1103 нафарига нисбатан эса жиноят ишлари тугатилиб, ушланмай қолган жиноятчилар 8188 нафарни (2018 й. — 10314) ташкил қилган, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2126 нафарга камайган. 2018 йил бошидан буён 3449 нафар айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилинган бўлса, ушланмай қолаётган қидирувдаги шахсларнинг йил бошига нисбатан 2126 нафарга, яъни 20,61 фоизга камайишига эришилган [1].

Шунга қарамай, қидирув фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган ҳуқуқий ва ташкилий соҳадаги айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, тергов ва суд органлари томонидан қидирувдаги шахсларга нисбатан «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларининг қўлланилиши (гарчи, тергов ва суддан яширинган шахсларга нисбатан «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чорасидан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш мантиқсиз бўлса-да) давлатлараро ва халқаро қидирувни амалга оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қидирувдаги шахсларнинг 737 нафари ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган бўлиб, уларнинг 185 нафарига нисбатан «муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш» эҳтиёт чораси қўлланилган. 1585 нафар қидирувдаги шахслар унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, уларнинг 178 нафарига нисбатан ана шу эҳтиёт чораси қўлланилган. 2799 нафар қидирувдаги шахслар оғир турдаги жиноят содир этган бўлиб, уларнинг 69 нафарига нисбатан «муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш» эҳтиёт чораси қўлланилган. 3067 нафар қидирувдаги шахслар ўта оғир турдаги жиноят содир этган бўлиб, уларнинг 6 нафарига нисбатан мазкур эҳтиёт чораси қўлланилган [1].

Юқоридагилардан кўринадикки, қидирувдаги шахслар тергов ва суддан яширинишига қарамай, уларга нисбатан «муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш» эҳтиёт чораси фаол қўлланиб келмоқда. Бу эса қидирув ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, 2019 йил январь ойи ҳолатига кўра, МДХ давлатлари ҳудудида 85 нафар қидирувдаги шахс ушланиб, уларга нисбатан «муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш» эҳтиёт чораси қўлланилгани туфайли, улар кўйиб юборилган [2].

Шунингдек, Республика ҳудудини тарқ этган, аммо яширинган жойи аниқланган, айрим қидирувдаги шахсларга нисбатан юритилган жиноят ишларини қонуний ҳал қилишнинг ҳуқуқий ёки ташкилий механизмлари аниқ белгиланмаганлиги қидирув ишининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу тоифадаги шахсларга Ўзбекистон фуқаролигидан чиқмай бошқа давлат фуқаролигини олган, ўша давлатларда жиноят содир этиб, узоқ муддатли жазо ўтаётган, «қочқин» мақомини олган МДХ давлатлари фуқаролари ва бошқа чет давлатлар фуқаролари бўлган қидирувдаги шахслар киради.

2019 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон фуқаролигидан чиқмай бошқа давлат фуқаролигини олиб, жиноят содир этган ва қидирувда бўлган шахслар 235 нафар, бошқа давлатларда жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган қидирувдаги жиноятчилар 162, «қочқин» мақомини олган қидирувдаги шахслар 188, чет давлатлар фуқаролари бўлган қидирувдаги шахслар 108, МДХ давлатлари фуқаролари бўлган қидирувдаги шахслар 215 нафарни ташкил қилмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича бир фуқаролик ўрнатилган бўлса-да, айрим фуқаролар белгиланган тартибни четлаб, яъни Ўзбекистон фуқаролигидан чиқмай, бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмоқда. Кўп ҳолларда бу тоифадаги шахслар Ўзбекистонда жиноий таъқибдан қочиш мақсадида ушбу хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, фуқаролигини олган давлатда яширинишга уринадилар.

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасида фуқароликдан чиқиш шахснинг илтимосномасига кўра амалга оширилиши, агар илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, унинг фуқароликдан чиқишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Қонунинг 21-моддаси 5-бандида эса агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши белгиланган [3]. Қонундаги бу икки норманинг бир-бирига зидлиги ҳамда фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга илтимоснома билан мурожаат қилмай бошқа давлат фуқаролигини олса, уни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқариш механизми мавжуд эмаслиги қидирувдаги шахсларга нисбатан юритилган жиноят иши ва қидирув ишларининг қонуний ҳал этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, «қочқин» мақомини олган, МДХ ва бошқа чет давлат фуқаролари бўлган қидирувдаги шахсларга нисбатан юритилган жиноят ишларини қонуний ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари халқаро келишувларда белгиланган бўлса-да, ташкилий жиҳатлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги боис, ушбу тоифадаги аксарият қидирувдаги шахсларга нисбатан юритилган жиноят ишлари ва қидирув ишлари ўз ечимини топмай қолмоқда.

Олинган маълумотлар ва ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, аксарият жиноят содир қилган шахслар жиноят иши кўзғатилгунига қадар ёки жиноят иши кўзғатилиши биланок Республика ҳудудини муаммосиз тарк этишмоқда. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 5305 нафар қидирувдаги шахс [2], яъни жами қидирувдагиларнинг 65 фоизи, Республика ҳудудидан чиқиб кетган ва ҳозир чет давлатлар ҳудудларида яшириниб юрибди. Бунга суриштирув ёки терговга қадар текширув давомида, жиноятда гумон қилинаётган шахсга нисбатан Республика ҳудудидан чиқиб кетишига тақиқ қўйиш қонунчилигида белгиланмаганлиги, шунингдек тақиқни тезкорлик билан қўйиш имкони йўқлиги асосий сабаб бўлмоқда (белгиланган тартиб бўйича, тақиқ қўювчи орган ИИВ ЖҚББга, ИИВ ЖҚББ эса худди шу тарзда ДХХ Чегараларни кўриқлаш кўмитасига ёзма равишда мурожаат қилганидан сўнг тақиқ Чегара хизматининг дастурий базасига киритилади).

Қидирувдаги шахслар асосан чет мамлакатларга чиқиб кетиб, яшириниши халқаро тажрибада кўп бор кузатилган ҳолат бўлиб, ушбу муаммо С. Н. Гордеев томонидан чуқур ўрганилган. У мазкур масала юзасидан чет мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда бир қатор мақолаларида бу борада ўз таклифларини билдирган [4].

Шунингдек, бу масала бўйича А. А. Матчанов ҳам муайян тадқиқотлар олиб борган ҳамда чет элда яширинган қидирувдаги шахсларни қўлга олишда асосан халқаро ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида қимматли фикрлар билдирган [5].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, ҳозирги кунда қидирув фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий соҳада қуйидаги чора-тадбирларни бажариш зарур:

1. Тергов ва суддан яширинган қидирувдаги шахсларга нисбатан, улар содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъи назар, «қамокқа олиш» тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 28-бобига ўзгартишлар киритиш. Бинобарин, тергов ва суддан яширинган ҳамда қидирув эълон қилинган шахсга нисбатан қамокдан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш мантиқан асоссиздир.

2. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддаси ва 21-моддасидаги зиддиятни бартараф этиш ҳамда юқорида келтирилган муаммоли вазиятни қонуний ҳал қилишни белгиловчи норма киритиш зарур.

3. Чет эл фуқаролигини қабул қилган қидирувдаги шахсларни жиноят иши доирасида тергов ва суд томонидан тегишли тартибда Ўзбекистон фуқаролигидан чиқариш механизмини ишлаб чиқиб, қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш.

4. Фуқаро устидан жиноий ҳолат бўйича ариза тушганида ёки жиноят иши қўзғатилганида унга нисбатан зудлик билан Республика ҳудудидан чиқишга тақик қўйишни ҳуқуқий жиҳатдан қонунийлаштириш.

5. Тақикнинг Чегара хизматлари дастурий базасига киритилишини соддалаштириш ва ушбу базани суриштирув, тергов ва суд органларининг кириш имкониятини берувчи ягона дастурий асос билан таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тезкор маълумотлар бошқармасининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚББнинг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи.

3. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2020 йил 13 март, 610-сон. — URL: <http://lex.uz/docs/6300>.

4. Гордеев С.Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (зарубежный опыт) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. — 2016. — № 3.

5. Матчанов А.А. Международное сотрудничество в розыске лиц, совершивших коррупционные преступления. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-v-rozyske-lits-sovershivshih-korrupcionnye-prestupleniya>.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ҳимоясини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинади. Муаллиф ушбу ҳуқуқий базани таҳлил қилиш асосида ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятини ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор аниқ таклифларни шакллантирган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, ҳуқуқий ҳимоя, ислохот, норматив ҳужжатлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье анализируются нормативно-правовые акты, регламентирующие правовую защиту сотрудников органов внутренних дел. Автор на основе анализа данной правовой базы формулирует ряд конкретных предложений, направленных на совершенствование правовой защиты служебной деятельности и социальных прав сотрудников органов внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, правовая защита, реформы, нормативные документы.

IMPROVEMENT OF THE LEGAL PROTECTION OF THE OFFICERS OF INTERNAL AFFAIRS BODIES

Annotation. The article analyzes the legal acts regulating the legal protection of officers of internal affairs bodies. The author on the bases of the analysis of the legal framework, formulates a number of specific proposals aimed at improving the legal protection of official activities and social rights of officers of internal affairs bodies.

Keywords: internal affairs bodies, legal protection, reforms, regulations.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг шаклланиши даври бир неча босқичларни ўз ичига олади. Мустақиллик йиллари ушбу тизимда асосий ислохотлар амалга оширилди. Тарихан қисқа давр ичида бу соҳада улкан ўзгаришлар юз берди.

Мустақиллик арафасида, айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларида ички ишлар органлари фаолиятининг сустрлашуви, унинг тарқатилишидан тортиб штатларнинг қисқартирилиши ва ушбу тизим ходимларининг ишдан бўшатилиши каби ҳолатлар [1, 17-б.] бир қанча уюшган жиноий гуруҳларнинг шаклланишига олиб келди.

Жумладан, ўша йиллари Тошкент вилоятининг ўзида 341 та жиноий гуруҳ фаолият юритган. Ушбу гуруҳлар томонидан 617 та жиноят содир этилган. 1992 йилда 1990 йилга қараганда қотиллик жинояти 1,7 %, вояга етмаганлар жиноятчилиги 13,7 %, рецидив жиноятчилик эса 7,8 % га кўпайган. Шу билан бирга, ўғирлик кўрсаткичлари (асосан давлат ва жамоат мулкани ўғирлаш) 30 % га кўпайган бўлса, шахсий мулкларни ўғирлаш кўрсаткичи эса 8,9 % га ошган [2, 37-б.].

* *Омонов Улугбек Қахрамон ўғли, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Кадрлар бош бошқармаси Маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бошқармаси ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.*

Шу боис ички ишлар органлари тизимида зудлик билан ислохот қилиш зарурати туғилди ва бу иш босқичма-босқич амалга оширилди. Дастлабки босқич 1991 йилдан бошланиб 2001 йилгача давом этди. Бунда, аввало, Ўзбекистон ССР ИИВ мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди. Орадан бир йил ўтиб, 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан ички ишлар тизими фаолиятининг қонуний асослари мустаҳкамланди. Шу билан бирга, 1993 йилда «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида» [3] ва «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларини мустаҳкамлаш тўғрисида» [4] қарорлар қабул қилиниши соҳа вакилларининг фаолиятини мустаҳкамлаб, жиноятчиликка қарши курашни янги босқичга олиб чиқди. Ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг тасдиқланиши ушбу даврнинг яна бир эса қоларли воқеаси бўлди.

Орадан кўп ўтмай, яъни 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари боис ҳукумат хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор қаратди. Натижада ички ишлар органлари тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 1999 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан мамлакатимиз пойтахтида бошланган ислохотлар натижасида Тошкент шаҳрида жиноятчилик даражасининг сезиларли даражада пасайишига эришилди, криминоген вазиятнинг соғломлашиши таъминланди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид фармонлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Ҳукумат қарорларига мувофиқ бу йўналишдаги ислохотлар бутун республика миқёсида давом эттирилди [5].

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш ва уларнинг қуйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилинишини ислохотларнинг кейинги босқичи сифатда кўриш мумкин. Фармонга мувофиқ, Ички ишлар вазирлигининг бир қатор хизматларини ислох қилиш учун олти устувор қарор қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги (2001 йил 18 май), «Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги (2001 йил 31 май) ва «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги (2001 йил 6 июнь) ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги (2001 йил 25 июнь) ва бошқа қарорлари ушбу тизимнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва олиб борилаётган ислохотларга қарамай, 2004 йил 29–30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва

Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида ички ишлар соҳасида фаолият юритаётган тўққиз нафар ходим ва беш нафар фуқаро ҳалок бўлди. Шу йил 19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда жиноятчилик ва терроризмга қарши курашишни янада кучайтириш чоралари ва бунда ички ишлар органлари ходимларининг аниқ вазифалари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорига асосан Ички ишлар вазирлиги Академияси қошида ички ишлар органлари фаолиятининг деярли барча соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган 6 ойлик Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ҳамда жойларда уларнинг малакасини ошириш марказлари тузилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад ички ишлар идоралари бирламчи бўлинмаларининг моҳирона бошқарувини таъминлаш, мураккаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиб, кескин вазиятларда тўғри қарорлар чиқара оладиган юксак жанговар, ахлоқий-маънавий, руҳий фазилатларга эга, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, конституциявий тузум, ҳуқуқ-тартибот ҳамда жамоат хавфсизлигини виждонан ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак маданиятли, ижтимоий жиҳатдан фаол, ҳалол ва интизомли сержант ходимларни тайёрлашдан иборат эди [1].

Ушбу соҳа вакилларига эътибор тобора кучайиб борди, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти 2007 йил 25 октябрда нишонланадиган ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами арафасида шундай деган эди: «Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз, мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик — наркобизнес хавф-хатар солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши курашиш ички ишлар органларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳар бир ходимдан ўз хизмат бурчини бажаришдаги масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади» [7].

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон қонуни қабул қилинди. Унда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, принциплари ва турларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида 2016 йил 16 сентябрда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Унда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида нормалар белгилаб қўйилди. Жумладан, Қонуннинг 34-моддасида уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги кафолатлар келтирилган:

ички ишлар органи ходими давлат органининг вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимоясида бўлади;

ички ишлар органи ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига бўйсунди;

қонун билан ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким ички ишлар органи ходимининг қонуний фаолиятига аралашиб, ички ишлар органи ходимини қонун билан ички ишлар органлари зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Қонунга зидлиги аниқ бўлган буйруқ ёки фармойиш олганида ички ишлар органининг ходими уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга ва қонунга амал қилиши шарт;

ички ишлар органи ходими ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти ҳақида бирор тушунтириш беришга, шунингдек бундай ишлар ва материалларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ишлар ҳамда материалларни танишиб чиқиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан бошқача тарзда тақдим этишга мажбур эмас;

ички ишлар органларининг ходимлари ўзига нисбатан қабул қилинган қарор ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан юқори турувчи мансабдор шахсларга, прокурорга ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида ички ишлар органлари ҳуқуқий базаси ва норма ижодкорлиги фаолиятининг шаффофлиги ҳамда эркинлигини таъминлашга, шунингдек орган фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ички ишлар органларининг ўрни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилгани кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида Ички ишлар вазирлигининг низоми тасдиқланди. Унда вазирликнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 1 май) қарорида вазирликнинг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси

тўғрисидаги низом тасдиқланди. Жумладан, бош бошқарманинг вазифалари, функциялари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 16 август) қарорида Ички ишлар вазирлиги Академияси таълим мутахассисликларининг ҳамда вазирлик академик лицейларига айлантирилган таълим муассасаларининг рўйхати шакллантирилди.

Ушбу соҳага нисбатан эътиборнинг йилдан-йилга кучайиб бориши, шубҳасиз, ички ишлар органлари фаолиятининг, қолаверса, соҳа ходимларининг нуфузини кўтарди. Уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига, ўз касбига содиқ, элпарвар ҳамда ватанпарвар бўлиб шаклланишига хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий химояси келгусида уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаган ҳолда янада огоҳлик ва ҳушёрлик билан хизмат олиб боришларига, шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда сидқидилдан камарбаста бўлишларига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Алматов З.* Халқ хизматида (кириш сўзи ўрнида) // Халқ хизматида 75 йил. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ички ишлар органлари: ислохотлар ва истиқболлар. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. М.37, Р-1. й/ж 14; 44-в.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. — 1996. — № 11. — 378-м.
5. *Мирзаев А. Ш.* Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2005.
6. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тарихи. — URL: <http://akadmvd.uz/oz/istoriya-stanovleniya-akademii>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри // Хабарнома (Пресс-бюллетень). — 2007. — № 4.

*Ш. Х. Алиев**

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ПРОФИЛАКТИКАСИДА «ШАХСИЙ ҚИДИРУВ»НИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Маколада жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш жараёнида шахсий қидирувни қўллаш хусусиятлари кўриб чиқилган. Ички ишлар органлари тезкор аппаратларининг амалий фаолиятини ўрганиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасида шахсий қидирувни қўллашнинг асосий тактик усуллари ифодалаб берилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикаси, шахсий қидирув, тактик усуллар.

ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ЛИЧНОГО СЫСКА В ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация. В статье рассматриваются особенности применения метода личного сыска в процессе оперативно-розыскной профилактики преступлений. На основе изучения практической деятельности оперативных аппаратов органов внутренних дел и анализа полученных данных сформулированы основные тактические приемы применения личного сыска в оперативно-розыскной профилактике преступлений.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскная профилактика преступлений, личный сыск, тактические приемы.

SPECIFIC FEATURES OF APPLICATION OF PERSONAL SEARCH IN OPERATIONAL SEARCH PREVENTION OF CRIMES

Annotation. The article discusses the features of the application of the method of personal search in the process of operational-search crime prevention. On the bases of the study of the practical activities of the operational apparatus of the internal affairs bodies and the analysis of the data obtained, the main tactical methods of using personal investigation in the operational-search crime prevention are formulated.

Keywords: operational-search activity, operational-search crime prevention, personal investigation, tactical techniques.

Мамлакатимизда устувор йўналишлардан бири суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантиришдан иборат. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва давлат тузилмаларининг амал қилиш механизмининг такомиллаштириш борасида сўнгги йилларда самарали ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бунинг яққол далилидир. Чунки жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи тузилмалар орасида ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди.

**Алиев Шухрат Ҳасанович, Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи.*

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 27 июль куни ўтказилган жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида иштирокчилар эътиборини ана шунга қаратиб, жумладан қуйидагиларни айтди: «Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, ...жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак»[1].

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш буюрилган давлат органлари ва ташкилотлари белгиланган бўлиб, ушбу фаолият субъектлари тизимида жиноятларнинг олдини олиш функциясини амалга ошириш бўйича асосий оғирлик ички ишлар органлари зиммасига тушади. Бунда эса ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари етакчи ўрин тутади. Улар тезкор-қидирув фаолиятининг субъектлари бўлиб, жиноят содир этишни режалаштираётган, унга тайёргарлик кўраётган ёки суиқасд қилаётган шахсларни ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларига нисбатан эртароқ босқичларда аниқлаш ҳамда жиноят содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида тезкор-қидирув хусусиятига эга чоралар кўришга имкон берадиган ўзига хос куч, восита ва усулларга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув бўлинмаларига юклатилган жиноятларнинг олдини олиш вазифаси ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти назариясида «тезкор-қидирув профилактикаси» деган алоҳида ташкилий-тактик тушунча сифатида ифодаланиб [2, 37–40-б.], одатда қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

— жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

— низоли вазиятлар юзага келаётган муайян ижтимоий гуруҳларга (микромухитга), жинойий хулқ-атвор (хатти-ҳаракат)нинг айрим тур ва шаклларига таъсир кўрсатиш, ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларида жиноятларнинг олдини олиш;

— қонунга хилоф хатти-ҳаракатларида жиноят таркибининг белгилари бўлмаган, аммо хулқи профилактик чоралар кўриш учун асос берадиган шахсларни аниқлаш.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, тезкор аппаратларнинг вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор шахсларни аниқлаш учун зарур маълумотларни олишдир [3].

Тезкор-қидирув фаолияти назариясида тезкор аппаратларнинг мазкур фаолияти қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

— тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар ва фактларни аниқлаш;

— тезкор-қидирув профилактикасига қаратилган ҳаракатлар;

— ғайриқонуний фаолият юритувчи шахсларга оид тезкор-қидирув маълумотларини ҳужжатлаштириш ва амалга ошириш.

Жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва фож этиш учун зарур маълумотлар олиш, шунингдек жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этишга алоқадор шахсларни аниқлаш ҳамда яшириниб юрган жиноятчиларни

излаб топиш мақсадида барча куч ва воситалар ишга солинади, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади.

Тезкор ходимлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларининг кўрсатишича, респондентларнинг 95 фоизи тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш учун тезкор-қидирув тадбирларини қўллайдилар, шахсий қидирувни эса улар энг кўп тарқалгани ва самаралиси деб ҳисоблайдилар.

Таъкидлаш жоизки, бир неча ўн йиллардан буён тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиётида тезкор-қидирув фаолияти масалаларини ҳал қилишда (вазифаларини бажаришда) қўлланиладиган тадбир (усул)ни ифодалаш учун «шахсий қидирув» тушунчасидан фойдаланилади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг норматив таъминланганлиги таҳлили «шахсий қидирув» тушунчаси тезкор-қидирув, шунингдек тезкор аппаратларнинг амалий ва норматив фаолиятида кенг қўлланилаётган бўлса ҳам, ушбу тушунча Ўзбекистоннинг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни ҳамда МДХ мамлакатларининг тегишли қонунларида норматив ифодасини топмаганлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, сўровда иштирок этган тезкор ходимларнинг 96 фоизи Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган тадбирлар орасида шахсий қидирувга устунлик берилишини таъкидладилар. Ушбу тадбирнинг хусусияти шундаки, уни амалга ошириш субъекти тезкор ходимнинг ўзи бўлиб, шахсий қидирув давомида шаклланаётган тезкор вазиятдан келиб чиқиб, турли тезкор-қидирув тадбирлари қўлланади. Жиноятларнинг олдини олишда ушбу усулнинг хусусияти қуйидагиларда кўринади:

- 1) бирламчи тезкор ахборот олинганида у бўйича дарҳол чора кўриш мумкинлиги;
- 2) олинган бирламчи маълумотни қайта текшириш талаб этилмаслиги;
- 3) турли тезкор-қидирув тадбирларини қўллашда ҳаракат учун кенг майдон борлиги.

Таъкидлаш жоизки, Бош прокуратуранинг Жиноят-ҳуқуқий статистика бошқармасида юритилаётган жиноятчиликка қарши кураш натижалари ҳақидаги статистик ҳисоботда жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этишда шахсий қидирув натижаларининг ҳисоби юритилиши назарда тутилган.

Махсус адабиётларда шахсий қидирувни бирламчи тезкор-қидирув маълумотларини олиш ва тезкор ходим томонидан уни мустақил равишда амалга ошириш усули деб ҳисоблаш зарур, деган қараш мавжуд.

Ички ишлар органлари тезкор аппаратларининг амалий фаолиятини ўрганиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилиш жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасида шахсий қидирувни қўллашнинг асосий тактик усулларини ифодалашга имкон берди.

Биринчи тактик усул. Тезкор ходим шахсий қидирувни ўтказиш жараёнида бирламчи маълумотни олгач, жиноят содир этиш ниятида бўлган шахслар жинойи режалари ва ҳаракатларидан воз кечишлари учун уларга дарҳол бевосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Шахсда жиноят содир этиш нияти борлиги аниқлангач, унга жиноят учун жазонинг муқаррарлиги, ички ишлар органлари унинг жинойи ниятларидан хабардор бўлиши мумкинлиги тушунтирилади. У билан суҳбат ўтказилгач расман огоҳлантирилади, керак бўлса бармоқ излари олинади ва суратга туширилади. Ушбу шахс профилактик ҳисобга олинади ва унинг иш, яшаш ва ўқиш жойларига хатлар юборилиши мумкин.

Иккинчи тактик усул — жиноятни режалаштираётган ва содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсларга махфий шахслар (конфидентлар), қариндошлари, ўртоқлари, жамоат ташкилотлари ва корхоналар орқали таъсир кўрсатиб, тезкор-қидирув профилактикаси чораларини кўриш.

Тезкор ходим шахс жиноят содир этишни режалаштираётгани ҳақида дастлабки (бирламчи) маълумотни олгач, жиноятни режалаштираётган шахс ишонадиган шахсларни аниқлаши мумкин. Шундан кейин ходим унга пухта йўл-йўриқ кўрсатади, унинг ҳаракат йўналишини белгилайди. Унга ёмон ниятли шахсни жиноий ниятидан қайтара оладиган ишончли сабаблар танланади.

Айрим ҳолларда бундай шахсларга жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш имкониятлари тушунтирилади. Масалан, жиноят қуролини ишдан чиқариш ёки яшириб қўйиш, жиноий тажовуз объектини қўриқлашни кучайтириш, бойликларни бошқа оморга кўчириш, сигнализация ўрнатиш, жиноят етилиб келаётган вазиятни ўзгартириш ва ҳ. к.

Учинчи тактик усул — жиноий мақсадни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шарт-шароитларни яратиш ҳамда маъмурий ёки ташкилий хусусиятга эга бошқа чораларни қўллаш орқали террорчилик ҳаракатлари, қасддан одам ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказиш каби жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасиدير. Бундай шарт-шароитларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

бошқа жойдан келган ёвуз ниятли шахсни шаҳарча рўйхатга қўймаслик ва унга шаҳарни (туманни) тарк этишни таклиф қилиш;

жиноят содир этишни режалаштираётган (ёки шундай ниятда бўлган) шахсни бошқа ишга ўтказиб, яшаш жойини ўзгартириш;

тахдидга учраган шахснинг яшаш жойини ўзгартириш;

тахдид қилган шахсни, агар қонуний асос мавжуд бўлса (масалан, паспорт режимини бузганлиги учун ва бошқа шу каби сабабларга кўра), ушбу жойдан кетказиш;

тажовуз қилинган объект (шахс)га вақтинча яшаш учун қариндошлариникига кўчиб ўтишни таклиф қилиш.

Жиноий ниятнинг амалга ошишига тўсқинлик қилувчи шароит яратиш орқали оғир жиноятларнинг тезкор-профилактик олдини олиш усулларида бири — шахсий қидирувни қўллаш. Тезкор ходимлар шахсий қидирувни амалга ошириш орқали баданга шикаст етказиш ва ҳатто ўлим билан яқунланиши мумкин бўлган безорилик кўринишлари, тўс-тўполон, жанжал ва жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бошқа ҳолатларнинг олдини олиш имконига эгадирлар. Шахсий қидирув ушбу ҳуқуқбузарликлар содир этиладиган жойлар ва вақтни ҳисобга олиб ўтказилади.

Зарур ҳолларда шахсий қидирув патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича бошқа хизматлар билан фаол ҳамкорликда амалга оширилади.

Тўртинчи тактик усул тезкор-профилактик таъсир кўрсатиш жиноятга мойил шахсларни мустақил жиноят таркиби бўлган (қурол-яроғ, захарли моддалар сотиб олиш, ўлдириш билан таҳдид қилиш, вояга етмаганларни жиноятда иштирок этишга ундаш, жиноий гуруҳ ташкил қилиш ва ш.к.) ҳаракатларни тайёрлаганлик учун ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш орқали амалга оширилади.

Мазкур тактик усул тезкор-қидирув профилактикасининг мақсадига эришилмаган, жиноий қасд эса инсоннинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қаратилган ҳамда у жиноятнинг мустақил таркиби сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳолларда қўлланилади. Жиноятга тайёргарлик ҳаракатлари тезкор-қидирув фаолиятининг барча куч, восита ва усуллари қўллаган ҳолда хужжатлаштирилади. Тезкор ходим бунда қуйидаги ишларни амалга оширади:

— оғир жиноят содир этишга тайёргарлик кўраётган шахслар ҳақида батафсил маълумот тўплайди;

— жиноят мотиви ва мақсадларини, жиноятчи ва жабрланувчининг ўзаро муносабатлари хусусиятини ўрганади;

— қандай қурол-яроғ ёки заҳарли, портловчи моддалар сотиб олингани, тайёрлангани, улар қаерда сақланаётгани, улардан қай тарзда фойдаланиш мўлжалланаётганини аниқлайди;

— юқоридаги фактларга гувоҳ бўла оладиган, уларни тасдиқлаши мумкин бўлган шахсларни излайди;

— жиноят қуроли гумон қилинувчида қачон бўлишини аниқлайди;

— шахсни жиноят содир этишига йўл қўймай қўлга олиш режасини тузади.

Профилактика қилинаётган шахсларнинг тайёргарлик ҳаракатларини хужжатлаштириш учун уларни жинойий режа ва ҳаракатларидан ихтиёрий тарзда воз кечишга кўндира оладиган шахслар жалб этилади. Тезкор ходим жиноятчини қотилликка ёки террорчилик ҳаракати содир этишга тайёрланиш босқичида далиллар билан ушлаш мақсадида айна вақтнинг ўзида тезкор комбинацияни ҳам қўллайди.

Масалан, террорчилик ҳаракати, қотиллик содир этиш ва баданга оғир шикаст етказиш билан таҳдид қилганлик учун жинойий жавобгарликка тортиш орқали ҳам бундай жинойий хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш мумкин. Бунинг учун қонуний асослар бўлиши, яъни таҳдид чинакам бўлиши, ҳолат (шарт-шароит) жиноятчи ўз таҳдидини амалга ошириши мумкинлигидан далолат бериши лозим.

Таҳдидни ифодалаш усуллари қуйидагилар: портлатиш қурилмалари ёки қурол-яроғни тайёрлаш, намойиш этиш, шохидлар ҳузурида очикчасига айтиш ва ҳ.к. Таҳдид қилаётган шахс ва жабрланувчи ўзаро муносабатларининг характери: ниҳоятда адоватли, зиддиятли, уруш-жанжалли, тажовузкор бўлиши мумкин. Айбдор аввалги хулқ-атвори, айниқса шахсга қарши жинояти бўйича муқаддам судланган, турар жойи ва иш жойидан салбий тавсифланган бўлиши мумкин. Жиноятга мойил шахснинг хатти-ҳаракатларида ушбу белгилар мавжуд бўлганида, бир неча марта таҳдид қилганлиги (қўрқитганлиги), портлатиш қурилмалари, қурол-яроғи бўлганлигини хужжатлаштириш ҳамда уни шулар асосида жинойий жавобгарликка тортиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикаси учун тезкор аппаратлар фаолиятида шахсий қидирув асосий ўринлардан бирини эгаллайди ҳамда ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва улар томонидан жиноятлар содир этилишига йўл қўймасликнинг самарали усули ҳисобланади. Шахсий қидирувни қўллаш йўналиши ғоят кенг бўлиб, ундан ички ишлар органлари тезкор аппаратлари олдида турган бошқа хилма-хил вазифаларни бажаришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Шавкат Мирзиёев*. Битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак. – URL: <https://president.uz/uz/1914>.

2. *Алиев Ш.Х.* К понятию оперативно-розыскной профилактики преступлений как приоритетного направления деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. — 2018. — № 3. — Б. 37–40.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни. — URL: <https://www.lex.uz/docs/2107763>

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Аннотация. Мақолада тезкор-қидирув тадбирларининг тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги масаланинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Тезкор-қидирув тадбирларига таъриф беришда эътиборга олинishi лозим бўлган омиллар келтирилиб, ушбу тушунчани қонунчиликка жорий этиш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, субъект, мақсад, объект, ташкилий чора-тадбирлар, мазмун, элемент, хусусият.

ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ ОПЕРАТИВНО- РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье анализируются теоретические аспекты вопроса о понятии и сущности оперативно-розыскных мероприятий. Приводятся факторы, которые следует учитывать при формулировании понятия оперативно-розыскных мероприятий, и вносятся предложения по внедрению данного понятия в законодательство.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, субъект, цель, объект, организационные меры, содержание, элемент, характеристика.

THE CONCEPT AND ESSENCE OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES

Annotation. The article analyzes theoretical aspects of the issues connected with the concepts and essence of operational-search measures. At the same time, The factors that should be taken into account when formulating the concept of operational-search measures are given, and proposals are worked out on introduction the concept into legislation.

Keywords: operational-search activities, operational-search measures, subject, purpose, object, organizational measures, content, element, characteristics.

Маълумки, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун қабул қилингунига қадар «тезкор-қидирув тадбирлари» идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (буйруқ, йўриқнома ва қўлланмалар) [1, 25-б.] асосида тартибга солинган. Фақат тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш бўйича муайян умумий қоидалар Жиноят-процессуал кодекс билан белгиланган эди [2]. Қонун фуқароларга биринчи маротаба тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, тушунчаси, шу жумладан уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ҳолатлар билан танишиш имконини берди.

«Тезкор-қидирув фаолияти» тўғрисидаги қонунда «тезкор-қидирув тадбирлари»ни ўтказишнинг қонунийлик қафолатлари тизими белгилаб қўйилган бўлиб, унинг 3-моддасига биноан тезкор-қидирув фаолияти «тезкор-қидирув тадбирлари»ни ўтказиш орқали амалга оширилади. Ушбу таърифдан тезкор-

* *Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси.*

қидирув тадбирлари мазкур фаолиятнинг ўзагини ташкил этишини кўриш мумкин. Лекин амалдаги қонунда умумий «тезкор-қидирув тадбирлари» тушунчасининг мазмуни очиб берилмаган. Бу эса, фикримизча, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонунийликка риоя этилиши ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга салбий таъсир этиши мумкин. Шу билан бирга, Қонунда тезкор-қидирув тадбирларига таъриф берилмаганлиги ҳозирга қадар соҳа олимлари ўртасида турли хил қарашлар пайдо бўлишига, энг ачинарлиси, тезкор-қидирув тадбирларининг нотўғри талқин этилишига олиб келмоқда. Натижада, соҳа мутахассислари орасида тезкор-қидирув тадбирларининг мазмун-моҳияти, тушунчаси, асосий белгилари ва тузилишини аниқлаштириш борасида ҳамон бир тўхтамга келинмаган [3, 18-б.].

Жумладан, О. В. Фирсов тезкор-қидирув тадбири тўғрисида фикр билдириб, унга қуйидагича таъриф берган: «*Тезкор-қидирув тадбирлари* — ваколатли шахслар томонидан қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган асослар ва тартибда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг аниқ шаклидир» [4, 168-б.]. Мазкур фикрга қўшилиш қийин, чунки келтирилган таърифда тезкор-қидирув тадбирларининг зарурий элементи «объект», «мақсад» ва «ташкилий чора-тадбирлар» ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларининг «*Тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланиш*»га қаратилган ўзига хос хусусияти назардан четда қолган.

К. К. Горяинов, Ю. Ф. Кваша ва К. В. Сурков эса «тезкор-қидирув тадбирлари деганда мақбул вақтда жиноят факти ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаб, уларга таъсир кўрсатиш имконини берадиган далилларни (объектлар, ҳолатлар ва бошқаларни) излаш мақсадида бирлаштирилган, мувофиқлаштирилган ҳаракатлар мажмуи»ни [5, 200-б.] тушунишни таклиф этади. Ушбу олимларнинг «тезкор-қидирув тадбирлари» тушунчасига берган таърифига ҳам қўшилиш қийин. Чунки, унда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказувчи субъект кўрсатилмаган, мақсад эса жуда тор ифодаланган, қолаверса, тезкор-қидирув тадбирларининг «*фақат ваколатли субъектлар томонидан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш учун белгиланган асосларга ва шартларга мувофиқ амалга оширилиши*» каби ўзига хос хусусиятлари қамраб олинмаган.

Бундан ташқари, К. К. Горяинов ва бошқа муаллифлар тезкор-қидирув тадбирларига «тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажаришга қаратилган ошқора ва ноошқора куч, восита ва усуллар қўлланиладиган ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуи» [6, 281-б.] деб таъриф берадилар. Ушбу таърифга ҳам фақат қисман қўшилиш мумкин. Чунки унда тезкор-қидирув тадбирларининг энг асосий элементлари — субъект ва объект кўрсатилмаган. Шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларининг «*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асосларга ва шартларга мувофиқ амалга ошириш ва зарур маълумотларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланиш*» хусусияти назардан четда қолган.

Ўз навбатида, В. Г. Бобров тезкор-қидирув тадбирларини «ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатиш ва очиш, қидирувдаги жиноятчилар

ва бедарак йўқолган шахсларни излаб топиш, шунингдек жиноятчиликка қарши курашда бошқа тезкор-тактик масалаларни ҳал қилиш учун муҳим бўлган тезкор-қидирув ва бошқа маълумотларни, нарса ва ҳужжатларни олиш ҳамда улардан фойдаланишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил этилган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар тизими» [7, 4-б.] сифатида таърифлайди. Ушбу таъриф юқоридаги келтирилганларга қараганда бирмунча тўлиқ бўлса-да, лекин унда тезкор-қидирув тадбирларининг таркибий элементи бўлган *субъект* келтирилмаган. Таърифда тезкор-қидирув тадбирларининг *«фақат ваколатли субъектлар томонидан амалга ошириш, ошкора, ноошкора куч, восита ва усуллардан фойдаланиш»* каби хусусиятлари қамраб олинмаган.

О. А. Вагин ва А. П. Исиченко эса тезкор-қидирув тадбирлари деганда «тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган тезкор-қидирув фаолияти масалаларини ҳал қилишга қаратилган ошкора ва ноошкора куч, восита ва усуллар қўлланиладиган ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуи»ни [6, 281-б.] тушунадилар. Бу таърифда ҳам тезкор-қидирув тадбирларининг *субъекти* ва *объекти* кўрсатилмаган. Таърифда *«тезкор-қидирув тадбирларининг қонуний мустаҳкамланганлиги, белгиланган асослар ва шартларга биноан ўтказилиши ҳамда зарур бўлган маълумотларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган»* хусусиятлари ёритилмаган.

Д. В. Ривман тезкор-қидирув тадбирлари деганда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун билан ваколат берилган субъектлар томонидан ўтказиладиган мураккаб (тизимлаштирилган), ташкилий жиҳатдан мақсадга йўналтирилган, жиноятчиликка қарши курашда аниқ тезкор вазифаларни бажариш учун мўлжалланган, махсус усул ва воситалар ёрдамида амалга ошириладиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини бузиш, шунингдек ноўрин (асоссиз) тажовуз қилишни истисно этадиган қатъий процессуал, тактик ва макон-вақт чекловларига эга бўлган норматив тартибга солинган ошкора ва ноошкора ҳаракатларни» [8, 81-б.] тушунади. Тушунча бирмунча тўлиқ берилганига қарамай, *объект* келтирилмаган. Тезкор-қидирув тадбирларининг *«қонунда белгиланганлиги, зарур маълумотларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратилганлиги ҳамда ошкора, ноошкора куч, восита ва усуллардан фойдаланиш»* билан боғлиқ хусусиятлари эътибордан четда қолган.

А. Н. Халиков тезкор-қидирув тадбирлари «тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш учун зарур бўлган аниқ маълумотларни олиш ва қайд этиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ошкора ва ноошкора воситалар ва усулларни бирлаштириб амалга ошириладиган ҳаракатлар» [9, 139-б.] сифатида изоҳлайди. Ушбу таърифта қисман қўшилиш мумкин, чунки муаллиф тезкор-қидирув тадбирларининг мақсадини *«зарур бўлган аниқ маълумотларни олиш ва уларни қайд этиш»* сифатида ифодалаган. Фикримизча, мақсад *«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»*ги қонунда белгиланган вазифаларини бажариш»

бўлиши керак. Шунингдек, таърифда тезкор-қидирув тадбирларининг «қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ошкора, ноошкора куч, восита ва усуллар уйғунлигида ўтказилиши» билан боғлиқ хусусияти кўрсатилмаган.

А. Ю. Шумилов ҳам тезкор-қидирув тадбирларини «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунга биноан, тезкор-қидирув фаолиятини бевосита амалга оширувчи субъект (тезкор ходим, кўмаклашувчи шахс ва бошқалар)нинг мақсадларига эришиш ва тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни олишга қаратилган излов ҳаракати» [10, 183-б.] сифатида изоҳлайди. Фикримизча, ушбу таъриф ҳам тўлиқ эмас. Чунки муаллиф тезкор-қидирув тадбирларининг мақсадини тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш учун зарур бўлган «ахборотни олиш» сифатида берган. Назаримизда, мақсад тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган вазифаларини бажариш учун зарур бўлган «ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш» бўлиши керак. Шу билан бирга, таъриф тезкор-қидирув тадбирларининг барча хусусиятларини камраб олмаган. Тезкор-қидирув тадбирларини тезкор-қидирув фаолиятининг бошқа йўналишларидан фарқловчи хусусиятлардан бири «қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ўтказилиши»дир. Юқоридаги таърифда эса бундай хусусият мавжуд эмас.

А. К. Закурлаев ва Ю. С. Пулатовнинг фикрича, «тезкор-қидирув тадбирлари — бу тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда ўтказиладиган, тўлиқ рўйхати тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган аниқ ҳаракатлар, тезкор-қидирув фаолиятининг таркибий элементларини ўзида ифодалайди, бу элементлар жамулжам ҳолда тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади» [11, 76-б.]. Фикримизча, ушбу муаллифларнинг таърифи тўлиқ эмас, чунки унда тезкор-қидирув тадбирларининг элементлари бўлмиш *субъект, объект* ва *мақсад* кўрсатилмаган. Шунингдек, *тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари ва шартлари* каби хусусияти назардан четда қолган.

Ҳуқуқшунос олимлар А. А. Хамдамов, Т. Р. Сайтбаев, С. Н. Гордеев, В. Г. Каримов ва А. Е. Чечетиннинг тезкор-қидирув тадбирлари юзасидан берган таърифлари бошқа олимларникига нисбатан мазмунан бой чиққан. Жумладан, А. А. Хамдамов, Т. Р. Сайтбаев ва С. Н. Гордеев *тезкор-қидирув тадбирларига* «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган разведик излов хусусиятига эга бўлган, ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда асосан ноошкора восита ва усулларни ошкора восита ва усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга асосланган ҳамда тезкор-қидирув фаолияти масалаларини ҳал қилиш учун зарур фактик маълумотларни бевосита аниқлашга қаратилган чора ва ҳаракатлар тизими» [12, 68-б.] сифатида таъриф беришган.

В. Г. Каримов: «*Тезкор-қидирув тадбирлари* — тезкор-қидирув фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ваколатли субъектлар томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ошкора ва ноошкора усул ва воситалар уйғунлигида ўтказиладиган, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини бажаришга йўналтирилган ўзаро муштарак тадбирлар мажмуидир» [3, 19-б.], деб изоҳлаган.

А. Е. Чечетин эса *тезкор-қидирув тадбирларига* «тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун билан белгиланган ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш учун зарур бўлган фактларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган, ошқора восита ва усуллар билан бирга асосан ноошқора восита ва усуллардан фойдаланиб ўтказиладиган ҳаракатлар» [13, 21-б.], деб таъриф берган.

Биз юқорида келтирилган олимларнинг тезкор-қидирув тадбирларига берган таърифларини таҳлил қилиш орқали тушунчаларни ёритишда тезкор-қидирув тадбирларининг айрим элементлари ёки хусусиятларини эътибордан четда қолдирганликларига гувоҳ бўлдик. Фикримизча, мазкур таърифлар тезкор-қидирув тадбирларининг моҳиятини тўлиқ тушуниш ва ёритишга имкон бермайди.

«Тезкор-қидирув тадбирлари» тушунчасига таъриф беришда асосий эътиборни тезкор-қидирув тадбирларининг элемент ва хусусиятларига қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тезкор-қидирув тадбирлари — қонун талабларидан келиб чиқиб, объект, субъект, мақсад, ташкилий чора-тадбирлар, мазмун каби асосий элементлардан иборат бўлиши лозим.

Тезкор-қидирув тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

қонун билан белгиланганлиги;

фақат ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилиши;

қонунда белгиланган асос ва шартларга биноан ўтказилиши;

ошқора ва ноошқора куч, восита, усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш мумкинлиги;

тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал қилиш мақсадида зарур бўлган маълумотларни аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган бўлиши.

Тезкор-қидирув тадбирларининг элементлари ва хусусиятлари таҳлилидан келиб чиқиб, назаримизда, тезкор-қидирув тадбирларига қуйидагича таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

«**Тезкор-қидирув тадбирлари** — тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ ваколатли субъектлар томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш мақсадида зарур бўлган фактик маълумотларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланиш учун ошқора ва ноошқора куч, восита, усулларни қўллаб ўтказиладиган ҳаракатлар мажмуи».

Шундай қилиб, қонунчилик техникасига кўра янги қабул қилинаётган қонунларда соҳага тааллуқли асосий тушунчаларнинг мазмуни очиб берилаётганини инобатга олиб, «тезкор-қидирув тадбирлари» тушунчасининг нотўғри талқин этилишига барҳам бериш ҳамда амалиётчи ходимларнинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган турли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига **асосий тушунчалар** деб номланган 3¹-моддани қўшиб, унда «**тезкор-қидирув тадбирлари**» тушунчасига таъриф бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

Мазкур таклифларнинг амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топиши ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириб, қонунийликка риоя этилишига ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига хизмат қилади, шунингдек соҳа олимлари орасидаги «тезкор-қидирув тадбирлари» тушунчасининг талқини билан боғлиқ келишмовчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Каримов В.Г.* Тезкор-қидирув қонунчилигини ривожлантиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. — 2018. — № 1(33).
2. *Кулькова Е.В.* Правовое регулирование оперативно-розыскного обеспечения расследования преступлений // Бизнес в законе. — 2012. — № 6. — С. 35–38.
3. *Каримов В.Г.* Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2019. — № 3.
4. *Фирсов О.В.* Правовые основы оперативно-розыскных мероприятий: Учеб. пособие. — М.: Норма-ИНФРА-М., 2011.
5. *Горяинов К.К.* Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности»: Комментарий / К.К. Горяинов, Ю.Ф. Кваша, К.В. Сурков. — М., 1997.
6. Теория оперативно-розыскной деятельности: Учебник / Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Сенилова. — М., 2010.
7. *Бобров В.Г.* Понятие оперативно-розыскного мероприятия. Основания и условия проведения оперативно-розыскных мероприятий: Лекция. — М., 2003.
8. *Ривман Д.В.* Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности». — СПб., 2003.
9. *Халиков А.Н.* Правовые основы оперативно-розыскной деятельности: Курс лекций. — М., 2007.
10. *Шумилов А.Ю.* Курс основ оперативно-розыскной деятельности: Учебник для вузов. 3-е изд., доп. и перер. — М., 2008.
11. *Закурлаев А.К., Пулатов Ю.С.* Тезкор-қидирув фаолияти: Ўқув қўлланма — Т., 2014.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А. Ҳамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
13. *Чечетин А.Е.* Актуальные проблемы теории оперативно-розыскных мероприятий. — М., 2006.

*Д. Ю. Пайзиев**

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ УГОЛОВНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье исследуются тенденции развития уголовной политики Республики Узбекистан, проанализирована проведенная за прошедшие годы работа по демократизации и либерализации всех сфер жизни, обусловившая необходимость внесения ряда изменений в уголовное законодательство, а также изложены основные направления реформирования системы уголовного законодательства и проводимой организационной работы по либерализации судебно-правовой системы.

Ключевые слова: тенденции развития, уголовная политика, правовая основа, либерализация судебно-правовой системы, освобождение от уголовной ответственности, уголовное правонарушение, проступки и преступления, институт пробации, законность и правопорядок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг ривожланиш тамойиллари тадқиқ этилган, ўтган йиллар давомида жиноят қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этган ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган, шунингдек жиноят қонунчилиги тизимини ислоҳ қилиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ташкилий ишларнинг асосий йўналишлари баён этилган.

Таянч иборалар: ривожланиш тенденциялари, жиноят-ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий асос, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, жиний жавобгарликдан озод қилиш, жиний ҳуқуқбузарлик, қилмишлар ва жиноят, пробация институти, қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот.

CURRENT TENDENCIES OF THE DEVELOPMENT OF CRIMINAL POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Annotation. The article deals with the tendencies of the development of criminal policy of the Republic of Uzbekistan, analyzed the work carried out over the past years to democratize and liberalize all spheres of life, which necessitated a number of changes in the criminal legislation, and also outlined the main directions of reforming the criminal law system and the ongoing organizational work to liberalize the judicial system.

Keywords: development tendencies, criminal policy, legal framework, liberalization of the judicial and legal system, exemption from criminal liability, criminal offense, misdemeanors and crimes, probation institution, law and order.

После обретения независимости (1 сентября 1991 года) Республика Узбекистан одна из первых среди республик на постсоветском пространстве приняла новый Уголовный кодекс страны.

* *Пайзиев Дилшод Юлдашбаевич, старший преподаватель кафедры уголовного и уголовно-исполнительного права Академии МВД Республики Узбекистан.*

Принятый 22 сентября 1994 года и вступивший в силу 1 апреля 1995 года Уголовный кодекс Республики Узбекистан, стал правовой основой построения демократического, правового государства и гражданского общества, в условиях перехода к рыночным отношениям с социально ориентированной экономикой, признанием приоритетными общепризнанных международным сообществом норм по защите прав и свобод личности.

За прошедшие годы в республике проделана большая работа по демократизации и либерализации всех сфер жизни, повышению уровня участия гражданского общества в защите демократических ценностей и принципов, прав, свобод и законных интересов человека. Трансформация и развитие общественных отношений на данном этапе обусловили необходимость внесения соответствующих изменений в законодательной сфере, в том числе и в уголовном законодательстве.

В процессе реализации этих изменений — перехода от сильного государства к сильному гражданскому обществу, возникла потребность в последовательной и поэтапной либерализации судебно-правовой системы. В частности, уголовное законодательство отразило новые подходы к системе назначения наказаний, классификации преступлений, расширился круг специальных видов освобождения от ответственности и наказаний, сократилась репрессивная функция уголовного закона путем более широкого применения наказаний, не связанных с лишением свободы. Одним из важных факторов укрепления законности стало введение института примирения, что явилось эффективным средством либерализации правовых отношений, создавшим широкие возможности для надежной защиты прав потерпевших, освобождения от уголовной ответственности [1].

Наиболее значимым этапом либерализации уголовного законодательства Узбекистана явилась отмена смертной казни (01.01.2008 г.) как вида уголовного наказания, что ознаменовало выход на новый уровень обеспечения гарантий защиты основополагающих прав человека, закрепленных во Всеобщей декларации прав человека и Конституции республики.

В результате развития общественных отношений и возникновения новых форм и видов угроз уголовное законодательство Республики Узбекистан претерпело также и целый ряд криминализационных процессов. Например, широкое внедрение информационных технологий в республике повлекло дополнение УК главой о преступлениях в сфере информационных технологий. Ориентирование экономики страны на развитие частного предпринимательства обусловило потребность создания надежной правовой базы по обеспечению защиты прав и свобод предпринимательской деятельности, в связи с чем Уголовный Кодекс был дополнен главой о преступлениях, связанных с воспрепятствованием, незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность и других преступлениях, посягающих на права и законные интересы хозяйствующих субъектов.

Процесс судебно-правового реформирования и либерализации уголовного законодательства, появление новых, ранее неизвестных угроз, форм и способов совершения преступлений требовали внесения соответствующих изменений и дополнений в действующие нормативно-правовые акты. За прошедшие

годы принято более **70** законов, которыми было внесено более **720** изменений и дополнений в действующий Уголовный кодекс Республики Узбекистан.

В настоящее время современный Узбекистан стремительными шагами идет по пути построения демократического, правового государства и гражданского общества. Проводимые реформы в стране во всех сферах социальной, экономической и политической жизни, либерализации судебно-правовой системы, повышение доверия общественности к правоохранительным органам, укрепление верховенства закона в обществе требуют надлежащего правового обеспечения, создания более эффективной системы законодательства, в том числе и уголовного.

Основные направления реформирования системы уголовного законодательства прямо указаны в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства», принятого 14 мая 2018 года, в соответствии с которым правовые пробелы в системе уголовного законодательства, недостаточная эффективность правовых механизмов профилактики и предупреждения преступлений, а также привития гражданам высокой правовой культуры и уважения к закону, несоразмерность санкций за совершение отдельных видов преступлений характеру и степени общественной опасности деяний, в том числе недостаточное и неэффективное применение альтернативных видов наказания, поощрительных норм и мер общественного воздействия, недостаточная имплементация признанных в международной практике уголовно-правовых институтов, в том числе отсутствие уголовной ответственности юридических лиц, препятствуют эффективной защите прав, свобод и законных интересов граждан, обеспечению законности и правопорядка [2].

Утвержденная данным постановлением Концепция совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан нацеливает на разработку и реализацию кардинально новых приоритетов уголовно-правовой политики государства по следующим трем основным направлениям:

- 1) унификация норм уголовного законодательства;
- 2) совершенствование системы уголовной ответственности и наказания;
- 3) обеспечение действенной и надежной охраны прав и свобод граждан, интересов общества и государства [3].

В рамках реализации данной Концепции в республике образована межведомственная рабочая группа в составе представителей правоохранительных органов, органов суда, палаты адвокатов, профессорско-преподавательского состава высших юридических образовательных учреждений, других министерств и ведомств, научных кругов. В ходе работы межведомственной рабочей группы был проведен мониторинг норм действующего УК, сравнительный анализ уголовных законодательств зарубежных стран, изучены положения международно-правовых актов, к которым присоединился Узбекистан, проблемы и потребности судебно-следственной практики, связанные с применением норм уголовного законодательства, последние достижения науки уголовного права, на основе

которых выработана концепция новой редакции Уголовного кодекса, которая предусматривает:

— введение новой классификации уголовных правонарушений на проступки и преступления в зависимости от формы вины и тяжести причиненного вреда либо угрозы причинения вреда определенного вида (существенный, значительный, тяжкий, особо тяжкий). В связи с чем обосновывается целесообразность пересмотра действующего Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан на предмет выявления правонарушений, по своей юридической природе относящихся к уголовным (например, мелкое хищение, мелкое хулиганство, причинение легких телесных повреждений и т.п.), а также выделения из действующего УК преступлений, обладающих административной преюдицией и преступлений, предусматривающих наказания, не связанные с лишением свободы, и систематизации данных составов правонарушений в кодексе о проступках;

— пересмотр на основе изучения передового опыта зарубежных стран действующей системы уголовных наказаний, путем предусмотрения в УК только двух основных видов наказаний — штрафа и лишения свободы. При этом предлагается установить три вида основных наказаний за проступки (штраф, арест и краткосрочное лишение свободы) и два — за преступления (штраф и лишение свободы). В качестве дополнительных видов наказаний оставить лишение воинского и специального звания, лишение определенного права, а также ввести в качестве дополнительного наказания — конфискацию имущества, добытого преступным путем либо приобретенного на средства, добытые преступным путем, а также имущества, являющегося орудием или средством совершения уголовного правонарушения. При этом лишение определенного права и конфискация имущества могут применяться как в качестве дополнительных к основному наказанию, так и самостоятельно, в качестве иных мер уголовно-правового воздействия (мера probation, мера безопасности, мера восстановления). Учитывая, что пожизненное лишение свободы является разновидностью лишения свободы, предлагается не указывать его в качестве самостоятельного вида уголовного наказания;

— расширение круга иных мер уголовно-правового воздействия путем введения института probation, в качестве условия не применения назначенного наказания, а также мер безопасности, мер восстановления и испытания, мер отведения от правосудия, которые могут применяться как наряду с основным наказанием, так и самостоятельно, и лишь за совершение проступков, менее тяжких и некоторых видов тяжких преступлений. При этом для достижения принципа индивидуализации нецелесообразно указывать виды и сроки либо размеры иных мер уголовно-правового воздействия непосредственно в санкциях статей Особенной части УК;

— предусмотреть в УК ответственность юридических лиц только лишь в случаях совершения коррупционных или экологических преступлений в интересах юридического лица, состоящую в привлечении к уголовной ответственности физических лиц, виновных в совершении преступлений и применении мер уголовно-правового воздействия в отношении юридического лица в виде штрафа, приостановления, ограничения, прекращения деятельности или иных мер;

— исключить из статей Особенной части УК квалифицирующие и особо квалифицирующие признаки, предусматривающие повышенную ответственность за повторное совершение и рецидив преступлений, поскольку их наличие в действующей редакции ведет к необоснованному ужесточению наказания, не соразмерному фактически совершенному деянию. Представляется целесообразным учитывать факты повторного совершения или рецидива преступлений при назначении наказаний, предусмотрев в Общей части норму, содержащую правила назначения наказаний при множественности преступлений, с указанием минимального порога срока или размера наказания в соотношении с максимально установленным для соответствующего преступления;

— в целях обеспечения единообразного применения уголовно-правовых норм, с учетом сложившейся практики и достижений современной науки уголовного права, сформулировать и ввести в Общую часть УК главу, содержащую общие и специальные правила квалификации;

— коренным образом пересмотреть законодательные положения, касающиеся особенностей ответственности несовершеннолетних и исходя из принципа наилучшего обеспечения интересов ребенка, расширить круг мер уголовно-правового воздействия, не связанных с применением наказаний, в частности, ввести в УК такую меру, альтернативную уголовному преследованию, как отведение от правосудия, которая эффективно используется в ряде зарубежных стран;

— расширить круг видов и оснований для применения принудительных мер медицинского характера, а также закрепить положение о зачете времени, в течение которого лицо находилась на стационарном психиатрическом лечении, в срок наказания в случае его выздоровления;

— в рамках проводимой в стране антикоррупционной политики, особо актуальными являются вопросы приведения национального законодательства в соответствие с международными стандартами в сфере противодействия коррупции. В этой связи следует дополнить Особенную часть Уголовного кодекса нормами об ответственности за обещание и предложение взятки, получение взятки в интересах третьих лиц, злоупотребление влиянием, а также ввести в качестве предмета взятки нематериальные блага. Кроме того, в целях усиления предупредительного эффекта уголовного закона, восстановления социальной справедливости, устранения опасности для общества представляется целесообразным ввести в УК в качестве меры уголовно-правового воздействия — конфискацию орудий и средств совершения уголовного правонарушения, имущества, полученного в результате совершения уголовных правонарушений, любые доходы от этого имущества, за исключением имущества и доходов от него, подлежащих возврату законным владельцам, собственникам или их правопреемникам.

Наряду с изложенными выше основными направлениями совершенствования действующего уголовного законодательства, в целях удобства использования УК предлагается ввести нумерацию частей и пунктов уголовно-правовых норм. Вместе с тем, учитывая новые подходы в классификации уголовных правонарушений, следует переименовать действующий Уголовный кодекс на Кодекс Республики

Узбекистан об уголовных правонарушениях, и структурно предусмотреть в одном законе Общую часть и Особенную часть, состоящую из раздела о проступках и раздела о преступлениях. Преимущество данной структурной модели кодекса заключается в том, что процессуальный механизм его применения исключает необходимость введения отдельного процессуального кодекса для проступков, положения которого в большинстве аналогичны положениям, действующим в отношении преступлений.

Исходя из вышеуказанного, следует отметить, что предлагаемая Концепция совершенствования уголовного законодательства имеет важное значение в уголовной политике Республики Узбекистан, отражающая современные тенденции развития общества, процессы интеграции международно-правовых норм в национальное законодательство, основывающаяся на принципах приоритета профилактики над репрессией, комплексного подхода к борьбе с преступностью, ограничения принудительных мер, дифференцированного подхода и индивидуализации этих мер по отношению к различным категориям уголовных правонарушений и виновным в их совершении лицам, и послужит переходу современного уголовного права Узбекистана на новый правовой уровень, способный обеспечить законность и правопорядок, надежную защиту прав и свобод личности, интересов общества и государства на долгую перспективу.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Формирование независимой судебной системы в Узбекистане: опыт и перспективы. — URL: <https://www.osce.org/ru/odihhr/38717?download=true> (05.10.2019)
2. «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства»: Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3723 от 14 мая 2018 г.// Национальная база данных законодательства, 15.05.2018 г., № 07/18/3723/1225, 01.10.2018 г., № 06/18/5547/1975.
3. Концепция совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан (Приложение № 1 к Постановлению Президента Республики Узбекистан № ПП-3723 от 14 мая 2018 года)// Национальная база данных законодательства, 15.05.2018 г., № 07/18/3723/1225, 01.10.2018 г., № 06/18/5547/1975.

ЕТИШТИРИЛИШИ ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЎСТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Аннотация. Мақолада таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифи асосида наркотикларни ғайриқонуний муомалага чиқаришга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: ўстириш тақиқланган экинларни экиш ёки етиштириш, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомалада бўлиши, ўстириш тақиқланган экинларни экиш ёки етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий, криминалистик, криминологик тавсифи.

ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С КУЛЬТИВИРОВАНИЕМ ЗАПРЕЩЕННЫХ К ВОЗДЕЛЫВАНИЮ КУЛЬТУР

Аннотация. В статье на основе правовой характеристики преступлений, связанных с культивированием растений, содержащих наркотические средства или психотропные вещества, формулируются предложения, направленные на повышение эффективности борьбы с незаконным оборотом наркотиков.

Ключевые слова: посадка или выращивание запрещенных к возделыванию растений, незаконный оборот наркотических средств, уголовно-правовая, криминалистическая, криминологическая характеристика преступлений, связанных с культивированием запрещённых к возделыванию культур.

LEGAL CHARACTERISTICS OF CRIMES RELATED TO THE CULTIVATION OF FORBIDDEN PLANTS

Annotation. The article deals with the legal characteristics of crimes related to the cultivation of plants containing narcotic drugs or psychotropic substances, proposals are formulated aimed at increasing the effectiveness of the fight against drug trafficking.

Keywords: planting of illicit plants, growing illicit plants, drug trafficking, criminal legal, forensic, criminological concepts of the crime connected with growing illicit plants.

Гиёҳвандлик инсон соғлиғининг кушандаси, қанчадан-қанча инсонларнинг умрига, соғлиғига зомин бўлаётган иллатдир. Дунё миқёсида гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасида кенг тарқалиши ва бу касалликка чалинганлар сонининг кун сайин ортаётгани жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бирига айланди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига қараганда бугун дунёда 210 миллионга яқин гиёҳвандлар (ер юзи аҳолисининг тахминан 3 фоизига яқини) қайд этилган. Ҳар йили ёшлар ўртасида гиёҳвандлар сони 10–15 фоизгача кўпайиб бормоқда [1]. Бу эса нафақат наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига, балки таркибида бундай моддалар бўлган ўсимликларни етиштиришга ҳам қарши курашни янада долзарблаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (1999 йил 19 август) қонуни ҳамда Жиноят кодексининг 270-моддасига

**Матёзов Шодлик Озодович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси.*

мувофик, таркибида наркотик моддалар мавжуд бўлган экинларни етиштириш — тақиқланган экинларни етиштириш деб баҳоланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур экинларни экиш ёки етиштириш ман этилади. Бироқ тиббиётда таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинлардан кенг фойдаланилиши сабабли давлат эҳтиёжлари чегарасида махсус назорат ва кузатув остида муайян микдорда экишга белгиланган тартибда рухсат берилиши мумкин. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август қонуни 6-моддасига асосан таркибида наркотик модда бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади. Республикамизда тақиқланган экинларни етиштириш ва улар билан муомала қилиш қатъий назоратга олинган.

Демак, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш қонуний ёки қонунга хилоф бўлиши мумкин. Қонуний фаолият ижтимоий фойдали, қонунга хилоф фаолият эса ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаради.

Ушбу тақиқланган экинларни етиштириш ҳаракатига ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича турлича тавсиф бериш мумкин. Ушбу тавсифлар тақиқланган экинларни етиштиришга қарши курашда алоҳида аҳамият касб этади. Қуйида уларни кўриб чиқамиз.

Ҳаракатнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи қуйидагиларни ойдинлаштиради. Жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан, тақиқланган экинларни етиштириш деганда кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш тушунилади. Ушбу жиноятнинг бевосита объекти таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни экиш ёки етиштиришнинг ўрнатилган тартиби ва аҳолининг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Жиноятнинг предметлари эса кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинлар ҳисобланади. Жиноятнинг объектив томони тақиқланган экинларни экиш ва етиштириш билан боғлиқ қилмишларни ўз ичига олади.

Тақиқланган экинларни экиш деганда тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерга ман этилган экин уруғини сепиш ва кўчатини ўтқазиш тушунилмоғи керак. Жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ушбу қилмиш, ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъи назар, экин экилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодекси 270-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метргача бўлиши кўзда тутилади.

Тақиқланган экинларни етиштириш деганда уларни экилган вақтидан пишиш босқичигача бўлган даврда парваришlash тушунилади. Айбдор шахс тақиқланган экинни муайян ер майдонига экади ёки етиштиради. Экин майдонининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда қилмишга ҳуқуқий баҳо берилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» қисмида экин майдонининг кичик (250 квадрат метргача), ўртача (250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача), катта (1000 квадрат метр ва ундан ортиқ) турлари ажратилган.

Шахс етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни турли майдонларда ўстираётган бўлса, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда жами экин майдонидан келиб чиқилади.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланади. Жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Ўсимлик таркибида наркотик модда мавжуд экинга тааллуқлилигини аниқлаш учун махсус билим талаб этилишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича эксперт ёки мутахассисларнинг тегишли хулосалари олинishi шарт [2].

Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи эса — таркибида гиёҳвандлик моддасининг ҳар қандай турини сақловчи ҳамда экиш ва етиштиш қонун билан тақиқланган барча ўсимликларни етиштиришнинг моддий излари, содир этиш усуллари, жойи ва вақти, механизми ва бошқа предметларининг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Чунончи, тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи қуйидаги элементлардан иборат:

- жиноятнинг моддий излари ҳақидаги маълумот;
- жиноятни содир этиш усуллари ҳақидаги маълумот;
- жиноятни содир этиш жойи ва вақти ҳақидаги маълумот;
- жиноятни содир этиш механизми ҳақидаги маълумот;
- жиноятни содир этиш шарт-шароитлари ҳақидаги маълумот;
- жиноий тажовуз предметиға тааллуқли маълумотлар;
- жиноятни содир этишдан кўзланган мақсад ва жиноят мотиви ҳақидаги маълумот;
- жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумот;
- жиноятнинг содир этилишиға имкон берган шарт-шароитлар.

Тақиқланган экинларни етиштиришнинг криминологик тавсифиға тўхталадиган бўлсак, тақиқланган ўсимликларнинг етиштирилиши шахсларнинг жисмоний ва рухий соғлиғи билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши ва жамиятдаги нормал криминоген муҳитға салбий таъсир кўрсатиши ҳамда келгусида бошқа оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг сабабларидан ёки содир этилишиға олиб келадиган шарт-шароитлардан бири бўлиши кабиларнинг мазмунини очиб беришға хизмат қилади.

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларини жиноят-ҳуқуқий, криминалистик ҳамда криминологик нуқтаи назардан билиш жиноят-қидирув ишларини юритишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш имконини яратади.

Жиноятчи шахслар ўзларининг жиноий тажрибаларига таяниб, тақиқланган экинларни экиш ва етиштириш билан боғлиқ жиноий қилмишларини турли яширин усулларда амалға оширишға ҳаракат қиладилар. Буни улар тақиқланган экинларни кўздан пана жойларда, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари орасида, дала ҳовлилар, иссиқхоналар, уйнинг том қисмида, кўп қаватли уйларнинг хонадонларида эса гултувакларда, ўхшаш гуллар орасида, чекка адир ёки қирларда, одамлар кам борадиган жойларда етиштиришға ҳаракат қилишларидан билса бўлади. Бу эса ушбу қилмишларға ҳуқуқий баҳо беришда турли ёндашувлар келиб чиқишиға сабаб бўлади.

Жумладан, А. А. Энгельгардтнинг фикриға кўра, «экин экиш, кўчат ёки ўсимлик ўсишиға қарамасдан, экиш, етиштириш ва ўстириш жиноят содир этилган пайтдан бошлаб тўлиқ тамомланган жиноят ҳисобланади» [3, 592-б.].

Л. Е. Чистова эса таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари бўлган ўсимликларни ноқонуний ўстириш усули қуйидаги ноқонуний ҳаракатлардан иборат деб ҳисоблайди:

- 1) таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни экиш;
- 2) наркотик ўсимликларни ўстириш;

3) бундай ўсимликларнинг янги навларини яратиш, уларнинг ҳосилдорлиги ва ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини ошириш, шунингдек экиш технологиясини такомиллаштириш [4].

Бизнинг фикримизча, мазкур ҳаракатлар ҳар қандай ақли расо субъект бўла оладиган шахс томонидан тақиқланган экинларнинг уруғи ерга экилиб, униб чиққанидан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

Тақиқланган экинларни етиштираётган шахслар ўз жиноий қилмишларини яшириш мақсадида айрим ҳолларда жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш учун ҳатто айбни уйда ўзлари билан бирга яшайдиган қарияларга қўйишга ҳаракат қиладилар.

Жиноятларни содир этиш механизмида муҳим элемент ҳисобланувчи жиноятчининг шахсини криминалистик нуқтаи назардан ўрганиш ушбу вазиятда айбдор шахсларни аниқлаш ва улар билан тегишли процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради.

Шу ўринда тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятчилик статистикасига мурожаат қилсак, республикамызда 2019 йилнинг 8 ойи давомида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш йўналиши бўйича (ЖК 270–276-мм.) аниқланган жами ҳолатларнинг 27,8 фоизини тақиқланган экинларни етиштириш жинояти ташкил этишини, бунда энг юқори кўрсаткич — Самарқанд (14,1%) ва Тошкент вилоятларида (13,6%), энг паст кўрсаткич эса Қорақалпоғистон Республикасида (0,1%) кузатилган [5]. Ушбу статистикадан мамлакатимиз миқёсида тақиқланган экинларни етиштириш динамикаси Тошкент вилояти ва Самарқанд вилоятларида республикамызнинг бошқа ҳудудларига нисбатан юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши асосан қуйидаги ҳаракатларни қамраб олади:

тақиқланган экинларни етиштириш билан боғлиқ жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўриш (тақиқланган экинларнинг уруғини топиш, экиладиган жойни танлаш ва бошқа ҳаракатлар);

тақиқланган экинларни экиш, парваришлаш ва бошқа ҳаракатлар;

таркибида наркотик моддалар бўлган экинлар етиштирилган жойларда ҳосилни йиғиш ва унга ишлов бериш;

етиштирилиши тақиқланган экин ҳосилидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ёки кўзламай тайёрлаш, сақлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, эгаллаш ва ҳоказо.

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларининг содир этилишига имкон берадиган ҳолатларга қуйидагилар киради:

таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган айрим турдаги экинларни ноқулай шароитларга эга минтақаларда етиштириб бўлмаслиги;

айрим давлатлардаги гиёҳвандларнинг наркотик моддаларга эҳтиёжлари бошқа давлатлардагига нисбатан юқори даражада эканлиги;

гиёҳвандлик воситаларига жиноий талабнинг таклифдан ортиқлиги.

Етиштирилган тақиқланган экинлардан гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ва сақлаш билан боғлиқ жиноятларда гиёҳвандлик воситаларини ҳонаки усулда тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларида қўлланилган нарсалар (тарози, гўшт майдалагич, пресс, элак, пичоқ, идиш ва бошқалар)да таркибида наркотик бўлган моддаларнинг зарралари қолади. Қўл бармоқ излари полиэтилен, қоғоз материаллар, сумка, чемодан ва бошқаларда қолиши мумкин. Гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилинганидан

сўнг ҳодиса содир бўлган жойда игна, шприц, пахта ва докали тампонлар, сигарета ёки папирос қолдиқлари, қўлланилган гиёҳвандлик воситаларининг излари бўлган турли бўш идишлар қолиши кузатилади.

Ушбу турдаги жинойтларни аниқлаш ва фош этишда жинойт содир этишга мойил бўлган шахсларни ҳамда уларнинг жинойт содир этиш шароитларини ва жинойтнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тўлиқ аниқлаш муҳим. Масалан, гиёҳванд ўзининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш ёки мўмай даромад топиши учун тақиқланган экинларни етиштириши мумкин.

Шу муносабат билан, таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни етиштиришнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш катта амалий аҳамият касб этади. Давлат наркотик моддалар таҳдидини объектив равишда баҳолаб, ушбу ижтимоий ҳодисага қарши курашнинг турли шакллари камраб олиши керак. Наркотик моддаларга эга ўсимликларни ноқонуний ўстиришга қарши курашда профилактиканинг барча турлари билан бирга, тезкор-қидирув профилактикаси ҳам амалга оширилиши бу турдаги жинойтларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг хизмат фаолиятини ташкил этишда таркибида наркотик моддалар сақловчи ўсимликларни етиштиришга қарши курашиш йўналишида қуйидаги муаммолар мавжудлиги кўзга ташланмоқда: республика миқёсида ўтказиладиган «Қорадори» махсус профилактик тадбирлари давомида жуда қимматга тушаётгани боис вертолётлардан фойдаланишнинг чекланганлиги;

республикамизнинг бир неча ўн километрлаб пиёда юриб боришга тўғри келадиган тоғли ҳудудларида таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар етиштирилишини назорат қилиш қийинлиги. Мамлакатимиз ҳудудининг 21,3 фоизини тоғлар ва тоғ оралиғидаги ботиқ ҳудудлар ташкил этгани сабабли [6] жойлардаги ички ишлар органлари ходимларида баъзи тоғли ҳудудларга автомашинада бориш имкони йўқ, пиёда бориш эса ходимнинг кун давомидаги иш вақтини олади. Бундай ҳудудлар мисоли сифатида Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудларини келтириш мумкин.

Шу сабабли у ерларда хизмат олиб борувчи ходимлар бундай тоғли ҳудудларни доимий назоратда ушлаб туrolмайди. Натижада мазкур ҳудудларда тақиқланган наркотик ўсимликларни етиштириш билан боғлиқ ҳолатлар бошқа ҳудудларга караганда кўп учрайди. Мазкур ҳудудларда ҳар йили ўтказиладиган «Қорадори» махсус профилактик тезкор тадбирлари жараёнида авиацияни қўллаш натижасида кўплаб фактлар аниқланади. Ҳозирги вақтда, ИИВдан олинган маълумотларга кўра, ҳар йили ўтказиладиган «Қорадори» махсус профилактик тезкор тадбирлари жараёнида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига тегишли вертолётлардан фойдаланмоқда. Бу эса ИИВдан ҳар бир парвоз соати учун тахминан 15–18 млн сўм атрофида маблағ талаб этмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, мазкур техникани доимий равишда эмас, балки вақти-вақти билан, фақат махсус тадбирлар доирасида қўллашга имкон беради.

Фермер хўжаликларига тегишли катта экин майдонларини ходимлар вақт етишмаслиги боис етарлича назорат қилмаслиги натижасида ёввойи каннабис ўсимликлари батамом йўқ қилинишига эришилмай қолмоқда;

Ҳозирги вақтда республикамиздаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг деярли барчаси дехқон ва фермер хўжаликлари қўлидадир. Ҳар 3–5 йилда фермер хўжаликлари оптимизация қилиниши натижасида улар йириклашиб, фермерлар

100 гектардан 1000 гектаргача экин майдонларига эгалик қилмоқда. Бу эса фермер хўжалиги раҳбари томонидан ҳам, шу ҳудудда хизмат олиб борувчи ходимлар томонидан ҳам экин далаларининг тўлиқ назорат қилинмаслигига сабаб бўлмоқда.

Тақиқланган экинларни етиштириш ёки гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларни процессуал расмийлаштириш жараёнида ҳолислар билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Аксарият фуқаролар жиноят ишларида ҳолис сифатида қатнашишни хоҳламайди, айрим кечиктириб бўлмайдиган процессуал ёки тезкор-қидирув тадбирлари куннинг ноқулай соатларига тўғри келиб қолиши сабабли ҳолисларни топишда қийинчиликлар туғилади. Шу боис баъзан суриштирув ва терговда айтиб берилган ҳолиснинг бир қанча ишларда қатнашиши кузатилади.

Мазкур муаммоларни келгусида бартараф қилиш ҳамда тақиқланган экинларни етиштиришга қарши самарали курашиш мақсадида қўйидаги таклифларни илгари суришимиз мумкин:

республикамизнинг тоғли ҳудудларида таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни етиштиришни назоратга олишда келгусида вертолётлар ўрнига дронлар (учувчисиз учадиган қурилмалар)дан фойдаланиш амалиётини жорий этиш;

фермер хўжаликларига тегишли бўлган катта экин майдонларини тақиқланган гиёҳвандлик ўсимликларидан тозалаш мақсадида ҳар бир фермер хўжалиги раҳбарининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш;

таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни аниқлаб, ҳужжатлаштириш ва экспертизадан ўтказиш жараёнида ҳолисларнинг такрор ва такрор иштирок этишига чек қўйиш. Бунинг муқобили сифатида видеокузатув воситаларини қўллаш амалиётини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси Нарковазият бўйича миллий шарҳ, 2018 й. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сон қарори, 17-банди.

3. *Энгельгардт А.А.* Преступления против здоровья населения и общественной нравственности. Уголовное право. Часть Общая. Часть Особенная: Учебник / Под ред. Л.Д. Гаухмана, Л.М. Колодкина, С.В. Максимова. Гл. 33. — М., 1999.

4. Особенности способов совершения преступлений по делам, связанным с незаконным культивированием наркотикосодержащих растений. — М., 2012. — URL: <https://research-journal.org/law/osobennosti-sposobov-soversheniya-prestuplenij-po-delam-svyazannym-s-nezakonnym-kultivirovaniem-narkotikosoderzhashhix-rastenij/>

5. ИИВнинг Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш йўналиши бўйича 2019 йил 8 ойлик жиноятчиликнинг тезкор ҳисоботи.

6. URL: <http://geografiya.uz/ozbekiston-tabiiy-geografiyasi/11738-yer-yuzasi-geologik-tuzilishi-va-foydali-qazilmalari.html> Интернет сайтнинг маълумоти.

*Б. Н. Рашидов**

**АЙРИМ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ХУСУСИЙ
АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ**

Аннотация. Мақолада Осиёнинг айрим мамлакатлари жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айбловга оид жиноят ишларини юритиш тартиби ва хусусиятлари билан боғлиқ нормалар қиёсий таҳлил қилинган, амалга оширилган таҳлил асосида мамлакатимиз жиноят процессида хусусий айблов институтини такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: жиноят-процессуал қонунчилик, хусусий айблов, ярашув, жабрланувчи, хусусий айблов институти, қўллаш хусусиятлари, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, хусусий айблов институтини такомиллаштириш.

**РЕГЛАМЕНТАЦИЯ ИНСТИТУТА ЧАСТНОГО ОБВИНЕНИЯ В
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ НЕКОТОРЫХ СТРАН АЗИИ**

Аннотация. В статье проводится сравнительный анализ норм уголовно-процессуального законодательства некоторых стран Азии, связанных с порядком и особенностями производства дел частного обвинения, даются рекомендации по совершенствованию института частного обвинения в отечественном уголовном процессе.

Ключевые слова: уголовно-процессуальное законодательство, частное обвинение, примирение, потерпевший, институт частного обвинения, особенности применения, отказ в возбуждении уголовного дела, прекращение уголовного дела, совершенствование института частного обвинения.

**REGULATION OF THE INSTITUTE OF PRIVATE PROSECUTION IN
THE LEGISLATION OF SOME ASIAN COUNTRIES**

Annotation. The article comparatively analyzes the norms of the criminal procedure legislation of some Asian countries related to the procedure and features of private prosecution cases, and sets out recommendations for improving the institution of private prosecution in the domestic criminal process.

Keywords: criminal procedure law, private prosecution, reconciliation, victim, features of the application of the institute of private prosecution, refusal to initiate criminal proceedings, termination of criminal proceedings, improvement of the institute of private prosecution.

Жиноят процессида диспозитивлик, жумладан хусусий айблов институтининг моҳияти, уни қўллаш тартиби ва ўзига хос жиҳатларини англаш, шунингдек келгусида янада такомиллаштириш учун хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш, уларда йўл қўйилган хатоларни такрорламасдан ютуқларини миллий қонунчиликка муваффақиятли жорий этиш имконини беради.

**Рашидов Бехзод Нурбоевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.*

Кўпгина Осиё мамлакатларида континентал ҳуқуқ тизими жорий этилган. Жумладан, Хитой, Жанубий Корея ва Япония давлатлари Франция ва ундан андоза олган бошқа Европа мамлакатлари қонунчилигидан фойдаланиб, ўзларининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунларини қабул қилганлар [1, 14–15-б.], [9].

Хитой Халқ Республикаси жиноят процессининг асосий манбаларини ушбу давлат Конституцияси (1982 йил 4 декабрь), Жиноят кодекси (1979 йил 1 июлда қабул қилинган, 1997 йил 14 мартда янги таҳрирда эълон қилинган) ҳамда Жиноят-процессуал кодекси (1979 йил 1 июлда қабул қилинган, 1996 йил 17 мартда янги таҳрирда эълон қилинган) ташкил этади [2, 208–210-б.].

Хитой жиноят процесси ҳам судгача иш юритуви, судлов ва ҳукми ижро этиш босқичларидан ташкил топган. Судгача иш юритуви босқичи жиноят иши кўзгатиш, дастлабки тергов ва айб эълон қилишдан иборат.

Судлов босқичида хусусий айбловга оид иш юритишнинг алоҳида тартиби белгиланган (ЖПК 170–173-моддалар). Унга кўра, хусусий айбловга оид ишларга:

1) фақат берилган шикоят асосида кўриб чиқиладиган (Хитой ЖКнинг 246, 257-м. 1-қ., 260-1, 270-моддаларида белгиланган жиноятларга оид) ишлар;

2) жабрланган тараф майда жиноят содир этилгани ҳақида далилларга эга бўлган ишлар;

3) жабрланган тараф қонунга мувофиқ судланувчи жиноий таъқиб қилиниши кераклигини, яъни унинг ҳаракатлари жабрланувчининг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларига хавф солганлигини исботлайдиган далилларга эга бўлган ва жамоат хавфсизлиги органи ёки халқ прокуратураси тергов ўтказмаган ишлар киритилган [3].

Хитой ЖКнинг 246, 257-м. 1-қ., 260-1, 270-моддаларида белгиланган жиноятлар, яъни очик ҳақорат қилиш (246-м.), фуқаронинг никоҳ эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишига аралаштириш (257-1м.), оила аъзолари билан шафқатсиз муомалада бўлиш (агар оғир оқибатларга олиб келса) (260-м. 1-қ.), сақлаш учун топширилган ёки унутиб қолдирилган мулкни ноқонуний ўзлаштириш (270-м.) учун жабрланувчининг шикояти асосидагина жавобгарлик келтириб чиқаради [4].

Хитой қонунчилигига кўра, хусусий айбловга оид ишларда жабрланувчи жамоат хавфсизлиги органи, халқ прокуратураси ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Жабрланувчининг шикояти ушбу идоралар томонидан қабул қилиниб, жиноят иши кўзгатиладиган бўлса, умумий тартибда тергов ўтказилади ҳамда унинг натижаларига асосан айб эълон қилиниб, иш судга юборилади. Жамоат хавфсизлиги органи, халқ прокуратураси жабрланувчининг шикоятига асосан тергов ўтказмаган бўлса, жабрланувчи тўғридан-тўғри судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Суд хусусий айбловга оид иш билан танишгач, икки хил иш тутади: 1) агар жиноятнинг фактик ҳолатлари аниқ, ишда далиллар етарли бўлса, муҳокамани бошлайди; 2) агар кўзгатиш хусусий айбловга оид иш доирасида далиллар етарли бўлмаса ва жабрланувчи кўшимча далиллар тақдим эта олмаса, шикоят берган шахсга шикоятини қайтариб олишни таклиф этади ёки шикоятни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Агар хусусий шикоят берган шахс қонунда белгиланган тартибда чақирилганида судга узрли сабабларсиз икки марта келмаса ёки суднинг рухсатсиз суд залини тарк этса, шикоятни кўриш бекор қилинади. Суд муҳокамаси даврида айрим далиллар судьяда шубҳа туғдирса, танаффус эълон қилиниб, улар текширилади.

Хусусий айбловга оид ишларни кўришда суд тарафларни яраштириш чораларини кўриши мумкин. Жабрланувчи ҳукм чиқарилмасидан аввал судланувчи билан ярашиш ёки шикоятини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Жабрланган тараф судланувчи

конунга мувофиқ жинойӣ таъқиб қилиниши кераклигини, яъни унинг ҳаракатлари жабрланувчининг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларига хавф соладиган исботловчи далилларга эга бўлиб, жамоат хавфсизлиги органи ёки халқ прокуратураси тергов ўтказмаган бўлса, бундай ишларда (ЖПК 170-м. 3-банди) ярашувга йўл қўйилмайди.

Хусусий айбловга оид ишларда айбланувчи қарши ариза бериши мумкин. Ушбу ариза ҳам хусусий айбловга доир ишларни кўриш тартибига амал қилган ҳолда кўриб чиқилади [4].

Хитой жинойят-процессуал қонунчилигида ишни кўришнинг соддалаштирилган тартиби ҳам белгиланган. Унга кўра, битта судья давлат айбловига доир ишларда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, қамок, назорат, жарима жазолари қўлланилиши мумкин бўлган ва иш ҳолатлари аниқ бўлган ишларни, бу ҳақда прокуратура таклиф қилган ёки розилик берганида, фақат берилган шикоятларга асосан кўриб чиқиладиган ҳамда жабрланган тараф майда жинойят содир этилгани ҳақида далилларга эга бўлган ишларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиши мумкин. Бунда хусусий айбловга доир ишларда айблов ҳулосаси эълон қилинганидан сўнг судьянинг руҳсати билан айбланувчи ва унинг адвокати хусусий шикоят берган шахс, шунингдек унинг вакили билан мунозарага киришади.

Ишни соддалаштирилган тартибда кўришда судья иш судга қабул қилинганидан бошлаб 20 сутка ичида уни кўришни яқунлаши керак. Ушбу жараёнда уни соддалаштирилган тартибда кўриш мумкин эмаслиги аниқланса, суд ишни яна белгиланган тартибда кўришга киришади [4].

Жанубий Корея жинойят процессининг манбаларига Корея Республикасининг 1948 йил 17 июлда қабул қилинган Конституцияси (ҳозир 1987 йил 29 октябрдаги таҳрири амалда), Жинойят кодекси (1953 йил 18 сентябрда қабул қилинган), Жинойят-процессуал кодекси ҳамда бошқа қонунларини киритиш мумкин.

Кореянинг жинойят процесси ҳам судгача иш юритув ва суд жараёнларидан иборат. Судгача иш юритувида шахсга нисбатан жинойӣ таъқиб кўзғатилишигача ва ундан кейинги жараёнлар фарқланади. Жинойӣ таъқиб прокурор томонидан кўзғатилади. Бунда шахсга айб эълон қилинади ва у айбланувчи мақомига эга бўлади. Айб эълон қилингандан кейин иш судга тақдим этилади ва суд муҳокамасига тайёргарлик бошланади.

Корея қонунчилигига кўра «Марҳумнинг номига доғ туширадиган фактларни ошкор қилиш» (ЖК 308-м.), «Ҳақорат қилиш» (311-м.), «Сирни ошкор қилиш» (316-м.), «Касбий фаолият жараёнида маълум бўлган бошқаларнинг сирини ошкор қилиш» (317-м.) жинойятлари учун шикоят мавжуд бўлгандагина жинойӣ таъқиб амалга оширилади. Бировнинг номига доғ туширувчи фактларни ошкор қилиш (ЖК 307-м.) ҳамда бировнинг номига доғ туширувчи фактларни нашр этиш орқали ошкор қилиш (309м.) жинойятларида жабрланувчи қарши бўлса, таъқиб кўзғатилиши мумкин эмас.

Шахснинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишига тўсқинлик қилиш (323-м.), ўғрилиқ, ўзганинг транспортдан руҳсатсиз фойдаланиш (329–332-мм), фирибгарлик ва товламачилиқ (347–352-мм), ишончни суиистеъмол қилиб, мол-мулкни растрата қилиш (355–360-мм), талон-торож қилинган мулкни ўзлаштириш (362–364-мм) жинойятлари айбланувчининг яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи, оила аъзолари, бирга яшовчи қариндошлари ва уларнинг турмуш ўртоқларига нисбатан содир этилган бўлса, шахс жавобгарликка тортилмайди; бошқа қариндошларига нисбатан содир этилганида эса жабрланувчининг шикояти бўлгандагина жинойӣ таъқиб амалга оширилиши мумкин [5].

Корея қонунчилигида ҳам соддалаштирилган суд иш юритуви мавжуд. Жарима (пул ундируви) белгиланиши, шунингдек прокурорнинг илтимосига кўра мусодара

килиш жазолари қўлланиши мумкин бўлган ишлар соддалаштирилган иш юритуви асосида кўриб чиқилади [6].

Япония жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий манбаларини Япониянинг 1947 йил 3 майдаги Конституцияси, 1907 йил 24 апрелдаги Жиноят кодекси (ҳозир 1995 йил 12 майдаги таҳрири амалда) [7] ва 1948 йил 10 июлдаги Жиноят-процессуал кодекси [8] ташкил этади.

Япония Жиноят-процессуал кодекси Европа континентал ҳуқуқ тизими асосида яратилган бўлса-да, англо-америка ҳуқуқидаги ижобий жиҳатларни, жумладан, далиллар мақбулликига оид айрим чекловлар, суд жараёнларидаги тортишув тизими кабиларни ҳам ўзида жамлаган. Шунга кўра, Япониянинг амалдаги ЖПК континентал ва англо-саксон ҳуқуқ тизимининг аралаш кўриниши сифатида таърифланиши мумкин [9].

Япония қонунчилигига кўра:

хат-ёзишмалар сир сақланиши тартибини бузиш (ЖК 133-м.), сирни ошкор қилиш (134-м.), куч ишлатиш орқали фахш ҳаракатлар содир этиш (176-м.), номусга тегиш (177-м.), фахш ҳаракатлар ва номусга тегишга ўхшаш ҳаракатлар содир этиш (178-м.), номусга тегишга суиқасд қилиш (179-м.), эҳтиётсизлик оқибатида баданган шикаст етказиш (209-м.), одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар (224-м., 225-м., 227-м. 1, 3-к) ғараз мақсадда содир этилмаган бўлса, шаънга қарши жиноятлар (230-м., 230-2-м., 231-м.), ўғрилиқ яқин (тўғридан-тўғри) қариндошлар, турмуш ўртоғи, бирга яшовчи қариндош томонидан содир этилса, айбдор жавобгарликка тортилмайди (235-м.); шахсий ҳужжатларга зарар етказиш (259-м.), асбоб-анжомларга шикаст етказиш (261-м.) ва хат-ёзишмаларни яшириш (263-м.) жиноятлари фақат жабрланувчининг шикоятига асосан кўриб чиқилади [7].

Япония ЖПКнинг 230–246-моддаларида хусусий айбловга оид ишларда кимлар шикоят бериши мумкинлиги, шикоят бериш ва уни қайтариб олиш тартиби ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатлари баён этилган. Жумладан, шикоят асосида таъқиб этиладиган жиноятлар ҳақидаги шикоятлар жабрланган шахсга жиноят содир этилгани ва уни содир этган шахс маълум бўлганидан олти ой ўтгач юритувга қабул қилинмайди. Аммо бу қоидалар Япония ЖКнинг 176–178, 225-моддалари, 227-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида белгиланган, шунингдек шаънга қарши жиноятлар чет давлатлар расмий вакилларига нисбатан содир этилган жиноятларга татбиқ этилмайди [8].

Шу билан бирга, шикоят жинойий таъқиб кўзғатилгунига қадар қайтариб олиниши мумкинлиги, бунда шахс айна ҳолат ҳақида қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши қайд этилган. Юридик шахсларнинг вакиллари шикоят бериши мумкинлиги, хусусий айбловга оид шикоятлар давлат айбловчисига ёки судлов полицияси ходимига берилиши белгиланган. Судлов полицияси ходими тергов ўтказди ва асослар етарли бўлганида ишни прокурорга тақдим этади. Прокурор иш ҳужжатлари билан танишиб, таъқибни кўзғатиши ёки кўзғатишни рад этиши мумкин. Таъқиб кўзғатилганидан сўнг иш судга тақдим этилади.

Японияда ҳам жадаллаштирилган суд иш юритуви мавжуд. Одатда бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларга оид ишлар жадаллаштирилган суд иш юритуви тартибида кўриб чиқилади [8].

Кўпгина ислом давлатларининг жиноят процесси ҳам Франция ҳуқуқ тизими асосида ишлаб чиқилган. Шунингдек, шариат нормалари таъсирида шаклланган айрим ўзига хосликлар ҳам учрайди. Ислам давлатлари ичида Саудия Арибистони ва Эрон шариат нормалари нисбатан кўпроқ амал қиладиган жиноят процессига эга. Аммо сўнгги пайтларда ушбу давлатларда ҳам Европа жиноят процесси элементлари жорий этилаётгани кўзга ташланмоқда. Шу ўринда шариат нормаларида ҳам хусусий айблов

институти кенг қўлланилишини инобатга олиб, ушбу давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Саудия Арабистони жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий манбаларини Қуръони карим, Сунна, шариат ҳамда Ҳокимият ҳақидаги асосий низом, шунингдек уларнинг ижросини таъминлаш учун амал қиладиган Жиноят-процессуал қонун ташкил этади. 2001 йил 16 октябрда қабул қилинган ва 2001 йил 3 ноябрда эълон қилинган Жиноят-процессуал қонун (Law of Criminal Procedure (promulgated by Royal Decree No. M/39 of 28 Rajab 1422 (16 October 2001))) 225 та моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасига кўра, «судьялар уларга кўриб чиқиш учун тақдим этилган ишларни ҳал қилишда шариат принциплари (талаблари)ни Қуръони карим ва Суннада белгиланган шаклда қўллашга мажбур. Шунингдек, улар давлат томонидан ўрнатилган қонунларни ҳам Қуръони карим ва Суннага зид келмайдиган тарзда қўллашлари ҳамда мазкур қонунга мувофиқ белгиланган тартибга риоя этишлари шарт» [10]. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ эса «шахс шариат қоидаларига асосан ўтказилган суд муҳокамаси натижасида чиқарилган ва қонуний кучга кирган қарор билан шариат принциплари ёки давлат қонунлари билан тақиқланган ва жазоланадиган қилмишни содир этганликда айбли деб топилганида белгиланганидан бошқа ҳеч қандай жазога тортилиши мумкин эмас» [10].

Мазкур қонуннинг бошқа нормаларида ҳам универсал мазмунга эга қоидалар акс этган.

Саудия Арабистонида ҳам Франция жиноят процесси моделидагига ўхшаш жиноят иш юритуви тартиби жорий этилганини кўриш мумкин. Жумладан, Саудия Арабистонида ҳам судгача ва суд иш юритуви босқичлари мавжуд. Судгача иш юритуви жиноят иши кўзғатиш ва дастлабки терговдан иборат бўлса, суд босқичлари судга топшириш, суд муҳокамаси, апелляция инстанциясида иш юритиш, суд қарорларини қайта кўриш билан боғлиқ иш юритуви ҳамда ҳукмни ижро этишдан иборат [11].

Жумладан, оммавий айблов (манфаат)ни амалга оширувчи Тергов ва таъкиб бюроси вакиллари судга қадар иш юритуви натижасида тузадиган айблов ҳужжати судга тақдим этилиши, ошкора содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланиладиган ўта оғир жиноятга оид нормалар, далиллар ҳақидаги нормалар, эҳтиёт чоралари ҳақидаги ва бошқа нормалар юридик техника нуқтаи назаридан бошқа давлатлар қонунчилиги нормаларидан жиддий фарқ қилмайди [2].

Саудия Арабистонида жиноий таъкибни амалга оширишнинг шариат принципларига кўра жиноят ва жазо тизимининг ислом ҳуқуқидаги таснифланиши (қасос, таъзир, ҳадд)дан келиб чиқадиган хусусий, хусусий-оммавий ва оммавий тартиблари фарқланади.

Жиноят процессида хусусий айблов жабрланувчининг шикоятига асосан амалга оширилади. Бунда жабрланувчи кенг ҳуқуқларга эга, жумладан барча тергов ҳаракатларида қатнашишга ҳақлидир. Жабрланувчининг айбланувчини кечириши иш юритуви тугатилишига асос бўлади. Хусусий-оммавий ишларда эса жиноий таъкиб фақат жабрланувчининг шикояти асосида кўзғатилади, аммо жабрланувчининг кечириши ишни тугатишга асос бўлолмайди [10].

Соддалаштирилган суд иш юритуви Саудия Арабистонида ҳам мавжуд. Мамлакатда мустақил айблов органи сифатида прокуратуранинг мавжуд эмаслиги ҳам иш юритишнинг соддалаштирилган тартибда амалга оширилишига хизмат қилади. Бундай иш юритиш фақат таъзир жазоси қўлланиладиган жиноят ишларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Бунда агар айбланувчи айбига иқрор бўлса, суд

далилларни текширмай ҳукм чиқаради. Айбланувчи судга келмаса ҳам иш кўрилиб, ҳукм чиқарилиши мумкин [11].

Эрон ҳам, бошқа кўшни давлатлар каби, ўз Жиноят-процессуал кодексини Франция жиноят-процессуал қонуни моделига мос тарзда ишлаб чиққан. Эроннинг биринчи ЖПК 1912 йилда қабул қилган. 1979 йилдаги воқеалардан кейин Эронда соф исломий жиноят-процессуал қоидаларни жорий этишга киришилган, натижада прокуратура ҳамда умумий юрисдикция судлари тугатилган. Аммо, бироз вақт ўтиб, эски тартиб тикланган, яъни 1982 йилда умумий юрисдикция судлари қайта ташкил этилган. Шундан бери жиноят ишларини кўрувчи судлар сифатида айни вақтнинг ўзида умумий судлар ва инқилобий трибунал фаолият кўрсатиб келмоқда.

1999 йилда Эроннинг янги ЖПК қабул қилинди. 2002 йилда эса прокуратура қайта тикланди. Эрон ЖПКда жиноятлар уч турга ажратилиб, ҳар бирига мувофиқ тегишли иш юритуви йўлга қўйилган: 1) ислом ҳуқуқига кўра (шариатга асосан) жазо тайинланадиган жиноятларга нисбатан — оммавий таъқиб (айблов); 2) жамоат манфаатлари ва жамоат тартибига қарши жиноятларга нисбатан — оммавий-хусусий айблов; 3) жисмоний ва юридик шахсларнинг индивидуал ҳуқуқларини поймол этувчи жиноятларга нисбатан эса хусусий айблов амалга оширилади [2].

Судга қадар иш юритувининг судлар назоратида амалга оширилиши Эрон жиноят процессининг ўзига хос жиҳатини ташкил қилади. Дастлабки тергов ўтказилиши суд раисларининг вазифаси бўлиб, улар терговни шахсан ўзлари тўлиқ ўтказишлари ёки бу ишни ўз ёрдамчиларига ёхуд тергов судьясига топширишлари мумкин.

Прокуратура қайта ташкил этилганидан сўнг тўлиғича суд органларига бўйсундирилган. Эронда 2014 йил февраль ойида қабул қилинган ва 2015 йил июнь ойидан кучга кирган янги ЖПКда амалдаги жиноят процессининг тузилиши жиддий ўзгармаган ҳолда прокуратуранинг аввалги мавқеи тикланди, айбланувчининг ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Бу орқали Эрон жиноят процесси Европа ва бошқа давлатларнинг жиноят процессига янада яқинлашди.

Эрон ЖПКнинг 3-моддасига кўра, хусусий ва хусусий-оммавий айбловга оид ишларда тергов жисмоний ёки юридик шахснинг ташаббуси билан даъво қилиш асосида ўтказилади. Хусусий-оммавий айбловга оид ишларда тергов жисмоний ёки юридик шахсларнинг даъвоси асосидагина ўтказилса-да, даъвогар (жабрланувчи) жавобгарни (айбланувчи) кечирса ҳам иш тугатилмайди. Хусусий айбловга оид ишларда эса жабрланувчининг айбланувчини кечириши ишнинг тугатилишига асос бўлади. Ҳукм чиққанидан кейин жабрланувчи айбланувчини кечирса, тайинланган жазо ижро этилмайди.

Эронда ҳам, худди Франциядаги каби, жиноят процесси суриштирув, тергов ва суд босқичларидан ташкил топган. Хусусий айбловга оид ишларда ариза суриштирув ўтказилмасидан тўғридан-тўғри судга тақдим этилади. Бунда суд аризани қабул қилиш ва тергов бошлашга мажбур.

Умуман олганда, Эронда хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгиланмаган. Бу тоифадаги ишлар умумий тартибда юритилса-да, шикоят берган жабрланувчи кенг процессуал ҳуқуқларга эга. Жумладан, у ўзи тўплаган маълумотларни тақдим этиши, иш юритувининг исталган босқичида ўз даъвосидан воз кечиши ёки айбланувчини кечириши мумкин. Бундай ҳолларда иш юритуви тугатилади [12].

Юқорида кўриб чиқилган давлатларнинг қонунчилигидаги хусусий айблов институтининг белгиланишига оид нормалар таҳлили асосида ушбу давлатларда хусусий айблов институти самарали қўлланиб келаётганини айтиш мумкин. Улардаги ижобий жиҳатларни миллий қонунчиликда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: Учебник для бакалавриата и магистратуры / Под ред. А. В. Наумова, А. Г. Кабальника. — М.: Юрайт, 2018. — 285 с. — URL: <https://urait.ru/book/ugolovnoe-pravo-zarubezhnyh-gosudarstv-obschaya-chast-411528>
2. Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки. 2-е изд., испр. — М.: Статут, 2017. — URL: http://www.consultant.ru/edu/student/download_books/book/golovko_kurs_ugolovnogo_processa.
3. Уголовно-процессуальный кодекс КНР (Принят на 2-й сессии Всекитайского собрания народных представителей пятого созыва 1 июля 1979 года, с поправками, внесенными Постановлением, принятым на 4-й сессии Всекитайского собрания народных представителей восьмого созыва 17 марта 1996 года «О внесении изменений в «Уголовно-процессуальный кодекс КНР Китайской Народной Республики»). — URL: https://chinalawinfo.ru/procedural_law/law_criminal_procedure
4. Уголовный кодекс КНР (Принят на 5-й сессии Всекитайского собрания народных представителей шестого созыва 14 марта 1997 г.). — URL: <http://ru.china-embassy.org/rus/zfhz/zgflyd/t1330730.htm>
5. Уголовный кодекс Республики Корея. — URL: <https://vseokoree.com/vse-o-koree/zakony-i-normativnye-pravovye-akty/ugolovnyj-kodeks-respubliki-koreya>.
6. Судопроизводство в Южной Корее. — URL: <https://vseokoree.com/zhizn-v-koree/sudebnye-protsessy/sudoproizvodstvo-v-yuzhnojkoree-2>
7. Уголовный кодекс Японии // Российский правовой портал: Библиотека Пашкова. — URL: <https://constitutions.ru/?p=407>.
8. The Code of Criminal Procedure (Act No. 131 of 1948) — URL: <https://www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46814489.pdf> (Япония Жиноят-процессуал кодекси).
9. *Мишина Е.А.* Реформа системы правосудия в Японии // Право в современном мире. — 2011. — №3. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/reforma-sistemy-pravosudiya-v-yaponii>
10. Saudi Arabia: Law of Criminal Procedure (promulgated by Royal Decree No. М/39 of 28 Rajab 1422 (16 October 2001)). — URL: <https://wipo.lex.wipo.int/en/text/498395%20> (Саудия Арабистонининг Жиноят-процессуал қонуни)
11. *Гусенова П.А.* Исламский уголовный процесс: религиозно-правовая природа и характерные черты (на примере Исламской Республики Иран и Королевства Саудовская Аравия): Дис. ... канд. юрид. наук. — Санкт-Петербург, 2016. — С. 110. — URL: <https://www.dissercat.com/content/islamskii-ugolovnyi-protsess-religiozno-pravovaya-priroda-i-kharakternye-cherty-na-primere>.
12. Уголовно-процессуальный кодекс общественных и революционных судов Исламской Республики Иран. — URL: <https://www.chitai-gorod.ru/catalog/book/1060080/>

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишга оид қонун нормалари ва олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Шу асосда мазкур жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар жиноятлари, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, ҳамкорлик, ҳимоячи, педагог, психолог, қонуний вакил.

ЗАДАЧИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОВЕДЕНИЯ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Аннотация. В статье проанализированы законодательные нормы и мысли ученых по проведению доследственной проверки по преступлениям несовершеннолетних. На основе этого приведены рекомендации по совершенствованию порядка доследственной проверки по вышеуказанным преступлениям.

Ключевые слова: преступления несовершеннолетних, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие, следственные действия, органы, осуществляющие оперативно-розыскную деятельность, взаимодействие, защитник, педагог, психолог, законный представитель.

ISSUES OF IMPROVING THE CONDUCT OF PRE-INVESTIGATION CHECKS ON JUVENILE CRIMES

Annotation. The article analyzes the legal norms and thoughts of scientists on the conduct of pre-investigation checks on juvenile crimes. Based on this, recommendations are made to improve the procedure for pre-investigation checks on the above crimes.

Keywords: juvenile crimes, pre-investigation check, inquiry, preliminary investigation, investigative actions, bodies carrying out operational-search activities, interaction, defender, teacher, psychologist, legal representative.

Вояга етмаганлар жиноятлари бўйича судга қадар иш юритишнинг дастлабки босқичи — терговга қадар текширув бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320²-моддасига кўра, терговга қадар текширув жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига оладиган ишни судга қадар юритиш шакли ҳисобланади.

Юридик фанлар доктори Ш. Ш. Файзиев терговга қадар текширувни «жиноят иши кўзғатилишидан олдин амалга ошириладиган маълум бир ҳодисанинг жиноят ёки жиноят эмаслигини текширишга қаратилган айрим тергов ва процессуал

**Алланазаров Ойбек Давранович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлигининг ўринбосари.*

ҳаракатлар» [1, 20-б.] сифатида таърифлаган ҳамда ушбу институтни кўпчилик назариётчи ва амалиётчилар суриштирув деб тушунишини таъкидлаган.

«Терговга қадар текширув» тушунчаси Жиноят-процессуал кодексга илк бор 2008 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-193-сон қонунига асосан киритилган бўлиб, дастлаб ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тартибини белгиловчи нормаларда ифодаланган. Кейинчалик у жиноят иши қўзғатилгунигача қадар ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар ва жараёнларни қамраб олувчи судга қадар иш юритишнинг алоҳида шакли сифатида эътироф этилган.

Терговга қадар текширув жиноят-процессуал институт ҳисобланса-да, ушбу босқичда иш бўйича муҳим процессуал ҳаракатлар ўтказилганлиги ҳамда улар ишнинг кейинги босқичлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги боис тактик жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган алоҳида ҳолатларни аниқлаш ишлари ҳам айнан терговга қадар текширув босқичидан бошланиши лозим. Чунки вояга етмаган шахсга хос хусусиятлар, атрофидагиларнинг у ҳақдаги фикрларидан келиб чиқиб, жиноят иши қўзғатилганидан кейин тергов ҳаракатлари режалаштирилади ҳамда тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда қўлланиладиган тактик усуллар белгилаб олинади.

С. А. Новиков содир этилган жиноятнинг муҳим ҳолатларини айнан терговга қадар текширув босқичида аниқлаш имкони юзага келишини баён қилган [2, 74-б.].

Н. В. Тютинина эса ушбу босқичнинг аҳамияти катталигини таъкидлаб, жиноят ишини тергов қилиш босқичи каби унда ҳам жиноий ҳодисанинг муҳим тафсилотлари аниқланишини қайд этган [3, 174-б.].

Ушбу муаллифларнинг фикрларини маъқуллаган ҳолда, судга қадар иш юритиш босқичида вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг тўғри ташкил этилиши ва олиб борилиши ишнинг кейинги босқичлари учун зарур бўладиган маълумотларнинг аниқланишига замин яратади, деб ҳисоблаймиз.

Вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, вояга етмаган шахс дастлабки тушунтиришлар олиш вақтидан бошлаб ҳимоячи билан таъминланиши ва ишда қонуний вакил иштирок этиши шарт;

иккинчидан, биринчи марта жиноят содир этган вояга етмаган шахснинг ички ишлар органи биносига келтирилиши ва унга бегона бўлган муҳитга тушиши унинг руҳиятига таъсир салбий таъсир этиши мумкинлигини инобатга олиб, у билан ўтказиладиган ҳаракатларда педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, ЖПКда вояга етмаган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида камокқа олиш ёки уй қамоғи беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан содир этилган жинояти учун ҳамда унинг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши назарда тутилганлигидан келиб чиқиб, терговга қадар текширув даврида ушлаб туриш масаласини пухта ўйлаб ҳал қилиш лозим.

Шунингдек, айнан ушбу босқичда вояга етмаган шахс назоратсиз ёки қаровсиз қолган, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган, шахси аниқланмаган ёхуд аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса, уни вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш бўйича профилактика хизматларига ёзма топшириқлар берилиши талаб этилади.

Терговга қадар текширув даврида ушбу вазифаларни бажариш муҳим ҳисобланади. Бироқ, Г. З. Тўлаганова таъкидлаганидек, «терговга қадар текширув вақтида вояга етмаган шахслар билан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилганида педагог, психолог ҳамда қонуний вакилни жалб қилиш, олиб қўйиш, ҳужжатли тафтиш тайинланган вақтда мутахассис ва адвокатни жалб этиш, экспертиза қарори ҳамда ҳулосаси билан таништириш, терговга қадар текширув органига келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш, иштирокчиларнинг мақоми, терговга қадар текширув якуни бўйича қабул қилинган қарор ҳамда тўпланган ҳужжатлар билан томонларни таништириш тартиби юзасидан қонун нормаларида бўшлиқлар бор» [4].

Тадқиқотчи М. Д. Ботаев [5, 154-б.] ва Б. Ражабов [6, 212-б.] ҳам ушбу фикрни маъқуллаб, терговга қадар текширув жараёнида ўтказилиши зарур бўлган айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкони мавжуд эмаслигини билдиришган.

Д. М. Миразов терговга қадар текширув жараёнида амалга ошириладиган идоравий-процессуал контроль Жиноят-процессуал кодексда етарлича тартибга солинмаганлигини баён этган [7, 21-б.].

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларидаги бўшлиқлар сабабли терговга қадар текширув даврида ўтказилиши лозим бўлган баъзи процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имконияти чегараланган ёки тўлиқ тартибга солинмаган ҳамда бу ҳолатлар ушбу босқичда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси тўлиқ таъминланишига ҳалал беради, деган тўхтамга келинди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон 2018 йил 14 май қарорида жиноят процессига жалб этилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноят-ҳуқуқий ҳамда жиноят-процессуал нормаларни такомиллаштириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш вазифалари қўйилган.

Вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишда ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

- 1) ушбу босқичда қонуний вакил ва ҳимоячининг иштироки;
- 2) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва бошқа терговга қадар текширув органларига вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган алоҳида ҳолатларни аниқлашда ёрдам бериш юзасидан ёзма топшириқлар бериш.

Ҳозирги кунда қонунчиликда терговга қадар текширув даврида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласида бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан,

ЖПКнинг «Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари» деб номланган 60-моддасида қонуний вакил ишга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилиниши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу модданинг номланиши ва мазмунидан келиб чиқиб, қонуний вакилни ишга жалб қилиш шахснинг процессуал мақоми белгиланганидан кейин, яъни жиноят ишини тергов қилиш босқичида амалга оширилади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Терговга қадар текширув даврида ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик масаласи ўрганилаётган вояга етмаган шахс процессуал мақомга эга бўлмаганлиги боис ишда қонуний вакилни қатнаштириш учун асослар мавжуд бўлмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, терговга қадар текширув даврида ҳам вояга етмаган шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун етарли асослар бўлади. Бирок амалдаги Жиноят-процессуал кодекс нормаларида гумон қилинувчи фақат жиноят иши бўйича жалб қилиниши белгиланганлиги, терговга қадар текширув босқичида эса процесс иштирокчиларига мақом бериш тартиби назарда тутилмаганлиги сабабли расмий равишда ишга жалб этилмайди.

Ўрганилган жиноят ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда терговга қадар текширув даврида вояга етмаган шахслардан тушунтириш хатлари уларнинг ота-онаси ёки бошқа шахслар иштирокида олинади. Бирок уларни ишда қонуний вакил сифатида расман эътироф этиш учун асослар мавжуд бўлмайди.

Ушбу босқичда ҳимоячини қатнаштириш масаласида ҳам қонуний вакил иштирокига ўхшаш муаммолар мавжуд. Гарчи, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 111-моддасида вояга етмаган шахснинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт эканлиги белгиланган ва терговга қадар текширув даврида адвокат иштирок этиши бўйича чекловлар мавжуд бўлмаса-да, Жиноят-процессуал кодекснинг ушбу масалани тартибга солувчи нормалари таҳлил қилинганида ишни юритаётган мансабдор шахслар зиммасига терговга қадар текширув босқичида вояга етмаган шахсни ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш бўйича ҳеч қандай мажбурият юкланмаганлиги маълум бўлди.

Жумладан, ЖПКнинг 49-моддасида ҳимоячи — гумон қилинувчи, айбланувчи ҳамда судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс эканлиги таъкидланган. ЖПКнинг 550-моддасида эса вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўрок қилишдан бошлаб суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши лозимлиги қайд этилган.

Ушбу нормалар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳимоячи фақат кўзғатилган жиноят иши дорасида қатнашадиган процесс иштирокчиси ҳисобланади ва терговга қадар текширув босқичида унинг иштирок этиши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Т. Ю. Маркова судга қадар иш юритишнинг ушбу босқичида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги таъминланмаганлиги сабабли қонунчиликнинг ушбу йўналишини такомиллаштириш лозимлигини билдирган [8, 255-б.].

Л. Р. Комарова ҳам бу фикрни маъқуллаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласини терговга қадар текширув давридаги асосий муаммолардан бири сифатида эътироф этган [9, 283-б.].

Бизнинг фикримизча, терговга қадар текширув даврида вояга етмаган шахслар тушунтиришлар бериши ва бошқа бир қатор процессуал ҳаракатларда иштирок этишини инобатга олиб, ушбу жараёнларда ҳимоячи ва қонуний вакил иштирокига оид қоидалар жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим.

Юқоридагилардан ташқари, терговга қадар текширув даврида вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган алоҳида ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговчи томонидан бир қатор процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Айниқса, вояга етмаган шахснинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари ҳамда шахсига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича қуйидаги ишларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаб этилади:

— вояга етмаган шахснинг ўзи ҳамда унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг судланганлиги, маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, руҳий-асаб касалликлари ва наркологаик диспансерда рўйхатда бор-йўқлигини, шунингдек профилактик ҳисобда туришини аниқлаш бўйича сўровномалар жўнатиш;

— вояга етмаган шахснинг ўзи ҳамда унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини, яшаш, ўқиш ёки ишлаш жойларидан маълумотнома ҳамда тавсифномаларни олиш;

— вояга етмаган шахснинг яшаш жойидаги ёки илгари даволанган тиббиёт муассаларида юритилаётган ҳужжатларни олиш ва ўрганиш.

Шу билан бирга, айрим ҳолатларни аниқлаш ва текширишда ёрдам бериш учун тезкор-қидирув ва профилактика хизматларига ёзма топшириқлар бериш зарурати пайдо бўлади. Вояга етмаган шахсга оилада, маҳаллада, яшаш ёки ўқиш жойида салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳамда унинг бошқалардан сир тутилган қизиқишлари ҳамда яширинча қиладиган ишларига аниқлик киритиш ана шулар жумласидандир.

Айнан шу ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларнинг муҳимлиги инобатга олиниб, 2016 йил 25 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-405-сон қонуни билан Жиноят-процессуал кодекснинг 329-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, терговга қадар текширув давомида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Ушбу процессуал ҳаракатлар жиноят иши қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Жумладан, жиноят иши дарҳол қўзғатиладиган ҳолларда ёки кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати туфайли терговга қадар текширув қисқа муддатда тамомланадиган ҳолларда мазкур ҳаракатлар терговнинг дастлабки босқичида вояга етмаган шахс сўроқ қилингунига қадар ўтказилиши лозим.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам вояга етмаган шахснинг ўзи ёки унинг яқинлари томонидан ошкор этилмаган, ишни тергов қилишда аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва бошқа терговга қадар текширув ўтказувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш зарурати юзага келади. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида ушбу масала етарли тартибга солинмаганлиги натижасида амалиётда ҳамкорликнинг самардорлиги юқори даражада бўлмаяпти.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 392-моддасида терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси зиммасига терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларни бажариш ҳамда терговчига, суриштирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида кўмаклашиш мажбурияти юклатилган. Аммо, суриштирувчи ёки терговчининг топшириқларини терговга қадар текширув органлари томонидан ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусида ЖПКда бирон-бир тартиб белгиланмаган.

Тадқиқотчилар А. Матмуротов ва Д. Кенжабоев ҳам терговга қадар текширув даврида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш тартиби, жумладан тезкор-қидирув тадбирларининг айнан қайси тури ва кимларга нисбатан ўтказилиши тартибга солинмаганлигини таъкидлашган [10, 123-б.].

Е. С. Кудряшова эса тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларидан фойдаланиш имкониятлари чекланганлигини терговга қадар текширув давридаги асосий муаммолардан бири сифатида эътироф этган [11, 100-б.].

Суриштирув институти такомиллаштирилгунига қадар ушбу масала ЖПКнинг 343-моддасида тартибга солинган. Унда топшириқлар ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларга мувофиқ бажарилиши шарт эканлиги, топшириқни белгиланган муддатда бажариш имкони бўлмаса, бу ҳақда терговчини хабардор қилиш ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилиш тартиби, терговчининг талабига асосан тергов ҳаракатларини юритишда ёрдам бериш каби масалалар, шунингдек терговчи ўзининг барча топшириқ, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиғи орқали юбориши лозимлиги белгиланган эди.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон қонунига кўра, ЖПКнинг 42-боби ўз кучини йўқотиши муносабати билан ушбу норма ҳам бекор бўлди. Ҳозирги вақтда мазкур масала қонунда бўшлиқ бўлиб қолмоқда.

Д. Э. Каримова ўз илмий ишларида ушбу муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб, терговчи томонидан жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган топшириқлар бериши, уларни бажариш тартиби ва шартлари бевосита Жиноят-процессуал кодекснинг моддалари ақс этирилиши лозимлигини билдирган [12, 23–25-б.].

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда қонунчиликка мазкур масалаларни тартибга солувчи норма киритиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ЖПКнинг «Ишни судга қадар юритишнинг умумий шартлари» номли 401-бобига янги модда киритиб, унда суриштирувчи ва терговчининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга ёзма топшириқлар юбориш тартиби, уларни ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари ҳамда ижро этиш шартлари ва усулларини белгилаш масалалари бўйича қоидалар белгиланиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш методикасининг самарадорлиги терговга қадар текширув даврида ўтказиладиган процессуал ҳаракатларнинг сифати, ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилиши, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг пухта ўрганилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу йўналишдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимояланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Файзиев Ш.Ш.* Суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2019.
2. *Новиков С.А.* Материалы следственной проверки в доказывании по уголовным делам: актуальные проблемы и новые подходы // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. — 2013. — № 3 (59).
3. *Тютина Н.В.* Проблемы рассмотрения сообщений о преступлениях органами дознания ФССП России // Вестник ОГУ. — 2013. — № 3 (152).
4. *Тўлаганова Г.З.* Судгача бўлган босқич: қонунийликни таъминлашга нималар тўсқинлик қилади? — URL: <http://hudud24.uz/isbotlash-standartlari-islohotga-muxtojmi/> (20.08.2020 й.)
5. *Ботаев М. Дж.* Терговга қадар текширув босқичининг айрим муаммолари // Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. — Т., 2020.
6. *Ражабов Б.* Терговга қадар текширувни такомиллаштириш истикболлари // Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. — 2020. — Махсус сон. — Т., 2020.
7. *Миразов Д.М.* Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2016.
8. *Маркова Т.Ю.* Проблемы правоприменения, с которыми адвокату приходится сталкиваться в стадии возбуждения уголовного дела // Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). — 2017. — № 12.
9. *Комарова Л.Р.* Проверка сообщения о преступлении — первоначальная стадия уголовного судопроизводства // Актуальные проблемы экономики и права. — 2014. — № 1 (29).
10. *Матмуротов А., Кенжабоев Д.* Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. — 2018. — № 2.
11. *Кудряшова Е.С.* Стандарт качества следственной проверки, осуществляемой органами дознания // Вестник Казанского юридического института МВД России. — 2017. — Т. 8. — № 4 (30).
12. *Каримова Д.Э.* Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри ... дис. автореф. — Т., 2018.

ГЕНЕЗИС ДАКТИЛОСКОПИИ В СИСТЕМЕ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЙ РЕГИСТРАЦИИ

Аннотация. В статье на основе ретроспективного анализа рассматривается процесс эволюции криминалистической регистрации, начиная с древнейших времен по настоящее время. Доказывается необходимость правового обеспечения дактилоскопической и геномной регистрации. Раскрываются перспективы развития криминалистической регистрации.

Ключевые слова: криминалистическая регистрация, дактилоскопическая регистрация, геномная регистрация, информационные технологии.

КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ ТИЗИМИДА ДАКТИЛОСКОПИЯНИНГ ГЕНЕЗИСИ

Аннотация. Мақолада ретроспектив таҳлил асосида қадим замонлардан бошлаб ҳозирги кунгача криминалистика рўйхатга олиш эволюцияси кўриб чиқилган. Дактилоскопик ва геномга оид рўйхатга олишни ҳуқуқий таъминлаш зарурлиги исботланган. Криминалистик рўйхатга олишнинг ривожланиш истикболлари ёритилган.

Таянч сўзлар: криминалистик рўйхатга олиш, дактилоскопик рўйхатга олиш, ахборот технологиялари.

GENESIS OF FINGERPRINTS IN THE SYSTEM OF FORENSIC REGISTRATION

Annotation. In the article on the basis of retrospective analysis examines the process of the evolution of forensic science registration from ancient times to present. Highlighted the question of the need for legal support fingerprinting and genomic registration. Revealed the prospects of developments of forensic registration.

Keywords: forensic registration, fingerprint registration, genomic registration, information technology.

Еще с древних времен остро стоял вопрос о необходимости каким-либо способом выделить лиц, совершавших преступление, от законопослушных граждан, а также отделения лиц, совершивших преступление впервые и повторно. Данная задача была разрешена при помощи калечения и клеймения. Калечение и клеймение разбойников, воров, убийц и других преступников являлось примитивным, довольно варварским, но при этом довольно действенным способом регистрации преступников.

Клеймо вместе с татуировкой с древнейших времен по сегодняшний день являются идентифицирующими признаками личности, представляющими собой отдельный знак, аббревиатуру или рисунок на теле, обычно содержащий информацию об автобиографии, пристрастиях, принадлежности к определенной преступной или иной группе [1, с. 14–15]. В японском труде Нихонги, относящемся к 400 г. н. э., указывается, что политические преступники метились татуировкой возле глаз.

В средние века в России осужденным «на вечную каторгу» вырывали ноздри, вора́м – отрезали уши, пальцы; в Древнем Египте – выбивали зуб; в Европе вора́м

* Югай Людмила Юрьевна, и. о. доцента кафедры криминалистических экспертиз Академии МВД Республики Узбекистан.

отрезали уши, разбойникам отсекали нос, клятвоотступникам – палец, иногда и руку, мошенникам надрезали уши. Во Франции воров клеймили буквой «V», воров-рецидивистов – «VV», каторжников – «ГГ», отправленных на галеры – «GAL» или «G». В Индии в соответствии с Законами Ману полагалось за удар, нанесенный «высшему», отрезать ту часть тела, которой нанесен удар. Кроме того, в Индии также практиковалось обрезание носа, ушей, рук и ног. В древнем Египте за совершение кражи, подлога отсекалась рука и т.д. Калечение преступников нередко зависело от вида совершенного преступления: у вора-карманника отрезали пальцы, у клеветника – язык, у буяна – руки. В средние века в Германии у воров отрезали уши, у разбойников-рецидивистов – нос, у клятвопреступников – два пальца [2, с. 104–115].

В Англии у воров на руке выжигали клеймо. В России преступникам на лице или иной части тела выжигали буквы или слова – «кат» (каторжник), «вор», «В» (вор), «Б» (бунтовщик или бродяга), «У» (убийца) и др.

Клеймение, татуирование и калечение преступников решало несколько задач: во-первых, служило средством регистрации лиц, совершивших преступление, во-вторых, способствовало профилактике всех нарушений закона, в-третьих, являлось наказанием за совершенное деяние. Попытки выжигать на теле человека целые анкеты, практикующиеся в России и Австрии, указывающие вид преступления и место судимости, успеха не имели [3, с. 10].

Российский ученый В.Х. Каримов считает, что данные методы регистрации сложно отнести к научным и соответственно определить, что клеймение и калечение относятся к отдельному этапу развития криминалистической регистрации, неверно [4, с. 118–121].

По нашему мнению, хотя калечение и клеймение, как способы учета преступников, были варварскими и не соответствовали принципам гуманности, однако задачи учета преступников, совершенных ими конкретных видов преступлений, фактов повторности и т.д. они выполняли и соответственно исключать их из исторической ниши криминалистической регистрации считаем нецелесообразным.

С начала XX века калечение и клеймение заменено более гуманным способом регистрации преступников, учетным реестром лиц, подвергавшихся наказанию. Министерствами юстиции разных стран периодически публиковались алфавитные справочники осужденных лиц.

В начале XIX века организатор французского полицейского ведомства Сюрте Ж.Ф. Видок для возможной идентификации применял «парад преступников», представляющий собой наблюдение и запоминание сыщиками заключенных лиц во время их прогулок в тюрьмах.

С 1882 года наступает эра антропометрического метода регистрации («бертильонажа»). Автор данного метода Альфонс Бертильон (чиновник Полицейской Префектуры Парижа) использовал для регистрации преступника и последующей его идентификации 14 антропометрических параметров: рост стоя, длину распростертых рук (размах рук), рост сидя, длину и ширину головы, расстояние между скуловыми костями и т.д. К концу 1880-х годов «бертильонаж» был принят на вооружение полиции многих стран.

Однако со временем «бертильонаж» сменил более современный метод – дактилоскопический.

В Европе, начиная с эпохи Возрождения, папиллярные узоры впервые становятся объектом именно научно-теоретических исследований. Исследования

осуществлялись в рамках судебной медицины и криминалистики. Исследования по изучению папиллярных линий проводились в этот период голландским анатомом Бидлоу («Руководство по анатомии», 1685 г.), профессором анатомии Болонского университета М. Мальпиги («De externo tactus organo», 1665 г.), К. Гинце («Анатомические исследования папиллярных линий кожи, служащих для осязания», 1747 г.), Прохаской («Физиология или наука о естестве человеческого», 1812 г.), чешским анатомом Я. Пуркинью («К вопросу об исследовании физиологии и кожного покрова человека», 1823 г.) и многими другими учеными [5, с. 3–6].

Практически с самого начала основной задачей в изучении строения рисунка папиллярных узоров стала идентификация личности. Исследования папиллярных узоров того времени преследовали в первую очередь цель формирования принципов идентификации и регистрации преступников.

В период 1877-1879 гг. Вильям (Уильям) Хершель и Генри Фулдс (Фолдс) одними из первых провели исследования папиллярных узоров с целью идентификации личности.

Секретарь британской администрации в Индии В. Хершель на протяжении 20 лет на практике изучал следы папиллярных узоров как идентифицирующий лицо признак. Он добился организации первой на тот период времени дактилоскопической регистрации заключенных в одной из тюрем. Он выявил и практически обосновал основные свойства узоров папиллярных линий. К ним относятся: индивидуальность папиллярных узоров, их неизменяемость на протяжении всей жизни человека и возможность их использования для идентификации личности.

Практически параллельно с ним изучением узоров на пальцах занимался также английский врач Г. Фулдс в Японии (середина XIX в.). На основе своих исследований он предложил использовать следы папиллярных линий, оставленные на месте происшествия для идентификации лиц, совершивших преступление, в качестве доказательств и последующей регистрации. Г. Фулдс обосновывает необходимость дактилоскопирования всех десяти пальцев. В. Хершель предлагал дактилоскопировать только один или два пальца [6, с. 18].

В. Хершель и Г. Фулдс установили возможность использовать отпечатки пальцев рук для идентификации личности, выявили основные свойства папиллярных линий, такие как индивидуальность и неизменяемость. Однако без выделения типов и видов папиллярных узоров, т.е. классификации папиллярных узоров, невозможно было создание научной системы дактилоскопической регистрации в целях ее удобного и оперативного использования.

Английский ученый-антрополог Фрэнсис Гальтон в конце 80-х гг. XIX века классифицировал типы и виды папиллярных узоров на основании предыдущих работ В. Хершеля, Г. Фулдса. Он на основе изысканий своих предшественников разработал собственную классификацию пальцевых узоров и в 1892 г. опубликовал в Лондоне научную работу «Finger prints».

Усовершенствовал и расширил систему дактилоскопической регистрации Ф. Гальтона в 1896 г. Э. Генри, инспектор полиции Бенгалии. Модернизированный вариант системы дактилоскопической регистрации Ф. Гальтона решил задачу больших объемов дактилоскопической регистрации.

Эдварду Генри удалось изобрести такой способ систематизации карточек с отпечатками пальцев, что любая из них могла быть найдена за короткий промежуток времени.

А.А. Койсин отмечает, что переломным этапом внедрения в практическую деятельность полиции дактилоскопии было решение о внедрении картотечной дактилоскопической системы регистрации, предложенное Эдвардом Генри [7, с. 104–115].

В то время Альфонс Бертильон уже создал свою систему антропометрической регистрации преступников, получившую признание во многих странах мира, и она мешала распространению новой, более дешевой и действенной дактилоскопической системы. Ю. Торвальд приводит многочисленные случаи, когда полицейские чиновники отказывались вводить дактилоскопическую регистрацию, несмотря на блестящие примеры идентификации преступников по пальцевым следам [8, с. 21].

Борьба различных научных школ закономерна для процесса формирования, развития научной истины. В данном противостоянии проверяются научные гипотезы, обнаруживаются сильные и слабые места, появляются возможности взглянуть на исследуемый объект с различных позиций.

В течение полутора лет становления «бертильонажа» или приметоописательного метода (1884-1885 гг.) было идентифицировано около 300 лиц. Дактилоскопическое бюро Э.Генри за полтора года его создания (на май 1902 г.) установило личности 1772 человек, совершивших преступления и скрывшихся от правосудия [9, с. 7–14].

Введение системы Гальтона-Генри в Англии означало официальное признание дактилоскопии в качестве нового метода уголовной регистрации. С 1897 г. дактилоскопическая регистрация была введена в Британской Индии, а затем с 1901 г. и в Англии.

Заметную роль в развитии дактилоскопической регистрации сыграл служащий аргентинской полиции Х. Вучетич, который в 1890 г. возглавил группу регистрации преступников в Буэнос-Айресе. Практически ощутив неудобство антропометрического метода, он разработал систему дактилоскопической регистрации.

Х. Вучетич, намного опережая своё время, предлагал не только всеобщую регистрацию граждан, но и рассматривал вопросы обмена дактилоскопической информацией между государствами в целях розыска скрывшихся преступников, идентификации неопознанных трупов или установления местаножения без вести пропавшего лица за рубежом [10, с. 13]., т.е. на тот момент им высказывалась идея аналогов циркуляров Интерпола.

По инициативе Х. Вучетича в 1916 году аргентинский парламент принял закон о всеобщем дактилоскопировании всех аргентинских граждан и иностранцев, постоянно проживающих в Аргентине. Таким образом был создан первый прецедент осуществления дактилоскопической регистрации для всего населения вне зависимости от факта совершения преступления.

Только когда стали организовываться и функционировать дактилоскопические регистрационные картотеки, психологический барьер был преодолен, и появилось осознание того факта, что криминалистика приобрела мощное орудие, позволяющее не только эффективно регистрировать преступников, но и проводить надежную экспертную идентификацию.

С начала XX-го столетия наступает период замены антропометрии дактилоскопией. В 1902 году дактилоскопия была введена в Венгрии и Австрии; в 1903 году – в Германии, Дании, Бразилии, Чили, Египте и Французском

Индокитае; в 1906 году – в России, Норвегии, Швеции и Боливии; в 1907 году – в Голландии; 1908 году – в Перу, Парагвае, Уругвае и других странах [1, с. 25].

В период с 1922 по 1924 года на территории СССР, в том числе и Узбекистана, была введена единая централизованная дактилоскопическая система регистрации преступников (хотя юридически введение закреплено в 1931 г. вместе с созданием в ОГПУ Главной инспекции милиции), а также дактилоскопическая картотека трупов неизвестных граждан.

В конце 1926 года ОУР ЦАУ НКВД Узбекской ССР принимает решение об организации в Самарканде научно-технического кабинета, в задачу которого будет входить выполнение экспертиз, в том числе и дактилоскопических, и ведение дактилоскопических учетов для всех органов уголовного розыска и юстиции республики [12, с. 40].

Широкое процессуальное использование дактилоскопических учетов в целях раскрытия и расследования преступлений началось в Узбекистане с конца 30-х годов XX-го века созданием при отделах уголовного розыска дактилоскопических бюро. В штат отдела уголовного розыска помимо остальных сотрудников обязательно входили заведующий регистрационным бюро и дактилоскоп-фотограф.

Дактилоскопические бюро помимо проведения дактилоскопических исследований занимались постановкой на дактилоскопический учет преступников, разрабатывали методы научно-технической борьбы с преступностью, обработкой материалов по борьбе с уголовной преступностью и т.д. Создание научно-технических отделов и групп в 1947 году способствовало развитию и широкому распространению дактилоскопии в Узбекистане.

На сегодняшний день в экспертно-криминалистических подразделениях органов внутренних дел Республики Узбекистан успешно используются автоматизированные дактилоскопические идентификационные системы (далее по тексту – АДИС) на основе компьютерных технологий.

Анализ практической деятельности экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел свидетельствует о положительной динамике количества проведенных при помощи АДИС дактилоскопических исследований, а также количества изъятых следов рук с мест нераскрытых преступлений.

Данные дактилоскопические системы позволяют решать следующие задачи: идентификация лиц, оставивших следы папиллярных узоров на месте происшествия; установление фактов образования следов рук одним и тем же лицом на нескольких местах преступлений; установление лица, представившегося под вымышленными анкетными данными; идентификация разыскиваемых лиц по папиллярным узорам; идентификация личности неопознанных трупов; идентификация лиц, по причине болезни или возраста не способных подтвердить свою личность, и др.

Для реализации в полном объеме поставленных задач криминалистической регистрации в целях соблюдения прав личности, а также реализации в правовом поле процедуры постановки на криминалистический учет необходима соответствующая нормативно-правовая база. Уже разработан проект Закона Республики Узбекистан «О персональных данных». В настоящее время решается вопрос разработки и внедрения законов «О дактилоскопической регистрации», «О геномной регистрации», которые будут регламентировать процедуру сбора, хранения и оборота соответствующей информации.

Подводя итоги, необходимо отметить закономерный процесс эволюции криминалистической регистрации с совершенствованием имеющихся видов учетов

и введением новых с использованием современных информационных технологий. На сегодняшний день внедрена возможность проверки по базам разыскиваемых лиц, ранее судимых, угнанных автомобилей со служебного мобильного устройства (смартфона) сотрудников ДПС или инспекторов профилактики. В ближайшей перспективе вполне возможно создание и использование интегрированных баз данных с отпечатками пальцев рук, чертами внешности, геномной информацией для накопления и обмена криминалистически значимой информацией между правоохранительными органами, к примеру, в рамках «электронного уголовного дела» или с помощью тех же служебных мобильных устройств.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Пилявец В.В., Шарун В.В.* Криминалистическое значение татуировок. — Калининград, 2006.
2. *Койсин А.А.* История становления и развития уголовной (криминалистической) регистрации // Сибирский юридический вестник. — 2018. — № 2 (81).
3. *Терещенко В.И.* Криминалистические учеты органов внутренних дел: Учебное пособие. — М., 1989.
4. *Каримов В.Х.* Закономерности развития криминалистической регистрации в России // Известия Алтайского государственного университета. — 2017. — № 3.
5. *Волынский А.Ф.* Дактилоскопия: влияние общественного сознания на её возникновение и развитие // Эксперт-криминалист. — М., 2014. — №4.
6. *Самищенко С.С.* История, современное состояние и перспективы развития дактилоскопической диагностики // Эксперт-криминалист. — М., 2008. — № 2.
7. *Койсин А.А.* История становления и развития уголовной (криминалистической) регистрации // Сибирский юридический вестник. — 2018. — № 2 (81).
8. *Торвальд Ю.* Век криминалистики. — М., 1991.
9. *Волынский А.Ф.* Дактилоскопия: история и современность в аспекте общественного прогресса // Вестник криминалистики. — 2014. — Вып. 3(51).
10. *Корниенко Н.А.* Российские и международные криминалистические учеты. — М., 2004.
11. *Ялышев С.А.* Криминалистическая регистрация: проблемы, тенденции, перспективы. — М., 1998.
12. *Миронов А.И.* Возникновение и развитие криминалистических подразделений органов внутренних дел. — М., 1979.

ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ, ТАКТИКАСИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби, тактикаси ва унинг натижаларини расмийлаштириш масалалари, шунингдек ушбу тергов ҳаракатини хорижий мамлакатларда ўтказиш хусусиятлари ва фарқли жиҳатлари кўриб чиқилган. Ушбу соҳадаги илғор тажриба таҳлил қилинган ҳамда уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётига ва Ўзбекистон Республикаси жинойт-процессуал қонунчилигига жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: жинойт процесси, тергов ҳаракати, далил, исбот қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш, сўроқ қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, этап.

ВОПРОСЫ ДОКУМЕНТИРОВАНИЯ ПОРЯДКА, ТАКТИКИ И РЕЗУЛЬТАТОВ ПРОВЕДЕНИЯ СЛЕДСТВЕННОГО ДЕЙСТВИЯ ПО ПРЕДЪЯВЛЕНИЮ ДЛЯ ОПОЗНАНИЯ ЛИЦА

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы документирования порядка, тактики и результатов проведения следственного действия по предъявлению для опознания лица, а также особенности и различия в проведении данного следственного действия в зарубежных странах. Анализируется передовой опыт в этой сфере и разработаны предложения и рекомендации по его внедрению в практику деятельности правоохранительных органов и в уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан.

Ключевые слова: уголовный процесс, следственное действие, доказательства, подтверждение, предъявление для опознания, допрос, дознаватель, следователь, прокурор, суд, этап.

ISSUES OF DOCUMENTING THE ORDER, TACTICS AND RESULTS OF CONDUCTING INVESTIGATIVE ACTIONS ON PRESENTATION FOR FACE RECOGNITION

Annotation. The article analyzes the issues of documenting the order, tactics and results of conducting investigative actions on presentation for face recognition, as well as explores and deeply analyzes the peculiarities and differences on documenting the order, tactics and results of an investigative action on presentation for identification of persons in foreign countries and the opinions of a number scientists on this issue.

Keywords: criminal process, investigative action, evidence, confirmation, presentation for identification, interrogation, inquiry officer, investigator, prosecutor, court, stage.

Ҳозирги кунда республика жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш учун далилларни тўплашнинг энг самарали ва кенг қўлланиладиган усули ҳисобланган тергов ҳаракатлари ва уларнинг турларини илмий тадқиқ этиш, процессуал ва криминалистик жиҳатларини янада мукамал холга келтириш фоят муҳимдир.

* *Умматов Мамарасул Турсунович, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.*

Тергов ва суд амалиётида кенг қўлланиб келаётган ана шундай тергов ҳаракатларидан бири таниб олиш учун кўрсатишдир. Уни ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида тактик усулларни самарали қўллаш иш бўйича муҳим далилларни тўплаш имконини оширибгина қолмай, ушбу тергов ҳаракати тартибли ўтказилишини ҳам кафолатлайди. Таниб олиш учун кўрсатишни ўтказишга етарли тайёргарлик кўрилмаслиги унинг самарадорлигини пасайтиради ёки иш учун муҳим маълумотларнинг бой берилишига олиб келиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда суриштирувчи ёки терговчи ЖПК талабларига қатъий риоя этиши, таниб олиш учун кўрсатишда қўлланиладиган тактик усулларни [1] қонунда белгиланган тартиб доирасида ўзи белгилаши ва ўтказиши лозим.

Бир қатор юридик адабиётлар таҳлили асосида айтганда, таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш, бошқа тергов ҳаракатлари сингари, бир неча босқичлардан[2] иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишни босқичларга ажратиш тактик жиҳатдан уни ўтказишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларининг сифатли расмийлаштирилишига хизмат қилади.

Криминалистикага оид адабиётларда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг бир нечта босқичлари ажратилган бўлиб, бу мутахассисларнинг ушбу масалага турлича ёндашганликларидан келиб чиққан. Хусусан, бир қатор муаллифлар таниб олиш учун кўрсатиш учта асосий босқичдан, яъни тайёргарлик, таниб олиш жараёни, таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини қайд этишдан иборатлигини қайд этишса [3], бошқа муаллифлар таниб олиш учун кўрсатишни тўрт босқичга, яъни тайёргарлик кўриш, бевосита таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини қайд этиш ҳамда таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини баҳолаш босқичларига бўлишади [4, 448-б.].

Бироқ, назаримизда, таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини баҳолаш ушбу тергов ҳаракати таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг сўроқ давомида илгари кўрган ва хотирасида сақлаб қолган жиноят иши учун аҳамиятли маълумотлар орқали шахс, мурда ва унинг қисмлари, ҳайвон, унинг жасади ёки қисмлари, нарса ва объектларнинг алоҳида белгилари, хусусият ва аломатлари орқали айнанлигини аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракат бўлиб, уни ўтказиш жараёнида олинган далиллар жиноят иши ҳолатларига кўра алоҳида ва тўпланган бошқа далиллар билан бирга баҳоланиши лозим.

Фикримизча, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати тўртта босқичдан иборат бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ: 1) таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш; 2) таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш; 3) бевосита таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш; 4) таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган маълумотларни баённома шаклида расмийлаштириш.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини босқичларга ажратишнинг бу тури бошқаларидан таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш босқичи назарда тутилганлиги билан фарқ қилади.

Фикримизча, таниб олиш учун кўрсатиш жараёнида ушбу тергов ҳаракати иштирокчиларига, аввало, уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб бериш лозим, чунки ЖПКнинг таниб олиш учун кўрсатишни тартибга солувчи 14-бобининг 125-моддасида иштирокчи шахслар доираси кўрсатилган бўлса-да, айнан таниб олиш учун кўрсатиш жараёнида ушбу шахслар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилмаган.

Амалдаги ЖПКнинг бошқа тергов ҳаракатларига оид қонун нормаларини таҳлил қиладиган бўлсак, бунга ўхшаш ҳолатлар бошқача ҳал этилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, ЖПКнинг сўроқ қилиш тергов ҳаракатига бағишланган 10-боби 100-моддасида бевосита сўроқ қилинувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш талаб қилинган. ЖПКнинг «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари» деб номланган 179-моддасида уларнинг экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган. ЖПКнинг «Экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олишда шахс ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши» деб номланган 169-моддасида эса намуна олинаётган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланган [5, 96-б.].

Шу боис, фикримизча, ЖПКга таниб олиш учун кўрсатиш жараёнида ушбу тергов ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқларини тартибга солувчи алоҳида қоида киритилмаса ҳам, тактик жиҳатдан ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал иштирокчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш босқичида суриштирувчи ёки терговчи барча тайёргарлик ҳаракатларини амалга ошириши керак. Булар қуйидагилардир: жинойт иши материаллари билан яхшилаб танишиб чиқиш; таниб олиш учун кўрсатиш асослари бор-йўқлигини аниқлаш; таниб олувчини иш ҳолатлари ва таниб олиши мумкин бўлган муҳим ҳолатлар тўғрисида олдиндан батафсил сўроқ қилиш; таниб олинадиган шахс ёки объектлар доирасини белгилаш; ташқи кўриниши ва бошқа хусусиятлари бўйича таниб олинувчи объектга ўхшаш бўлган камида иккита объект (шахс ёки нарса) топиш; таниб олинувчи инсонларнинг шахсини тасдиқловчи ва тавсифловчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиш; иш натижасидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахсни холис сифатида иштирок этиш учун чақириш; зарур бўлганида мутахассис чақиртириш; таниб олиш учун кўрсатиш ўтказиладиган жой ва вақтни белгилаш; тергов ҳаракатининг барча иштирокчиларига чақирув қоғозлари юбориш; ушбу жараёнда қўлланилиши керак бўлган аудио, видео ва бошқа замонавий техник-криминалистик воситаларни тайёрлаш; зарур бўлганида таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларида ЖПКнинг 127-моддаси олтинчи қисми талаблари асосида қарор чиқариш.

Суриштирувчи ёки терговчи таниб олувчини сўроқ қилиш давомида таниб олувчининг таниб олинувчи объектни кузатганлиги, идрок этганлиги ва таниб олинувчи объект бўйича маълумотлар хотирасида қай даражада сақланиб қолганлигини аниқлаб олиши лозим.

Қайд этиш жоизки, ЖПК 127-моддасининг олтинчи қисмига кўра таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун

кўрсатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ, шахсни таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўришнинг ўзи бир қатор ташкилий тадбирларни қамраб олиши билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ортиқча оворагарчиликларни юзага келтиради.

Масалан, шахсни таниб олиш учун кўрсатишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд таниб олинувчи билан бир хил жинсдаги, кийими, соч қирқтириши ёки тараша ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмайдиган камида икки нафар шахсни излаб топиши, ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахсни холис сифатида иштирок этиш учун чақириши, таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитни таъминлаши, шунингдек бу жараёнга тегишли мутахассисларни жалб этиши ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, бошқа шунга ўхшаш ташкилий ҳаракатларни амалга ошириши талаб этилади.

Шу боис, фикримизча, ЖПК 127-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра, таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги билан боғлиқ процессуал қоидага тегишли ўзгартиш киритиш ва ушбу нормадан «суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра» деган жумлаларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги нормаларга мурожаат қиладиган бўлсак, бир қатор давлатларда таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг алоҳида қарори чиқарилиши талаб этилмаслиги, қолаверса, бундай талаб умуман белгиланмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хусусан, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 224-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) [6], Молдова Республикаси ЖПКнинг 116-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш) [7], Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 198-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) [8], Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 206-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) да таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатишни таниб олувчининг таниб олинувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказиш бўйича терговчининг алоҳида қарори чиқарилиши назарда тутилмаган.

Шу боис, юқорида келтирилган фикрлар ва хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ижобий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ЖПК 127-моддасининг олтинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:

«Таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда холислар таниб олувчи турган жойда бўлади».

Мазкур таклифнинг ЖПКда инобатга олинishi ушбу норманинг турлича талкин қилинишига чек қўйиб, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади, шунингдек таниб олиш учун кўрсатиш тартиби бирмунча соддалашишига хизмат қилади.

Таниб олиш учун кўрсатишнинг *иккинчи босқичи* таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

Суриштирувчи ёки терговчи таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатлари бошланишидан аввал холисларга уларнинг ЖПК 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқларини тушунтириши, таниб олувчи ва таниб олинувчига, шунингдек ишда мутахассис сифатида иштирок этаётган шахсларга уларнинг ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш мобайнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат бўлишини тушунтириб бериши лозим.

Шахсни таниб олиш учун кўрсатишда ЖПК талабларига кўра яна икки нафар таниб олинувчи иштирок этиши лозим бўлиб, ЖПКда уларнинг процессуал мақоми белгиланмаган. Ваҳоланки, улар ҳам мазкур тергов ҳаракатининг иштирокчиси ҳисобланади ва тергов ҳаракати якунида расмийлаштирилган баённомага имзо чекишлари талаб этилади (ЖПК 92-м.).

Юридик манбаларга мурожаат қилинганида бу борада ҳам турлича қарашлар ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида эса ўзига хос тажрибалар борлигини кўриш мумкин. Хусусан, С. М. Прокофьева шахсни таниб олиш учун кўрсатишда иштирок этувчи бошқа таниб олинувчиларни статист дея эътироф этиб, статист деганда таниб олиш учун кўрсатиш мақсадида жалб қилинган, ташқи белгилари билан таниб олиш ўтказилаётган шахсга ўхшайдиган, иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган ҳамда илгари таниб олиш ўтказилаётган шахс билан таниш бўлмаган ҳар қандай шахс тушунилишини таъкидлайди [9, 263-264-б]. С. М. Прокофьеванинг фикрига айнан ўхшаш фикрни О. В. Челишева, К. И. Сотников, Е. В. Кузбагарова ҳам айтиб ўтишган [10].

Молдова Республикаси ЖПКда бу борада бошқа тажриба шакллантирилганлигини кузатиш мумкин. Унинг 116-моддаси (Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш)да таниб олинувчи бошқа шахслар процессуал ассистент сифатида қайд этилган ва шу тариқа уларнинг процессуал мақоми аниқлаштирилган [11].

Фикримизча, бу борада С. М. Прокофьева, О. В. Челишева, К. И. Сотников, Е. В. Кузбагарованинг шахсни таниб олиш учун кўрсатишда иштирок этувчи бошқа таниб олинувчиларни «статист» деб эътироф этган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки «статист» сўзи рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда «статистика мутахассиси» маъносини англатади.

Шу боис, фикримизча, қонун нормаларини шарҳлашда ҳамда юридик адабиётлар ва илмий манбаларда шахсни таниб олиш учун кўрсатишда иштирок этувчи бошқа таниб олинувчиларга нисбатан Молдова Республикаси ЖПКнинг 116-моддасида назарда тутилган «процессуал ассистент» жумласини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Таниб олиш учун кўрсатишнинг *учинчи босқичи* бевосита таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш жараёни бўлиб, ушбу босқичда суриштирувчи ёки терговчи таниб олиш учун кўрсатишнинг турини инобатга олган ҳолда ЖПКнинг 127–130-моддаларида белгиланган талабларни бажариши лозим.

Шахсни таниб олиш учун кўрсатишда суриштирувчи ёки терговчи таниб олинувчига у билан бирга кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасидан исталган жойни эгаллашни таклиф қилиши лозим. Бу вазиятда таниб олинувчига бирор жойни эгаллашни таклиф этиш ёки бирор жойга туришини кўрсатиш ёхуд таниб олинувчи ўзи танлаган жойни эгаллашига тўсқинлик қилиш мумкин эмас. Таниб олинувчига у билан бирга кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасидан исталган жойни эгаллашни таклиф қилиш ва унинг жойлашиши таниб олувчи ушбу жойга келмасидан аввал амалга оширилиши лозим. Таниб олинувчи шахслар ўз жойларини эгаллаб бўлганларидан сўнггина таниб олувчи ушбу хонага ёки жойга таклиф этилиши мумкин.

Айнан ушбу масалада ЖПКнинг 127-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг иккинчи қисмида белгиланган «таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган жойни эгаллаш таклиф қилинади» деган мазмундаги процессуал қоидада бўшлиқ мавжудлиги кўзга ташланади.

Гарчи қонун чиқарувчи таниб олинувчининг таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасидан истаган жойни эгаллаши мумкинлигини белгилаган бўлса-да, бу жараён таниб олиш бошланишидан аввал ёки бошланган заҳоти амалга ошириладими, бунда таниб олувчилар қаерда бўлади, шунингдек бу жараён таниб олувчи келганидан кейин ёки улар келмасларидан олдин амалга оширилиши керакми, деган саволларга жавоб берадиган процессуал қоида ни белгиламаган.

Фикримизча, таниб олинувчининг таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган жойни эгаллаши таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан ва ҳали таниб олувчи ушбу жойга таклиф қилинмасидан олдин амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатлар жинойт-процессуал қонунчилигидаги ушбу процессуал қоида ни тартибга солувчи нормалар ўрганилганида Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 268-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) биринчи қисмида [12], Қирғизистон Республикаси ЖПК нинг 198-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) иккинчи қисмида [13], Россия Федерацияси ЖПКнинг 193-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш) тўртинчи қисмида [14], Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 206-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) иккинчи қисмида [15], Арманистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) тўртинчи қисмида [16], Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 230-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) бешинчи қисмида [17], Молдова Республикаси ЖПКнинг 116-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш) тўртинчи қисмида [18] таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа шахслар орасида истаган жойни эгаллашни таклиф қилиши **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан аввал** амалга оширилиши белгиланган бўлса, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 224-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби) иккинчи қисмида [19], Украина Республикаси ЖПКнинг 228-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш) иккинчи қисмида [20] эса таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа шахслар орасида истаган жойни эгаллашни таклиф қилиш **таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан аввал** ва **бошқа таниб олинувчилар йўқлигида** амалга оширилиши белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу таҳлиллардан кўринадик, таниб олинувчининг таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасидан истаган жойни эгаллаши таниб олиш учун кўрсатишдан олдин ва таниб олувчилар йўқлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Шу боис, фикримизча, мазкур ижобий хориж тажрибасини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш орқали таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг самарадорлигини ошириш ва унинг натижасида тўпланган далилларнинг мақбуллигини таъминлаш механизмларини мустаҳкамлаш ўринлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПК 127-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:

«Таниб олиш учун кўрсатиш бошланишидан олдин, таниб олувчилар йўқлигида таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган жойни эгаллаш таклиф қилинади».

Таниб олиш учун кўрсатишнинг *тўртинчи босқичида* олинган маълумотлар ЖПКнинг 90–92-моддалари ва 131-моддаси тартибида баённомада расмийлаштирилади. Барча ҳолларда баённомага: таниб олувчи, таниб олиш учун кўрсатиш шароити, жараёни ва натижалари, таниб олиш учун кўрсатилган шахслар, уларнинг ёши, бўйи, миллати, турар жойи, кўзга ташланувчи белгилари, кийимлари; таниб олиш учун кўрсатилган нарсалар тавсифи; таниб олиш учун кўчмас объектлар кўрсатилганида эса таниб олувчи кўрсатган йўналишлар ва изланаётган объектга бирор аниқ жойдан бориш йўллари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши лозим. Агар шахсни таниб олиш кўриб туришни истисно этадиган шароитларда ўтказилган бўлса, бу ҳам баённомага ёзилиши керак. Таниб олиш учун фотосуратлар кўрсатилган бўлса, баённомага рақамланган фотожадвал илова қилинади.

Бундан ташқари, баённомага таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек унга суриштирувчи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар ЖПКнинг 106-моддасида (сўроқ жараёни ва натижаларини қайд қилиш) назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда ёзиб борилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Балашов Д.Н., Балашов Н.М., Маликов С.В.* Криминалистика: Учебник. — М., 2005.
2. *Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф.* Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. — Тошкент, 2007. — Б. 14–16; Криминалистика. 2-е изд. / Т. В. Аверьянова, Р. С. Белкин и др. — М., 2006. — С. 547; *Акрамходжаев Б.Т.* Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М.: ВШ МВД РФ, 1992. — С. 10; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — 2000. — Б. 223–224.
3. *Маматқулов Т.Б.* Криминалистика: Дарслик / Т. Б. Маматқулов, И. Астанов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 338–348; *Ищенко Е. П., Филиппов А. Г.* Криминалистика: Учебник. — М., 2007. — 604 с.; *Селезнев А.В.* Современные проблемы криминалистики: Учеб. пособие. — М., 2012. — URL: <https://lib.sale/uchebnik-kriminalistika/taktika-preduyavleniya-dlya-98616.html> / (16.03.2020).

-
-
4. *Ищенко Е.П., Топорков А.А.* Криминалистика: Учебник. Изд. 2-е, исп. и доп. — М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ», «ИНФРА-М», 2006.
5. *Ражабов Б.А.* Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши: Монография — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 08.01.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
8. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 10.11.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
9. *Саҳаддинов С.* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ). — Т.: Янги аср авлоди, 2014.
10. *Чельшева О.В., Сотников К.И., Кузбагарова Е.В.* Криминалистика. 2017. — URL: <http://be5.biz/pravo/k043/index.html/> (19.03.2020).
11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
12. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (По состоянию на 09.06.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
13. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 10.11.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
14. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 18.02.2020). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (01.03.2020).
15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (По состоянию на 17.05.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
16. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (По состоянию на 30.03.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
17. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 12.07.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (24.02.2020).
18. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
19. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 08.01.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).
20. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (По состоянию на 12.07.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (24.02.2020).

В. Э. Умаралиев, Х. Б. Жамолдинов***

КОНСТИТУЦИЯ — ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятини тартибга солиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотлар ёритилган. Конституцияга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда улар вакилларининг мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга эканлиги, шу боис улар мурожаат қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкинлиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: қонун, жисмоний шахс, юридик шахс, жисмоний ёки юридик шахснинг вакили, ариза, шикоят, таклиф, мурожаат, халқ қабулхонаси.

КОНСТИТУЦИЯ КАК ПРАВОВАЯ ОСНОВА ОБРАЩЕНИЙ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ

Аннотация. В статье освещены реформы, направленные на повышение эффективности и упорядочение деятельности государственных органов и негосударственных организаций по рассмотрению обращений физических и юридических лиц. Подчеркивается, что в соответствии с Конституцией обращения физических и юридических лиц и их представителей имеют одинаковую важность, в этой связи они при обращении могут пользоваться всеми правами, предусмотренными законодательными актами.

Ключевые слова: закон, физическое лицо, юридическое лицо, представители физических или юридических лиц, заявление, жалоба, предложение, обращение, народные приемные.

THE CONSTITUTION AS A LEGAL FOUNDATION FOR ADDRESS TO INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES

Annotation. The article highlights the reforms aimed at improvement of the efficiency and streamlining the activities of state bodies and non-governmental organizations to consider addresses from individuals and legal entities. It is emphasized that, in accordance with the Constitution, the addresses of individuals and legal entities and their representatives are of equal importance, in this regard, when applying, they can use all the rights provided for by legislative acts.

Keywords: law, individual, legal entity, representative of individuals or legal entities, statement, complaint, proposal, address, people's receptions.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи қуйидагича мустаҳкамланган: «Ҳар

* *Умаралиев Валижон Эргашевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти.*

** *Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.*

бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».

Мазкур конституциявий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлаш ва тегишли ҳуқуқий-ташкилий механизмларни яратиш мақсадида 1994 йил 6 майда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, 2002 йил 13 декабрда эса ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, янада такомиллаштирилган.

Давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг демократлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланиши, тадбиркорлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар (юримдик шахслар)нинг давлат ва нодавлат органларига мурожаат қилиши фаоллашуви муносабати билан 2014 йил 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, шунингдек ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида ушбу қонунни янги таҳрирда қабул қилиш зарурати туғилди. Натижада 2017 йил 11 сентябрда «Жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимизда жисмоний ва юримдик шахслар давлат ва нодавлат органларига мурожаат қилишининг ҳуқуқий асоси бўлиб, унда мурожаат қилиш бўйича ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлар тўлиқ кафолатланган.

Ушбу қонунга мувофиқ, фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари учун жойларда халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу қабулхоналар орқали кўплаб фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. Ҳуқуқшунос А. Исабаев айтганидек, мамлакатимизда халқ қабулхоналари ташкил этилиши халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими бўлиб, фуқароларга давлат органлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имконини берди [1, 56-б.].

Ҳақиқатан ҳам, «халқ қабулхоналари»нинг ташкил этилиши, жисмоний ва юримдик шахслар мурожаатлари билан ишлашда мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада ошириши билан бирга, давлатимиз раҳбари айтганидек, **«халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»** [2] деган ғояни ўзида тўлиқ ифодалади, десак асло муболаға бўлмайди.

«Жисмоний ва юримдик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига мувофиқ халқ қабулхоналари қуйидаги асосий вазибаларни бажаради:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

муурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига,

мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши;

жисмоний ёки юридик шахс вакилининг мурожаати, вакилининг имзоси (жумладан электрон рақамли имзоси) билан имзоланган бўлиши ва ҳоказо.

Мурожаат этувчининг ўз вакиллари орқали давлат ва нодавлат органларига мурожаат этиши қонунга зид эмас. Чунки, Фуқаролик кодексига мувофиқ муомалага лаёқатсиз шахсларнинг, шунингдек вояга етмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш мақсадида уларнинг ота-оналари, фарзандликка олганлари, васий ёки ҳомийлари давлат ёки нодавлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга.

Шу ўринда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва нодавлат органларига мурожаатлари юзасидан фикрларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Ҳуқуқшунос олимлар Ш. Т. Икрамов, М. З. Зиёдуллаев, И. А. Соттиев жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини мазмунан ва кўриб чиқиш тартибига кўра икки гуруҳга ажратади:

1) кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун билан белгиланган мурожаатлар;

2) кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган мурожаатлар [5, 42-б.].

Бизнингча, жисмоний ва юридик шахсларнинг ички ишлар органларига мурожаатларини тартибга солиувчи қонун ҳужжатлари ва мазмуни бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи мурожаатлар;

кўриб чиқиш тартиби жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи мурожаатлар;

кўриб чиқиш тартиби жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи мурожаатлар;

кўриб чиқиш тартиби бошқа (иқтисодий, фуқаролик, меҳнат ва шу каби) қонун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи мурожаатлар.

Чунки жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларида турлича тартибга солинган бўлиб, биргина маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар қонун бўйича материал олинган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида, айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бир сутка мобайнида, айримлари эса уч сутка ичида кўриб чиқилиши белгиланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти доимий равишда (ярим йилда ёки бир йилда бир марта) давлат органлари томонидан ўз хайъатлари ва йиғилишларида умумлаштирилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсадга мувофиқ [6, 122-б.].

Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти доимий равишда (ҳар уч ойда) давлат органлари ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий таркибий тузилмаларининг раҳбарлари ҳузурида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиш, шунингдек ходимларнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги кўникмалари бўйича билимларини мунтазам ошириб бориш лозим.

Жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек улар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда унинг куйи бўғинларига 2019 йил давомида қилган турли мазмундаги мурожаатлари ўрганиб чиқилганида бир йил аввалгига нисбатан 4,5 фоиз кам мурожаат қилингани, мурожаатларнинг 93 % ҳал этилгани, 5,3 % Ички ишлар вазирлиги ҳамда унинг куйи бўғинларидаги тузилмаларида кўриб чиқиладигани маълум бўлди [7].

Жисмоний шахсларнинг вакиллари давлат органларига ўзлари вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб ариза, таклиф ва шикоят тарзида мурожаат қиладилар. Уларнинг бундай мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топмаган.

Бу борадаги хорижий давлатларнинг қонунлари ўрганилганида хусусан Беларусь Республикаси (Закон Республики Беларусь «Об обращениях граждан и юридических лиц» от 18 июля 2011 г. №300-З. Статьи 4, 6), Қозоғистон Республикаси (Закон Республики Казахстан «О порядке рассмотрения обращений физических и юридических лиц». Статья 7 // Ведомости Верховного Совета Республики Казахстан. — 1995. — № 9–10. — Ст. 71.), Қирғизистон Республикаси (Закон Кыргызской Республики «О порядке рассмотрения обращений граждан» от 4 мая 2007 г. № 67. Статья 4) қонунларида жисмоний шахслар, юридик шахслар ва улар вакилларининг мурожаат қилиш ҳуқуқлари ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига мувофиқ, «жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъкиб этиш ман этилади».

Шундан келиб чиққан ҳолда, назаримизда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (2017 йил 11 сентябрь) қонуннинг 3-моддасига қуйидаги тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

«жисмоний шахснинг мурожаати — қонун ҳужжатларига мувофиқ, муомала лаёқатига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлат ёки нодавлат ташкилотларига, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза, таклиф, шикоят тарзидаги мурожаати;

юридик шахснинг мурожаати — қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган реквизитларга эга бўлган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан, давлат ёки нодавлат ташкилотларига ушбу корхона, муассаса, ташкилотнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза, таклиф, шикоят тарзидаги мурожаати;

жисмоний ёки юридик шахс вакилининг мурожаати — конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда ишончномага эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс вакилининг, ўзи вакиллик қилаётган жисмоний ёки юридик шахс манфаатларини кўзлаб, давлат ёки нодавлат ташкилотларига ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда конуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза, таклиф, шикоят тарзидаги мурожаати».

Шунингдек, мазкур конуннинг 15-моддаси бешинчи қисмини қуйидаги жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: «Жисмоний ва юридик шахс вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотларга мурожаат қилганларида, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиши кафолатланади. Жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек вакилларининг айна бир мазмундаги мурожаатлари бир хил кучга эга».

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг конунга киритилиши натижасида, **биринчидан**, конун нормалари унификация қилинишига, **иккинчидан**, жамиятдаги ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилишига, **учинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда улар вакилларининг мурожаатлари бир хил кучга эга эканлигига, **тўртинчидан**, жисмоний шахслар вакилларининг, шунингдек юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асоси яратилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Исабаев А.* Аҳоли мурожаатлари доимо эътиборга олинishi керак // *Huquq va burch.* — 2019. — № 7.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // *Халқ сўзи.* — 2016. — 9 дек.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Конституция ва конун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // *Халқ сўзи.* — 2019. — 8 дек.
4. *Селиманова С.М.* Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.
5. *Икрамов Ш.Т.* Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби / Ш.Т.Икрамов, М.З.Зиёдуллаев, И.А.Соттиев. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.
6. *Умаралиев В.Э.* Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2016.
7. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасининг 2018-2019 йиллардаги фаолиятига доир статистик маълумотлари.

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Аннотация. Мақолада одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларнинг роли кўриб чиқилган, одам савдосига қарши кураш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган. Муаллиф одам савдосига қарши кураш фаолиятини тартибга солувчи миллий ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берган.

Таянч сўзлар: одам савдоси, жабрланувчи, одам савдосига қарши кураш, халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий ҳуқуқий нормалар.

РЕФОРМЫ В БОРЬБЕ С ТОРГОВЛЕЙ ЛЮДЬМИ — ГАРАНТИЯ СОБЛЮДЕНИЯ ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация. В статье рассматривается роль международных и национальных правовых норм в защите прав и интересов жертв торговли людьми, анализируются реформы в сфере борьбы с торговлей людьми, проводимые в Узбекистане. Автор вносит ряд конкретных предложений и рекомендаций, направленных на совершенствование национальных правовых актов, регламентирующих деятельность по борьбе с торговлей людьми.

Ключевые слова: торговля людьми, потерпевший, борьба с торговлей людьми, международно-правовые нормы, национально-правовые нормы.

REFORMS IN FIGHTING AGAINST HUMAN TRAFFICKING ARE THE GUARANTEE OF HUMAN INTERESTS

Annotanion. The article deals with the role of international and national legal norms in protecting the rights and interests of victims of human trafficking, analyzes the reforms in the field of combating human trafficking carried out in Uzbekistan. The author elaborates a number of specific proposals and recommendations on improvement of national legal acts regulating activities to combat human trafficking.

Keywords: human trafficking, victim, fight against human trafficking, international legal norms, national legal norms.

Ҳозирги кунда асримизнинг жиддий муаммосига айланган трансмиллий жиноятлардан бири бўлган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда.

Одам савдоси қулдорликнинг замонавий кўриниши сифатида дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб муаммо бўлиб, у билан шуғулланувчи уюшган жинойий гуруҳлар «тирик товар»дан миллиардлаб доллар моддий манфаат кўрмоқдалар.

Маълумки, сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт

**Турсоатов Содиқ Худоёр ўғли, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси терроризм ва одам савдосига қарши кураш кафедраси катта ўқитувчиси.*

профилактикаси ва жиноятчиликка, айниқса, унинг хавфли турларидан бири бўлган одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатни тағ-томири билан йўқотиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация этиш, шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда эндиликда болалар меҳнатига барҳам берилган, қишлоқ хўжалиги ишлари, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даврида катталарнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга чек қўйиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз нуфузини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Шундай бўлса-да, ҳозирги вақтда одам савдосига ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар сақланиб қолаётганлигини таҳлиллар кўрсатиб турибди [1].

Бугунга келиб жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий хусусиятга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чоралар кўрилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-моддасида: «Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади» [2], деб белгилаб қўйилганлиги ва ушбу қоида одам савдосига қарши курашишда миллий қонунчилигимизда амалга киритилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида эса ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши қайд этилган [3].

Мазкур трансмиллий жиноятга қарши курашиш ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўрни бекиёс бўлиб, Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949), Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча конвенция (1956), Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги конвенцияни тўлдирувчи «Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги баённома (2000) бу борада дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2005 йилда МДҲ доирасида «Одам савдосига қарши

курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги келишув, 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида «Одам савдосига қарши курашнинг 2007–2010 йилларга мўлжалланган дастури» қабул қилинган эди [2].

Ҳозирги вақтда кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўймоқда [5].

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар «замонавий кулик», яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Ачинарлиси, ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2,7 млн инсон одам савдосидан азият чекмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 млрд АҚШ долларида ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи хотин-қизлар ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар хотин-қиз ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб ўтилиб, сотиб юборилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь), «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (2008 йил 17 апрель) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5775-сон (2019 йил 30 июль) фармони қабул қилинди.

2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида одам савдосига қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди [6].

Шунингдек, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-179-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган 135-моддаси янги тахрирда баён этилди.

Одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш [7].

Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Ўтган асрдан XXI асрга трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури «мерос» бўлиб ўтди. Булар: 1) халқаро терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи, куч ишлатиш, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар; 2) наркобизнес ёки наркотрафик билан шуғулланаётган жинойий уюшмалар; 3) одам савдоси билан шуғулланувчи йирик жинойий ташкилотлар бўлиб, улар йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Санаб ўтилган трансмиллий жиноятчилик, яъни ҳудуд ёки чегара танламаётган жиноятларнинг қайси бир турини таҳлил қилмайлик, уларнинг барчаси инсоният цивилизациясига очикдан-очик тўсиқ экани, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф солиши маълум бўлади. Бу жиноятларнинг асосий сабаби маънавий қашшоқлик, очкўзлик, дунёга ҳаддан ташқари хирс қўйиш ва нафсига қул бўлишдир.

Маълумки, ислом дини кўрсатмаларида ҳам инсоннинг Ер юзидаги жамики мавжудотлар ичида энг муқаррами экани таъкидланиб, қулликка қарши қатъий тақиқлар белгилаб қўйилган. Муқаддас китобларда инсоннинг ҳур яратилганлиги таъкидланади. Ҳадисларда айтилишича, «ким бир мўмин қулни озод қилса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир аъзоси учун бунинг аъзоларини дўзахдан озод қилади», ёки «Аллоҳ таоло: «Уч киши борки, мен уларга қиёмат куни хусуматчиман. Менинг номимдан (аҳд) берадиган ва кейин хиёнат қиладиган киши. Ҳур кишини сотиб пулини ейдиган киши. Мардикор ёллаб, уни ишлатиб ва ҳаққини бермаган киши» [8].

Яна бир ҳадисда: «Аллоҳ таоло қиёмат кунда уч кишига қарамайди. Ҳурни сотган киши, ўзини ўзи сотган киши ва мардикорнинг тери қотгандан кейин унинг ҳаққини бекор қилган кишини», дейилади.

Энг ташвишли ҳолатлардан яна бири шуки, ишлаш учун хорижга ноқонуний тарзда кетаётган шахсларнинг кўпчилиги халқаро терроризм ва дин ниқоби остида иш кўраётган экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик ташкилотлар вакилларининг тузоғига тушиб қолмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар натижасида фуқароларимизнинг турмуш шароити юксалиб бормоқда, ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун қулай ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Буларнинг барчаси шахс эрки, унинг ҳаёти, саломатлиги ва шахсий ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий муҳофазасининг самарадорлигини ошириш, шахс ва давлат муносабатларида шахс манфаатларининг устунлиги принципига оғишмай амал қилиш эҳтиёжини янада кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади [3].

Ҳозирги вақтда аҳоли миграцияси, шу жумладан, мамлакат ташқарисида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадидаги миграция жаҳон кўламидаги воқелик бўлиб, кўпгина ижобий жиҳатлари билан бирга салбий оқибатларни ҳам

келтириб чиқармоқда. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, одам савдосига қарши курашишда ўтказиладиган суриштирув, тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари жараёнида жабрланувчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш, уларга руҳий ва маънавий ёрдам кўрсатиш лозим.

Бу борадаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 240-сон (2008 йил 5 ноябрь) қарори асосида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори фуқароларимиз ҳаёти ва саломатлиги, шаъни ва кадр-қимматини жинойатчиларнинг тажовузларидан ҳимоялаб, инсон ва унинг ҳуқуқлари, манфаатлари энг олий кадрият, деган улуғ ғояни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Одам савдоси қурбонларига айланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва тиббий-руҳий жиҳатдан реабилитация қилиш давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон инсонпарвар демократик давлат сифатида умум эътироф этган халқаро норма ва қоидаларни ўз миллий ҳуқуқ тизимига кенг жорий қилиш йўлини тутмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5775-сон фармонида кўрсатилганидек, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил қилинди. Унга кўра Миллий комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек уларнинг ижросини назорат қилиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги жинойатларни аниқлаш, тергов қилиш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракатни ташкил этиш, шунингдек мазкур соҳага оид маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш [1].

Одам савдосига қарши курашга қаратилган халқаро қонунчиликда ҳам, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳам одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ҳимоясини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Жумладан, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги (2000 йил 15 ноябрь) конвенциясининг 25-моддасига кўра, «ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат ўзининг имкониятлари даражасида одам савдосидан жабр кўрган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, айниқса, қасд олиш билан кўрkitишдан ҳимоялашга қаратилган ёрдамни бериш мажбуриятини олади. Ҳар бир иштирокчи давлат одам савдосидан зиён кўрганларга товон ундирилиши ва улар кўрган бошқа шаклдаги зарар ўрнини қоплаш юзасидан керакли тартиб-қоидаларни жорий этади».

Юртимизда чет элга чиқиб ишловчи кишилар учун қонуний асослар яратилди. Жумладан, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2003 йил 12 ноябрь) қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида»ги низомнинг 1-бандига кўра, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқатлараро, идоралараро шартнома ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюролар кўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари фаолиятида одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ички ишлар органлари ходимлари олдига қўйилган куйидаги аниқ вазифалар бажарилиши лозим:

биринчидан, ИИВ ТЭҚКББ ва бошқа таркибий тузилмалар, «Интерпол» Миллий марказий бюроси билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларда фоҳишалик, кўшмачилик ва норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланган шахсларни аниқлаш;

иккинчидан, ёш қизлар ва аёлларнинг фоҳишалик ёки бошқа ноқонуний фаолият билан хорижда шуғулланиб депортация қилинганларини аниқлаш, уларни алоҳида ҳисобга олиш ҳамда улар билан доимий равишда профилактик-тезкор суҳбатлар ўтказиш;

учинчидан, ёш қизлар ва аёлларни чет давлатларга олиб чиқиб кетишга ёрдам берган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш;

тўртинчидан, одам савдосига қарши курашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш. Маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши курашиш;

бешинчидан, одам савдосига қарши кураш борасида жойларда ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини таҳлил қилиш, амалга оширилган ишларни

муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.
Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада ўзаро ҳамкорликка асосланиб, жиддий ёндашув асосида олиб борилсагина яхши натижа бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2019 йил 30 июль, ПФ-5775-сон.
2. БМТ Бош Ассамблеясининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрь // Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т., 2009.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги. — Т., 2013.
5. «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017 йил 10 апрель, 5005-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-модда.
6. «Ички ишлар органлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2016 йил 16 сентябрь ЎРҚ – 47-сон // URL: Lex.uz.
7. «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2008 йил 17 апрель, ЎРҚ – 154 - сон. — URL: <https://www.lex.uz/ru/m/acts/1339436>.
8. *Имом ал-Бухорий*. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. — URL:<http://qadriyat.uz/tarix/muhaddislar/591-imom-al-bukhorij-sho-asar-al-zhome-as-sa-i>
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2017.

МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМДА МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация. Мақолада миграция ҳуқуқининг миллий ҳуқуқий тизимда шаклланиш асослари тадқиқ этилган. Хусусан, муаллиф миграция ҳуқуқининг предмети, тартибга солиш усул ва воситалари, ҳуқуқий таъсир чоралари каби муҳим элементларини ажратиб кўрсатган. Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни таҳлил қилиш асосида унинг қонунчиликнинг бошқа соҳалари билан узвийлиги аниқланган.

Таянч сўзлар: миграция, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ соҳаси, ҳуқуқ нормаси, миграция қонунчилиги.

ФОРМИРОВАНИЕ МИГРАЦИОННОГО ПРАВА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

Аннотация. В статье исследуются основы формирования миграционного права в национальной правовой системе. В частности, автор выделяет такие важные элементы миграционного права, как его предмет, методы и средства правового регулирования, меры правового воздействия. На основе анализа национального законодательства в сфере миграции определяется его тесная взаимосвязь с другими сферами законодательства.

Ключевые слова: миграция, система права, отрасль права, норма права, миграционное законодательство.

FORMATION OF MIGRATION LAW IN THE NATIONAL LEGAL SYSTEM: COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

Annotation. The article deals with the foundations of formation of migration law in the national legal system. In particular, the author highlights such important elements of migration law as its subject matter, methods and means of legal regulation, measures of legal influence. On the bases of the analysis of national legislation in the field of migration and its close relationship with other spheres of legislation is determined.

Keywords: migration, system of law, branch of law, rule of law, migration legislation.

Замонавий ҳуқуқий жамиятда мамлакат ҳудудида ҳаракатланиш ва ўзига яшаш жойини танлаш, уни тарқ этиш ва қайтиб келиб яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, унинг бошқа давлатда таъқиб этилишдан бошпана қидириш ва олиш ҳуқуқи берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон, қаерда бўлмасин, ҳуқуқий лаёқатга эгаллиги тан олинishi мигрантлар камситилишининг олдини олади [1, 3-б.].

Жамиятда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг жадаллашуви, халқаро алоқаларнинг ривожланиши дунёда энг катта жараён ҳисобланган миграцияни фаоллаштирувчи омиллардан биридир.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра, 2019 йилда халқаро мигрантлар сони 272 миллион нафарни ташкил этган. Бу 1990 йилдаги (153 млн) кўрсаткичдан 119 миллионга кўпдир. 2018 йил билан солиштирадиган бўлсак, улар бир йилда 14 миллион нафарга ошганини кўрамыз.

* *Джолдасова Саҳиҷжамал Джалғасовна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг мустақил тадқиқодчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.*

Жами мигрантларнинг 150 миллиондан ортиғини (60 %) меҳнат мигрантлари, 130 миллионини (47,9 %) хотин-қизлар, 4,8 миллионини (13%) талаба-мигрантлар ташкил этган [2, 4-б.].

Ўзбекистондаги миграция ҳолатини кўрадиган бўлсак, Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, республикадан жами чиқиб кетганлар сони 2018 йилда — 174,8 минг нафарни, 2019 йилда эса 125,9 минг нафарни ташкил этган.

2018 йилда Ўзбекистондан чиқиб кетган муҳожирларнинг аксарияти МДХнинг икки давлатига, яъни Қозоғистон (8 848 нафар) ва Россияга (7 627 нафар) борган. Ўзбекистонга келганларнинг асосий қисми эса МДХнинг учта давлати — Қозоғистон (793 нафар), Тожикистон (797 нафар) ва Россияга (676 нафар) тўғри келади [3].

Ўз навбатида, ушбу рақамлар глобаллашув замонида инсоният ривожланишидаги ички ёки ташқи миграция жараёнларининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўриниб турибдики, миграция жараёни ва унда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши миллий ҳуқуқий тизимда миграция ҳуқуқининг шаклланишига туртки бўлмоқда.

Шу ўринда «ҳуқуқ тизими», «ҳуқуқ нормаси», «ҳуқуқий институт», «ҳуқуқ соҳаси» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиб кетиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқ тизими — ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқ ва мувофиқлашган норма, институт, тармоқ ва тармоқчаларидан иборат ички тузилиши. Ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий институт ва ҳуқуқ тармоғи ҳуқуқ тизимининг таркибий элементларидир [3, 4-б.].

Мазкур таъриф асосида миллий ҳуқуқий тизимда миграция ҳуқуқининг ўрнини аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Кўп йиллардан буён МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари орасида миграция ҳуқуқини алоҳида соҳа сифатида ажратиш ёхуд ҳуқуқ соҳасининг институти ёки тармоғи эканлигини исботлашга уринишлар кузатилмоқда. Улар миграция ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик соҳаси, соҳалараро ҳуқуқий институт, конституциявий ҳуқуқ тармоғи, маъмурий ҳуқуқ институти ёки тармоғи сифатида олиб чиқишмоқда.

Таниқли ҳуқуқшунос олима, академик Т. Я. Хабриева миграция ҳуқуқини давлат чегараси ёки ҳудуди доирасида мигрантларнинг ҳаракатланиши устидан назоратни амалга ошириш билан боғлиқ миграция муносабатларини, шунингдек мигрант мақоми, миграция соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда мигрант ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи комплекс соҳалараро ҳуқуқий институт сифатида таърифлаган. У мазкур институт доирасида мигрант, миграция назорати, миграция қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик, миграция сиёсатини ҳуқуқий таъминлаш каби кичик институтларни ажратган [4, 21–23-б.].

Миграция ҳуқуқини маъмурий ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этиш ғоясини илгари сурган А. Н. Жеребцов ва Е. А. Малишев буни асослаш учун ушбу ҳуқуқ тармоқларини яқинлаштирувчи ягона ҳуқуқий таъсир предмети, миграция муносабатларига таъсир этишнинг ҳуқуқий восита ва усулларининг ўзаро боғлиқлиги, ушбу муносабатларни тартибга солишнинг ягона механизминини ташкил этувчи хусусиятга эга бошқаришнинг ҳуқуқий режими, мазкур нормалар билан тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг субъектлар таркиби ва объектларнинг ўзига хослиги, шунингдек миграция ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий методлари қўлланиши каби белгиларини санаб ўтган [5, 34–40-б.].

Е. А. Никифорова ва И. А. Цинделиани ушбу фикрга қўшилган ҳолда миграция ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқ тизимидаги йирик институт сифатида шаклланиб бўлгани ва энди яхлит тармоққа айланиб бораётганини таъкидлаб, буни қуйидагилар билан изоҳлашади. Жумладан, миграция муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг асосий қисми маъмурий-ҳуқуқий хусусиятга эга, чунки амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш тизими миграцияни бошқаришнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларига таянади [6, 27–32-б.].

Юқоридаги назарий қарашлардан кўриниб турибдики, миграция ҳуқуқининг ҳуқуқ тармоғи сифатида шаклланиши ушбу соҳадаги қонунчилик нормаларининг ҳолатига боғлиқ.

Дарҳақиқат, миграция жараёни ва ундаги ҳуқуқий муносабатлар оммавий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солингани боис А. Н. Жеребцов, Е. А. Малишев, Е. А. Никифорова ҳамда И. А. Цинделианининг миграция ҳуқуқини маъмурий ҳуқуқнинг бир институти ёки тармоғи деб ҳисоблаш ҳақидаги фикрларига қўшилиш мумкин.

Аммо, ушбу оммавий-ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили битта давлат ичидаги қонунчилик нормаларига таянган бўлиб, фуқаронинг давлат чегарасидан чиқиши, қабул қилувчи давлат черасида бўлиши, мигрант мақомини олганидан кейин унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби миллий ҳуқуқ доирасидан чиқиши ҳисобга олинмагани учун унга маъмурий ҳуқуқ институтларидан бири сифатида қаралмоқда.

Миграция ҳуқуқини маъмурий ҳуқуқнинг бир институти ёки тармоғи деб ҳисоблаш аксарият ҳолларда ички миграцияни тартибга солиш учун хизмат қилади. Назаримизда, миграцияни бир давлат доирасида эмас, балки давлатлараро ва халқаро муносабатлар доирасида бўладиган жараён сифатида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳозирги глобаллашув даврида миграцияни тартибга солишда халқаро ҳуқуқ нормаларини четлаб ўтишнинг имкони йўқ. Зеро, бу борада умум эътироф этган ҳужжатлар, минтақавий ёхуд давлатлараро доирадаги халқаро ҳужжатларда акс этган қоидаларга таянамиз. Шу боис Т. Я. Хабриева миграция ҳуқуқини у ёки бу ҳуқуқ доирасида эмас, балки комплекс соҳалараро ҳуқуқий институт доирасида баҳолашни таклиф этган.

Шу ўринда, мамлакатимизда миграция соҳасининг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилувчи айрим ҳуқуқшунос олимлар уни алоҳида ҳуқуқий фан сифатида шакллантириш ва ривожлантиришни таклиф этишган [7, 121-б.].

Назаримизда, миграция ҳуқуқини алоҳида ҳуқуқий фан эмас, балки ҳуқуқий соҳа сифатида олиб чиқишимиз учун дастлаб миграция соҳасидаги қонунчилик базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки ҳуқуқ соҳаси фақат илмий изланишлар ҳисобига шакллантирилиши керак.

Миллий ҳуқуқ тизимимизда миграция ҳуқуқининг ўрнини аниқлаш учун, албатта, миграция соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини таҳлил этишимиз лозим.

Асосий қонунимизнинг 28-моддасида ифодаланган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи бир қатор қонун ҳужжатлари яратилишига асос бўлган.

Хусусан, «Аҳоли бандлиги тўғрисида», «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида», «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг миграция соҳасини тартибга солишга қаратилган

«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқа қарорлари ана шулар жумласидандир.

Кези келганда таъкидлаш керакки, бугун миграция соҳасида давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган иккита қонунни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёни кечмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми асослари, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш, доимий яшаш, уларга сиёсий бошпана бериш тартиби, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги асосий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини, мамлакатимизга кириш, ундан чиқиш ва ҳудуд орқали транзит ўтишини тартибга солиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда жамият, давлат ва инсон манфаатларига дахлдор бўлган миграция соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, бу соҳадаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда меҳнат мигрантлари ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш назарда тутилган.

Миграцияга оид миллий қонунчилигимизнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг бугунги миграция сиёсати, аввало, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини қонуний мустаҳкамлаш, паспорт-виза тизимини соддалаштириш ҳамда унга ахборот технологияларини кенг жорий этишдан иборат.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усулини аниқлаб олиш ҳамда ҳимоя қилиш воситалари ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқ соҳасига ажратишнинг асосий мезонларидан биридир.

Миграция ҳуқуқининг предмети юридик фанда шу кунга қадар аниқ белгиланмаган. Айни вақтда, ҳаётнинг ўсиши шуни кўрсатмоқдаки, янги яшаш жойи, иш топиш, таълим олиш, даволаниш, дам олиш, шунингдек сиёсий таъқиб ёки табиий офатлардан қочиб бошпана топиш каби ҳар қандай мақсадларда у ёки бу давлат чегарасидан ўтиш ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва мустақил сифатини очиб беради. Миграция жараёни глобал хусусиятга эга бўлиб, деярли барча давлатларга таъсир этади [8, 29-б.].

Миграция ҳуқуқи ўзига хос ҳуқуқий тартибга солиш предметиға эга. Хусусан, объектив миграция жараёнлари мавжуд бўлиб, инсоннинг ҳаракатланиш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ моддий (мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ҳамда процессуал (давлат органлари ва мигрантлар ўртасидаги) муносабатлар унинг таркибий қисмларидир.

Миграцияда процессуал муносабатлар юридик жараён сифатида миграция соҳасида фаолият юритувчи давлат органлари фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади ва миграция ҳуқуқининг моддий нормаларини рўёбга чиқаради [9, 20-б.].

Миграция соҳасидаги турли ижтимоий муносабатлар миграция ҳуқуқининг предметига киради. Ҳуқуқ соҳасининг асосий мезонларидан бири бўлган миграция ҳуқуқини тартибга солиш усуллари ижтимоий муносабатлар субъектларининг хатти-хараткатларига юридик таъсир этиш усул ва воситаларининг мажмуини ташкил этиб, уларнинг асосий белгилари ҳисобланган тартибга солувчи муносабатлар тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари пайдо бўлишининг асослари, ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларни юридик таъминлаш воситалари (санкция, юридик тартиб-таомиллар ва шу кабилар) ни қамраб олади.

Миграция соҳасидаги миллий қонунчилик нормаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унда турли (конституциявий, маъмурий, меҳнатга оид, фуқароликка оид, жиноий ва бошқа) ҳуқуқ соҳаларининг нормалари мавжудлиги миграция муносабатларини тартибга солувчи ягона усул йўқлигини кўрсатмоқда. Бу борада миллий қонунчилигимизда ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг барча чораларидан фойдаланилади, хусусан мажбурият юклаш, чекловлар қўйиш ва ҳоказо.

Миграция қонунчилиги ижтимоий муносабатларнинг бутун мажмуига дахл қилиши, давлат бошқаруви соҳасининг бир қанча соҳаларидан «ўтиши» унинг қонунчилик тизимидаги ўрнини, бошқа қонунчилик соҳалари ва институтлари билан ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради. Миграция қонунчилигининг кейинги ривожланиши қонунчилик соҳаси даражасига чиқишини тахмин қилиш қийин, чунки у қонунчиликнинг турдош соҳа ва институтлари ривожланиши, шунингдек халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг миграция соҳасига таъсири билан боғлиқ [10, 29-б.].

Айни вақтда, айрим изланувчилар миграция қонунчилигининг жадал ривожланиши келажакда миграция ҳуқуқига мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида қараш учун асослар мавжудлигини таъкидлашмоқда [12, 26-б.; 13, 28–30-б.].

Мустақил қонунчилик соҳаси бўлишининг яна бир қўшимча мезони — мазкур соҳада барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асоси бўла оладиган яхлит кодификацияланган қонун ҳужжати мавжудлигидир.

Ҳуқуқ тизимида мустақил ҳуқуқ соҳасининг бўлиши яхлит кодификацияга эга қонун ҳужжатининг мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Миграция қонунчилигини кодификациялаш (кодекс ёки яхлит қонун) масаласи ҳам ҳуқуқ соҳасидаги илмий жамоада кенг моҳокама қилинмоқда [14; 15; 8].

Охириги беш йил ичида миллий қонунчилигимизда миграция соҳасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётганини кузатишимиз мумкин. Назаримизда, йиғилиб қолган норматив базани унификациялаш вақти етди, аммо Миграция кодексини ишлаб чиқиш масаласини кўтаришга ҳали бироз эртага ўхшайди. Зеро, миграция соҳасида туб бурилиш ясаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишининг асосий қисми шу йилга тўғри келмоқда. Кодификацияланган ҳужжатга эса, барқарор нормаларни киритиш нуктаи назаридан, мазкур норматив-ҳуқуқий базанинг амалиётда ишлашини мониторинг қилиш, самарадорлигини баҳолаш, бу борада чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда бирлашган яхлит қонун ҳужжати ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда миграция ҳуқуқини миллий ҳуқуқ тизимидаги алоҳида соҳа сифатида олиб чиқиш фурсати етмаганлиги боис, унга

соҳалараро комплекс институт сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки, миграция соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий база ҳозирча шаклланиш жараёнида бўлиб, қонунчилик соҳалари ҳисобланган ҳуқуқнинг конституциявий, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат, жиноят ҳуқуқи ва бошқа соҳаларида ўз аксини топган. Улар ўзаро узвий эканлиги боис, уни алоҳида қонунчилик соҳаси сифатида тан олиш вақти келмади. Аммо, келгусида миграцияни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос усуллари ҳамда миграция соҳасида миллий қонунчилик шаклланишидан сўнг, соҳалараро комплекс институтдан мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида олиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Права человека. Сб. международных договоров. Т. I (часть первая (А)). Универсальные договоры / ООН. — Нью-Йорк и Женева, 2002.
2. International migration 2019: report/ Department of Economic and Social Affairs Population Division/ United Nations. New York, 2019. P. 4. www.un.org.
3. O‘zbekiston demografik yillik to‘plami. Statistik to‘plam / Yig‘ma-axborot ishlari boshqarmasi. — T., 2019. — URL: www.stat.uz/ru/otkrytye-dannye/demografiya/433-analiticheskie-materialy-ru/4859-demograficheskij-analiz-i-rynok-truda.
4. *Ахмедшоева М.А.* Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари: Ўқув қўлланма. — Т., 2006.
5. *Хабриева Т.Я.* Миграционное право: сравнительно-правовое исследование: Монография. — М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2019.
6. *Жеребцов А.Н., Малышев Е.А.* Миграционное право России: Учебник. 2-е изд., пер. и доп. — М.: Юрайт, 2018.
7. *Никифорова Е.А. Цинделиани И.А.* Миграционное право России: Учебник для бакалавров. — М.: Проспект, 2018.
8. *Исоқов Л.Х.* Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (DPh) ... дис. — Т., 2020.
9. *Сухарева-Крылова Е.А.* Состояние законодательного обеспечения миграционной политики Российской Федерации // Конституционное и муниципальное право. — 2010. — № 7.
10. *Казарян К.В.* Миграционный процесс как разновидность юридического процесса: теоретико-правовой анализ // Северо-Кавказский юридический вестник. — 2015. — № 3.
11. *Хабриева Т.Я., Андриченко Л.В., Плюгина И.В.* Динамика развития миграционного законодательства в современной России // Журнал российского права. — 2010. — № 10.
12. *Вокуев М.Р.* Миграционное право современной России: теоретико-правовой анализ. Автореф. ... канд. юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2006.
13. *Шириков А.С.* Права беженцев и перемещенных лиц и их обеспечение по международному гуманитарному праву: Сб. тезисов. — Волгоград, 2001. — Б. 28–30.
14. *Андриченко Л.В.* Проблемы систематизации миграционного законодательства // Журнал российского права. — 2014. — № 12. — Б. 14–15.
15. *Тюрюканова Е.* Нужен ли нам миграционный кодекс? // Электронная версия бюллетеня «Население и общество» / Центр демографии и экологии человека Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. — URL: <http://demoscope.ru/weekly/2004/0151/analit05.php>.
16. *Мишунина А.А.* Системный подход к государственному регулированию миграционных процессов в Российской Федерации // Журнал российского права. — 2010. — № 8.

ОДИЛ СУДЛОВДА ШАФФОФЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси судлов органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш, шунингдек мавжуд қонунчиликни ва суд тизими устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш жараёнида очиклик ва адолатни таъминлаш масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: одил судлов, шаффофлик, ошкоралик, адолат, жамоатчилик назорати, инновацион технологиялар, ахборот технологиялари, судларни ахборотлаштириш, миллий электрон суд тизими, аудио-видео ёзувлар, электрон ҳужжат, интерактив хизматлар ва суд қарорлари банки.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОЗРАЧНОСТИ И ГЛАСНОСТИ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Аннотация. В статье освещаются вопросы повышения уровня защиты прав и свобод человека в работе судебных органов Республики Узбекистан, а также обеспечения прозрачности и справедливости в процессе совершенствования действующего законодательства и общественного надзора за судебной системой.

Ключевые слова: судопроизводство, прозрачность, гласность, справедливость, общественный надзор, инновационные технологии, информационные технологии, информатизация судов, национальная система электронного суда, аудио- и видеозапись, электронный документ, интерактивные услуги, банк судебных решений, зарубежный опыт.

ENSURING TRANSPARENCY AND PUBLICITY IN COURT PROCEEDINGS

Annotation. The article deals with the questions of increasing the level of protection of human rights and freedoms in the work of judicial organs of the Republic of Uzbekistan, as well as ensuring transparency and fairness in the process of improvement of the current legislation and public supervision over the judicial system.

Keywords: court proceedings, transparency, publicity, justice, public oversight, innovative technologies, information technology, informatization of courts, national electronic court system, audio and video recordings, electronic document, interactive services, a bank of judgments, foreign experience.

Ошкоралик ва шаффофлик адолатнинг муҳим мезони ҳисобланиб, унга эришиш учун одил судлов жараёнини соддалаштириш, кераксиз бюрократик тартиблардан халос қилиш ҳамда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш лозим. Бу, ўз навбатида, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади.

Суд жараёнининг ошқоралиги ҳар қандай демократик давлатда одил судловнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланиб, барча манфаатдор шахсларни тезкор равишда хабардор қилиш демакдир. Суд фаолиятининг очиклигини таъминлаш фуқароларнинг объектив ахборот олишига ва фуқаролик жамияти қуришига кўмаклашибгина қолмай, балки суд ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлайди, суд ишларининг сифатини яхшилайди.

Шу ўринда, аудио-видео ёзувлардан фойдаланиш нафақат суд муҳокамаси иштирокчиларини, балки судьяларни ҳам ўз ичига олади, қолаверса, суд процессига

* Давлетов Ўткирбек Матмуротович, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти докторанти.

тарафларнинг шикоятлари сезиларли равишда пасайишига олиб келади. Чунки, суд аудиоёзувлари баённомани тақдим этишда хатоликка йўл қўймайди. Бу билан суд процесси ва адолатнинг ошкоралиги ҳам таъминланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай фаолиятнинг шаффофлиги даражасини унинг ёритилиш даражасига солиштириш мумкин. Бу сизга ташкилотнинг иши ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Ушбу тамойилнинг ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги аниқ, чунки ҳокимият тузилмаларининг фаолиятида шаффофлик ва ошкоралик инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш даражасини оширади.

Россия Федерацияси Олий судининг Суд департаменти маълумотларига кўра, 2010 йилда Россия умумий юрисдикцияси судларининг беш миллионга яқин қарорлари интернет тармоғига жойлаштирилган. Шу ўринда «Мамлакатимизда умумий юрисдикция судлари йилига қанча ишни кўриб чиқади ва уларнинг сони йилига неча фоизга ошади ёки камаяди?», «Ушбу маълумотларга кириш ҳуқуқининг кафолатланганлик даражаси қандай?» деган савол туғилиши табиий. Уларга аниқ жавоб бериш ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Шаффофлик одил судловни амалга оширишнинг асосий талаби. Унинг мавжудлиги қонунчилик, тенг ҳуқуқ ва қонун олдидаги тенглик, қонун устуворлиги каби бошқа бир қатор адолат принципларига йўл очади.

Фикримизча, ҳарбий судлар фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда одил судловни янада соддалаштириш, судда ишларни кўришда рақобат ва тезкорлик принципларини [1] жорий этиш лозим.

Инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш ҳам суд ишларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида судларни янада автоматлаштириш ва ахборотлаштиришга, ҳуқуқий сиёсат самарадорлиги ва давлат рақобатдошлиги ҳамда суд тизимининг фаолияти билан жамоатчиликни қониқтириш даражаси, энг муҳими, жамоатчиликнинг судларга бўлган ишончи ошишига хизмат қилади. Бошқача айтганда, суд тизимида айнан нима юз бераётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2], «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [3] ҳамда «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [4] фармонларининг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ёрқин ютуқлардан бири бўлди.

Ўзбекистон 2017–2020 йилларга мўлжалланган судларни ахборотлаштиришнинг янги дастури ишлаб чиқилиб, миллий e-sud электрон тизимини такомиллаштириш ва барча жараёнларни автоматлаштириш режалаштирилган.

Э-СУД миллий суд тизими электрон ҳужжат айланишини таъминлайдиган, интерфаол хизматларни тақдим этадиган ва суд фаолияти тўғрисида маълумотлар сақлайдиган асосий ахборот тизими ҳисобланади. Айни пайтда туманлараро ва туман судлари ушбу тизимга уланган. Электрон шаклда даъво қўзғатиш, ҳужжатларни илова қилиш, учрашувнинг сана ва вақтини билиш, электрон шаклда кун тартиби олиш ва даъво аризасини кўриб чиқиш имконини беради ва бу тизим судлар ва фуқаролар учун фойдали бўлади.

Судларда ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш лойиҳаси мамлакат бўйлаб очик суд жараёнларини онлайн мониторинг қилиш учун зарур бўлган

хборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозланган Адлия саройи тузилишини назарда тутди. Суд процессида аудио ва видеоёзувлар учун дастурий таъминот тўплами ва видеоконференцалоқа билан интеграциялашуви суд процессида яна бир янгилик бўлди.

Аслида, фуқаролик ишлари бўйича юртимиз судларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ундан кенг фойдаланиш мақсадида 2013 йилда Ўзбекистон Олий суди ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида e-sud электрон судлов ахборот тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилган. Шу билан бирга, Миллий электрон судлов ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозир Олий суднинг расмий сайтида унинг алоҳида саҳифаси ташкил қилинган. Саҳифада «Суд қарорлари банки»га тегишли тугмачани босиб, фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ва кучга кирган суд қарорлари билан бемалол танишиш мумкин бўлиши керак эди.

Бироқ 2013 йилдан бери ҳалигача «Суд қарорлари банки» фойдаланишга яроқли ҳолатга келмаган. Олий суд ахборотномаси ва унинг сайтида бир неча суд қарорига шарҳлар ва Пленум қарорларигина эълон қилинган. Баъзан Олий суд сайтига кириб, уларни ўқишнинг иложи бўлмайди. Ҳуқуқнинг турли соҳаларида юз бераётган низолар бўйича чиқарилган суд қарорлари ва уларнинг статистикасига оид маълумотларни олиш имкони мавжуд эмас. Сайтга қўйилган файлларнинг кўпчилиги ҳатто очилмайди ёки «error» (хато) ёзуви пайдо бўлади. Қонун ҳужжатлари республика миллий базасида ҳам «Суд амалиёти» номли чиройли рукн мавжуд, бироқ унга ҳам жуда оз қарорлар қўйилган ва у ҳам деярли ишламайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий тадқиқот олиб бориш ва ҳуқуқ назариясининг ривожланиши учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Электронлаштириш масаласида катта хавотирларга ўрин йўқ. Судларимизда аллақачон бундай ички электрон тизим мавжуд ва улар чиқарилган ҳар қандай қарорни тезлик билан ўша тизимга қўшиб қўйишади. Муаммо шундаки, ўша ички электрон тизимдаги қарорларни халқимиз ўқий олмайди. Масалан, вилоят суди томонидан кўрилган низолар тизимлаштирилмаган бўлса ҳам, судья ва суд котибининг компютерида сақланади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигидаги Миллий қонунчилик базаси (Lex.uz) мана 10 йилдан буён жуда муваффақиятли тарзда ҳар бир янги қонун ҳужжатини халқимиз эътиборига ҳавола қилиб келмоқда. Биз «Lex.uz» тажрибасини суд амалиётига татбиқ этиб, унинг шаффофлигига эришишни таклиф этамиз.

Албатта, аввалги суд қарорларини эълон қилиш ёки электронлаштиришда муаммолар бўлиши мумкин. Лекин, ҳеч бўлмаганда, бундан буён чиқадиган суд қарорлари ва буйруқларини эълон қилиш ва омма эътиборига ҳавола этиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришда ва суд тизимида жамоатчилик назорати механизмини яратишда намоён бўлади.

Албатта, баъзи нозик ишларда суд муҳокамаси ва қарорларининг махфийлиги таъминланиши лозим. Дунё мамлакатлари тажрибасига қарайдиган бўлсак, давлат хавфсизлиги, вояга етмаганлар ва жинсий тажовузга учраган шахслар ёки бир оила шаънини ҳимоя қилиш учун бундай суд ишлари ёпиқ тартибда ўтказилиши ҳоллари кўп учрайди.

Юртимиз қонунчилигида ҳам бундай нозик ҳолатларга нисбатан истиснолар мавжуд. Агар ушбу ишларнинг босма ҳолатда ёки судларнинг интернет базаларида онлайн тарзда эълон қилиниши давлат сирининг фош бўлишига, шу орқали жамоат

тартибига хавф солса ёки вояга етмаган шахс ёхуд жинсий тажовузга учраган инсоннинг обрўсига путур этказса, бундай суд қарорларини эълон қилмасликда муаммо йўқ.

Ривожланган давлатларда бундай суд ишлари бўйича чиқарилган қарорлар баъзан омма эътиборига ҳавола этилмаса-да, кўпинча ўша суд қарорларининг баъзи қисмлари қисқартирилади ёки у ердаги шахсларнинг номи умуман кўрсатилмайди. Бундай амалиёт, айниқса, халқаро тижорат ва инвестиция арбитражи фаолиятида яққол намоён бўлади. Бундай ўрта йўл тутиш орқали ривожланган давлатлар яқка шахслар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, оммани ҳам суд амалиёти билан таништиришнинг уддасидан чиқишади.

Юқоридаги ҳолатни ижобий ҳал қилиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- 1) сўров юборилиши мумкин бўлган электрон почта манзилларини такомиллаштириш;
- 2) судларнинг тўлиқ ва қулай излов механизмини яратиш;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Автоматлаштириш ва ахборотлаштириш комиссиясини тузиш;
- 4) судда ишларни кўришда рақобат ва тезкорлик принципларини жорий этиш;
- 5) суд жараёнида қатнашувчиларнинг хавфсизлиги учун баъзи шахсий маълумотларни чиқариб ташлаш ва бу ишда ёрдам берадиган компьютер дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Федеральный конституционный закон РФ от 23.06.1999 N 1-ФКЗ (ред. от 03.07.2016) «О военных судах Российской Федерации» (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2017). — URL: http://solnechnogorsk.mo.sudrf.ru/modules.php?name=norm_akt&id=31

2. «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2016 йил 21 октябрь, ПФ-4850-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/3050491>

3. «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017 йил 21 февраль, ПФ-4966-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/3121087>

4. «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2018 йил 13 июль, ПФ-5482-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/3822463>

*А. С. Вахидов**

**АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКАСИ
(КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

Аннотация. Мақолада жиноятларни содир этган аёлларнинг демографик хусусиятлари, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг турлари, содир этиш жойлари, жиноятдан жабрланган шахслар, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинган, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар, жиноятчи ва жабрланувчининг криминологик тавсифи, аёллар жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар, жиноятларнинг барвақт профилактикаси.

**РАННЯЯ ПРОФИЛАКТИКА ЖЕНСКОЙ ПРЕСТУПНОСТИ
(НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

Аннотация. В статье анализируются демографические характеристики и категории женщин, совершивших преступления, а также виды преступлений, места их совершения, жертвы преступлений, причины и условия, способствующие совершению преступлений, рекомендации по ранней профилактике преступлений, совершаемых женщинами.

Ключевые слова: преступления, совершаемые женщинами, криминологические характеристики преступника и жертвы, причины и условия женской преступности, раннее предупреждение преступлений.

**EARLY PREVENTION OF FEMALE CRIME (ON THE
EXAMPLE OF KASHKADARYA REGION)**

Annotation. This article analyzes the demographic characteristics and categories of women who committed crimes, types of crimes, crime scene, as well as victims of crimes, the causes and conditions for commission crimes, recommendations for the early prevention of crimes committed by women.

Keywords: crimes committed by women, criminological characteristics of the offender and the victim, the causes and conditions of the crime, early prevention of crimes.

*«Кимки ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш
имкониятига эга бўлиб, бундай йўл тутмаса,
демак у ҳуқуқбузарликка ёрдам берган ҳисобланади».
Сенека Луций Анней*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзига хос тизими шаклланди.

**Вахидов Абзамжон Саиджонович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими.*

Мазкур тизимнинг асосий вазифаларидан бири жамиятда хавфсизликни таъминлаш, хусусан, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликка эришиш, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, мол-мулкни турли кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишдир.

Бу борада аёлларнинг жиноий фаолиятдаги роли ва иштирокини ҳар жиҳатдан камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти аёллар жиноятчилигининг кўлами жамият ривожига таҳдид солиши боис қонун ҳужжатларини ислоҳ этишнинг замонавий халқаро стандартлари ва умумий йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида глобал кучларни бирлаштиришга интилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда яшаётган аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», 46-моддасида эса «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» ва Оила кодексининг 3-моддасида «Оилавий муносабатларда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги» белгилаб қўйилганлиги, шунингдек «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар бевосита жамиятда аёллар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймасликни, уларга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги зўравонликнинг олди олинишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Миллий менталитетимиздан келиб чиқиб айтиш жоизки, оилада фарзанд тарбияси билан асосан оналар, яъни аёллар шуғулланади. Ўтказилган таҳлилларга кўра, оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини муносиб тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Агар оилада иноқлик, бир-бирини тушуниш каби хислатлар мавжуд бўлса, бундай оиладан маънавий баркамол инсонлар етишиб чиқади. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, қайси жамият, миллат ва оилада ота-онага, болаларга нисбатан ҳурмат асосида шаклланган урф-одатлар қадрланган бўлса, ўша ерда жиноятчилик даражаси паст бўлган.

Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш қонунга ёки унинг ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омилларни оилалардан излаш кераклигини кўрсатмоқда. Зотан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом муҳит асосий омил сифатида намоён бўлмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда сўнгги йилларда аёлларнинг ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Албатта, ушбу қарорлар ижроси, аввало, ижтимоий салбий ҳодиса, яъни жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилиши лозим.

Маълумки, аёл жиноятчи бўлган оилада болалар қаровсиз қолади, улар эса вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқаради. Шу сабабли аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ криминологик ва жиноят-ҳуқуқий муаммоларни

бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, демографик ислохотлар, ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш талаб этилмоқда [1, 168-б.].

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 24 январдаги «Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида илмий ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги методика ва ўзига хос тажриба яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 16-сон Фармойиши ижроси бўйича 2019 йилнинг октябрь ойида фаолият олиб борган ишчи гуруҳ Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси томонидан аёллар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан 2018 йилнинг 12 ойи ва 2019 йилнинг 9 ойи давомида тергов қилиниб, судга юборилган 295 та жиноят иши бўйича тузилган айблов хулосалари асосида жиноятларни содир этган аёлларнинг демографик хусусиятлари, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг турлари, жойи, жиноятдан кўпроқ жабрланадиган шахслар қатламини таҳлил қилиш натижасида уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар ўрганилиб, аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда профилактикасини таъминлаш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аёллар содир этган жиноятларнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб хулоса қилиш жоизки, жанжал, низо, можароларнинг илк кўринишидаёқ профилактик чора-тадбирлар амалга оширилганида аёллар томонидан содир этилиши эҳтимол тутилган жиноятларнинг олди олинган бўлар эди.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида сўнгги уч йилда кузатилган умумий жиноятчиликнинг ўртача 9,0–11,0 % ини аёллар томонидан содир этилган жиноятлар ташкил этган. Хусусан, 2017 йилда аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши 11,5 % ни, 2018 йилда 10,0 % ни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг 9 ойида мазкур улуш 10,7 % ни (2018 йилнинг 9 ойида 9,6 %) ташкил этди. Яъни бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 % га ошган [2].

Шунингдек, аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўрганилганида жиноят ишлари бўйича аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг 69,9 % ини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, 30,1 % ини эса оғир ва ўта оғир жиноятлар ташкил этгани аниқланди. Бундан кўринадики, аёлларнинг асосий қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этмоқда.

2018 йилнинг якуни ва 2019 йилнинг 9 ойида Қашқадарё вилояти ИИБ ТБ томонидан жиноят ишлари бўйича судларга юборилган айблов хулосаларини ўрганиш натижасида, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида бобларида назарда тутилган жиноят турлари бўйича таҳлил қилинди. Шунга кўра, ушбу жиноятларнинг 28,0 % ини ўзгалар мулкани талон-торож қилиш (ЖК 164–169-м.), 13,2 % ини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар (ЖК 270–276-м.), 12,5 % ини шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши (ЖК 135–140-м.), 11,5 % ини жамоат тартибига қарши жиноятлар (безорилик), 10,3 % ини транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши (ЖК 260–269-м.),

8,2 % ини эса соғлиққа қарши жиноятлар (ЖК 104–111-м.) ташкил этганлиги маълум бўлди.

Ушбу жиноятларни содир этган аёлларнинг доимий яшаш манзиллари таҳлил қилинганида уларнинг 78,2 % ўзи доимий яшайдиган туман (шаҳар) ҳудудида, 13,2 % яшаш манзилдан бошқа туман (шаҳар)да, 8,6 % эса республиканинг бошқа ҳудудларидан келиб, Қашқадарё вилоятида жиноят содир этганлиги аниқланди.

Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар жой бўйича таҳлил қилинганида ушбу жиноятларнинг 27,0 % бозорлар ва улар ҳудудида жойлашган савдо объектларида, 18,5 % кўча, хиёбон, истироҳат боғлари, дам олиш масканларида, 17,0 % кафе, бар, чойхона, ресторан, меҳмонхона, овқатланиш жойлари, тунги клубларда, 15,5 % эса хонадон, кўп қаватли уйлардаги квартиралар (уларнинг йўлаклари)да, дала ҳовлиларда содир этилгани аниқланди.

Мазкур жиноятларни содир этган аёлларнинг шахсига оид хусусиятлар ўрганилганида айбланувчи сифатида жалб этилган аёлларнинг 78,3 % ини вояга етган аёллар, 21,7 % ини эса вояга етмаган қизлар ташкил этган. Уларнинг ёш кўрсаткичига эътибор берилса, жиноят содир этган аёлларнинг 21,7 % — 18 ёшдагача бўлганлар, 12,1 % — 18–30 ёшдагилар, 54,8 % — 31–40 ёшдагилар, 11,0 % — 41–50 ёшдагилар ва 0,3% — 51–60 ёшдагилардир. Бу эса жиноят содир этган аёлларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 54,8% 31–40 ёшдаги аёллар эканлигини кўрсатди.

Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган аёлларнинг маълумот даражаси таҳлил қилинганида уларнинг 24,5 % ини ўрта маълумотли, 22,1 % ини ўрта махсус маълумотли, 16,7 % ини тўлиқсиз ўрта маълумотли, 15,8 % ини эса тугалланмаган ўрта махсус маълумотга эга аёллар ташкил қилиши маълум бўлди. Жиноят содир этган аёлларнинг 11,3 % олий маълумотга эга, 9,5 % эса маълумот даражасига эга бўлмагани аниқланди.

Жиноят содир этган аёлларнинг бандлик даражаси ўрганилганида уларнинг 52,6 % жиноят содир этгунга қадар мавсумий иш билан шуғуллангани, 29,6 % вақтинча ишсиз бўлгани, 9,6 % доимий иш жойига эга бўлгани аниқланди. Олий таълим муассасалари талабаларининг улуши эса 8,3 % ни ташкил этган.

Таҳлиллардан кўриш мумкинки, жиноят содир этган аёлларнинг 29,6 % ини бандлиги таъминланмаган (ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган), 52,6 % ни эса мавсумий ишловчи аёллар ташкил этган.

Аёлларга ҳос хусусиятлардан яна бири шуки, улар жиноятни асосан ёлғиз ўзлари содир этадилар. Гуруҳ таркибида кўпинча ўғрилиқ, касб билан боғлиқ жиноятларни содир этадилар. Талончилик, босқинчилик жиноятларини содир этишда улар асосан ёрдамчи сифатида иштирок этадилар [1, 168-б.]. Масалан, Қашқадарё вилоятида жиноятларни аёллар 45,1 % ҳолатда якка ўзи, 54,9 % ҳолатда эса гуруҳ таркибида содир этгани кузатилди. Айбланувчилар 13,2 % ҳолатда фақат аёллардан иборат таркибда, 26,8 % ҳолатда эса эркаклар билан бирга жиноят содир этишган.

Аёллар томонидан содир этилган айрим жиноятлар (масалан, ўғрилиқ, фирибгарлик ва ҳ.к.)нинг рецидиви юқори ҳисобланади. Қасддан баданга шикаст етказиш, қасддан одам ўлдириш каби жиноятларнинг рецидиви мулкка

қарши жиноятларга нисбатан бир неча марта кам. Масалан, айбланувчиларнинг 63,3 % биринчи марта жиноят содир этганлиги, 23,1 % илгари жиноят содир этгани учун судланганлиги, 13,6 % эса хавфли рецидивист эканлиги аниқланди.

Жиноят содир этган аёлларнинг оилавий аҳволи таҳлил қилинганида уларнинг 73,4 % оилали, 20,4 % турмушидан ажрашган, 6,2 % эса ҳали турмуш қурмаганлиги маълум бўлди.

Ўрганилган жиноят ишлари бўйича аёлларни жиноят содир этишга ундаган ёки улар жиноят содир этиш орқали эришишни кўзлаган натижа, яъни жиноят содир этиш мақсади (мотиви) таҳлил қилинганида жиноят содир этган аёллар 16,2 % ҳолатда пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлиш, 15,8 % ҳолатда ўз манфаат, обрўси, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ниятида, 14,2 % ҳолатда ўч олиш (рашк, ўзаро адоват, нафрат), 13,7 % ҳолатда эса бошқа жиноятни яшириш мақсадида жиноят содир этгани аниқланди. Аёлларнинг жиноят содир этишига 11,3 % ҳолатда қарзини қайтариш, 10,6 % ҳолатда ўз характерини (кучини) кўрсатиб қўйиш истаги туртки бўлган.

Аёллар жиноятчилигининг хусусиятларини аниқлаш бевосита жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат аёллар, балки умумий жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилининг кўрсатишича, аёллар жиноятчилигининг асосий сабаблари қуйидагилар билан боғлиқ: 1) уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиши; 2) жамиятнинг турли бўғинларида жумладан, оила ва унинг шаклланишида ижтимоий назоратнинг сусайганлиги; 3) жамиятда юзага келган номақбул зиддиятлар, одамлар ўртасида келиб чиққан безовталик ва уни келтириб чиқаётган турли қарама-қаршиликлар, ўзаро адоват ҳолатлари; 4) жамият ҳаёт тарзига зид бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, дарбадарлик ва тиланчиликнинг ўсганлиги [3].

Қашқадарё вилоятида аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаблари ўрганилганида 18,0 % ҳолатда енгил ва боқиманда ҳаёт кечиришга ўрганиб қолганликда ифодаланган хулқ-атвор, 17,8 % ҳолатда ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний йўллари билмаслик, 16,6 % ҳолатда оғир моддий аҳволда қолганлик, 12,9 % ҳолатда ўч олиш (рашк, ўзаро адоват, нафрат туфайли), 11,8 % ҳолатда илгари жиноят содир этган шахслар билан алоқада бўлиш натижасида уларнинг таъсирига тушиб қолиш аёлларнинг жиноят содир этишига олиб келган бўлса, шахсда шаклланган ахлоқ, қонун нормаларига, жамият, давлат ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларига беписандлик билан қараш 9,2 % ҳолатда жиноятга сабаб бўлган.

Шу билан бирга, 3,8 % ҳолатда ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳокимият органлари (парламент, суд, ижроия органлари, жумладан ҳокимликлар, ҳуқуқни маҳофаза қилиш органлари ва ш.к.) ёрдамида ҳимоя қилиш мумкинлигига ишонмаслик аёлларнинг жиноят содир этишига сабаб бўлган. Демак, аёллар жиноятини юзага келтирувчи айнан шу сабабларни бартараф этиш зарур.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ўрганилганида 18,6 % ҳолатда оиладаги носоғлом муҳит, 17,8 % ҳолатда жиноят содир этилган ҳудудда видеокузатув воситаларининг йўқлиги, 15,6 % ҳолатда жабрланувчининг ишонувчанлиги, 10,0 % ҳолатда

жабрланувчининг ожиз аҳволдалиги (ўта маст, ёш бола, қария, ногирон ва шу каби), 9,7 % ҳолатда атрофдаги шахсларнинг бепарволиги, 9,0 % ҳолатда жабрланувчиларнинг низоли хулқ-атвори, 8,0 % ҳолатда эса жиноят содир этилган ҳудудда ён-атрофнинг етарли ёритилмаганлиги аёллар томонидан жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратгани аниқланди.

Ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишларда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда аёлларнинг меҳнат, дам олиш, оиладаги тарбия ишларига шарт-шароит яратиш орқали улар содир этадиган жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин.

Жиноятдан жабрланувчи (жабрланишга мойил) шахслардаги ишонувчанлик, соддалик, фойда олишдан манфаатдорликнинг эҳтиёткорлик, огоҳлик хислатларидан устунлиги, бепарволик, лоқайдлик, низо келтириб чиқарувчи ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки номақбул ҳаёт тарзи хусусиятларининг мавжудлиги уларга нисбатан ижтимоий хавfli қилмишларнинг содир этилишига имкон яратиб бермоқда.

Кўп ҳолларда, аёллар томонидан зўравонлик билан содир этилган жиноятлардан асосан унинг яқин қариндошлари, яъни фарзандлари, оила аъзолари жабрланувчилар [4, 153-б.].

Қашқадарё вилоятида ўтказилган тадқиқот жараёнида аёллар содир этган жиноятлардан 42,2 % ҳолатда эркаklar, 57,8 % ҳолатда эса аёллар жабрланганлиги аниқланди. Шунингдек, аёллар томонидан содир этилган жиноятлардан 34,5 % ҳолатда бир маҳаллада яшовчилар ёки кўшнилари, 24,6 % ҳолатда яқин ёки бошқа қариндошлар, 15,7 % ҳолатда ҳамкасблар, 8,5 % ҳолатда курсдош (синфдош)лар, 16,7 % ҳолатда эса бошқа шахслар жабрланган.

Жабрланганларнинг 26,6 % ини – 41–50 ёшдаги, 23,2 % ини – 31–40 ёшдаги, 18,2 % ини – 18–30 ёшдаги, 10,7 % ини – 18 ёшгача бўлган ва 6,5 % ини 60 ёшдан ошган шахслар ташкил қилган.

Жиноятдан жабрланган шахсларнинг бандлик ҳолати таҳлил қилинганда қуйидаги кўрсаткичлар намоён бўлди. Хусусан, жабрланувчиларнинг 27,7 % ини мавсумий иш билан шуғулланувчи шахслар, 19,0 % ини ўқувчи-талабалар, 18,8 % ини – уй бекалари, 13,6 % ини – вақтинча ишсиз, 13,6 % ини – доимий иш жойига эга, 7,3 % ини эса пенсионер ёки нафақадаги шахслар ташкил этган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

1) ҳозирги кунда ҳудудий ички ишлар органларида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозими жорий этилган бўлса-да, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилалар, ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки турмуш тарзига эга аёллар билан ишлаш, улар томонидан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги вазифалар кўламининг кенглиги мазкур тоифадаги ёш хотин-қизлар билан олиб борилиши лозим бўлган профилактик ишларнинг тўлақонли амалга оширилишига тўсқинлик қилаётгани, бу эса хотин-қизлар билан ишларни ташкил этишда ижтимоий-психологик қийинчиликлар келтириб чиқаришини инобатга олиб, ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори ёрдамчиси лавозимини жорий этиш;

2) девиант хулқ-атворга эга аёллар, шу жумладан вояга етмаган, ёш хотин-қизлар билан олиб бориладиган профилактик ишларнинг самарадорлигини ошириш, бу жараёнда психологик билим ва услублардан кенг фойдаланиш орқали шахсда юзага келган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки дунёқарашни ижобий томонга ўзгартиришга эришиш мақсадида ҳар бир туман-шаҳардаги ҳудудий ички ишлар органларида психолог штатини киритиш;

3) вилоятдаги хотин-қизларни ёшликдан бошлаб муайян касб-ҳунар эгаллашларини тарғиб қилиш мақсадида ҳокимият органлари, «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш» вазирлигининг хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича вилоят, туман бўлимлари, меҳнат органлари, бандлик марказлари, Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари, таълим ва диний ташкилотлар вакиллари ҳамда Қашқадарё вилояти телевидениеси билан ҳамкорликда ҳафтанинг ҳар куни ўртача бир соат давомида иборат касб-ҳунар эгаллашнинг фойдаси, муайян касб-ҳунарнинг ўзига хос жиҳатлари, уни эгаллашга қўйиладиган жисмоний, психологик ва ахлоқий-маънавий талаблар ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлаш ва намойиш этиб бориш тартибини жорий этиш;

4) вилоятдаги аёлларни касб-ҳунар эгаллашга қизиқтириш мақсадида ҳокимият органлари, меҳнат органлари, бандлик марказлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича вилоят, туман бўлимлари, Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда замонавий касб-ҳунарларга оид китоблар, ўқув қўлланмалари, видеодарсликлар тайёрлаш ва тарқатиш, шунингдек мазкур адабиётларни Интернет тармоғига фойдаланувчилар учун қулай тарзда жойлаштириб боришни тизимли амалга ошириш;

5) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликда оғир ижтимоий аҳволда бўлган оилалар, назоратсиз ва қаровсиз қолган қизларни аниқлаш, жиноят содир этган аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида манзилли профилактика ишларини ташкил этиш;

6) оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, жумладан жиноий ҳодисалар ҳақидаги хабарларни ўқиган хотин-қизларда нотўғри ҳуқуқий тушунча шаклланишининг олдини олиш, уларда жиноятчиликка нисбатан муросасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноий ҳодисалар ҳақидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

7) аёллар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш ва барвақт уларнинг олдини олишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича методикани ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

8) вилоятда аёллар томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши ошиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасини «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ҳафталиги» деб эълон қилиш ҳамда вилоят, шунингдек ҳар бир туман-шаҳар миқёсида мазкур ҳафта давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини

ишлаб чиқиш, режада назарда тутилган тадбирларнинг тизимли ва мақсадли амалга оширилишини назорат қилиб бориш тартибини жорий этиш;

9) вилоятда аёлларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий саводхонлигини ошириш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш орқали улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш мақсадида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятда ҳар ойнинг биринчи ҳафтасини «Аёллар ҳафталиги» деб эълон қилиб, вилоят, шунингдек ҳар бир туман-шаҳар миқёсида мазкур ҳафта давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда режада назарда тутилган тадбирларнинг тизимли ва мақсадли тарзда амалга оширилишини амалиётга жорий этиш.

Демак, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, мол-мулки турли хил тажовузлардан ҳимоя қилишини таъминлашда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш бугунги куннинг талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Аёллар жиноятчилигининг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда профилактикаси: Ўқув қўлланма / Д.М. Миразов, Қ.Р. Абдурашулова, Ж. С. Мухтаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

2. Аёллар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш бўйича ҳудуд методикаси (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида): Методик ва амалий қўлланма / М. Р. Чутбоев, Н. М. Назаров, А. С. Ваҳидов ва бошқ., Масъул муҳаррир Б. А. Малюбов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

3. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, Ю.С. Пулатов, Г. А. Аванесов ва бошқ.; проф. З. С. Зарипов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. — 474 б.

4. *Абдурашулова Қ.Р.* Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари: ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. — Т.: ТДЮИ, 2007.

ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Мақолада ўғирлик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш, шунингдек ўғирлик жиноятларининг олдини олиш бўйича ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ёритилган ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: ўғирлик, ўғирликнинг олдини олиш, ўғирлик жиноятларининг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитлар.

МЕСТО ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ХИЩЕНИЕМ

Аннотация. В статье освещены причины и условия, способствующие совершению преступлений, связанных с хищением, существующие проблемы и недостатки и пути их преодоления, а также задачи, необходимые выполнить органами внутренних дел для предупреждения хищений, даны предложения по совершенствованию данной деятельности.

Ключевые слова: хищение, предупреждение хищения, причины и условия, способствующие совершению преступлений, связанных с хищением.

THE ROLE OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS IN THE IMPROVEMENT OF PROPHYLACTIC OF THEFT CRIMES

Annotation. This article analyzes the reasons for theft crimes and the circumstance of committing theft-related crimes, existent problem and shortcomings, the main tasks of the staff of organs of internal affairs in prevention of such crimes; moreover it comprises some recommendations for the improvement of this activity.

Key words: theft, prevention of theft, the reasons for theft crimes and the circumstances of committing theft-related crimes.

Ўғирлик жиноятларининг олдини олишда, аввало, уларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш муҳим. Шу боис бу борада ҳозирги кунда ички ишлар органлари олдида ўғирлик жиноятларининг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш каби мураккаб вазифалар турганлигини ҳис этиш мумкин. Аммо уларни бошқа давлат органлари, жамоат тузилмалари ёрдамисиз бажариб бўлмайди.

Ўғирлик жиноятларининг асосий сабаблари сифатида, аввало, қуйидагиларни келтириб ўтиш лозим:

ижтимоий-иқтисодий муаммолар, яъни аҳоли аксарият қисмининг ишсизлиги, кам таъминланганлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги камчиликлар;

**Ахмедов Хамробек Эркинович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси.*

тарбиясида камчиликлар бўлган, хусусан, осон пул ва бойлик топиш илинжида юрган аҳоли қатламининг мавжудлиги, шунингдек енгил ҳаёт кечирish, маишат ва ўйин-кулгига мойил енгил табиатли шахслар шаклланиши;

гиёҳвандлик ва сурункали алкоголизм каби иллатларнинг пайдо бўлиши, бу тоифадаги шахсларда оғир меҳнат қилиш кўникмаси йўқлиги, натижада осон йўл билан пул топиш истаги мавжудлиги;

бошқарув соҳасидаги камчиликлар, хусусан аҳолини иш билан таъминлаш чоралари кўрилмаслиги, давлат бошқарув органларида айрим шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларга йўл қўйиши ва ҳоказо.

Криминолог олим Н. Ф. Кузнецованинг фикрига кўра, жиноятчилик сабабларига ўз ичига ижтимоий онгнинг турли даражадаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маиший психология элементларини киритган ижтимоий-руҳий детерминанталарни қўшиш лозим. Шахснинг криминоген тарзда шаклланишига хизмат қилувчи шароитлар тизимига оила ва яқин-атрофдагиларнинг салбий таъсири, мактаб, шифохона, маиший тарбиядаги камчиликлар, ОАВнинг салбий, руҳий таъсири каби шароитлар киради. Буларга ташкилий-бошқарув камчиликлари ва нуқсонлари, жабрланувчиларнинг виктим хулқини ҳам қўшиш даркор. Яъни, ўғирлик жиноятининг қурбони бўлган шахсларнинг аксарияти ўзларининг мол-мулкларини қаровсиз қолдирганликлари ёки уларга бепарволик билан муносабатда бўлганликлари, шунингдек айрим ҳолларда улар ўз бойликларини бошқаларга ошқора кўз-кўз қилганликлари аниқланган.

Шу боисдан ўғирлик жиноятларининг олдини олишда нафақат жиноятчиларга қарши кураш, балки фуқароларнинг ҳушёрлигини ошириш, ўз мол-мулкига эътиборли ва эҳтиёткор бўлишлари борасида тарғибот ишлари амалга оширилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги омилларни бартараф этмай туриб жамиятда учрайдиган салбий ҳолатлар, шу жумладан ўғирлик жиноятларининг олдини олишда ижобий натижаларга эришиб бўлмаслигини англашимиз лозим. Шу боисдан, ҳозирги вақтда мамалакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, «уюшмаган ёшлар»нинг мавжуд муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб белгиланган 4-йўналишида «Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Дарҳақиқат, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, реал даромадларини ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, ўз навбатида,

турли салбий ҳолатларни олди олишга хизмат қилади. Юқорида такидлаб ўтганимиздек, ўғирлик жиноятларининг энг асосий сабабларидан бири аҳоли моддий эҳтиёжларининг қондирилмаганлиги ва иқтисодий муаммолардир. Шу боисдан аҳоли эҳтиёжларининг етарли даражада қондирилиши ўғирлик жиноятларининг олдини олишда асосий усуллардан ҳисобланади.

Шунингдек, фуқароларнинг маънавий тарбиясидаги камчиликлар, ўз навбатида, бу тоифадаги шахсларни ўғирлик жиноятларини содир этишга ундайди, маънавий тарбиядаги етишмовчиликни шахсларнинг ахлоқсизлигида кўришимиз мумкин. Бу йўналишда жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантиради, кўп жиҳатдан унинг ахлоқини белгилайди. Масалан, И. И. Карпец ва А. Р. Ратинов бу борада қуйидагиларни ёзишган: «Жиноятни туғдирувчи, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан ажратувчи, аниқ ва бевосита сабаблардан бири — ҳуқуқий инфантилизм, яъни ҳуқуқий онгнинг шаклланмаганлиги ёки тўлиқ эмаслиги, ёхуд ҳуқуқий негативизм, яъни шахснинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларида намоён бўладиган ҳуқуқий онг бузилишидир» [3, 51-б.].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаларига алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни такидлаб ўтди: «Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда халқ билан мулоқотларда билдирилаётган таклифлар асосида келгусида ижтимоий соҳада қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз лозим бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя моделини реал талаблар асосида умумэтироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш зарур. Бу борада ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахсларни, эҳтиёжманд ва ночор оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни арзон уйлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келаётганимиз барчангизга маълум. Жорий йилнинг ўзида 21 минг 500 дан зиёд ана шундай оила арзон уй-жойлар билан таъминланди. Конституциямизда аҳолининг муҳим ижтимоий ҳуқуқи сифатида қафолатланган пенсия таъминоти келгуси йилларда ҳам энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла миқдорда тўланади. Бешинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чоралар кўришимиз лозим. Савол туғилади: мамлакатимизда ҳақиқий ишсизлар сони қанча? Иқтисодиётнинг норасмий секторида неча фоиз аҳоли банд? Хорижга иш кидириб кетганларнинг сони-чи? Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам — ўнта муаммо дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади.

Айнан фуқароларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, эҳтиёжманд аҳоли қатламлари учун бунёд этилаётган арзон уйлар сонини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича яқинда алоҳида дастур қабул қилдик. Ушбу дастур ижросига масъул бўлган мутасадди идоралар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришлари ва халқимизни рози қилишлари шарт ва зарур» [4].

Ўғирлик жиноятлари содир этилишига олиб келувчи омиллардан яна бири бошқарув соҳасидаги камчиликлардир. Жумладан, ҳозирги вақтда ҳудудларни ривожлантириш борасида кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Булар, ўз навбатида, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилганлиги шубҳасиздир, аммо жойлардаги айрим раҳбарларнинг чиқарилган норматив ҳужжатларни етарли даражада ўрганиб чиқмаслиги ва уларнинг ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрмасликлари оқибатида қўйилган халқчил вазифаларнинг кўп қисми бажарилмай, ижроси таъминланмай қолаётганлиги ҳақиқатдир. Шу боисдан қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар ижросини таъминлашнинг мукамал механизмини яратиш ва уларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш катта аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёев: «Барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш — олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир» [5], – деб таъкидлаб, чиқарилган қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини тўлиқ таъминлашда раҳбарларнинг ролини ошириш ва улар ўз вазифаларига виждонан ёндашишлари лозимлигини кўрсатди.

Умуман олганда, ўғирлик жинояти ижтимоий иллат ҳисобланиб, унинг олдини олиш учун ўзига хос хусусияти ва тушунчасини таҳлил қилиш ҳамда шу асосда тегишли профилактик чора-тадбирлар белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ўғирлик», «жиноят» ва «профилактика» тушунчаларининг луғавий маъноси қуйидагича изоҳланган: «**Ўғирлик** — ўғирлаб кўлга киритилган, жинойий йўл билан ўзлаштирилган мулк» [6, 195-б.], «**Жиноят** — айб, гуноҳ; жинойий иш, давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавfli хатти-ҳаракат» [7, 92-б.], «**Профилактика** — юнонча prophylaktikos – сақловчи, олдини олувчи» [8, 316-б.] маъноларини билдиради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ўғирлик жамият аъзоларининг мулкига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар туркумига кириб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасида унинг аниқ таърифи ва бунинг учун жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, ўғирлик жиноятини содир этиш механизмига ўхшаш, аммо содир этилиши механизмига кўра ўғирлик деб эътироф этилмайдиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддасида оз миқдорда талон-торож қилиш, «мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш» сифатида таърифланган.

Шулардан келиб чиқиб, ўзаро боғлиқ давлат ва жамоат ҳамда фуқаролар мулкани талон-торож қилишга қаратилган ўғирлик жиноятларининг олдини олиш ички ишлар органлари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштириш, айниқса ҳамкорликдаги ишларни яхшилаш улкан аҳамиятга эгадир.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ўғирлик жиноятларининг олдини олишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

корхона, ташкилот ва муассасалар, айниқса, банк, савдо шохобчалари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи объектлар, қимматбаҳо маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар ва хонадонлар тўлиғича кўриқлаш пульталигига уланишини таъминлаш;

аҳоли яшаш пунктларининг барча жойларида видеокузатув мосламалари ўрнатилиши ва уларнинг ички ишлар органлари навбатчилик қисмларида жойлаштирилган мониторларга уланишини таъминлаш;

аҳолининг, айниқса кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг кўллаб-қувватланишини яхшилаш;

янги иш жойлари ташкил этиш, бу борада тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш чораларини кўриш;

бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жойларда «меҳнат ярмаркалари» ташкил этиш, ишсизликка барҳам бериш чораларини кўриш;

ёшларни, вояга етмаганларни касбга ўргатиш, уларнинг қизиқишларини инobatга олган ҳолда «Ёшлар иттифоқи» билан ҳамкорликда жойларда турли тўғараклар ташкил этилишини таъминлаш ва уларга ёшлар, вояга етмаганлар аъзо бўлишларини ташкил этиш.

Хулоса қиладиган бўлсак, ички ишлар органлари томонидан ўғирлик жинойтларининг олдини олишда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, энг замонавий усул ва шаклларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, шунингдек давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан узвий ҳамкорликда ўғирлик жинойтларининг олдини олишда тегишли тадбирларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Кузнецова Н.Ф.* Проблемы криминологической детерминации. — М., 1984. — С. 44.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-м. — URL: <http://www.lex.uz>
3. *Карпец И.И., Ратинов А.Р.* Правосознание и причины преступности // Советское государство и право. — 1968. — № 12. — С. 51.
4. *Шавкат Мирзиёев.* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. — URL: <http://www.lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: <http://www.lex.uz>
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. — Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. — Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008..
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. — Т: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008.

*Д. Ш. Умарханова**

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКСТРАДИЦИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Аннотация. Мақолада араб давлатлари қонунчилигида экстрадиция масалаларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва механизми таҳлил қилинган. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари давлатининг миллий қонунчилиги ўрганилиб, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда минтақавий механизмни такомиллаштириш зарурлиги ҳақида таклифлар билдирилган.

Таянч сўзлар: халқаро ҳамкорлик, экстрадиция, жиноят ишлари, халқаро шартнома, араб давлатлари, Бирлашган Араб Амирликлари, хавфсизлик.

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ПО ВОПРОСАМ ЭКСТРАДИЦИИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ АРАБСКИХ ГОСУДАРСТВ

Аннотация. В статье проанализированы правовые основы и механизм регулирования международного сотрудничества по вопросам экстрадиции в законодательстве арабских государств. В частности, изучено национальное законодательство Объединенных Арабских Эмиратов и выдвинуты предложения о необходимости совершенствования регионального механизма в осуществлении международного сотрудничества по уголовным делам.

Ключевые слова: международное сотрудничество, экстрадиция, уголовные дела, международный договор, арабские государства, Объединенные Арабские Эмираты, безопасность.

LEGAL REGULATION OF INTERNATIONAL COOPERATION ON EXTRADITION ISSUES IN THE LEGISLATION OF ARAB STATES

Annotation. The article analyzes the legal foundations and the mechanism of regulation of international cooperation on extradition issues in the legislation of Arab States. In particular, national legislation of the United Arab Emirate is studied and proposals of necessity and importance of the regional mechanism in implementation of international cooperation in criminal matters are put forward as well.

Keywords: international cooperation, extradition, criminal case, international treaty, Arab States, the United Arab Emirates, security.

Араб давлатлари уюшмасининг Кенгаши 1952 йилда хавфсизлик ҳамда суд органлари ҳамкорлиги юзасидан учта муҳим конвенцияни, яъни Суд топшириқлари ва буйруқлари тўғрисидаги, Суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги ҳамда Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенцияларни қабул қилди.

Ўша вақтда Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенцияни имзолаган давлатлар кўп бўлмаган. Улар сафига Йордания

**Умарханова Дилдора Шарипхановна, Тошкент давлат юридик университети халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, доцент.*

Ҳошимийлар Қироллиги, Ливан Республикаси, Сурия Республикаси, Саудия Арабистони Қироллиги, Миср Қироллиги ва Ироқ Қироллиги кирган [1, 52-б.]. Кейинчалик Конвенция Ливия, БАА, Баҳрайн, Қувайт ва Жанубий Яман томонидан маъқулланган. 1983 йилда Суд топшириқлари ва буйруқлари тўғрисидаги ҳамда Суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги конвенциялар ўрнига араб дунёсидаги янги хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишга қодир ва бошқаларига нисбатан тўлақонли бўлган Суд ҳамкорлиги тўғрисидаги Ар-Риёд Конвенцияси қабул қилинган [2].

Араб мамлакатлари тажрибасини ўрганишда унинг икки жиҳатига кўпроқ эътибор қаратдик: биринчи жиҳати назарий бўлиб, Араб давлатлари уюшмасининг иккита Конвенцияси, яъни Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги ҳамда Суд ҳамкорлиги тўғрисидаги Ар-Риёд конвенцияларининг Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик ҳақидаги конвенциясидан [3] фарқли жиҳатлари таҳлил қилинди. (Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши 1981 йилдан бери мавжуд бўлган Араб минтақавий ташкилоти ҳисобланади. Унинг асосий фаолияти уни таъсис этган олтита араб кўрфази мамлакатларида (Саудия Арабистони Қироллиги, БАА, Уммон салтанати, Қувайт, Баҳрайн, Қатар) хавфсизликни таъминлашга қаратилган). Иккинчи жиҳати амалиётга, хусусан араб давлатларида жиноят экстрадициясига доир қоидаларни амалга ошириш механизмларига бағишланди.

Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенцияга кўра, давлатлардан бирортаси жиноятчиларни экстрадиция қилишни талаб қилиб чиқса, улар ўртасида шу пайтдан бошлаб мажбурият пайдо бўлган ҳисобланади. Мазкур конвенция қоидаси Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясининг 27-моддасига ўхшаб кетади. Конвенцияда белгиланган қоидага кўра, экстрадиция қилиниши сўралаётган шахс содир этган жинояти учун ҳукм қилинган ва ушбу жиноят сўровнома юборган давлат ҳудудида содир этилган бўлса, экстрадицияга йўл қўйилади. Жиноят ҳар икки давлат ҳудудидан ташқарида содир этилган тақдирда, мазкур икки давлатнинг ҳуқуқ тизими давлатлар ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноятлар учун жазога тортиши мумкин (2-модда).

Бундан кўринадики, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенцияси билан Араб давлатлари уюшмасининг Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенцияси ўртасида тафовут мавжуд. Агар жиноят сўровнома юборган ҳамда сўровномани қабул қилган давлат ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенцияда ушбу ҳолатда сўровномани қабул қилган давлатнинг амалдаги қонунчилиги билан содир этилган жиноят учун жавобгарлик муқаррарлиги принципи асосида экстрадиция қилиш мумкинлиги назарда тутилади. Демак, бунда Араб давлатлари уюшмасининг Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенциясида белгиланганидек, жиноят учун ҳар икки давлат ҳуқуқ тизимида жазолаш талаб этилмайди [4].

Экстрадицияга доир бошқа конвенциялар каби, Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенцияда ҳам сиёсий жиноятлар учун экстрадиция қилиш тақиқланади, бироқ ушбу ҳолатнинг мазмуни очиб

берилмайди. Шундай бўлса-да, унда қайд этилишича, жиноятнинг сиёсий эканлиги ёхуд сиёсий эмаслиги масаласи сўров киритилган давлат ваколати доирасига киради. Конвенцияда айрим ҳуқуқбузарликлар, жумладан, терроризм, қасддан одам ўлдириш, давлатлар қироллари ёки президентларига, валиаҳд шахзодаларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига тажовуз қилиш қабилар сиёсий хусусиятга эга жиноятлар таркибидан чиқариб ташланган [4].

Мазкур конвенциянинг 7-моддасида аъзо давлатларга ўз фуқароларига нисбатан экстрадиция сўрови предмети бўлган жиноят юзасидан сўровнома юборган давлатда қўзғатилган иш асосида мурожаат қилиш (процессуал тартибда сўроқ қилиш) шарт билан ўз фуқаросини экстрадиция қилишни рад этиш ҳуқуқи берилган. Ушбу принцип борасида Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенцияси билан Араб давлатлари уюшмасининг Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенцияси ўртасида катта фарқ бор. Амалда, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясининг 28-моддасида фуқароларни тутиб топшириш мажбурияти юкланган, ваҳоланки Араб давлатлари уюшмасининг Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенциясида сўровномани қабул қилган давлатга ўз фуқароларини топширмаслик ҳуқуқи берилган.

Араб давлатлари уюшмасининг Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, агар бир вақтнинг ўзида келиб тушган экстрадицияга доир сўровлар турли ҳуқуқбузарликларга оид бўлса, экстрадиция ҳақидаги сўровни аввалроқ тақдим этган давлатга устуворлик берилади. Экстрадицияга доир ҳар қандай бошқа конвенциядаги каби, экстрадиция қилиниши шарт бўлган шахс фақат сўров киритилиши предмети бўлган жиноят ва унга боғлиқ қилмишлар учун ҳукм қилиниши мумкин (14-модда).

Айтиш жоизки, умуман олганда, бу қоида Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясининг 38-моддасидаги қоидага ўхшаб кетади. Бундан ташқари, унда бошқа ҳолат ҳам кўшимча қилинган, яъни айбланувчининг сўровда қайд этилган жиноятлардан бошқа жиноятлар учун суд қилинишига розилиги олинishi назарда тутилган.

Шахс айбсиз деб топилган тақдирда сўровнома юборган давлат экстрадицияга оид талаб ҳамда экстрадиция қилинган шахсни мазкур ҳудудга қайтариш билан боғлиқ харажатларни қоплайди [4]. Мазкур Конвенцияга кўра, ҳар қандай аъзо давлатда суд органи томонидан чиқарилган қарор, ушбу суд қарори мавжуд давлат ҳудудида, фақат ушбу давлат розилиги билан ижро этилиши мумкин (17-модда). Бу қоида Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясида эътиборга олинмаган. Конвенция, шунингдек, аъзо давлат ўртасида тузилган ҳар қандай бошқа икки томонлама конвенциялар ўртасидаги зиддиятларни ҳам кўриб чиқади. Бу қоида қулай ва оддий экстрадиция принципларини кафолатлайдиган қоидаларни таъминлаш учун қўлланилади, натижада хавфсизлик тўғрисидаги икки томонлама араб келишувларини қўллашнинг мослашувчанлиги ошади.

Араб давлатлари қонунчилиги ва суд соҳасига доир халқаро конвенцияларда эришилган ютуқлар ҳақида хабардор бўлиб туриш мақсадида ушбу масалага боғлиқ Араб хартиясини тузишга интилишган. Мазкур Конвенциянинг Муқаддимасида таъкидланишича, у 1977 йил декабрда Марокаш пойтахти Рабатда бўлиб ўтган

Араб давлатлари адлия вазирларининг Биринчи конференциясида қабул қилинган декларация натижасида юзага келган. Араб давлатларининг Суд ҳамкорлиги тўғрисидаги Ар-Риёд Конвенцияси (бундан буён — Ар-Риёд Конвенцияси) Араб давлатлари адлия вазирлари Кенгаши томонидан 1983 йил 6 апрелдаги 1-сонли декрети асосида маъқулланди. Конвенция 1985 йил 30 октябрда кучга кирди [5, 149-б.].

Ар-Риёд Конвенциясида ушбу Конвенцияга қўшилмаган араб давлатларига муносабат билдирилган. Унга кўра, бу давлатлар Араб давлатлари уюшмаси доирасида қабул қилинган экстрадиция ҳақидаги ҳар қандай конвенция қоидаларига риоя этишлари лозим. Шу муносабат билан, қўшилаётган давлатлар, 1952 йилда Араб давлатлари уюшмаси доирасида қабул қилинган ва суд қарорлари ҳамда экстрадициянинг бажарилишини тартибга соладиган барча келишувларнинг ўрнини босадиган Ар-Риёд Конвенциясининг қоидаларини қўллаши шартлиги ҳам аниқ белгилаб қўйилган (72-модда).

Ар-Риёд Конвенцияси 72 та моддани қамраб олган саккиз бобли ҳужжатдир. Биринчи боб — умумий принципларга, саккизинчи боб эса яқунловчи принципларга бағишланган. Унинг қоидалари, жумладан суд ҳужжатлари ва судга тегишли бўлмаган бошқа ҳужжатлар; суд буйруқлари; гувоҳлар ҳамда жиноят-ижроия ёки жиноят ишлари бўйича экспертлар иштироки; фуқаролик шахсий мақоми, тижорат ва маъмурий ҳаракат тартибида тақдим этилган суд қарорларининг тан олиншини таъминлайди. Бу ўринда асосан мазкур ҳужжатнинг олтинчи ва саккизинчи бобларини таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Олтинчи боб Конвенцияни имзолаган давлатларнинг маҳкумларни ҳамда суд органлари томонидан жавобгарликка тортилган шахсларни экстрадиция қилиш мажбуриятидан бошланади [4]. Башарти экстрадиция қилиш учун қидирилаётган шахс сўровномани қабул қилган давлат фуқароси бўлса, мазкур давлатнинг шахсни барча аъзо давлатлар қонунчилигига мувофиқ жазо муқаррар бўлган жинояти учун судловга тортиш шarti билан экстрадицияни рад этишига йўл қўйилиши мумкин (39-модда).

Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенцияси 28 (б)-моддасининг матни Ар-Риёд Конвенциясининг 40-моддаси (с & d) дан олинган. 40-модда муқаддимасига кўра, «экстрадиция куйидаги шахслар учун мажбурийдир». Бундан шуни тушуниш мумкинки, бу ерда сўз экстрадиция шартлари ҳақида эмас, балки экстрадиция қилиш учун мажбурий бўлган ҳолатлар ҳақида боради. Бошқа томондан, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясининг 28-моддаси муқаддимасига кўра, буларга экстрадиция ҳолатлари эмас, балки унинг шартлари сифатида қаралади. Мазкур масала юқорида таҳлил қилинган Араб давлатлари уюшмасининг Жиноят ишлари бўйича экстрадиция қилиш тўғрисидаги конвенциясига кўра ҳам муҳокама қилинган.

Экстрадиция қилишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлар борасида Ар-Риёд Конвенцияси ҳамда Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенцияси ўртасида фарқ борлигини таъкидлаб ўтиш лозим, Ар-Риёд Конвенциясида келтирилган бундай ҳолатлар Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясига нисбатан кўпроқдир. Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясида жинойи қилмиш бекор қилинган ёки жазо қўлланилган ҳолатларга қўшимча равишда фақат тўртта ҳолат қайд этилади.

Ар-Риёд Конвенциясида қайд этилишича, гарчи содир этилган жиноятлардан сиёсий мақсадлар кўзланган бўлса ҳам, улар сиёсий жиноят ҳисобланиши мумкин эмас. Аммо, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясининг 30 (а) -моддасида сиёсий ҳуқуқбузарликлар туркумидан чиқариладиган жиноятлар мақсади сиёсий ёхуд сиёсий эмаслиги тилга олинмаган ҳолда белгиланган.

Ар-Риёд Конвенциясида харажатлар ҳар икки давлат ўртасида тақсимланган бўлса, Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясининг 39-моддасида ушбу харажатлар сўров киритган давлат томонидан қопланиши белгиланган. У мазкур сарф-харажатлар ёки экстрадиция жараёни баҳосини ёки, шахс айбсиз деб топилган тақдирда, экстрадиция қилган ҳудудга қайтариш харажатларини қоплаши мумкин.

Ар-Риёд Конвенциясининг 69-моддасига биноан, унинг қоидалари мажбурий ҳисобланади. Унинг 69 (а)-моддасида аҳдлашаётган давлатларнинг Ар-Риёд Конвенцияси қоидаларига зид бўлган бошқа келишувларни имзолаши ман этилган. 1983 йилги Ар-Риёд Конвенциясининг қоидалари уни имзолаган аъзо давлатлар умумий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми ҳисобланади, агар уни имзолаган бирор давлат Ар-Риёд Конвенцияси қоидаларидан ўзга қоидаларни қабул қилса, ушбу қоидалар бекор қилинади ва ҳақиқий эмас деб топилади.

Ушбу жиҳат Форс кўрфази ҳамкорлик кенгаши давлатларининг Ар-Риёд Конвенциясига нисбатан муносабатига сабаб бўлади, бунинг боиси Ар-Риёд Конвенциясининг қоидалари экстрадиция соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилаётган мазкур давлатларнинг манфаатларини каноатлантirmайди. Шунга кўра, ушбу давлатнинг вакиллари Конвенцияни имзолаган бўлса-да, аъзо давлатлар парламентлари уни ратификация қилмаган. Уларнинг муносабати 1994 йилги Форс кўрфази ҳамкорлик кенгашининг Хавфсизлик тўғрисидаги конвенциясини инобатга олганда аниқланади, чунки унинг 28-моддасига кўра, фуқароларни экстрадиция қилиш ҳеч қандай чекловсиз мажбурийдир, ваҳоланки бу Ар-Риёд Конвенциясига зид [4].

Аввалги конвенцияларнинг қоидалари билан Ар-Риёд Конвенцияси қоидалари ўртасида зиддият юзага келса, биринчиси ҳақиқий эмас деб топилмайди, аммо ижро этишда маҳкумлар ва жиноятчи шахслар экстрадициясини амалга оширишни энг қулай тарзда ташкил этадиган қоидага устуворлик берилади.

Хуллас, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик — ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш мақсадида бундай давлатларнинг маънавий ва маданий даражасидан далолат берадиган ҳолатдир. Жиноятчиларни экстрадиция қилиш халқаро ҳамкорликнинг жиҳатларидан бири бўлиб, кўплаб давлатлар жиноятчиларни экстрадиция қилиш ва суд ҳамкорлиги борасидаги Арабистон ярим ороли мамлакатларида икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни қўллашади. Бизга маълумки, Арабистон ярим ороли мамлакатлари сирасига Баҳрайн, Яман, Иордания, Қатар, Қувайт, Уммон, Саудия Арабистони ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари давлатлари киради.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси билан бевосита соҳага оид халқаро ҳамкорлик қилаётган Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Жиноят ишлари бўйича суд соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида»ги

2006 йилги 39-сон қонунга [6] мувофиқ, БАА бу каби битимларни муҳофаза қиладиган ва уларга риоя этадиган кўплаб мамлакатлардан бири ҳисобланади.

БААнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласини ҳал қилишида қуйидаги учта асосий белги мавжуд:

сўровнома юборган давлат — мамлакат ҳокимиятидан суд ҳамкорлигини илтимос қилаётган чет мамлакат бўлиши;

сўровномани қабул қилган давлат — суд ҳамкорлигини ўтказиш хусусида илтимос қилинаётган мамлакат бўлиши;

сўралаётган шахслар — қамоққа олиш ва экстрадиция қилиш сўралаётган шахслар бўлиши лозим [7].

Шулардан келиб чиққан ҳолда, 2006 йилги 39-сон Қонуннинг 7-моддасида жиноятчиларни экстрадиция қилиш учун тўртта шарт кўзда тутилади. Шундай бўлса-да, айтиш жоизки, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро битимлар етарли эмас. Уларга қўшимча равишда миллий қонунчилик, халқаро амалиёт ва ҳамжиҳатлик принципи асосида сўровнома юбориш амалиётини кенгайтириш лозим.

БААда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш механизмига кўра, сўровнома мамлакатга ёзма шаклда, дипломатик йўл билан тақдим этилади, сўнгра прокурорга берилади. Агар сўралаётган шахс мамлакатдан чиқиб кетиши хавфи мавжуд бўлса, прокурор уни қамоққа олиш ҳақида буйруқ (ордер) беради. Прокурор сўралаётган шахсга нисбатан шахсий ёхуд молиявий кафиллик бўлган тақдирда уни қамоқдан озод қилиши ҳам мумкин. Шу боис давлат айбловчиси сўралаётган шахсга қамоққа олинишининг сабабини тушунтириб, экстрадиция қилиш ҳақидаги сўровнинг мазмуни ҳамда тегишли маълумот ва далиллар тўғрисида уни хабардор қилиши лозим. Бундан ташқари, шахс сўроқ қилиниб, унинг ҳамда адвокатининг аризалари ёзиб олинади. Прокуратура 15 кун ичида экстрадиция ҳақидаги сўровномани ваколатли судга тақдим этади [8].

Таъкидлаш жоизки, БАА суд тизими судлов ишлари юритувини биринчи инстанция судлари, апелляция суди ва Олий суд (кассация суди)га ажратади. Аммо, жиноятчиларни экстрадиция қилиш масаласида давлат айблови экстрадицияга оид аризани тўғридан-тўғри апелляция судига юборади, чунки ушбу масала бевосита апелляция судида ёхуд Олий суд (кассация суди)да кўриб чиқилади. Қўлланиладиган ҳуқуққа мувофиқ экстрадицияга оид ариза апелляция судида ёпиқ мажлисда, экстрадиция қилишни сўраётган давлат айблови ва унинг вакили иштирокида эшитилади. Прокурор ёки сўралаётган шахс апелляция суди чиқарган қарор устидан у қабул қилинган вақтдан бошлаб 30 кун ичида Олий суд (кассация суди)га шикоят киритиши мумкин [8].

Бундан ташқари, экстрадиция тўғрисидаги сўровномани рад этиш масаласига келганда, 2006 йилги 39-сон Қонуннинг 9-моддасида мазкур аризани рад этишнинг 10 шарти белгиланган. Таъкидлаш жоизки, хатто экстрадиция ҳақидаги аризани рад этиш юзасидан қарор ваколатли суд томонидан берилса ҳам, бу сўровномани юборган давлат томонидан, ваколатли суд аввал кўриб чиқмаган янги асосларни қўшиб қайта тақдим этган экстрадиция ҳақидаги ариза бўйича руҳсат этувчи қарор чиқарилишини истисно этмайди. Агар экстрадиция ҳақидаги сўровнома, ҳар бири сўровнома юборган давлат ва БАА қонунлари бўйича жазога лойиқ деб топилган бир неча жиноятни ўз ичига олган бўлса, сўровномада кўрсатилган жиноятлардан бири тегишли

талабларга жавоб бериб, бошқа қайд этилган жиноятлар бўйича ҳужжатлар талабга жавоб бермаса ҳам, экстрадицияга рухсат берилиши мумкин.

Бирлашган Араб Амирликлари Ар-Риёд Конвенциясини имзоланган, шу боис у мазкур қоидаларни қўллаши шарт, аммо у 39-сон Қонуннинг 7-моддасида белгиланган экстрадиция қилиш шартларидан бирига қаршидир.

Бироқ, Ар-Риёд Конвенцияси билан уни имзолаган ҳар қандай мамлакатнинг ўзаро махсус шартномаси ўртасида қарама-қаршилик вужудга келса, Конвенциянинг 69-моддасига кўра, айбланувчи ёки маҳкумларни экстрадиция қилиш шартларини қулайлаштирувчи қоидалар қўлланиши керак.

Ар-Риёд Конвенциясида уни имзолаган мамлакатга ўз фуқаросини тутиб топширишни рад этиш ҳуқуқи берилган, бунинг учун у Конвенцияни имзолаган бошқа мамлакатлар ҳудудида жиноят содир этган ўз фуқаросини ўз юрисдикцияси доирасида, шунингдек ҳар икки мамлакат қонунчилиги бўйича бу жиноят учун энг камида бир йилга озодликдан маҳрум қилиш ёки бошқа қаттиқроқ жазо қўллаш мажбуриятини олади.

БААда яшовчиларнинг аксарияти чет эл фуқаролари бўлгани учун жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига жуда катта эътибор берилади (БАА Миллий статистика бюросининг 2020 йилги аҳолини рўйхатга олиш бўйича маълумотларига кўра, БАА умумий аҳолисининг сони **9,89 миллион** киши бўлиб, уларнинг атиги 20 % Амирлик фуқаролари ҳисобланади) [9]. Бу борада БАА икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишда катта ютуқларга эришган. БАА томонидан бошқа мамлакатлардан қабул қилинган экстрадиция ҳақидаги сўровлар юзасидан, БАА тегишли суди, ушбу сўровнинг қонунга мувофиқлиги масаласини тегишли тартибда кўриб чиқиб, шунга мос равишда субъектни сўров киритган мамлакатга экстрадиция қилиш ҳақида қарор чиқаради. Аксинча, экстрадиция ҳақидаги сўров қўлланиладиган ҳуқуқ талабларига мувофиқ бўлмаса, ваколатли суд экстрадицияни рад этади. Шу боис БАА судлари ҳар йили экстрадицияга доир ишлар бўйича кўплаб қарорлар чиқаришади. Агар икки ёки кўп томонлама шартномалар мавжуд бўлса, судлар уларни қўллаши лозим. Акс ҳолда улар экстрадиция ҳақидаги сўровномани қабул қилиш ёки рад этиш юзасидан қарор чиқариш учун суд ҳамкорлигини тартибга соладиган ички қонунчиликка мурожаат этишади.

Экстрадиция мураккаб масала бўлиб, БАА билан мустаҳкам алоқа ўрнатган кўплаб бошқа мамлакатлар билан тузилган шартномалар мавжудлиги сабабли, нисбатан соддалаштирилиши мумкин. Шу боис БАА нафақат ўзининг ички қонунчилигига риоя этилишини таъминлайди, балки кенг миқёсда тарқалаётган жиноятчиликка қарши курашиш учун икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишда давом этади. БАА томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўлида имзоланган ва ратификация қилинган икки томонлама шартномаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Австралия, Хитой, Миср, Франция, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Испания ва Бирлашган Қироллик билан тузилган битимлар ана шулар жумласидандир [10]. Мамлакатимиз ҳам 2014 йил 11 ноябрда имзоланган жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам, ушлаб бериш ҳамда маҳкумни жазо ўташ учун у фуқароси бўлган давлатга топшириш тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилган (21.05.2015 й.).

Шундай қилиб, Бирлашган Араб Амирликларида мамлакатлар ўртасида жиноятчилар экстрадицияси масаласи бир қараганда оддий, фақат

битимларга боғлиқ масала сифатида кўриниши мумкин. Аммо, ҳамжиҳатлик принципи асосидаги қоидага таянган ҳолда ҳамкорлик қилиш борасида маълум чекловлар кўзда тутилган. Бу, албатта, юқорида қайд этганимиздек, экстрадиция кўламини муайян даражада қисқартиради ҳамда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини пасайтиради. Албатта, икки ёки кўп томонлама шартномаларнинг халқаро алоқалар, хусусан экстрадицияни қўллашдаги ўрни ва аҳамияти катта. Бироқ, ўзаро шартнома тузилмаган бўлса, одил судлов ва адолат мезонларидан чиқмаган ҳолда жиноятчини ушлаб бериш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, экстрадиция — ўта кескин ва мураккаб жараён. Бу соҳада жиноятчиларни экстрадиция қилишга доир кўплаб битим ва шартномалар имзоланган. Экстрадиция ҳақидаги аризага қўйиладиган расмий ва моддий талабларни жуда чуқур ва синчиковлик билан пухта ўрганиш талаб этилади. Бундан ташқари, кўшимча равишда сўровнома юборган давлатнинг қонунлари ва тартиб-таомиллари ҳам тўлиқ ва ҳар тарафлама кўриб чиқилиши даркор. Шу билан бирга, ишончли ва асосли ва ж дадиллар тайёрланиши, шунингдек ариза ва ҳужжатларни батафсил ўрганиш учун сўров юборган давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро мувофиқликда фаолият юритиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Shearer I. A.* Extradition in international law. — Manchester: University Press, 1971.
2. League of Arab States, Riyadh Arab Agreement for Judicial Cooperation, 6 April 1983, [Electronic resource]: URL:<http://www.refworld.org/>
3. The Security Convention within the G. C. C. (1994)
4. League of Arab States, Riyadh Arab Agreement for Judicial Cooperation, 6 April 1983, [Electronic resource]: URL: <http://www.refworld.org/>
5. *Al-Saud, Bandar Salman Mohammed.* The G.C.C. security convention: a legal and practical analysis. PhD thesis. University of Glasgow. 1997.
6. UAE Federal Law no. (39) of 2006 concerning the International Judicial Cooperation on Criminal Matters. [Electronic resource]: URL: <https://uaelaws.wordpress.com/>
7. *Olaide Esan.* Extradition law in the UAE who may / may not be extradited? E-Article: URL: <http://www.hadefpartners.com/News/78/EXTRADITION-LAW-IN-THE-UAE-WHO-MAY---MAY-NOT-BE-EXTRADITED->
8. URL:<https://www.hg.org/article.asp?id=37227>
9. URL:<https://www.globalmediainsight.com/blog/uae-population-statistics/>
10. URL:<http://www.uaeinteract.com/news/default3.asp?ID=326#64962>

МДХ ДАВЛАТЛАРИ ФУҚАРОЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИ АЙРИМ НОРМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада МДХ давлатларининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилган, уларда мавжуд юридик зиддиятлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланган. Шу асосда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: фуқаролик, фуқароликни олиш асослари ва шартлари, фуқароликка қабул қилиш, фуқароликни тан олиш, фуқароликни тиклаш, фуқароликни тугатиш, фуқароликдан чиқиш, фуқароликни йўқотиш.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ НОРМ ЗАКОНОВ О ГРАЖДАНСТВЕ СТРАН СНГ

Аннотация. В статье приведен сравнительно-правовой анализ законов о гражданстве стран СНГ, выявлены существующие юридические конфликты и правовые пробелы. Исходя из этого, вносятся предложения и рекомендации по совершенствованию норм Закона «О гражданстве Республики Узбекистан».

Ключевые слова: гражданство, основания и условия приобретения гражданства, прием в гражданство, признание гражданства, восстановление гражданства, прекращение гражданства, выход из гражданства, утрата гражданства.

COMPARATIVE ANALYSES OF SOME NORMS OF CITIZENSHIP LAWS OF THE CIS COUNTRIES

Annotation. The article provides a comparative legal analysis of the citizenship laws of the CIS countries, reveals the existing conflicts and legal problems. On this basis, proposals and recommendations on improvement of the provisions of the Law «On Citizenship of the Republic of Uzbekistan» are worked out.

Keywords: citizenship, grounds and conditions for acquisition of citizenship, admission to citizenship, recognition of citizenship, restoration of citizenship, termination of citizenship, renunciation of citizenship, loss of citizenship.

Ҳозирги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида фуқароликка доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу борадаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва миллий тизимга татбиқ этишдир. Фуқаролик муносабатларини тартибга солиш ҳар бир давлатнинг ўзига хос сиёсати ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Шу асосда ҳар қайси давлат фуқароликка қабул қилиш ва уни бекор қилиш шартларини ички қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этади. Бу эса қонун нормаларини ишлаб чиқишда халқаро-ҳуқуқий нормалар талабларини ҳам инобатга олиш лозимлигини англатади.

* *Юлдашев Джаҳонгир Хайитович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

МДХ давлатларининг бу борадаги қонунчилиги собиқ Иттифоқ давридаги қонунчилик негизида шакллангани боис ўзаро яқин бўлса-да, муайян миллий хусусиятларга ҳам эгадир. Қолаверса, ушбу давлатлар қонунчилигига МДХ давлатларининг Парламентлараро Ассамблеясида қабул қилинган «Фуқароликни тартибга солишнинг келишилган принциплари тўғрисида»ги [1] (1992 йил 29 декабрь) тавсиявий қонун ҳужжатининг демократик принципларига асосланган қоидалари сингдирилган.

Фуқароликни олиш асослари ва шартлари мазкур давлатларда турлича белгиланган. Фуқароликни олиш шартлари, биринчи навбатда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек фуқароликни олиш ҳуқуқига эга бўлса-да, ушбу ҳуқуқидан фойдаланмаган (жумладан, собиқ Иттифоқ паспорти билан яшаётган) шахсларга нисбатан қўлланилади. МДХ давлатларининг фуқаролик тўғрисидаги қонунчилигида фуқароликни олиш усуллари (йўллари) сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

- 1) фуқароликни (унга мансубликни) тан олиш (Арманистон (9-м. 1-қ.)[2], Молдова (10-м. 1-қ.)[3], Украина (6-м. 1-қ.)[4];
- 2) туғилганлик бўйича (барча МДХ давлатларида);
- 3) регистрация (рўйхатга олиниш) тартибида (Беларусь (12-м. 1-қ.)[5];
- 4) фуқароликка қабул қилиш – натурализация асосида (барча МДХ давлатларида);
- 5) фуқароликни тиклаш асосида (Арманистон (9-м. 1-қ.)[2], Қирғизистон (11-м. 1-қ.)[6], Молдова (10-м. 1-қ.)[3], Россия (11-м. 1-қ.)[7], Тожикистон (12-м. 1-қ.)[8], Туркманистон (10-м. 1-қ.)[9], Украина (6-м. 1-қ.)[4], Ўзбекистон (13-м. 1-қ.)[10];
- 6) давлат чегаралари ўзгариши натижасида фуқароликни танлаш (оптация) асосида (Россия (21-м.)[7], Тожикистон (12-м.)[8], Украина (6-м.) [5];
- 7) фарзандликка олиш асосида (Молдова, Украина, Ўзбекистон);
- 8) қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича (Молдова, Тожикистон, Украинадан ташқари барча МДХ давлатларида);
- 9) халқаро шартномаларда белгиланган асослар бўйича (Тожикистондан ташқари барча МДХ давлатларида).

Кўриниб турибдики, ҳар бир давлат ўз фуқаролигини олиш асосларини турлича белгилаган. Бу, албатта, давлатнинг ўзига хос сиёсати, миллий қонунчилиги ва шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ. Миллий амалиётни ўрганиш асосида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган асосларнинг айримлари қўлланилиб келаётган бўлса-да, қонунчилигимизда фуқароликни олишнинг алоҳида асоси сифатида эътироф этилмаган.

Жумладан, юқоридагилардан ташқари, Украина қонунчилиги: 1) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар устидан васийлик ўрнатилиши; 2) ота-оналикни тан олиш ёки мазкур фактни белгилаш; 3) меҳрибонлик уйлари ёки соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан васийлик ёхуд ҳомийлик белгиланиши асосида фуқароликни олиш асосларини ҳам назарда тутди.

Шу билан бирга, бир қарашда юқоридаги давлатлар қонунчилигида белгиланган фуқароликни тан олиш ёки оталикни белгилаш орқали фуқароликни олиш асослари миллий қонунчилигимизда биргина юқорида келтирилган «...ушбу қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра» деган жумла билан ҳал этиб қўйилгандек туюлади.

Бироқ, назаримизда, мазкур йўллар орқали фуқароликка эришишнинг ўзига хос жиҳат ва талаблари мавжудлигини инобатга олганда, уларнинг айримларини фуқароликни олишнинг алоҳида (мустақил) асослари сифатида белгилаш ҳамда талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг

фуқаролиги тўғрисидаги ЎРҚ-610-сон (13.03.2020) қонунида фуқароликни тан олиш (6-м.) ҳамда оталик (оналик)ни белгилаш (14-м. 5-қ.) асосида фуқароликни олиш мумкинлиги назарда тутилган бўлса-да, улар фуқароликни олишнинг алоҳида асослари сифатида эътироф этилмаган. Фикримизча, ушбу асослар шахснинг давлат томонидан белгиланган фуқароликка қабул қилишнинг умумий тартиби ва шартларини бажаришини талаб этмаслигини инобатга олганда, уларни қонунчилигимизда фуқароликни олишнинг алоҳида асослари сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Е. В. Михайлова олиб борган илмий тадқиқотларда келтирилишича, фуқаролик институтини ривожлантиришнинг концептуал йўналишларидан бири ҳам – шахснинг унга мансублигини «тан олиш»ни фуқароликни олишнинг турларидан бири сифатида белгилашдир [11, 8-б.].

Фуқароликка қабул қилиш шартларида ҳам ўзига хосликни кузатиш мумкин. Чунончи, энг умумий шартлар сифатида: 1) мамлакат ҳудудида 3 йил давомида (Арманистон (13-м.)[2]), 5 йил давомида (Грузия (26-м.)[12], Қирғизистон (13-м.) [6], Қозоғистон (16-м.)[13], Озарбайжон (14-м.)[14], Россия (13-м.)[7], Тожикистон (15-м.)[8], Туркменистон (12-м.)[9], Украина (9-м.)[4], Ўзбекистон (19-м.)[10]), 7 йил давомида (Беларусь (14-м.)[5]), 10 йил давомида (Молдова (17-м.)[3]) доимий яшаганлик; 2) чет давлат фуқаролигидан чиқиш ёки чиқишни расмийлаштириш (Беларусь, Украина, Ўзбекистон); 3) давлат тилини мулоқот даражасида билиш (Қозоғистондан ташқари барча МДХ давлатларида); 4) қонуний яшаш манбаига эга бўлиш (Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистондан ташқари барча МДХ давлатларида); 5) давлатнинг Конституция ва қонунларини тан олиш (Беларусь, Қирғизистон, Молдова, Россия, Туркменистон, Украина, Ўзбекистон).

Айрим давлатларда шахснинг ўз ҳудудида доимий яшаганлик муддатини ҳисоблашда алоҳида рағбатлантирувчи қоида ва шартлар қўлланилади. Жумладан, Беларусь Республикасида миллати беларусь бўлган шахслар, давлат олдида алоҳида хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари, шунингдек илгари Беларусь фуқаролигида бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ушбу муддат қисқартирилиши мумкин. Қирғизистонда иқтисодиёт учун инвестиция киритиш ёки қочоклик мақоми доимий яшаш муддатининг уч йилгача қисқартирилишига сабаб бўлади. Қозоғистонда вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз шахсларга нисбатан юқоридаги муддат ҳисобга олинмайди. Молдовада шахснинг ота-онаси (шу жумладан, фарзандликка олган) ёки фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинган) республика фуқароси бўлса, доимий яшаш муддати уч йилгача қисқаради. Россияда шахс давлат учун манфаатли касб ёки малакага эга бўлса, қочқин деб тан олинган ёхуд сиёсий бошпана берилган бўлса, фуқаролик олиш учун асос бўлувчи доимий яшаш муддати бир йилгача қисқартирилади. Туркменистон қонунчилигида собиқ Иттифоқ фуқароларига, миллати туркман ёки илгари фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга доимий яшаш муддатини қисқартириш билан боғлиқ алоҳида имтиёзлар белгиланган. Украинада бирор шахс Украина фуқароси билан икки йил давомида қонуний никоҳда бўлса, унинг фуқаролик олишида доимий яшаш муддати инобатга олинмайди.

Кўриниб турибдики, миллий қонунчилигимизнинг фуқароликка қабул қилиш шартларида бироз мураккабликлар бор. Хусусан, биринчидан, фуқароликка қабул қилиш шартларидан бўлган мамлакатда доимий яшаш муддатини ҳисоблаш фақат фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилган бўлиб, чет эл фуқаролари, фуқаролиги белгиланмаган ёки сиёсий бошпана берилган шахсларга қўлланилмайди.

Бу билан ушбу тоифадаги шахслар Ўзбекистон фуқаролигини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган (19-м. 1-қ. «б» б., 2, 3 қ.) [10]; иккинчидан, қонунчилигимизда, никоҳ асосида доимий яшаш муддати уч йилга қисқариши мумкинлигини ҳисобга олмаганда, мазкур муддатни ҳисоблашда бошқа рағбатлантирувчи шартлар (қоидалар) белгиланмаган. Шу боис, назаримизда, миллий қонунчилигимизда ҳам юқорида келтирилган айрим асосларни қайта кўриб чиқиш ва халқаро андозаларга мослаштириш лозим.

Фуқароликнинг тугатилиши – шахс ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқа ҳамда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор қилиниши бўлиб, ҳар бир давлат бу борада ҳам ўзига хос ёндашув ва қоидаларга эга. МДХ давлатлари қонунчилигини ўрганиш фуқароликни тугатишнинг қуйидаги асослари мавжудлигини кўрсатади:

- 1) фуқароликдан чиқиш (барча МДХ давлатларида);
- 2) фуқароликни (ёки унга бўлган ҳуқуқни) йўқотиш (Молдова (21-м.) ва Россиядан (18-м.) ташқари барча МДХ давлатларида);
- 3) фуқароликдан маҳрум қилиш (Қозоғистон (19-м.), Молдова (21-м.));
- 4) фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш (Россия (22-м.), Тожикистон (20-м.));
- 5) давлат чегарасининг ўзгариши натижасида фуқароликни танлаш, яъни оптация (Россия (21-м.) ва Тожикистон (20-м.));
- 6) қонун ва халқаро шартномаларда назарда тутилган бошқа асослар (Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Озарбайжон, Россия, Туркменистон, Украина).

Демак, шахс ва давлат ўртасидаги фуқароликка доир муносабатлар турли асосларда бекор қилинади. Айрим давлатлар (Қозоғистон, Молдова) фуқароликдан маҳрум қилишни фуқароликни тугатишнинг (уни йўқотишдан) алоҳида (мустақил) тури деб ҳисоблайди. Қозоғистонда — терроризм ҳамда Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этиш натижасида давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зиён етказилиши (чет эл мамлакатларидаги қуролли можаролар, экстремистик ёки террорчилик ҳаракатларида иштирок этганлик), Молдовада эса юқоридаги ҳар икки ҳолат, шунингдек бошқа МДХ давлатлари қонунчилигида белгиланган фуқароликни йўқотиш асослари шахснинг фуқароликдан маҳрум этилишига сабаб бўлади.

Умуман, Ўзбекистон қонунчилигида фуқароликдан маҳрум қилиш ва уни йўқотиш ўртасидаги фарқ аниқ очиб берилмаган. Назаримизда, фуқароликдан маҳрум қилиш давлатнинг ўз фуқаросига нисбатан қўллаши мумкин бўлган энг оғир сиёсий таъсир чораси бўлиб, фуқарога мамлакат ҳудудида (ёки ундан ташқарида) содир этган жинойий қилмишлари учун (муайян шартлар асосида) қўлланиши билан давлат манфаатларига мос бўлмаган, аммо жинойий жавобгарликни юзага келтирмайдиган қилмишни содир этиш асосида фуқароликни йўқотишдан фарқланиши лозим.

Шунингдек, фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳам фуқароликни тугатишнинг алоҳида тури бўлиб, шахс ёлғон маълумот ва сохта ҳужжатлар тақдим этиш асосида фуқароликни олган ҳоллардагина қўлланилади. Ёлғон маълумот ва сохта ҳужжатлар тақдим этиш ҳолати суд тартибида тасдиқланади.

Фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш қуйидаги жиҳатлари билан фуқароликни йўқотишдан ажралиб туради:

биринчидан, бунда фуқароликка қабул қилиш асослари, яъни фуқаролик олиш учун асос бўлган шартлар (масалан, доимий яшаш муддатини ҳисоблашда имтиёзга эришиш учун тузилган сохта никоҳ, чет давлат фуқаролигидан чиққанликни,

шунингдек қонуний яшаш манбаини ёки давлат тилини билиш даражасини тасдиқловчи қалбаки ҳужжатлар ва ҳ.к.) ҳақиқий эмас деб топилади;

иккинчидан, фуқароликка қабул қилиш асослари ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида қўлга киритилган (фуқароликка бўлган) ҳуқуқлар ҳам ҳақиқий эмас деб баҳоланади;

учинчидан, фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш чораси қўлланилган шахслар фуқароликни тиклаш ҳуқуқига эга (фуқароликдан маҳрум қилинган шахсларга эса бундай ҳуқуқ берилмайди).

Шу боис, назаримизда, Россия [7] ва Тожикистон [8] қонунларида белгиланганидек, фуқароликка қабул қилиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ва фуқароликдан маҳрум қилишни фуқароликни тугатишнинг алоҳида (мустақил) асослари сифатида эътироф этиш жоиз. Бу эса «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сон қонунга (13.03.2020) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини талаб этади:

1) Қонуннинг 23-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«23-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш асослари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидагилар асосида тугатилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш;

в) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум этилиш;

г) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши;

д) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа асослар».

2) Қонунни қуйидаги мазмундаги янги нормалар билан тўлдириш:

«251-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум қилиш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум қилишга суд қарори асосида қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

а) агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки чет давлат ҳудудида тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

б) терроризм, экстремизм ёки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этиш натижасида давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зиён етказган бўлса».

«252-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилинади.

Била туриб ёлғон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги олинганлиги факти суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланади».

Фикримизча, илгари сурилаётган таклиф ва тавсияларнинг қонунчиликда ўз аксини топиши келгусида фуқароликка доир ишларни юритиш соҳасидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш орқали шахснинг табиий ҳуқуқларини кафолатлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Рекомендательный законодательный акт СНГ от 29 декабря 1992 года «О согласованных принципах регулирования гражданства». — URL: <http://docs.cntd.ru/document/901930781> (04.04.2020).
 2. Закон Республики Армения от 16 ноября 1995 года, С-061-І-ЗР-16 «О гражданстве Республики Армения». — URL: <http://parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1731&lang=rus#> (17.12.2019).
 3. Закон Республики Молдова от 2 июня 2000 года № 1024 «О гражданстве Республики Молдова» — URL: http://lex.justice.md/document_rus.php?id=22054258:156FAF87 (17.12.2019).
 4. Закон України від 18 січня 2001 року N 2235-III «Про громадянство України». — URL: <http://zakon5.rada.gov.ua/laws/show/2235-14> (16.06.2017).
 5. Закон Республики Беларусь от 1 августа 2002 года № 136-З «О гражданстве Республики Беларусь». — URL: http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3114 (17.12.2019).
 6. Закон Кыргызской Республики от 21 мая 2007 года № 70 «О гражданстве Кыргызской Республики». — URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202103> (25.01.2020).
 7. Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года № 62-ФЗ «О гражданстве Российской Федерации». — URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226> (25.01.2020).
 8. Конституционный закон Республики Таджикистан от 8 августа 2015 года № 1208 «О гражданстве Республики Таджикистан». — URL: https://www.legislationline.org/download/id/6599/file/Tajikistan_law_Citizenship_2015_ru.pdf (20.04.2020).
 9. Закон Туркменистана от 22 июня 2013 года «О гражданстве Туркменистана». — URL: <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=4419> (26.01.2020).
 10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сонли 2020 йил 13 март қонуни. — URL: <https://lex.uz/docs/4761984> (20.04.2020).
 11. Михайлова Е.В. Право на гражданство в Российской Федерации: конституционно-правовые аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2008. — С. 8.
 12. Органический закон Грузии 30 апреля 2014 года № 2319-Пс «О гражданстве Грузии». — URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/2342552/1/ru/pdf> (17.12.2019).
 13. Закон Республики Казахстан от 20 декабря 1991 года № 1017-ХІІ «О гражданстве Республики Казахстан». — URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1000816#pos=398;-31 (25.01.2020).
 14. Закон Азербайджанской Республики от 30 сентября 1998 года № 527-ІQ «О гражданстве Азербайджанской Республики». — URL: <http://chisinau.mfa.gov.az/ru/content/132> (17.12.2019).
-
-

*Ш. А. Қулматов**

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада МДХ давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида процессуал мажбуриятларнинг белгиланганлиги ҳолати, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган таъсир чораларининг ўзига хослиги қиёсий таҳлил қилинган ҳамда амалга оширилган таҳлил асосида Ўзбекистон жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: жиноят-процесси, жиноят-процессуал қонун, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал кодекслари, жиноят процесси иштирокчилари, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик.

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОБЯЗАННОСТИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН И ОСОБЕННОСТИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ИХ НЕВЫПОЛНЕНИЕ

Аннотация. В статье дается сравнительный анализ определения процессуальных обязанностей в уголовно-процессуальном законодательстве стран СНГ, специфики принудительных мер, применяемых за невыполнение процессуальных обязанностей, и на основе проведенного анализа вносятся конкретные предложения по совершенствованию уголовно-процессуального законодательства Узбекистана.

Ключевые слова: уголовный процесс, уголовно-процессуальный закон, уголовно-процессуальные кодексы зарубежных стран, участники уголовного процесса, процессуальное право и обязанности, ответственность.

CRIMINAL PROCEDURAL OBLIGATIONS IN THE LEGISLATION OF FOREIGN COUNTRIES AND SPECIFICS OF RESPONSIBILITY FOR THEIR NON-FULFILLMENT

Annotation. The article provides a comparative analysis of the definition of procedural obligations in the criminal procedural legislation of the CIS countries, the specifics of coercive measures applied for non-fulfillment of procedural obligations, and based on the analysis, specific proposals on improvement of the criminal procedural legislation of Uzbekistan are worked out.

Keywords: criminal procedure, criminal procedure law, codes of Criminal Procedure of foreign countries, participants in criminal proceedings, procedural law and obligations, responsibility.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этишга таянган ҳолда амалга оширилган ислохотлар натижасида хорижий мамлакатлар

* *Қулматов Шароф Асадович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент.*

қонунчилигидаги ижобий тажрибалардан миллий қонунларни тайёрлашда самарали фойдаланиш мамлакатимизда шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш механизмининг янада такомиллашувига олиб келмоқда [1].

Жиноят процесси иштирокчиларининг мажбуриятлари, айниқса уларни бажармаганлик учун жавобгарликка оид айрим хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида уларнинг ютуқларидан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда фойдаланиш борасида фикр юритиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Молдова [2], Эстония [3], Беларусь [4], Арманистон [5], Озарбайжон [6], Қозоғистон [7], Қирғизистон [8], Туркменистон Республикалари [9] ва Россия Федерациясининг [10] амалдаги Жиноят-процессуал кодексларида деярли барча процесс иштирокчиларининг тегишли процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида моддада акс этган. Лекин Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексларида айнан процесс иштирокчиларига бағишланган бўлим ва бобларда гумон қилинувчи ва айбланувчининг фақат процессуал ҳуқуқлари кўрсатилган бўлса-да, бошқа тарқоқ моддаларида мажбуриятларини ҳам учратиш мумкин (масалан, эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш мажбурияти, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 145-м., Россия Федерацияси ЖПК 103-м.).

Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексларида қайсидир иштирокчининг процессуал мажбуриятлари нисбатан кўпроқ ёки камроқ белгиланган. Масалан, Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида гувоҳ ва жабрланувчининг куйидаги мажбуриятлари назарда тутилган: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига кўра келишдан бош тортмаслик; ёлғон кўрсатув бермаслик ва кўрсатув беришдан бош тортмаслик; агар олдиндан огоҳлантирилган бўлса, дастлабки терговга оид маълумотларни ошқор қилмаслик; тергов ҳаракатларини ўтказиш ва суд мажлиси вақтида белгиланган тартибга риоя этиш. Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексида ҳам гувоҳ ва жабрланувчининг деярли шундай процессуал мажбуриятлари белгиланган, лекин уларда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва суд мажлиси вақтида белгиланган тартибга риоя этиш мажбурияти йўқ, холос.

Арманистон, Озарбайжон ва Беларусь Республикалари Жиноят-процессуал кодексларининг эътиборли жиҳати шундаки, уларда судьядан ташқари суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг процессуал мажбуриятлари тарқоқ моддаларда эмас, балки алоҳида процесс иштирокчиларига бағишланган бўлим ва бобларда ўз ифодасини топган.

Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексларида иштирокчиларнинг процессуал мажбуриятлари турли шаклларда ифодаланган бўлса-да, лекин ушбу процессуал мажбуриятларнинг мазмун-моҳияти деярли ўхшаш. Масалан, Озарбайжон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида «жабрланувчининг жиноят ишини юритаётган органнинг чақирувига биноан келиш мажбурияти» Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида «жабрланувчининг терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан келиш мажбурияти» тарзида ифодаланган.

Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКларида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун белгиланган тегишли таъсир чоралари (Ўзбекистон Республикаси ЖПКдаги процессуал мажбуриятлардан келиб чиқиб) ўрганилди.

Терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбурияти: Молдова, Беларусь, Арманистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия Федерациясида — гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, холис, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, химоячи, мутахассис, эксперт, гумон қилинувчи, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари; Эстония Республикасида — химоячига; Озарбайжон Республикасида — экспертга; Қирғизистон Республикасида — вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг вакили, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарларнинг вакилига юклатилган.

Терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрсиз сабабларга кўра бажармаган айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларга — Беларусь Республикаси ЖПКнинг 130-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 158-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 117-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 166-моддаси, Россия Федерацияси ЖПКнинг 113-моддасига мувофиқ — мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси қўлланилса; Эстония Республикаси ЖПКнинг 78-моддаси, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 178-моддаси, Молдова Республикаси ЖПКнинг 199-моддаси, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 133-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 160-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 120-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 168-моддаси, Россия Федерацияси ЖПКнинг 116-моддасига мувофиқ — терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрсиз сабабга кўра бажармаган фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, химоячи, холисга (суд ёки бошқа ваколатли мансабдор шахслар томонидан) — ЖПКда белгилаган миқдорда жарима солинади.

Жиноят иши бўйича гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳаққоний кўрсатувлар бериши, экспертнинг тўғри хулоса бериши, таржимоннинг матнни тўғри таржима қилиши каби мажбуриятларни бажармаганлик учун Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари, Россия Федерациясининг жиноят-процессуал қонунчилигида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКларида далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик мажбурияти белгиланмаган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ушбу мажбуриятларнинг мавжудлиги ижобий ҳолдир).

Жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш мажбурияти Молдова, Беларусь, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикаларининг ЖПКларида бошқачароқ тарзда белгиланган. Хусусан, Молдова Республикаси ЖПКда — «жиноий таъқибни амалга оширувчи орган вакилининг қонуний талабларига бўйсунуш», Беларусь Республикаси ЖПКда — «жиноят ишини юритаётган органнинг қонуний талабларига бўйсунуш» ёки «тергов ҳаракатларини

ўтказишда тартибга риоя қилиш», Арманистон ва Озарбайжон Республикалари ЖПКда — «суриштирув органи, терговчи ва прокурорнинг қонуний талабларига бўйсунтириш», Қозоғистон Республикаси ЖПКда — «тергов ҳаракатларини ўтказишда белгиланган тартибга риоя қилиш», Қирғизистон Республикаси ЖПКда — «терговчи ва прокурорнинг қонуний талабларига бўйсунтириш» ёки «тергов ҳаракатларини ўтказишда тартибга риоя қилиш», Туркманистон Республикаси ЖПКда — «жиноят ишини юритаётган органнинг қонуний талабларини бажариш» тарзида ифодаланган.

Жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш мазмунидаги мажбуриятни бажармаганлик учун тегишли таъсир чораларини белгилаш масаласи юқорида келтирилган хорижий давлатларда деярли бир хил ҳал этилган: Молдова ЖПКнинг 201-моддаси, Беларусь ЖПКнинг 133-моддаси, Қозоғистон ЖПКнинг 160-моддаси, Туркманистон ЖПК 168-моддаси, Қирғизистон ЖПКнинг 120-моддасида суд ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан қонунда белгиланган миқдорда жарима солиниши белгиланган. Лекин Арманистон ва Озарбайжон Республикалари ЖПКда ушбу мажбурият бажарилмаганлиги учун ҳеч қандай таъсир чораси назарда тутилмаган.

Демак, жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилмаслик ҳолатларига ҳар қандай жиноят процесси иштирокчиси йўл қўйиши мумкин [11], [12]. Шу боис, юқоридаги хорижий давлатларнинг амалдаги ЖПКларида жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилмаганлик учун тегишли таъсир чораларининг аниқ белгиланганлиги ижобий ҳолдир.

Молдова Республикаси ЖПК 78, 80-моддалари, Беларусь Республикаси ЖПК 57-моддаси, Эстония Республикаси ЖПК 44-моддаси, Арманистон Республикаси ЖПК 77, 79-моддалари, Озарбайжон Республикаси ЖПК 102-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПК 79, 80, 81-моддалари, Қирғизистон Республикаси ЖПК 57-моддаси, Туркманистон Республикаси ЖПК 89-моддаси, Россия Федерацияси ЖПК 45, 55-моддаларида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари қонуний вакил ва вакиллар томонидан ҳам ҳимоя қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Лекин юқоридаги хорижий давлатларнинг ЖПКларида «қонуний вакил ва вакилларнинг ўзлари вакиллик қилаётган шахслар ишончини суиистеъмол қилмаслиги» деб номланувчи мажбурияти кўрсатилмаган. Фақат шу мажбуриятга қисман тегишли мазмунда — қонуний вакил ёки вакиллар ўзлари вакиллик қилаётган шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун жиноят ишини юритаётган органнинг чақирувга биноан ҳозир бўлиши кўрсатилган.

Эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш мажбурияти Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 145, 146, 147-моддалари, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 106, 107, 108-моддалари, Туркманистон Республикаси ЖПКнинг 151, 152, 155, 156-моддалари, Россия Федерацияси ЖПКнинг 103, 104, 105-моддаларига мувофиқ айбланувчи, шахсий кафиликка олувчилар, жамоат ёки жамоа кафилигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг ҳуқуқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувида олувчиларга юклатилади КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР. Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 169-моддасига мувофиқ эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш мажбурияти, юқорида кўрсатилган шахслардан ташқари, айбланувчининг муносиб ҳуқуқ-атворда бўлишини назорат қилувчи полицияга ҳам юклатилади.

Молдова Республикаси ЖПКнинг 179, 181-моддалари, Арманистон Республикаси ЖПКнинг 145, 146-моддалари, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 166, 167-моддаларига мувофиқ шахсий кафилик ёки жамоа кафилигига олувчилар давлат

депозит ҳисобварағига белгиланган миқдорда пул маблағи ўтказишлари шарт, агар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талаблар улар томонидан бажарилмаса, қўйилган пул маблағи давлат фойдасига ўтказилади. Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 151-моддасида шахсий кафиллик ёки жамоа кафиллигига олувчилар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун қози томонидан белгиланган миқдорда жарима пули ундирилиши тартибга солинган. Беларусь Республикаси ЖПКнинг 121-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 145-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 106-моддасида шахсий кафиллардан эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун судья томонидан белгиланган миқдорда жарима пули ундирилиши белгиланган. Эстония Республикаси ЖПКнинг 70, 71-моддаларида эса шахсий кафилга нисбатан эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган, фақат ўз вақтида чақирувга кўра келмаганлик учун жарима ундирилиши белгиланган.

Молдова Республикаси ЖПКнинг 184-моддаси, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 123-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 147-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 108-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 155-моддаси Россия Федерацияси ЖПКнинг 105-моддасида вояга етмаганларни кузатув остига олувчилардан эҳтиёт чораси талабларини бажармаганликлари учун суд томонидан белгиланган миқдорда жарима пули ундирилиши белгиланган. Арманистон ва Озарбайжон Республикалари ЖПКларида вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар ушбу эҳтиёт чораси талабларини бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишлари айtilган, аммо айнан қандай жавобгарликка тортилиши кўрсатилмаган. Эстония Республикаси ЖПКнинг 70, 71-моддаларида вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун жавобгарлик белгиланмаган, фақат ўз вақтида чақирувга кўра келмаганлиги учун жарима ундирилиши назарда тутилган.

Молдова Республикаси ЖПКнинг 183-моддаси, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 122-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 146-моддасига мувофиқ ҳарбий хизматчининг хулқ-атворини қўмондонлик кузатувида олувчилар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун ҳарбий устав низомларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Эстония Республикаси ЖПКнинг 77-моддаси, Арманистон Республикаси ЖПКнинг 149-моддаси, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 171-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 107-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 156-моддаси, Россия Федерацияси ЖПКнинг 104-моддасида ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувида олувчиларга эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун ҳеч қандай жавобгарлик ёки таъсир чоралари белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

биринчидан, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКларида процесс иштирокчилари жиноят ишининг самарали кечишини таъминлашга хизмат қиладиган, натижада одил судлов қарор топишига замин яратадиган тегишли ва зарур процессуал мажбуриятларга эга;

иккинчидан, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКларида процессуал мажбуриятлар ҳар хил шаклларда ифодаланса-да, улар мазмун жиҳатдан ўзаро яқин маънони англатади;

учинчидан, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКларида жиноят ишине юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг процессуал мажбуриятлари процесс иштирокчиларига бағишланган бўлим ва бобларда эмас, балки турли моддаларда ўз ифодасини топган; Беларусь, Арманистон, Озарбайжон Республикалари ЖПКларида эса жиноят ишине юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларга бағишланган бўлим ва бобларда алоҳида ифодалангани ижобий ҳолатдир;

тўртинчидан, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига нисбатан ўзига хос тарзда ва тўлиқроқ ҳал этилганлигини ёки умуман ўз ечимини топмаганлигини кузатиш мумкин [13].

Ушбу хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ютуқлардан Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтида мавжуд муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2018 йил 14 май ПҚ-3723-сон. — URL: <http://www.lex.uz>. (15.06.2018).

2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. — URL: <http://www.base.spininform.ru/> (02.09.2019);

3. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. — URL: <http://www.base.spininform.ru/> (02.09.2019);

4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. — URL: <http://www.pravo.by/> (02.09.2019);

5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. — URL: <http://www.parliament.am/> (02.09.2019);

6. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. — URL: <http://www.base.spininform.ru/> (02.09.2019);

7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. — URL: <http://adilet.zan.kz/rus> (21.05.2018);

8. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. — URL: <http://online.adviser.kg/> (21.05.2018);

9. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана. — URL: <http://www.turkmenlegaldatabase.info/ru/> (02.09.2018);

10. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. — URL: <http://www.consultant.ru/> (02.09.2018).

11. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida (Toldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashr). — T.:Ozbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2019. — 732 б.;

12. Нарбўтаев Э.Х. Жиноят процессида ахлоқ нормалари // Ҳаёт ва қонун. — 1997. — № 8. — Б. 78–80.

13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Т.: «Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази, 2019. — 864 б.

С. М. Селиманова , Ж. Ч. Гоипов***

ФУНКЦИИ И ПОЛНОМОЧИЯ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИХ МИГРАЦИОННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ

Аннотация. В статье проведен анализ функций и полномочий органов власти в сфере миграционного регулирования, рассмотрены нормы нормативно-правовых актов, регламентирующих миграционные процессы. На основе проведенного исследования автором определены основные функции государственных органов, осуществляющих миграционное регулирование и рассмотрены их полномочия, даны предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: органы государственной власти, функции, полномочия, миграция, миграционные процессы, нормативно-правовые акты, регламентирующие миграционные процессы.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада миграциявий жараёнларни тартибга солиш ва бошқаришни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органларининг функциялари ва ваколатлари таҳлил қилинган, миграция жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужатларнинг нормалари ўрганилган. Ўтказилган илмий изланишлар натижалари асосида миграцион жараёнларни тартибга солувчи давлат органларининг асосий функциялари ажратилган, уларнинг ваколатлари тадқиқ этилган ҳамда уларнинг такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: давлат ҳокимияти органлари, функция, ваколатлар, миграция, миграция жараёнлари, миграцион жараёнларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

FUNCTIONS AND POWERS OF THE STATE AUTHORITIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, IMPLEMENTING MIGRATION

Annotation. The article analyses the functions and powers of authorities in the field of migration regulation, considers the norms of regulatory legal acts regulating migration processes. On the basis of the study conducted by the author, the main functions of state bodies implementing migration regulation were determined and their powers were considered, proposals for improvement were given.

Keywords:s public authorities, functions, powers, migration, migration processes, normative legal acts the regulating migration processes.

В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах одним из основных направлений является создание условий для трудоспособного населения по полной реализации их

* *Селиманова Светлана Михайловна, начальник кафедры административного права, доктор юридических наук, профессор.*

** *Гоипов Журабек Чориевич, самостоятельный соискатель Академии МВД Республики Узбекистан.*

трудоустройстве и предпринимательской активности, повышение качества рабочей силы, расширение системы профессиональной подготовки, переподготовки и повышения квалификации лиц, нуждающихся в трудоустройстве [1].

Как отметил Президент Республики Узбекистан: «...Самое главное, в результате этих преобразований мы должны создать условия для благополучной жизни нашего народа. Следует сформировать максимально благоприятные деловую среду и инвестиционный климат, увеличивать число новых предприятий и рабочих мест, чтобы обеспечить нашим людям достойные доходы. Разумеется, если мы сами не выполним эту чрезвычайно важную работу, то никто не сделает ее за нас» [2].

В условиях расширяющейся глобализации мировой экономики отмечается возрастание роли внешней трудовой миграции. Почти все страны мира участвуют в обмене трудовыми ресурсами, хотя и с разными особенностями — в одних государствах преобладает убытие трудовых ресурсов, а в других наоборот прибытие таковых. Республика Узбекистан не является исключением.

За последние годы в стране осуществляется последовательная работа по упорядочению процессов внешней трудовой миграции, обеспечению защиты прав и интересов граждан, выезжающих за рубеж для осуществления временно трудовой деятельности, оказанию им необходимой правовой, социальной, информационно-консультативной помощи и материальной поддержки [3].

Интеграция в мировое сообщество, развитие рыночной экономики, повышение социально-трудовой активности населения требуют решения целого ряда проблем. Поэтому необходимо отметить, что массовые перемещения населения без регуляции могут нанести серьезный ущерб национальным интересам и правам человека.

Так, исследование структуры, полномочий и функций органов государственной власти, осуществляющих миграционное регулирование, позволяет утверждать, что они образуют единую государственную систему в области миграционной политики.

В соответствии со статистическими данными, из более 34 млн населения рабочая сила составляет 15 млн человек, около 3 млн человек (10% населения) находятся за рубежом, в Российской Федерации проживают более 1,7 млн граждан Узбекистана — больше половины всех мигрантов [4].

Зарубежный ученый И. Ю. Сизов считает, что требуется определенное реформирование в системе Министерства внутренних дел и в, частности, создание на основе действующих подразделений единого органа координации государственного управления обеспечения миграционной политики, несущего полную ответственность за планирование и реализацию мер миграционного контроля, включая организацию национального центра анализа, регистрации и реагирования на миграционную ситуацию [5, с. 24]. Как отметил В. Ю. Горбунов, административно-правовая деятельность органов внутренних дел по обеспечению режима пребывания в государстве иностранных граждан и лиц без гражданства — это осуществляемая на гласной основе, целенаправленная, организующая исполнительная и распорядительная деятельность органов внутренних дел, состоящая в непосредственной, повседневной и практической реализации задач и функций государства в сфере обеспечения контроля за соблюдением правил пребывания в государстве иностранных граждан и лиц без гражданства [6, с. 25]. Исследовавший проблемы административно-правового статуса иностранных граждан и лиц без гражданства и роли органов внутренних дел в его обеспечении А. В. Куракин пришел к выводу, что административно-правовой статус выражает наиболее важные и существенные связи иностранных граждан и лиц без гражданства с органами государственной власти. Административно-правовой статус иностранных граждан и лиц без гражданства, с одной

стороны, составляет базу для становления и реализации иных прав и обязанностей, конкретизируясь и развиваясь в них, а с другой — непосредственно входит в любой из правовых статусов в качестве его важнейшей составной части [7, с. 24].

В соответствии с Конституцией Республики Узбекистан Президент Республики Узбекистан выступает гарантом соблюдения прав и свобод граждан, Конституции и законов Республики Узбекистан; решает вопросы гражданства Республики Узбекистан и предоставления политического убежища, определение основных направлений во внешней и внутренней политики Республики Узбекистан, издания указов, постановлений и распоряжений в сфере миграции.

Так, глава государства обладает высшей компетенцией в области формирования миграционной политики и реализует свои полномочия, опираясь на систему органов государственной власти в реализации миграционной политики.

Немаловажную роль в функционировании государства играет Высший государственный представительный орган — Олий Мажлис Республики Узбекистан. В соответствии со статьей 78 Конституции Республики Узбекистан к совместному ведению Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан в области миграционной политики относятся ратификация и денонсация международных договоров и др.

Следующим звеном в структуре миграционной политики необходимо определить Кабинет Министров Республики Узбекистан, который осуществляет меры по защите экономических, социальных и других прав и законных интересов граждан, обеспечивает исполнение законов Республики Узбекистан, решений Олий Мажлиса, указов, постановлений и распоряжений Президента Республики Узбекистан и др. Таким образом, в целях осуществления единой миграционной политики Кабинет Министров обеспечивает согласованное взаимодействие органов исполнительной власти по управлению миграционными процессами. Кроме того, Премьер-министр Республики Узбекистан представляет Кабинет Министров Республики Узбекистан в международных отношениях и др.

Эффективное управление миграционными процессами в определенной степени зависит от качества функционирования соответствующих государственных органов и наличия необходимых инструментов и механизмов.

Так, в управлении миграционными процессами в Республике Узбекистан в рамках своей компетенции принимают участие следующие органы государственной власти, которые имеют свои функции и полномочия:

а) Министерство занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан является органом государственного управления, осуществляющим реализацию единой политики в сфере занятости населения, трудовой миграции и трудовых отношений. Министерство занятости и трудовых отношений в Республике Узбекистан образовано в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду» 24 мая 2017 года [8];

б) Агентство по внешней трудовой миграции при Министерстве занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан;

в) Фонд поддержки и защиты прав и интересов граждан, осуществляющих трудовую деятельность за рубежом при Министерстве занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан [9]. Основными задачами которого являются: оказание правовой и социальной защиты, а также материальной помощи гражданам, подвергшимся насилию, принудительному труду и дискриминации, нарушению трудовых и иных прав, попавших в сложное финансовое положение и оставшихся без документов, устанавливающих

личность, средств к существованию в период осуществления трудовой деятельности за рубежом; медицинское обслуживание граждан, которым в период нахождения в трудовой миграции потребовалась медицинская помощь по причине травмы, несчастного случая, в случае невозможности оплатить стоимость оказанных медицинских услуг за счет средств трудового мигранта с последующим возмещением оплаченных средств указанными гражданами; перевозка тел граждан, умерших в период нахождения в трудовой миграции за пределами республики, а также граждан, получивших увечье или тяжелые травмы во время трудовой деятельности за рубежом, приведшие к потере трудоспособности, в случае подтверждения соответствующими органами государства трудоустройства; возвращение граждан, ранее направленных на работу за рубеж в рамках организованного набора и выдворенных (депортированных) вследствие нарушения законодательства страны пребывания, с последующим возмещением оплаченных средств за счет указанных граждан, а также возвращение граждан, которым иностранные работодатели не обеспечили оговоренные условия трудоустройства и др.;

г) Министерство иностранных дел Республики Узбекистан содействует развитию связи и контактов с соотечественниками, проживающими за рубежом, оформляет паспортно-визовую документацию, участвует в рассмотрении ходатайств по вопросам приема в гражданство Республики Узбекистан лиц, въезжающих в Республику Узбекистан и др.;

д) Служба государственной безопасности;

е) Государственный таможенный комитет;

ж) Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике;

з) Государственный центр персонализации при Кабинете Министров Республики Узбекистан и другие органы по вопросам приема, выхода и утраты гражданства, укрепления паспортного и пограничного режима, учета миграции населения, а также формирования и ведения базы данных лиц, выезжающих за границу и въезжающих в Республику Узбекистан.

Необходимо отметить, что в настоящее время государственным органом власти, вырабатывающим и реализующим миграционную политику и осуществляющим управление миграционными процессами, является Главное управление миграции и оформления гражданства Министерства внутренних дел Республики Узбекистан. Его правовое положение, функции и задачи значительно расширились.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере миграционных процессов и оформления гражданства» Главное управление миграции и оформления гражданства Министерства внутренних дел Республики Узбекистан является структурным подразделением центрального аппарата Министерства внутренних дел, обеспечивающим соблюдение правил паспортной системы, оформление гражданства Республики Узбекистан и мониторинг миграционных процессов. Основными задачами Главного управления являются: системный и комплексный анализ деятельности в сфере миграции, оформления гражданства, обеспечения соблюдения правил паспортной системы и порядка пребывания в Республике Узбекистан, а также выявление, изучение и устранение причин совершения правонарушений и условий, им способствующих; организация и координация деятельности подразделений миграции и оформления гражданства органов внутренних дел по обеспечению эффективного выполнения возложенных задач; организационно-методическое обеспечение деятельности подразделений миграции и оформления гражданства органов внутренних дел и оказание им практической помощи; организация и осуществление взаимодействия с другими подразделениями органов

внутренних дел, государственными органами, институтами гражданского общества и населением по вопросам обеспечения соблюдения правил паспортной системы и порядка пребывания в Республике Узбекистан; выработка и реализация предложений по дальнейшему совершенствованию законодательства, правоприменительной практики в сфере миграции, оформления гражданства, обеспечения соблюдения правил паспортной системы и порядка пребывания в Республике Узбекистан и др. [10]

Необходимо заметить, что это только те государственные органы, с которыми взаимодействие по миграционным процессам осуществляется на постоянной основе.

Таким образом, в целом система органов государственной власти, осуществляющих миграционное регулирование, представляет собой развернутую и многоуровневую структуру.

В заключение необходимо отметить, что в качестве основных государственных институтов, управляющих миграционными процессами в Республике Узбекистан, выступают глава государства, парламент, правительство, подразделения миграции и оформления гражданства, осуществляющие взаимодействие как с органами государственной власти, так и с институтами гражданского общества.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. — URL: <https://www.lex.uz/docs/3107042>

2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 24 января 2020 г. — URL: <https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

3. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5785 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты граждан Республики Узбекистан, осуществляющих временную трудовую деятельность за рубежом, и членов их семей» от 20 августа 2019 г. — URL: <https://lex.uz/docs/4482657>

4. Статистические данные Агентства по внешней трудовой миграции при Министерстве занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан // UZA.uz

5. *Сизов И.Ю.* Правовые и организационные основы деятельности органов внутренних дел в реализации миграционной политики России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2014. — 22 с.

6. *Горбунов В.Ю.* Административно-правовые основы деятельности органов внутренних дел по обеспечению режима пребывания иностранных граждан и лиц без гражданства в Российской Федерации (по материалам Дальневосточного федерального округа): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Омск, 2006.

7. *Куракин А. В.* Административно-правовой статус иностранных граждан и лиц без гражданства в Российской Федерации и роль органов внутренних дел в его обеспечении: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2000.

8. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду» от 24 мая 2017 г. — URL: <https://lex.uz/docs/3211751>

9. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3839 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы внешней трудовой миграции Республики Узбекистан» от 5 июля 2018 г. — URL: <https://lex.uz/docs/3811333>

10. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3126 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере миграционных процессов и оформления гражданства» 11 июля 2017 г. — URL: <https://www.lex.uz/docs/3266581>.

*Д. Р. Махмудов**

МАМЛАКАТИМИЗДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ВА СУД АМАЛИЁТИ

Аннотация. Мақолада ривожланган давлатларда суғурта хизматлари ривожланишининг ҳозирги тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: суғурта, суғурта шартномалари, суғурта бозори, суғурта агенти.

ПРИМЕНЕНИЕ ПРАВА В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ СТРАХОВЫХ УСЛУГ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА

Аннотация. В статье анализируются современные тенденции развития страхования в развитых странах, а также правоприменительная практика в сфере оказания страховых услуг в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: страхование, договор страхования, страховой рынок, страховой агент.

APPLICATION OF LAW IN THE SPHERE OF INSURANCE SERVICE: FOREIGN EXPERIENCE AND JUDICIAL PRACTICE

Annotation. The article analyzes the current tendencies of the development of insurance in developed countries, as well as law enforcement practice in the sphere of ensuring of insurance service in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: insurance, insurance contract, insurance market, insurance agent.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотлар билан бирга, қонунчилик асосларини, шунингдек ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ривожлантириш давр талабига айланди. Шу ўринда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «...тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади. Тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатида хиёнат, деб қабул қилиш керак» [1]. Шу ўринда, дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнида замонавий бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми ҳисобланган суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи халқаро аҳамиятга эга қоидаларни изчил ривожлантириш ҳамда улар асосида барча давлатлардаги суғурта компаниялари учун амал қилувчи миллий қонунчиликни шакллантириш давр талабига айланмоқда.

Ривожланган давлатларда суғурта фаолиятининг ривожланиш статистикасига оид қуйидаги маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерациясининг

** Махмудов Дилмурод Розметович, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.*

суғурта бозорида суғурта хизматлари бир йил аввалгига нисбатан 2017 йилда — 8%га, 2018 йилда — 16%га ва 2019 йилда — 4%га ошганини кўришимиз мумкин [2]. Айни пайтда, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби ривожланган мамлакатларда ҳам миллий суғурта бозорларининг ривожланиб бораётгани кузатилмоқда [3]. Бу кўрсаткичлар суғурта соҳасини тартибга солувчи халқаро қоидаларни, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг мақомини ҳуқуқий тартибга солиш, миллий конструкцияларни такомиллаштириш ҳамда ўзаро яқинлаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугунги ислоҳотлар жараёнида амалдаги қонунлар ҳам замон талабига монанд ўзгариб бориши лозим. Маълумки, 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Мамлакатимиз суғурта бозорида фуқароларнинг суғуртага муносабати ҳамон ижобий эмаслиги, уларнинг онгида суғуртага нисбатан ишончсизлик ҳисси устунлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида, назаримизда, энг аввало, суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириб, кодекслаштирилган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда суғурта фирибгарлиги жинойтининг сони ва турлари ортиб бораётгани ҳам бор гап. И. Н. Жукнинг таъкидлашича, «барча ривожланган давлатларда суғурта фирибгарлари мавжуд. Биргина 1997 йилда Лос-Анжелес суғурта компанияси Нью-Жерси штатида 860 та транспорт ҳодисасини қасддан уюштирган 700 га яқин фирибгар билан судлашган.

Суғурта билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари МДҲ давлатлари амалиётида ҳам кўп учрамоқда. Масалан, Беларусь Республикасидаги фирибгарлар Ғарбий Европа мамлакатларининг транспорт воситаси ҳайдовчилари билан тил бириктириб, улар ҳайдаб юрган автомобилларни мўмай пулга Беларусь фуқароларига сотиб берганлар, сўнгра ҳайдовчилар суғурта компаниясига автомашинаси ўғирлангани ҳақида хабар бериб, анча миқдорда суғурта товони ҳам олишган [4, 145-б.].

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда суғурталовчига суғурта агентининг айби билан зарар етказиш ҳоллари ҳам кўплаб учрамоқда. Жумладан, Тошкент туманлараро иқтисодий суди 2018 йил 27 апрелда кўрган 4-1001-1808/10738-сонли иш [5] юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар — «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг Тошкент шаҳар филиали жавобгар — яқка тартибдаги тадбиркор «Usmanova Nigora Yuldash qizi» ҳисобидан 14 378 451,05 сўм миқдорида етказилган зарарни ундириб беришни сўраб мурожаат қилган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, 2017 йил 19 июнда «Кафолат суғурта компанияси» АЖнинг Тошкент шаҳар филиали Шайхонтохур тумани бўлими ва жавобгар ЯТТ «Usmanova Nigora Yuldash qizi» ўртасида 15-сонли агентлик келишуви (шартнома) тузилган.

Ушбу келишувга асосан, суғурта агенти — ЯТТ «Usmanova Nigora Yuldash qizi» компания номидан суғурта шартномалари имзолаш ва суғурта полислари берилишини таъминлаш, компания эса суғурта агентига мазкур битимда белгиланган тартиб ва миқдорда ҳақ (комиссион тўлов) тўлаш мажбуриятини олган.

2017 йил 22 июнь куни жавобгар томонидан фуқаро Сапаров Жавохир Сайпиллаевич (суғурталанувчи) номига, унга тегишли бўлган «VAZ 2105» русумли, давлат рақами 01M378JA автомашинасини бошқариш учун транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича КФ серияли 2668492-сон суғурта полиси чекланган тарзда расмийлаштириб берилган ва суғурта мукофоти 65 573 сўм миқдорида белгиланган.

Бироқ, «Kafolat Online» маълумотлар электрон базаси бўйича серияси КФ 2668492-сонли суғурта полиси суғурталанган шахс Абдурасулов Ҳасан «ГАЗ-69» русумли давлат рақами 01B901ZA бўлган автомашинаси учун расмийлаштирилганлиги ва суғурта мукофоти 26 346 53 сўм миқдорида нотўғри тариф белгиланганлиги аниқланган.

2017 йил 21 август куни йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, ушбу суғурта полиси бўйича 2017 йил 6 ноябрда жабрланувчи «Lux comfort one» МЧЖга 2 857 694 сўмлик суғурта қопламаси тўлаб берган.

Суғурта агенти — ЯТТ «Usmanova Nigora Yuldash qizi» компания номидан юқоридагига ўхшаш яна уч та ҳолат бўйича қонун бузилишига йўл қўйган ва компанияга жами 14 378 451,05 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Иш ҳолатларидан кўриниб турибдики, суғурта агенти транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ва суғурталовчига зарар етказган. Суд даъвогарнинг талабини асосли ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни лозим топган.

Фикримизча, суғурта агентлари томонидан бундай ҳуқуқбузарликлар сони кўпайиб бораётгани суғурта қилдирувчилар ўртасида суғурталовчи компанияларга ишончсизлик туғилишига сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш учун бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Чунончи, суғурта соҳасида турли шаклларда амалга оширилаётган фирибгарлик хатти-ҳаракатларига қарши курашиш мақсадида, хорижий мамлакатларда махсус ваколатли тузилмалар ташкил этилиб, самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, Франция ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида суғурта фирибгарлигига қарши курашиш агентликлари ташкил этилиб, улар ўртасида суғурта фирибгарлигига чек қўйиш мақсадида ўзаро келишувлар расмийлаштирилган [4, 145-б.].

Мамлакатимизда суғурта бозори ривожланаётган бир даврда вужудга келиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси ёки Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси қошида махсус тузилмани (агентлик, департамент ва ҳ.к.) ташкил қилиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатини қабул қилиш лозим. Н.Абдуллаева тўғри таъкидлаганидек, «бугунги кунда суғурта амалиётида кундан-кунга суғурта фаолияти ҳамда суғурта шартномаси билан боғлиқ суғурта низоларининг сони ортиб бормоқда» [6, 177-б.]. Назаримизда, фуқароларнинг суғуртага бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартириш, шунингдек уларнинг суғуртага нисбатан ишончини ошириш мақсадида суғурта компаниялари томонидан

кўрсатиладиган хизматлар сифатини ривожланган Европа мамлакатларининг суғурта компаниялари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига тенглаштириш чораларини кўриш зарур.

Аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланар экан, назаримизда, ишсизлик ҳолатида суғуртадан фойдаланиш механизмларини жорий этиш масаласини муҳокама қилиш фойдадан холи бўлмайди (Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1934 йил 23 июнда Женева шаҳрида ўтказилган Бош конференцияси 18-сессиясида «Ишсизлик ҳолатида суғурта қилиш ва ишсизларга ёрдам беришнинг турли кўринишлари ҳақида»ги 44-сон Тавсиялар қабул қилинган ва 1938 йил 10 июнда у кучга кирган).

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ҳаёт жадал суръатларда ривожланиб бораётган ҳозирги кунда суғурта бозоридаги кенг қамровли муносабатлар ҳам ўзгариб бормоқда. Ушбу муносабатларни тартибга солиш учун эса суғурта соҳасидаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш, аввало, иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур» [7].

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Мирзиёев Ш.М.* Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек.
2. Обзор рынка страхования в России (2019 год). — URL: <https://assets.kpmg/content/dam/kp-mg/ru/pdf/2019>.
3. «Global insurance review and out look for 2017/2018». — URL: <http://sb-malakut.com.ua>
4. *Жук И.Н.* Автомобильное страхование: Тем, кто отправляется в дорогу. — М., 2001.
5. Тошкент шаҳар иқтисодий суди томонидан 2018 йил 27 апрелда кўрилган 4-1001-1808/10738-сонли иш материаллари.
6. *Абдуллаева Н.* Страхование законодательство Республики Узбекистан и его совершенствование // Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий конф. мат-лари (2007 йил 27–28 ноябрь). — Т., 2008.
7. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. — 2016. — 15 янв.

Ҳ. Т. Махмудова*

ЮРИДИК ПСИХОЛОГ КАСБИЙ ВАКОЛАТИНИНГ КОГНИТИВ ТУЗИЛМАСИ

Аннотация. Мақолада юридик психология олдида турган долзарб масалалар кўриб чиқилган, юридик психологиянинг тарихий илдиэлари ва назарий-методологик асослари тадқиқ этилган. Юридик психолог касбий ваколоти когнитив тузилмасининг мазмунни ёритилган.

Таянч сўэлар: психология, юридик психология, касбий маҳорат, юридик психологнинг кўникма ва малакалари, ҳуқуқ, конун, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

КОГНИТИВНАЯ ПОДСТРУКТУРА ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ЮРИДИЧЕСКОГО ПСИХОЛОГА

Аннотация. В статье рассматриваются актуальные проблемы юридической психологии, исследуются исторические корни и теоретико-методологические основы этой отрасли психологии. Раскрыто содержание когнитивной подструктуры профессиональной компетентности юридического психолога.

Ключевые слова: психология, юридическая психология, профессиональные навыки, навыки и квалификация юридического психолога, право, закон, правоохранительные органы.

THE COGNITIVE SUBSTRUCTURE OF THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF A LEGAL PSYCHOLOGIST

Annotation. The article discusses current issues facing legal psychology. It summarizes the historical roots and theoretical and methodological foundations of legal psychology. The content of the cognitive substructure of the professional competence of a legal psychologist is disclosed.

Keywords: psychology, legal psychology, professional skills, skills and qualifications of a legal psychologist, law, law enforcement agencies.

Охирги йилларда психология фанининг мустақил йўналиши сифатида юридик психологиянинг аҳамияти ошиб бормоқда. Буни, айниқса, тезкор-қидирув фаолияти, терроризмнинг олдини олиш, криминалистика, юридик касб эгаларининг касбга яроқлилиги масалаларини ҳал қилиш каби соҳаларда кўриш мумкин.

Юридик психология соҳасида диссертация тадқиқотлари пайдо бўлмоқда. Улардан: В. Г. Шепоткин (1994), Е. Ю. Агзамова (2001), М. Х. Аҳмедова (2007); Г. А. Нормуродов (2008); Ҳ. Т. Махмудова (2009), И. Арифходжаева (2011), Б. Умаров (2011) ва бошқаларни эътироф этиш мумкин. С. В. Асямов томонидан «Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги», «Тезкор-қидирув вазияти ҳамда тезкор ходимлар ҳаракати тактикасининг психологик таҳлили»,

*Махмудова Ҳулқар Тилабовна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси хизмат фаолияти психологияси кафедрасининг доценти.

«Замонавий терроризмнинг психологик таркибий қисмлари», «Террорчилик таҳдиди чоғида инсон ўзини қандай тутиши лозим» каби ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган.

2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси қошида «Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш» мутахассислик йўналиши очилиб, ҳозирги кунда курсантлар ушбу йўналиш бўйича таҳсил олишмоқда. Бунда, албатта, юридик психолог мутахассислиги назарда тутилган. Шунга қарамай, бугун Ўзбекистон шароитида юридик психология йўналиши бўйича кўп сонли камчиликлар ва ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд.

Биринчи навбатда, бунда юридик психологиянинг умумназарий ва методологик асослари масаласини кўриб чиқиш лозим. Шубҳасиз, бу бизнинг эътиборимизни, масалан, россиялик олимлардан В. Л. Васильев, В. Н. Волков, М. И. Еникеев, Г. Х. Ефремова, Н. Н. Смирнова, В. М. Поздняков, А. Р. Ратинов, В. В. Романов, О. Д. Ситковская, А. М. Столяренко, Ю. В. Чуфаровский, И. К. Шахриманьян, Г. Г. Шиханцов, С. И. Янаев, В. Ф. Енгаличев ва бошқалар ҳисса қўшган кенг тармоқли юридик психологиянинг методологик асосларига қаратишга ундайди.

Юридик психологиянинг тарихий илдиэларини ўрганиш асносида жуда кўп тадқиқотлар суд психологиясига бағишланганлигига гувоҳ бўламиз. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, унинг муаммолари айнан амалиёт талаблари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Буларга: сўроқ қилиш психологияси, суд процесси иштирокчилари психологияси, гувоҳ кўрсатмаларининг ишончилиги психологияси, руҳий ва психологик таъсир кўрсатиш кабилар қиради (О. А. Гаврилов, Ф. В. Глазирин, А. В. Дулов, В. И. Гончаренко, В. Г. Пушкин, Ф. М. Сокиран, Ю. И. Ильченко, Н. П. Хайдуков, Д. С. Чижова ва б.).

Суд психологик экспертизаси бўйича катта ютуқларга эришилган. Ушбу йўналишда В. В. Аврамцев, Л. В. Алексеева, Е. В. Васкэ, В. П. Кисляков, М. М. Коченов, Л. П. Конишева, С. Л. Копотев, М. В. Морозова, В. В. Нагаев, Т. П. Печерникова, Ф. С. Сафуанов, Т. В. Сахнова, Т. Н. Секераж, О. Д. Ситковская, Е. Н. Холопова, С. С. Шипшин, В. Ф. Енгаличев ва бошқа олимларнинг илмий ишларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунда криминал психология борасида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Ю. М. Антонян, А. Г. Белобородов, С. В. Бородин, В. В. Гульданд, В. Н. Кудрявцев, Т. Н. Курбатова, В. В. Лунеев, Б. Д. Лисков, А. Р. Ратинов, А. М. Яковлевнинг илмий асарлари бунга мисол бўлади.

Юридик психологиянинг махсус соҳасига қирувчи ҳарбий-юридик психологиясининг асослари А. Г. Карояни, В. В. Романов, А. М. Столяренко,

Л. Ф. Железник каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. Тергов психологияси ва тезкор-қидирув фаолияти психологияси В. Е. Коновалова, Д. В. Миронов, В. Ф. Москаленко, С. С. Овчинский, Е. Г. Самовичев, М. П. Смирнов, Ю. В. Чуфаровский каби олимларнинг, жиноят-хуқуқий жавобгарлик психологияси М. В. Костицкий, Г. М. Миньковский, О. Д. Ситковскаянинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Пенитенциар психология соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилган. Бунда А. В. Буданов, М. Г. Дебольский, А. Д. Глоточкин, Н. С. Кравчун, В. Ф. Пирожков, А. В. Пищенко, В. М. Поздняков, М. П. Стурова, А. Н. Сухов, Г. А. Тумановнинг илмий тадқиқот ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Юридик аҳамиятга эга психик хоссалар, ҳолатлар ва жараёнларга тегишли ишларнинг катта ҳажми чуқур тадқиқотлар ўтказилган билан боғлиқ. Уларга тажовуз ва тажовузкорлик (Н. Р. Ратинова, А. А. Реан, Ф. С. Сафуанов, С. Н. Ениколопов ва б.), гипноз (Л. П. Гримак, В. А. Данилов, А. Б. Мошчанский, В. Д. Хабалев ва б.), полиграфтекшируви (С. Н. Зерин, И. С. Зубрилова, Я. В. Комиссарова, В. В. Семёнов, А. И. Скрипников, Ю. И. Холодный, С. А. Яни ва б.), шикастланишдан кейинги стресс (И. О. Котенёв, Е. О. Лазебная, М. М. Решетников, М. В. Тарабрина, Е. М. Черепанова ва б.) каби йўналишлар киради.

Амалиётчи психологнинг касбий ривожланиши учун амалий ва услубий ёрдамни чуқур ривожлантириш, касбий маҳоратининг бутун жараёнини оптималлаштириш билан боғлиқ юридик психология учун психологик-акмеологик ёндашувга мувофиқ муҳим натижаларга эришилган (Б. Г. Ананьев, К. А. Абульханова-Славская, Е. Н. Богданов, А. А. Бодалев, А. А. Деркач, А. С. Гусева, В. Г. Заикин, Н. В. Кузьмина, И. Н. Семенов, А. П. Ситников, Е. А. Яблокова ва б.). Бундай ёндашув амалиётчи психологнинг касбий маҳорати ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш учун илгари шаклланган мезонлар асосида янги касбий «Мен»лигини ривожлантиришда ёрдам беради.

Шундай қилиб, юридик психология умумий психологиянинг тармоғи ҳисобланиб, кўплаб мутахассисларнинг кундалик фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини психологик қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муҳим илмий салоҳиятга эга соҳадир.

Психологик таркибий қисмга эга ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳақида сўз борар экан, кўпгина муаллифлар ўхшаш йўналишларни кўрсатиб ўтганлар. Масалан, М. И. Еникеев — ҳуқуқий, криминологик, тергов, суд ва ахлоқ тузатиш (2001), А. М. Столяренко эса криминологик, ташкилий, бошқарув ва кадрлар билан ишлаш фаолиятини (2001) ажратганлар. Бошқа муаллифлар шакли ва маъноси жиҳатидан шунга ўхшаш йўналишларни белгилаб берганлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг етгита кўриниши мавжуд.

Биринчиси ҳуқуқий фаолият бўлиб, унинг асосий мақсади ижтимоий тартибликнинг асосий шакли сифатида инсон ҳаётини ҳуқуқий тартибга солишдир [1, 19-б.].

Иккинчиси — криминологик фаолият. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг шундай турики, у жиноятнинг сабабларини, ноқонуний фаолиятнинг шартлари ва шакллари ўрганиш билан боғлиқ (Тарарухин, 2003).

Учинчиси — ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида энг муҳим йўналиш бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Бунда гап иш аниқ ҳуқуқбузарликлар билан эмас, балки тўғридан-тўғри ноқонуний ҳаракатларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқлиги ҳақида боради.

Тўртинчиси жиноятни тергов қилиш бўлиб, у объектив маълумотлар, далиллар ва кўрсатмаларни йиғиш, жиноятчининг шахсини аниқлаш ва уни ушлашга қаратилади [1, 19-б.].

Бешинчиси — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш [2, 127–128-б.].

Олтинчиси — марказий қисм ҳисобланган суд фаолияти.

Еттинчиси — ахлоқ тузатиш фаолияти. Унинг асосий мақсади шахснинг жамиятдаги тўлақонли ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган ва илгари бузилган индивидуал психологик хусусиятларни тиклашдир.

Шуни таъкидлаш керакки, юкорида санаб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ҳар бир тури ўзига хос психологик таркибий қисмга эга бўлиб, муайян турга тегишли психологик жараёнлар, қонунлар ва ҳодисалар билан тавсифланади.

В. Ф. Енғаличев [3] юкорида таъкидланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига тегишли юридик психологиянинг саккизта соҳасини ажратиб, уларни учта блокка гуруҳлайди. *Биринчи блок* юридик психологиянинг методологиясини белгиловчи ҳуқуқий ва криминал психологияни ўз ичига олади. *Иккинчи блокка* қолган бешта соҳа, *учинчи блокка* эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотининг психологияси киритилган.


Г. Г. Шиханцов юридик психологиянинг «таркибий ташкил этилиши» ёки «тоифалар тизими»ни тавсифлайди [4, 4-б.]. Ушбу тизимнинг элементлари сифатида муаллиф қуйидагиларни ажратган:

- 1) юридик психологиянинг предмети, вазибалари, тизими, усуллари ва ривожланиш тарихини ўз ичига олган методологик бўлим;
- 2) ҳуқуқий психология;
- 3) криминал психология;
- 4) тергов-қидирув психологияси;
- 5) суд психологияси;
- 6) ахлоқ тузатиш психологияси.

Шу билан бирга, В. М. Поздняков юридик психологияни бўлимларга тақсимламасликни таклиф этади. Унинг фикрига кўра «бу ташкил этилган бўлимларнинг чегараларини аниқлабгина қолмай, балки янгиларини шакллантириш, юридик психологиянинг фан сифатида тузилиши, объектлар, субъектлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибининг психологик феноменологиясини ўрганишни қамраб олиши керак» [5, 15–18-б.].

Ушбу йўналишни амалиётда қўллашда, муаллифнинг фикрига кўра, юридик психологиянинг таркибий қисмларини тавсифлаш учун тизимли ёндашув билан бир қаторда «нафақат таркибий, балки функционал ва генетик таҳлил» ҳам қўлланилиши керак. Бунда В.М. Поздняков юридик психологиянинг дарахтсимон тавсифини яратган (1-схемага қаранг).

Муаллифнинг таъкидлашича, «*биринчидан*, тирик табиий дарахтда бўлгани каби, бу ерда ҳам унинг барча қисмлари ва атроф олам ўртасидаги диалектик, органик эволюцион алоқани қўриш мумкин. *Иккинчидан*, агар биз ушбу «дарахт»нинг бирон қисмига сунъий равишда «визуал-образли қараш қилсак, унинг барча қуйи тизимларининг умумий ўхшашлигини топамиз. *Учинчидан*, юридик психология дарахти»да кўп сонли «бўшлиқлар» ва алоҳида куртаклари мавжудлиги унинг имкониятлари ҳамон сезиларли даражада актуаллашмаганлигидан далолат беради», [5, 21–22-б.] деб изоҳлаган. Ҳозирги кунда буларга хусусий ва тадбиркорлик ҳуқуқи психологияси, коллектив субъектлари қонун ижодкорлигининг психологик муаммолари, фуқаролик ишлари бўйича суд процесслари ва хорижий юридик психологиянинг ривожланишидаги кўплаб истиқболли йўналишлар В. М. Поздняков келтирган фикрларнинг давомидир, деб ҳисобласа бўлади.



1-чизма. Юридик психологиянинг генетик-структуравий тузилмаси

Бунда: ⊕ — юридик психологиянинг шарт-шароитлари, ○ — қуйи тизимлар, ⊗ — унинг йўналишлари.

1 — фалсафа; 2 — умумий психология; 3 — ижтимоий психология; 4 — ҳуқуқий фанлар; 5 — гуманитар фанлар; 6 — табиий ва техник фанлар; 7 — амалий психологик фанлар; 8 — методологик-назарий ва юридик психологиянинг методологик асослари; 9 — ҳуқуқий психология; 10 — криминал психология; 11 — жиноят ишлари бўйича суд фаолияти психологияси; 12 — фуқаровий-ҳуқуқни тартибга солиш психологияси ва фуқаролик суд жараёнлари; 13 — тергов ва тезкор-қидирув фаолияти психологияси; 14 — ички ишлар бошқармасининг махсус бўлинмалари фаолияти психологияси; 15 — ҳарбий-юридик психология; 16 — пенитенциар психология; 17 — қонун ижодкорлиги психологияси; 18 — жиноятчи шахс психологияси; 19 — жиноят жамоалари психологияси; 20 — жабрланувчи психологияси; 21 — суд фаолияти психологияси; 22 — прокурор фаолияти психологияси; 23 — адвокат фаолияти психологияси; 24 — Ҳайъат психологияси; 25 — жиноят ишлари бўйича суд-психологик экспертизаси; 26 — фуқаролик ишлари бўйича суд психологик экспертизаси; 27 — арбитраж судининг психологияси; 28 — ўт ўчирувчилар фаолияти психологияси; 29 — ЙҚХХ ходимлари фаолияти психологияси; 30 — махсус кучлар фаолияти психологияси; 31 — превентив психология.

Мамлакатимизда олиб борилаётган юридик психология йўналишига қаратилган ислохотлар жараёнида унинг назарий-методологик, ташкилий ва амалий муаммоларини англаб етиш ва юридик психология мутахассисларини тайёрлаш жараёнида ҳали бизнинг шароитимизда ўрганилмаган жуда кўп қирраларига эътибор қаратиш лозим. Юридик психолог (хизмат

фаолиятини психологик таъминлаш мутахассислари) касбий билим ва амалий кўникмаларини аниқ ажратиб олиш орқалигина уларни касбга тўғри йўналтириш мумкин. Шу мақсадда биз В.Ф. Енгаличев томонидан тақдим этилган юридик психолог касбий ваколатининг когнитив тузилмаси мазмуни ифодаланган жадвални келтириб ўтишни лозим топдик.

1-жадвал.

Юридик психолог касбий ваколати когнитив тузилмасининг мазмуни (В. Ф. Енгаличев бўйича)

М И Л И Б	<h4>Фанлараро</h4> <p>Хукукий билимлар — фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа, «давлат», «жиноят», «хукукбузарлик», «меъёр», «қонун», «юридик жавобгарлик» тушунчалари ва ҳоказо; хукук манбаларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, хукукни муҳофаза қилиш тизимларини ва Ўзбекистон давлат ҳокимиятини билиш; чет тилини; маҳаллий тарихни; назарий ва амалий маданиятшуносликни; сиёсатшунослик ва сиёсий муносабатларнинг турли жиҳатларини, ташкилотларни, институтларни ва ҳ.к.; педагогиканинг асосий тоифаларини, педагогик жараёнини ўтказиш ва ташкил этиш хусусиятларини; социологик билимларни; фалсафани; иқтисодиётни; математика, эҳтимоллик назариясини, экспериментал маълумотларни қайта ишлаш статистик усулларини; замонавий фан тушунчаларини; инсон антропологияси ва экология; марказий асаб тизими анатомияси ва физиологиясини, олий нерв фаолияти ва сенсор системаларни ва ҳ.к.</p>
	<p>Умумий психологияни, тушунчалар, онгнинг тавсифи ва хусусиятларини, психик жараёнларни, психик ҳолатларни; шахс психологияси, шахснинг асосий ғоялари ва назарий тушунчалари; экспериментал психология, замонавий психологиянинг методик ва методологик аппаратини, психологик эксперимент назариясини; психология тарихини: руҳ ақидалари ва онгнинг фалсафий таълимоти доирасидаги психологик билимларнинг ривожланиш динамикаси, табиий фанларнинг ривожланиши ва психологиянинг мустақил фанга ажралиши, очик инкироз даврдан олдинги психология, очик инкироз даврида чет эл психологияси, энг муҳим психологик оқимлар ва назариялар — бихевиоризм, психоанализ, неофрейдизм, гештальтпсихология, француз социологик мактаби, тавсиф психологияси, хулқ-атвор йўналиши, маданий-тарихий назария, фаолият ёндашуви, комплекс ва тизимли ёндашув, установка психологияси, режалаштирилган ақлий ҳаракатлар назарияси, гуманистик психология, логотерапия, когнитив психология; чет эл психологиясининг ҳозирги ҳолати ҳақида билим; зоопсихология ва психогенетика; психодиагностика, психология методлари ва математик асослари, ёш даврлари психологияси; ижтимоий психология, «мулоқот», «гуруҳ», «жамоа» ва бошқа тушунчалар, гуруҳ таъсирининг хусусиятлари, ижтимоийлашув жараёни ва бошқ.; меҳнат психологияси; клиник психология ва ҳ.к.</p>

Фанлар ичида

К Ў Н И К М А В А М А Л А К А Л А Р	Ҳуқуқий психология	<p>Ҳуқуқий муносабатларнинг психологик томонларини билиш; ҳуқуқий онгнинг моҳияти ва хусусиятлари, унинг тузилиши, асосий функциялари ва нуқсонлари, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий хулқ-атвор ва ҳуқуқий ташкилотлар тушунчаси; шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, тартибга солиш соҳасининг шаклланиш босқичлари ва механизмлари, ҳуқуқнинг интерио- ва экстериоризациялашуви, ҳуқуқий ижтимоийлашув нуқсонлари ва ҳ.к.</p>
	Криминал психология	<p>«Ҳуқуқбузарлик» тушунчасини билиш (салбий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят); ҳуқуқбузар шахсининг шаклланиш хусусиятлари, рецидивист психологияси, вояга етмаган ҳуқуқбузар психологияси; «жиноий ният» тушунчаси; жиноий ҳаракат ва унинг таркиби, жиноятни режалаштириш ва амалга ошириш пайтида сабаб ва қарорларни амалга оширишда мотивлар курашиш, уни яширишни режалаштириш, шериклик психологияси; жиноий гуруҳлар ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши психологияси, ташкилотлар ва жиноий гуруҳ лидери психологияси, ушбу гуруҳлардаги иерархия ва ҳ.к.</p>
	Превентив психология	<p>Хулқ-атвор оғиши психологиясини билиш, жиноий хулқ-атворнинг биологик ва ижтимоий негизлари, асоциал хулқ-атворнинг психобиологик шартлари, вояга етмаганлар ижтимоий дезадаптацияси, бола-ўсмир типологияси дезадаптацияси, ижтимоий дезадаптация белгилари диагностикаси, дезадаптив ўсмирлар ва болаларнинг шахс хусусиятлари; норасмий гуруҳлар психологияси, ўсмирлар криминоген гуруҳларининг шаклланиши ва фаолият хусусиятлари ҳақида тасаввур, уларнинг классификацияси; профилактика ва патронаж амалиётининг хусусиятлари, ижтимоийлашувнинг нуқсонлари, жиноят дунёси нормалари ва кадриятларини ўзлаштириш ва ҳ.к.</p>
	Тергов психологияси	<p>Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқбузарликларни текшириш бўйича фаолиятининг психологик таркибий қисмини билиш; гувоҳлар кўрсатмаси ва сўроқ психологияси, тергов жараёнида мулоқот жараёнининг хусусиятлари, сўроқ қилинаётган шахс индивидуал хусусиятларининг аҳамияти, кўрсатмаларнинг ишончилигини текшириш усуллари, тергов ва сўроқнинг объективлигига эришиш, сўроқ пайтидаги бошқа психологик усуллар; тергов тафаккурининг хусусиятлари, тергов тусмолларини шакллантириш, жиноятни тергов қилишда ноанъанавий усулларни билиш, «ёлғон детектори»ни қўллаш муаммоси ва хусусиятларини билиш, суггестив таъсир методи, профайлинг методлари ва психологик портретлашни қўллаш олиш — контакт-профайлинг, дистант-профайлинг, трейс-профайлинг ва ҳ.к.</p>

К Ў Н И К М А В А М А Л А К А Л А Р	Суд психологияси	Суд психологиясини ва тортишув принципларини билиш, суд жараёнларининг хусусиятлари (нормувофиклик, бузук маълумотлар, дифференциациялашмаганлик ва ҳ.к.), гувоҳларда, жабрланувчиларда, судланувчиларда ва бошқа суд иштирокчиларида жиноят-процессуал нормаларни қўллашнинг психологик таъсири роли ва ҳ.к.
	Пенитенциар психология	Ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи нормаларининг маҳкум руҳиятига таъсирини билиш, шахс учун ахлоқ тузатиш муассасидаги умумий зўриқиш омилларининг аҳамияти, янги муҳит, умумий муаммоли шахсларнинг мавжудлиги, жиноятчи дунёси қодаларига мослашиш хусусиятлари, маҳкумни қайта ижтимоийлаштириш усуллари, камокхоналарда жиноятчилар дунёси шаклланишининг психологик қонуниятлари; озодликдаги ҳаётга психологик тайёргарлик, фаолиятда ва ҳаракатларда ҳуқуқдан маҳрум бўлишнинг руҳиятга таъсири, жамоат аҳамиятига молик шахсий маъно мотивларининг ҳаракатлар дастурига ўтиши билан боғлиқ муаммоларни тасаввур қилиш; рецидив хулқ-атвор психологияси ва ҳ.к.
	Ҳуқуқни ҳимоя қилиш психологияси	Адвокатлик фаолиятининг психологик компонентларини билиш; адвокатуранинг ваколати ва тузилмаси адвокатлик фаолиятининг принциплари; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш натижаларига таъсир этувчи психологик жиҳатдан муҳим омиллар, адвокатларга қўйиладиган психологик талаблар, улар фаолиятининг ижтимоий-психологик тавсифи; адвокат ишини таъминлаш борасида юридик психологнинг консултив, диагностик, ўқув-тарбиявий, маданий-маърифий ҳаракатларини билиш ва ҳ.к.
	Ҳуқуқни муҳофаза қилишни ташқил этиш психологияси	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини билиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини билиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг психологияси; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида юридик психология фаолиятининг асосий йўналишларини билиш, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига номзодларнинг касбий психологик танлови, экстремал вазиятларда ўз махсус вазибаларини бажариш учун психологик тайёрлаш, ходимларнинг шахсини ривожлантириш ва психологик коррекция, ходимлар оилалари билан ижтимоий-психологик ишларни олиб бориш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини психологик таъминлаш шакллари, органлар тизимидаги психологик хизматнинг ҳозирги ҳолати ва ҳ.к.

К Ў Н И К М А В А М А Л А К А Л А Р	Фундаментал	Олган билимларни амалиётда қўллашни билиш; назарий билимлар йиғиндиси натижасида, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ахборот излаш; замонавий илмий концепцияларни ўрганиш қобилияти, амалий ва тадқиқот вазифаларини тўғри қўйиш ва бажариш; ўзини ўзи бошқариш ва психик бошқариш методларини қўллаш: гипноз, аутоген машқ ва бошқалар; амалиётда низоли вазиятларни коммуникатив ҳал қилишни билиш, низосиз мулоқат, коммуникатив жараёни вақтида ушлаб туриш, низони бошқариш; тақдим этилган фаолиятнинг психологик таркибий қисмини таҳлил этиш қобилияти (дастлабки тергов фаолияти, суд жараёни, маҳкумларни ижтимоийлаштириш ва ҳ.к.); хавfli гуруҳ вакилларини аниқлаш; касбий фаолиятда психодиагностик методлар ва техникадан доимий фойдаланиш кўникмаларини ишлатиш ва ҳ.к.
	Амалий	Ахборот-аналитик ишни бажариш қобилияти; шахснинг алоқа, масофавий ва из психодиагностикасини ташкил этиш ва ўтказиш; тергов қилишда ноанъанавий усулларни қўллаш самарадорлигини олдиндан аниқлаш; ҳуқуқбузарликни очиш жараёнида инсон хотирасини фаоллаштириш бўйича методикалар ва махсус усулларни қўллаш; қонуний ва ноқонуний психологик таъсирларни ажратиш; ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида коррекцион таъсир ўтказишнинг асосланган психологик дастурларини тузиш; жинсий қилмишни психологик таҳлил қилиш; психологик портрет ва профил тузиш ҳамда уларни асослаш; адвокат фаолиятида ҳимоя қилиш тактикасини психологик асосланган тарзда режалаштириш ва ташкил қилиш; психологик хизмат тизимини ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятининг ижтимоий-психологик таҳлилини ўтказиш; эксперт тадқиқотини ташкил қилиш ва суд психологик экспертизасини (СПЭ) ўтказиш; СПЭ доирасида психодиагностик методикаларни талқин қилиш ва ўтказиш; ўтказилган СПЭга ҳулоса бериш; музокаралар ўтказиш тактикасини ишлаб чиқиш; аноним матн муаллифини аниқлаш; гипнорепродуктив сўров сессиясини ташкил қилиш ва уни қўллаш муваффақиятини олдиндан айтиб бериш, ижтимоий-психологик тренинглар ўтказиш; реабилитацион-терапевтик дастурларни ташкил қилиш ҳамда амалиётда қўллаш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, олдимизда мамлакатимиз учун юридик психологиянинг тарихий илдиларини биладиган, хорижий тажриба ва назарий-методологик асосларни мукамал ўрганиб, амалиётга татбиқ этадиган, давр талабига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш, шунингдек фундаментал илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, юрисдикция соҳасида ҳам мустақил, ҳам интегратив фан сифатида уни фундаментал тарзда тақдим этишдек долзарб вазифалар турибди.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. *Еникеев М.И.* Юридическая психология. — СПб., 2001. — С. 19.
2. *Кобликов А.С.* Уголовный процесс. — М., 1999. — С. 127–128.
3. *Енгальчев В.Ф.* Профессиональная компетентность специалиста в практической юридической психологии. — М., 2004. — 436 с.
4. *Шиханцов Г.Г.* Юридическая психология. — Минск, 2000. — С. 4.
5. *Поздняков В.М.* Методологические и теоретические основы юридической психологии. — М., 1997. — С. 15–18.

*Ш. О. Курбанов**

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПРИКЛАДНОЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ КУРСАНТОВ АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье анализируются проблемы совершенствования профессионально-прикладной физической подготовки курсантов учебных заведений МВД, в частности Академии МВД Республики Узбекистан. Рассматриваются особенности системы их обучения, факторы, влияющие на образовательный процесс, и условия подготовки квалифицированных кадров для успешного выполнения служебных задач.

Ключевые слова: физическая подготовка, спорт, органы внутренних дел, курсант, профессионально-прикладная подготовка, квалификация, профессиональная деятельность

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТЛАРИНИНГ КАСБИЙ-АМАЛИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари таълим муассасалари, хусусан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсантларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш муаммолари таҳлил қилинади. Уларни ўқитиш тизимининг хусусиятлари, таълим жараёнига таъсир этувчи омиллар, келгусида хизмат вазибаларини муваффақиятли бажаришлари учун зарур кадрлар тайёрлаш шарт-шароитлари кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: жисмоний тайёргарлик, спорт, ички ишлар органлари, курсант, касбий-амалий тайёргарлик, малака, касбий фаолият.

PROBLEMS OF IMPROVEMENT OF PROFESSIONAL AND APPLIED PHYSICAL TRAINING OF CADETS OF THE ACADEMY OF THE MIA OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Annotation. The article analyzes the problems of improving the professionally applied physical training of cadets of educational institutions of internal affairs bodies, in particular, the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. The features of the system of their training, factors influencing the educational process, and the conditions for training qualified personnel for the successful fulfillment of official tasks are considered.

Keywords: physical training, sport, internal affairs bodies, cadet, professional-applied training, qualification, professional activity.

В Республике Узбекистан последовательно реализуются государственные меры по созданию необходимых условий для развития как массовой физической культуры, так и спорта высоких достижений. Конституция страны, принятый в

* *Курбанов Шукрулла Оманиллаевич, старший специалист-методист Учебного центра по специальной подготовке Управления координации специальных операций МВД Республики Узбекистан.*

новой редакции Закон Республики Узбекистан «О физической культуре и спорте» и другие нормативно-правовые акты направлены на утверждение здорового образа жизни, обеспечение массовости спорта [1].

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта» от 5 марта 2018 года на образовательные учреждения возложены задачи по воспитанию физически здорового подрастающего поколения, всемерному развитию спорта путем широкого вовлечения учащейся молодёжи в регулярные занятия физической культуры, стимулированию массового и профессионального спорта [2].

Одним из важных звеньев системы физической культуры и спорта является подготовка физически здоровых сотрудников силовых структур правоохранительных органов в специализированных учебных заведениях. Среди них особое место занимает высшее учебное заведение системы МВД, а именно Академия, где готовят специалистов-профессионалов, которые, по долгу своей службы обязаны быть стойкими, физически подготовленными кадрами, умеющими на высоком уровне выполнить свой служебный долг. Данное учебное заведение является основным образовательным учреждением, где профессионально-прикладная физическая подготовка курсантов должна быть на соответствующем уровне, необходимой для возросших современных требований. Профессионально-прикладная физическая подготовка входит в систему боевой и физической готовности сотрудников ОВД, являясь одним из ее предметов, важной и неотъемлемой частью воинского обучения и воспитания курсантов.

Специалисты в области профессионально-прикладного физического образования структуры МВД неоднократно отмечали, что вся система подготовки кадров для высококвалифицированной деятельности должна учитывать специфику служебно-профессиональной деятельности. Это в свою очередь, предполагает целенаправленное изучение требований, предъявляемых для подобного рода деятельности и в соответствии с которыми в дальнейшем необходимо организовывать образовательный процесс [3, с. 313].

Ведущим системно-образующим фактором является цель физической подготовки, формируемая на основе требований, предъявляемых к физической подготовке сотрудников ОВД. Они вытекают из особенностей профессиональной деятельности личного состава и качеств, необходимых для успешного выполнения обязанностей по службе. К особенностям профессиональной деятельности могут быть отнесены физические и психические нагрузки, режим двигательной активности, характер среды проживания, срок службы и другие факторы, связанные со службой и зависящие от уровня развития специальной техники и оружия.

Основной целью физической подготовки курсантов в Академии МВД Республики Узбекистан является обеспечение необходимого уровня их физической подготовленности для выполнения боевых и других задач в соответствии с их предназначением. В процессе физической подготовки формируется, в первую очередь, сила, быстрота, выносливость и ловкость, в последующем — теоретические знания и организационно-методические умения и навыки.

С целью совершенствования профессионально-прикладной физической подготовки курсантов Академии МВД Республики Узбекистан с учетом достижения высокого уровня их общей и специальной физической готовности определены общие и специальные задачи.

Общими задачами профессионально-прикладной физической подготовки курсантов являются:

- формирование здорового образа жизни;
- гармоничное физическое и духовное развитие;

– развитие и поддержание на требуемом уровне выносливости, силы, быстроты и ловкости;

– формирование навыков в передвижении по пересеченной местности в пешем порядке, преодолении естественных и искусственных препятствий, рукопашном бою, профессионально-прикладном плавании.

Специальные задачи физической подготовки обуславливаются спецификой профессиональной деятельности личного состава подразделений ОВД республики. Они формируются с учетом конкретных особенностей и условий деятельности сотрудников ОВД в различных жизненных ситуациях, связанных с выполнением ими своих профессиональных обязанностей.

Кроме решения специальных задач, физическая подготовка должна обеспечивать поддержание оптимальной работоспособности сотрудников и восстановление её после длительных профессиональных нагрузок [4, с. 14].

Совершенствование вооружения и специальной техники вызывает все более глубокое разделение труда, порождает новые технические специальности, ведёт к появлению новых видов физических и нервно-психических нагрузок. Так, профессиональная деятельность ряда специалистов приобрела характерные черты труда сотрудников ОВД [5, с.73]. Они требуют способности быстро перерабатывать большой объем информации, устойчивости к продолжительной работе, внимательности, чёткой координации. Причем никакие, даже самые сложные и совершенные приборы не могут заменить человека при выполнении как элементарных, так и более сложных видов мыслительных операций.

Созданные на основе научно-технического прогресса инновационно-технологичные вооружения привели к появлению новых систем, требующих коллективного обслуживания, выработки группового навыка согласованной деятельности сотрудников. Поэтому различный уровень физической выносливости, двигательной координации у членов специального подразделения ОВД может привести к тому, что самый слабый будет определять темп работы, его неподготовленность приведёт к непоправимым ошибкам.

Следует отметить, что в настоящее время появились новые педагогические технологии, которые потребовали совершенно иного подхода к подготовке кадров ОВД в Академии. Так, стала преподаваться особая дисциплина для боевого дежурства. Боевые расчеты должны переходить к работе в максимальном темпе без всякого периода вработывания, а на это способны только люди с хорошей физической подготовкой, высокой психологической устойчивостью. Постоянная боевая готовность предъявляет особые требования к сохранению точности действий на протяжении всего дежурства. Она напрямую зависит от степени утомления, которое наступает позже у лиц с высокой физической выносливостью.

Физическая подготовка, обеспечивая сохранение работоспособности и формирование специальных качеств у личного состава, является одним из важных элементов поддержания боевой готовности всего подразделения.

Современная обстановка в правоохранительной деятельности органов внутренних дел характеризуется высокой маневренностью сил и средств, напряженностью и скоротечностью, быстрыми и резкими изменениями обстановки, усилением роли человеческого фактора. Обстановка требует от сотрудников ОВД высоких морально-боевых и физических качеств, способности выдерживать высокие психологические и физические нагрузки.

Высокая интенсивность служебной деятельности ОВД обуславливает дефицит времени, за которое они могут принять решение и с применением физических навыков выполнить необходимую правоохранительную функцию. И это время постоянно сокращается. Экономия времени в выполнении необходимых приемов и действий стала одним из показателей служебного мастерства личного состава, а она возможна только на базе высокой физической готовности сотрудников ОВД.

Дефицит времени в боевой обстановке, коллективный характер деятельности, не позволяющий использовать индивидуальный темп работы, вызывает чрезмерное физическое и психологическое утомление личного состава. Физическая закалка оказывает значительное влияние на боеспособность курсантов и проявляется, во-первых, в повышении боевой выучки курсантов и устойчивости организма к неблагоприятным факторам обстановки, во-вторых, в совершенствовании психологических качеств.

Служебная (боевая) готовность, рассматриваемая как венец профессионального мастерства курсантов при выполнении служебных обязанностей, выражается в способности сотрудников ОВД, в целом с высоким качеством выполнять служебную задачу в заданный отрезок времени. Поэтому вполне понятно стремление руководителей подразделений всех степеней оценивать значение любого раздела выучки по его вкладу в состояние служебно-боевой готовности.

Значение физической подготовки для поддержания высокой боевой готовности всегда тесно связано с характером и способом ведения боевых действий, которые в свою очередь определяются боевыми средствами, находящимися в распоряжении ОВД [6].

В ходе научно-технической революции сотрудники ОВД получили принципиально новые образцы вооружения и специальной техники. Значительно усовершенствовались традиционные образцы. Появилось много автоматизированных и механизированных систем, управление которыми требует не столько высокой двигательной активности, сколько большого объема теоретических знаний.

В данной ситуации необходимо грамотное разрешение диалектического противоречия между объективным отсутствием больших физических нагрузок в повседневной практической деятельности сотрудников силовых структур и требованием высокой физической подготовленности как условия устойчивой работоспособности. Наличие такого противоречия приводит к недооценке значимости физической подготовки для повышения профессиональной готовности курсантов. Рассмотрение вопроса о влиянии уровня физической подготовленности на состояние обучения курсантов невозможно без понимания механизма осуществления этого влияния. Многочисленными исследованиями доказано, что в основе этого механизма лежит явление переноса навыков и умений, сформированных в одной области человеческой деятельности, на результаты овладения навыками и умениями в других сферах. Этот перенос может осуществляться в близких по структуре действиях, например между различными физическими упражнениями.

Применительно к физической подготовке явление переноса может наблюдаться не только относительно навыков, но и относительно физических качеств [7]. Во многих случаях явление переноса связано с общностью морфологических, биохимических и функциональных изменений в организме под влиянием упражнений в развитии физических качеств.

При планировании явлений переноса постоянно возникает вопрос о том, на каком уровне развития физических качеств и закрепления двигательных навыков возможно

их положительное влияние на другие формы деятельности. Анализ многочисленных исследований дает основание для формулировки некоторых закономерностей.

Факты показывают, что перенос легче всего осуществляется на первых этапах формирования двигательных умений и навыков в особых видах деятельности.

Можно предположить, что в любой области деятельности по мере профессионального становления у каждого человека складывается свое специфическое сочетание компонентов рационального выполнения заданий. После овладения основными профессиональными навыками и умениями с помощью физических упражнений можно в большей мере сформировать физиологическую базу устойчивой работоспособности и условия сохранения структуры навыка при утомлении. Этим и объясняется влияние физической подготовленности на деятельность опытных сотрудников в экстремальных ситуациях. Влияние фактора физической подготовленности характерно для всех силовых структур и в особенности для образовательных учреждений системы МВД, которые должны готовить специалистов, обладающих необходимыми физическими навыками и умениями. Это позволит им оптимально выполнять свой профессиональный долг.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-174 «О физической культуре и спорте» (новая редакция) от 4 сентября 2015 г. // Народное слово. — 2015. — 5 сент.

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта» от 5 марта 2018 г. // Народное слово. — 2018. — 6 марта.

3. *Баркалов С.Н.* Технологические основы построения служебно-боевой подготовки с учетом специфики служебной деятельности сотрудников ОВД // Вопросы совершенствования правоохранительной деятельности ОВД: Сб. статей адъюнктов и соискателей. — М.: МосУ МВД РФ, 2005. — С. 313.

4. *Полянский В.П.* Учет специфики будущей служебной деятельности в физической, огневой и тактико-специальной подготовке курсантов образовательных учреждений МВД России / В.П. Полянский, С.Н. Баркалов // Совершенствование системы профессиональной подготовки кадров в ОВД: Матер. межвуз. науч.-практ. конф. — М.: МосУ МВД РФ, 2003. — С. 14.

5. *Баркалов С.Н.* Некоторые аспекты оптимизации образовательного процесса в ходе занятий по физической подготовке // Сб. статей итоговой науч.-практ. конф. профессорско-преподавательского состава ОрЮИ МВД России. — Орел: ОрЮИ МВД РФ, 1998. — С. 73.

6. *Баркалов С.Н.* Метод профессиографирования как один из путей оптимизации процесса профессиональной подготовки курсантов образовательных учреждений МВД России // Вопросы совершенствования правоохранительной деятельности ОВД: Межвуз. сб. научных трудов адъюнктов и соискателей. Часть 2. — М.: МосУ МВД РФ, 2004. — С. 106–109.

7. *Герасимов И.В., Баркалов С.Н.* Совершенствование методики физической подготовки курсантов образовательных учреждений МВД России // Совершенствование учебного процесса по боевой подготовке курсантов образовательных учреждений МВД России: Сб. статей межвуз. науч.-практ. конф. — Орел: ОрЮИ МВД РФ, 2001. — С. 57–60.

МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлиги, осойишталиги ва чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: мудофаа, хавфсизлик, барқарорлик, давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик, тинчлик, ҳарбий округ, ҳарбий таълим, ҳарбий фан, тажовузларнинг олдини олиш, давлат чегараларини кўриқлаш, ҳарбий-техник сиёсат, ҳарбий-иқтисодий тадбирлар.

СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ОБОРОНОСПОСОБНОСТИ

Аннотация. В статье исследуются социально-правовые проблемы, связанные с укреплением обороноспособности государства, обеспечения территориальной целостности, спокойствия и неприкосновенности границ Узбекистана.

Ключевые слова: оборона, безопасность, стабильность, государственный суверенитет, территориальная целостность, мир, военный округ, военное образование, военная наука, предотвращение агрессии, охрана государственной границы, военно-техническая политика, военно-экономические мероприятия.

SOCIAL AND LEGAL PROBLEMS OF DEFENCE POTENTIAL DEVELOPMENT

Annotation. The article examines the social and legal problems connected with the strengthening of defence potential of the state, ensuring territorial integrity, tranquility and inviolability of the borders of Uzbekistan.

Keywords: defense, security, stability, state sovereignty, territorial integrity, peace, military district, military education, military science, prevention of aggression, defence of state border, military-technical policy, military and economic measures.

Мамлакатимизда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг ҳудудий яхлитлиги, дахлсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш асосий вазифага айланди. Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилияти ва хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди ҳамда тартибга солинмоқда.

Мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлашга қаратилган норматив базанинг яратилиши 1991 йил 31 августда «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дислокация қилинган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги 1992 йил 14 январь қарорининг қабул қилинишидан бошланди. Унга кўра, собиқ Иттифок

**Джумабаев Жалолиддин Зайнитдинович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети бошлигининг ўринбосари.*

Қуролли Кучларининг Ўзбекистон Республикасида жойлаштирилган ҳарбий қисм, кўшилма, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса, ташкилот ва бошқа ҳарбий тузилмалари мустақил давлатимиз тасарруфига ўтказилди.

Айниқса, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5-йўналишида «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат соҳасидаги усутувор йўналишлардан бири сифатида «давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш... Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш... Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш...»[1] масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш керакки, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, унинг мудофаа қобилиятини ошириш масалаларида ҳозирги вақтда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий округлари муҳим роль ўйнайди.

Булар: 1) Шимоли-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), округ штаби — Нукус шаҳрида; 2) Жануби-ғарбий махсус округ (Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари), округ штаби — Қарши шаҳрида; 3) Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари), округ штаби — Жиззах шаҳрида; 4) Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти), округ штаби — Тошкент шаҳри; 5) Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари), округ штаби — Марғилон шаҳрида жойлашган[2]. Бу эса ҳарбий-сиёсий ҳолатларда кўшинларни дарҳол жанговар ҳолатга келтириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсати давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқимизнинг тинч ҳаёт кечирishiга қаратилган.

Мамлакат хавфсизлик тизимининг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Унинг 125, 126-моддалари бевосита хавфсизлик ва мудофаа масалаларига бағишланган бўлиб, 52, 57, 93-моддаларида бу борадаги қоидалар мустаҳкамланган.

Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига мувофиқ, республика Президенти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифаларидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради. Ушбу модданинг 2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чоралар кўради; 18-бандига биноан, Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганида ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганида уруш ҳолати эълон қилиш ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритиш ҳам республика Президентининг ваколатларига кириши белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш унинг ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар конунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Шундай қилиб, Конституция хавфсизлик тизими ҳарбий ҳуқуқининг энг муҳим манбаи ҳисобланади.

Мудофаа қобилиятини такомиллаштириш ва хавфсизликни таъминлашнинг кейинги манбаларига «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги (1999 йил

20 август), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 йил 26 май), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 йил 15 декабрь), янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги (2000 йил 11 май), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрь) ва «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги (2003 йил 25 апрель) қонунлари киради.

Қуrolли Кучлар — давлатнинг мустақамлиги, барқарорлиги ва тинчлиги ҳамда хавфсизлиги гаровидир. Қуrolли Кучларнинг юксак ташкилий ва жанговар ҳолати, давлат мудофаасини таъминлашга қодирлиги мамлакатнинг тақдири ва ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Мустақил давлат ўз суверенитети ва хавфсизлигини муҳофаза эта олиши лозим. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги (1991 йил 31 август) қонуннинг 6-моддасида Мудофаа вазирлигини таъсис қилиш ва Миллий гвардияни ташкил этиш зарурлиги таъкидланган эди [3]. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги қарори алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, собиқ Иттифоқ Қуrolли Кучларининг республикамиз ҳудудида жойлашган барча қисмлари, ҳарбий таълим муассасалари, ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди, яъни уларнинг бутунлай Ўзбекистон қонунлари ва мамлакат раҳбариятига бўйсунуши ҳамда бошқа давлат ёки ташқи ҳарбий тузилмаларга итоат этмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаб кўйилди.

Ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни мамлакатда оммавий байрам қилинади. Миллий хавфсизликнинг муҳим омили сифатида Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Ватанимизнинг нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда Қуrolли Кучлар курукликдаги кўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва махсус кўшинлардан иборат. Қуrolли Кучларни жойлаштириш унинг Олий Бош Қўмондони (яъни, Ўзбекистон Президенти) раҳбарлигида Мудофаа вазирлиги, унинг Бош штаби томонидан ишлаб чиқилган чизма, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, чегаралари ҳамда ҳаво чегараларининг ишончли ҳимоя қилинишини назарда тутувчи стратегик режа, мудофаа доктринаси талаблари, оператив ва кўшинларни жанг олдида сафарбар этиб жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий соҳадаги ваколатлари жуда кенг. У Олий Бош Қўмондон сифатида Қуrolли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Президент Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади. У Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади, унинг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Бу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларини бошқариш Президент билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам амалга оширилади. Қуrolли Кучларнинг ҳарбий тайёргарлик ва моддий-техникавий соҳадаги эҳтиёжларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муайян ваколатларга эга.

Минтақамиз ва мамлакатимиз чегаралари яқинидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият, жаҳонда экстремистик кучлар кўпайганлиги туфайли янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди ва Президентнинг 2000 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўзида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизматининг махсус бўлинмалари ва бошқа органларнинг ҳарбий тузилмаларини бирлаштирди. Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ривожланган демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, Қуролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назоратини ўрнатиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳамда республикада мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи бошқа тузилмаларнинг вазифалари қайта кўриб чиқилди. 2000 йилда Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди. У мамлакатимизнинг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилишга доир қарорлар ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органига айланди.

Компьютер технологиялари ва бошқа замонавий таълим шаклларида фойдалана оладиган мутлақо янгича тузилган сержантлар мактаблари ва тайёрлов марказлари ташкил этилди. Эндиликда хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси алоҳида назоратга олинган.

Марказий Осиёда юзага келган мураккаб вазият Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти, яъни сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маънавий куч-қудратининг ташқи тажовузлардан ҳимояланишга тайёргарлик даражасини юксалтириш, шунингдек минтақада барқарорликни таъминлашни долзарб вазифага айлантди. Минтақада, қолаверса, бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорлик қарор топишининг тарафдори Ўзбекистоннинг асосий мақсади мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишнинг кафолатли имкониятларини яратишдан иборатдир. Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсати давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, республика манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқимизнинг тинч ҳаёт кечиришига қаратилган. Конституциянинг 125-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши қонун билан белгиланади», — дейилган. Ушбу конституциявий норманинг бажарилишига қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар йиғиндиси — «мамлакат мудофааси» деган тушунчани ифодалайди.

«Мудофаа тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, мамлакат мудофаасининг асосий мақсадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумларнинг олдини олиш ва тажовуз қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай шароитда қуролли ҳимояланишни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонунда Қуролли Кучлар фаолиятининг қуйидаги: қонуннинг устунлиги; марказлаштирилган бошқарув ва яккабошчилик; доимий жанговар ва сафарбарликка шайлик; партиядан холилик; ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш каби принциплари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси Қуролли Кучлар тузилишида мудофааланиш етарли даражада бўлиши қонунга асосланади ва давлатимиз:

урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмайди;

бетарафлик йўлини тутишга интилади ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик қонунга риоя этишга ҳаракат қилади;

биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмайди ва биронта ҳам халқни душман деб билмайди;

башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда, бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламайди.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш куйидаги вазифалардан иборат:

ҳарбий фанни ривожлантириш;

тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга ошириш, хавфсизликнинг жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

давлат чегараларини қўриқлаш;

ҳарбий техника сиёсати, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ва Куролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий техника ашёлари, озик-овқат ҳамда бошқа моддий техника воситалари билан тўла-тўқис таъминлаб туриш;

халқ хўжалиги, давлат идоралари, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлаш;

аҳоли ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлаш;

Қуролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркиби ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарликлари, Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий ифвогарликларнинг пайини қирқиш ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлиш;

мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиб бориш назарда тутилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Шу боис ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан 2018 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сон қарори билан «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси» қабул қилинди. Унда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кўшни давлатлар билан тинч-тотувликни таъминлаш давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ: «Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз» [4]. Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозирги кунда у такомиллашиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. — URL: <http://www.lex.uz/docs/3107036>

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 12. — Т., 2006. — Б.219.

3. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонун. — URL: // <http://lex.uz/docs/127899>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. — URL: <https://president.uz/uz/lists/view/1063>